

**А.В. ВАХАБОВ, Ш.Х. ХАЖИБАКИЕВ,
Н.Г. МУМИНОВ**

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР



“МОЛИЯ”

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

А.В.ВАХАБОВ, Ш.Х.ХАЖИБАКИЕВ, Н.Г.МУМИНОВ

**ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР**

Ўқув қўлланма

**ТОШКЕНТ
«Молия»
2010**

А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., профессор А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Молия», 2010, 328 бет.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ОТ-Ф7-124 (Ф7-081+Ф7-103) «Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишини фаоллаштириш ва қишлоқ ҳудудларида институционал ислоҳотларнинг чуқурлашуви» мавзусидаги фундаментал давлат илмий гранти доирасида бажарилган ва нашр этилган.


Ушбу ўқув қўлланма хорижий инвестицияларнинг моҳияти, зарурлиги, вазифалари, шакллари, тизимланиши ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрнини ўрганишга бағишиланган. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг институционал-хуқуқий асослари, инвестицион муҳит ва уни белгиловчи омилиар, хорижий инвестициялар ҳаракатини тартибга солиш механизми ва трансмиллий компанияларнинг халқаро капитални тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги ўсиб бораётган ўрни таҳлил қилинган. Хорижий инвестицияларнинг инқизозга қарши чоралар дастури, иқтисодиётни модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдаги ўрни чуқур таҳлил қилиниб, хорижий инвестицияларни, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг бакалаврлари, магистрлари, аспирантлари, ўқитувчилари ва хорижий инвестициялар билан ишловчи ташқи иқтисодий фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг амалиётчи ходимлари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: иқтисод фанлари доктори, профессор Н.Х. Хайдаров.
иқтисод фанлари номзоди, доцент П.З. Хашимов.

*Ўзбекистон Миллий Университетининг Ўқув-услубий Кенгаши қарорига
асосан нашрга тавсия этилган*

ISBN 978-9943-302-35-8



© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси,
«Молия» нашриёти, 2010 й.

КИРИШ

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг муҳим ва барқарор суръатларда ўсиб бораётган муҳим таркибий қисмларидан бири халқаро инвестициялар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларицек, «...Инқизотга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди»¹.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида хорижий инвестицияларни жалб этишининг иқтисодий механизмини таҳлил қилиш ҳамда самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш қабул қилаётган мамлакатлар учун қатор афзалликларни вужудга келтиради. Хорижий инвестициялар «...ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда»². Жаҳондаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиётини, моделларини чуқур ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибасини мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ижодий қўллаш муҳимдир.

Ўқув қўлланма ОТ-Ф7-124 (Ф7-081+Ф7-103) «Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишини фаоллаштириш ва қишлоқ ҳудудларида институционал ислоҳотларнинг чуқурлашуви» фундаментал давлат илмий гранти доирасида бажарилган.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фарованиелинин янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 43-б.

² Ўша манба 37-б.

Ўкув кўлланма таркибан кириш, тўқиз боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. «Хорижий инвестициялар: моҳияти, шакллари ва хусусиятлари» номли I бобда хорижий инвестицияларнинг моҳияти, функциялари ва жалб этишга багишланган илмий концепцияларнинг ривожланиш босқичлари тадқиқ этилган. Халқаро капитал миграциясининг моҳияти, сабаблари, омиллари, шакллари ва гуруҳланиши таҳлил этилган. Инвестиция нормаси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги корреляцион алоқа ва унга таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Ўкув кўлланманинг «Жаҳон хўжалигида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрни» деб номланган II бобида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни, назарий асослари, таркиби ва ривожланиш динамикаси атрофлича чукур таҳлил этилган. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, модернизациялаш ва янги тармоқларнинг ривожланишида инвестициялар ўрнининг ортиб бориши таркибий ўзгаришлар орқали асосланган.

«Хорижий инвестицияларнинг халқаро ҳаракатини тартибга солиш» деб, аталган III боб хорижий инвестицияларнинг халқаро ҳаракатини тартибга солишнинг халқаро ва миллий усусларини таҳлил қилишга багишланган булиб, ушбу бобда хорижий инвестициялар ҳаракатини тартибга солувчи, кафолатловчи халқаро молия институтлари фаолияти ўрганилган ва Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳукуқий-институционал асослари баҳолангандан ҳамда уни такомиллаштиришга қаратилган илмий хуросалар келтирилган.

«Халқаро капитал ҳаракатида трансмиллий корпорацияларнинг ўрни» деб номланган IV бобда халқаро капитални тақсимлаш ва қайта тақсимлашда трансмиллий корпорацияларнинг ўрни очиб берилган. Ҳозирги замон трансмиллий компанияларининг хусусиятлари, трансмиллийлашув индекси, трансмиллий банклар, молия-саноат гуруҳлари ва Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларининг шаклланиш хусусиятлари, ривожланиш омиллари чукур ўрганилган.

Ўкув қўлланманинг «Инвестиция муҳити ва уни яхшилаш йўллари» номли V боби эса инвестиция муҳитининг шаклланиши ва уни яхшилаш йўлларини кўриб чиқишига багишланган. Ушбу бобда Ўзбекистонда инвестиция сиёсати чукур ўрганилган, инвестицион рисклар баҳолангандан ва инвестиция сиёсатининг устувор йуналишлари моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор берилган.

«Хорижий инвестицияларни жалб этишда эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни» номли VI бобда хорижий инвестицияларни жалб этишда эркин иқтисодий зоналарнинг тутган ўрни, шакллари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси ўрганилган, Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ҳолати баҳоланган, хусусиятлари аниқланган ва ривожланиш истиқболлари чуқур таҳлил этилган.

Қўлланманинг VII боби «Ҳалқаро лизинг» деб номланиб, унда ҳалқаро лизинг хорижий инвестицияларни жалб этишнинг барқарор суръатларда ўсиб бораётган алоҳида шакли сифатида ўрганилган. Ўзбекистонда лизинг муносабатларини ташкил этишнинг хукуқий асослари таҳлил қилинган ва лизинг хизматлари бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш йўллари тадқиқ этилган.

Ўқув қўлланманинг «Иқтисодиётни модернизациялаш» номли VIII бобида миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг мазмуни, зарурлиги, ҳаракатлантирувчи кучларининг моҳияти очиб берилган. Ушбу бобда иқтисодиётни модернизациялашнинг таркиби, моделлари ва уни амалга оширишнинг хориж тажрибаси, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқишнинг принциплари, институционал-ташкилий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Қўлланманинг «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялашда хорижий инвестицияларнинг ўрни» номли IX бобида хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш ҳолати, таркиби баҳоланган ва ривожланиш тенденциялари аниқланган. Мамлакатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни, тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар ўртасидаги миқдорий нисбат ҳамда унга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Хорижий инвестицияли корхоналарнинг ташқи фаолияти, миллий хўжаликда тутган ўрни баҳоланган. Хорижий инвестицияларнинг давлат инвестицион дастурлари, иқтисодиётни модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдаги инвестицион лойиҳаларнинг ўрни ўрганилган, инвестицион дастурларни самарали амалга оширишга қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўқув қўлланмада жаҳон молиявий-иктисодий инқизорозининг хорижий инвестицияларнинг ҳолати, жалб этиш миқёси, тармоқ ва географик таркибига тавсиири ўрганилган.

«Хорижий инвестициялар» курси бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган малакали калрлар тайёрлашда мұхим ва долзарб булишига қарамасдан, шу кунга қадар ушбу курс бүйича мамлакатимизда нашр этилган бирорта үқув құлланма ёки дарсликнинг йүқлиги сұзсиз үқувчилар томонидан қизықиши үйғотиши табиийдир. Шу муносабат билан муаллифлар гуруҳи үқув құлланма мазмуни, таркиби ва унда күтарилған масалалар юзасидан үқувчилардан ўз фикр ва мұлоҳазаларини, билдиришларини сұрайди.

Үқув құлланма Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедрасининг аъзоларидан иборат қуйидаги муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланған:

и.ф.д., проф. **Вахобов А.В.**, к.ўқ. **Хажибакиев Ш.Х.** – I – VI,
VIII - IX боблар, и.ф.н., доц. **Мұминов Н.Г.** – VII боб.

I БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР: МОХИЯТИ, ШАКЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Хорижий инвестицияларнинг моҳияти, функциялари ва илмий концепциялари

XXI аср бошида ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бозор инфратузилмаларини шакллантиришига қаратилган иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу мамлакатларда қўйидаги сабабларга кўра хорижий инвестицияларни жалб этиш зарурияти туғилди:

а) иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва мамлакат ялпи ички маҳсулотида (**ЯИМ**) саноат маҳсулотларининг улуши қисқарди. Масалан, Ўзбекистонда 1991 йилда саноатнинг мамлакат **ЯИМ**ни ишлаб чиқаришдаги улуши 26,3% ни ташкил этган ҳолда 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 24,0% га teng бўлди. Мамлакатда хорижий инвестициялар ёрдамида саноатни барқарор ривожлантириш зарур;

б) саноат тармоғидаги асосий фондлар устун даражада жисмоний ва маънавий эскириб бормоқда. Масалан, 2002 йилда саноат тармоқларидағи асосий ишлаб чиқариш фондларининг 43,9% и эскирган бўлса, 2007 йилга келиб ушбу кўрсаткич 48% га teng бўлди. Шу билан бир қаторда, асосий фондларни янгилаш коэффициенти 2007 йилда бор йиги 10,5 % ни ташкил этди;

в) миллий иқтисодиёт субъектларининг ўз асосий ишлаб чиқариш фондларини молиялаштириш ва айланма маблағларини шакллантириш учун ўз маблағларининг етишмаслиги;

г) иқтисодиётни модернизациялаш ва чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, рақобатбардош ва юқори технологияни мужассамлаштирган экспортта йўналтирилган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни барқарор суръатларда ишлаб чиқаришнинг зарурлиги.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари юқоридаги сабабларга кўра молиявий ресурсларга жиддий эҳтиёж сезмоқдалар ва шу сабабли қарз олишининг ташки манбаларига мурожаат қилишга мажбурлар. Ташқаридан молиялаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёни ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига хос хусусиятлардан келиб чиқадиган объектив иқтисодий ҳолатdir.

XXI аср бошида иқтисодиёттинг глобаллашуви омилларидан бири капиталнинг мамлакатлар ўртасида ҳаракатланишининг барқарор суръатларда ўсиши ҳисобланади. Товар ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан ҳисобланган капиталнинг халқаро ҳаракати миллий иқтисодиёт чегараларидан чиқиб бошқа мамлакатларга кучади. Шу тариқа капиталнинг четга чиқиб кетишини капиталнинг бир қисмини миллий айланмадан ажратиб олиш ва уни тегишли шаклларда хорижий мамлакатлар иқтисодиётига ўтказиш жараёни деб таърифлаш мумкин (1.1.1-расм).

Халқаро капитал миграцияси

Жаҳон иқтисодиётининг турли мамлакатлари ўртасида эгаларига қўшимча даромад келтирувчи капиталнинг қарама-қарши ҳаракати

Асосий омиллари

- а) жаҳон иқтисодиётини байналминаллашув даражасининг кучайиши ва халқаро капиталлар ҳаракатчалигининг ошиши;
- б) жаҳон иқтисодиётининг нотекис ривожланиши ва унинг асосида халқаро капиталлар ҳаракатининг ортиши;
- в) капиталларнинг алоҳида мамлакатларда тарихий сабабларга кўра ёки ўзлаштирилган ҳолда тўпланиши ва улардан хорижда самарали фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- г) юқори меҳнат сиғимкорлигига эга ишлаб чиқаришни ривожланастган мамлакатларга олиб ўтиш имконияти;
- д) атроф-муҳитга зарар етказувчи ишлаб чиқаришни бошқа мамлакатлар, одатда ривожланастган мамлакатларга олиб ўтиш имконияти;
- е) иқтисодиётни мунтазам хом ашё ресурслари билан таъминлаш учун капитални хорижда қазиб чиқариш тармоқларига сарфлашнинг мақсадга мувофиқлиги;
- ё) капитални божхона чекловларини айланиб ўтиш учун ривожланган мамлакатларнинг қайта ишлаш саноатига сарфлашнинг мақсадга мувофиқлиги;
- ж) қабул қилувчи мамлакатларда капиталнинг етишмаслиги.

1.1.1-расм. Халқаро капитал миграцияси

Капиталнинг чиқиб кетиши замонавий жаҳон иқтисодиётига хос белги бўлиб, XXI аср бошида унинг динамикаси товарлар экспортининг ўсиш суръатларидан юқори бўла бошлади. XX аср жаҳон иқтисодиётида капитал экспортининг жадал ривожланиши билан белгиланди.

Халқаро капиталлар миграцияси капитални қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига турлича таъсир қиласи. Қабул қилувчи мамлакат учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши қуйидаги афзалликларга эга:

- иқтисодий ва илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш;
 - барқарор молиялаштириш манбаига эга булиш;
 - ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш ва модернизациялаш;
 - технологиялар, бошқарув күнукмалари, савдо белгилари, патентлар ва лицензияларнинг кириб келиши;
 - экспортнинг диверсификациялашуви;
 - құшилған қыймат улуши юқори бұлған тармоқларда малакали ишчи күчи учун афзаллікларнинг вужудға келиши;
 - ташқи бозорлар билан алоқаларнинг кенгайиши;
 - қабул қылувчи иқтисодиёт рақобатбардоштыгининг ошиши;
 - бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш.

Иқтисодий адабиётда инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига кўрсатиладиган самарани аниқлашда икки хил ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашув ташқи савдога оид анъанавий назарияларга хос булиб, улар хорижий инвестицияларнинг моддий буюм омилига бевосита таъсирини белгилайди. Бундай модельнинг асосий шарти шундан иборатки, хорижий инвестициялар меҳнатнинг чегараланган маҳсулини кўпайтиради ҳамда капиталнинг чегараланган маҳсулини камайтиради.

Саноатни ташкил этиш билан боғлиқ иккинчи ёндашув инвестициялар киритишининг билвосита ва ташқи самарасига жиддий эътибор беради. Мазкур назария тарафдорлари нима учун фирмалар ўз мамлакатида худди шундай товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқармасдан хорижга инвестиция қилишлари сабабини тушунишга уринадилар. Уларнинг фикрича, хорижий инвестициялар меҳнат унумдорлигини ошириш ва экспортни қенгайтириш асосида қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини таъминлайди. Хорижий инвестициялар ҳисобига олинадиган, таъминланадиган афзаликларнинг энг муҳим мезони қабул қилувчи мамлакат ва ундаги инвестиция муҳити түррисидаги тавсифидир.

Аксарият назариялар хорижий ишлаб чиқариш ва халқаро савдонинг ўзаро ўрнини босувчи бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТГХИ) оқими юқори технологияларнинг кириб келишига олиб келади, шунингдек, уларни маҳаллий фирмаларга жорий этиш самарасини оширади, бу эса мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланишишга олиб келади, деган фикрга асосланади.

Инвестициялар натижасида технологияларни узатиш самарасини учта турға ажратиш мүмкін:

— Намойишли ва күргазмали самара — миллий фирмалар олиб кирилган юқори технологияларнинг техник ютуқларини нусхалаш йүли билан жорий этишлари мүмкін.

— Ишчи кучи кадрларининг құнимсизлиги — тегишили трансмиллий корпорациялар (ТМК) доирасида ўз малакасини ошираётган ишчи ва хизматчилар маҳаллий фирмаларга ахборот беришлари ёки ўз компанияларини ташкил этишлари мүмкін, бу эса юқори технологияларнинг тарқалишига күмаклашади.

— Хорижий ва миллий фирмалар ўртасида ишлаб чиқариш ҳамда бошқа алоқаларнинг үрнатилиши ва кенгайтирилиши, бу ТМК томонидан маҳаллий товарлар, хизматлар, ишлаб чиқариш күвватларига бўлган талабга боғлиқ.

Умуман, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва юқори технологияларни, бошқарув қўнікмаларини жалб қилиш миллий фирмаларнинг ишлаб чиқариш усусларига муайян ўзгаришларни олиб киради. Иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш нуқтаи назаридан ТТХИ оқимини рағбатлантириш керак, уларсиз юқори технологияларни узатиш ҳам бўлмайди. Технологияларнинг ўзини сотиб олиш қўпгина ривожланаётган мамлакатлар ҳамда ўтиш иқтисодиёти давлатлари учун қимматга тушади ва кўпинча бунинг иложи ҳам бўлмайди. ТТХИ маҳаллий фирмаларда мавжуд юқори технологиялар пакетини ошириши мүмкін. Янги технологияларни маҳаллий шароитларда мослаштириш ҳам муҳимдир.

Хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакатда меҳнат унумдорлигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Сўнгти йилларда ушбу масала бўйича турли фикрлар пайдо бўлган. Айрим тадқиқотлар кўрсатишича, хорижий инвестициялар маҳаллий фирмаларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, маҳаллий фирмалар йирик капитал қўйилмаларсиз ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга эришишлари мүмкін, бунинг самараси эса узоқ истиқболда кўринади.

Хорижий инвестициялар юқори малакали ишчи кучига талабни оширади, аҳоли фаровонлиги даражасини кўтаради, чунки ТМКлар маҳаллий фирмаларга қараганда юқорироқ маош тўлайди. Бироқ шунга яраша адолатсиз рақобат туфайли маҳаллий фирмаларнинг фойдаси ҳам камаяди. ТМК оралиқ маҳсулотни ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, чунки унга талабни юзага келтиради. Маҳаллий фирмалар ТМКлар томонидан яратилаётган талабга асосан қўшимча ишлаб чиқариш

куватларини яратишга мажбурдирлар. Бу ривожланиш даражаси паст мамлакатларга күпроқ хос хусусият бўлиб, улар ўз саноат ишлаб чиқариш кувватларига деярли эга эмас.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётiga ижобий таъсири билан бирга, унинг салбий самаралари ҳам мавжуд.

Улардан бири – ички капитал қўйилмаларнинг хорижий инвестициялар ва маҳаллий фирмаларнинг юқори рақобатбардошликка эга бўлган ТМКлар томонидан сиқиб чиқарилиши ҳисобланади. Бироқ ушбу самара доимий эмас, чунки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳамда олиб кирилган юқори технологиялардан ташки самара ҳисобига миллий фирмалар экспансиясига ёрдам бериши мумкин. Маълумотлар кўрсатишича, ТТХИнинг нетто оқимини киритилган ҳар бир долларга нисбатан ўсиб бориши қабул қилувчи мамлакат умумий капиталининг бир доллардан кўпроқ ҳажмда ўсишига олиб келади (ўзгаришлар 1,5 – 2,3 марта доирасида). Шундай қилиб, ТТХИ қабул қилувчи мамлакат умумий капиталининг ўсиши асосида иқтисодий ўсишга кўмаклашади.

ТТХИнинг қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодий ривожланишига таъсирини баҳолашнинг муҳим масалаларидан бири хорижий инвестициялар оқими ҳисобига умумий капитал фонdlар ҳажмининг ортиши бўлиб, бунда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши янги капитал қўйилмаларни рағбатлантиради, яъни ТТХИ бўлмаганида, улар ҳам бўлмасди. Бу самара хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига жамғарилган капиталнинг кўпайиши номини олди. Бунга нисбатан тескари самара миллий инвестицияларнинг хорижий инвестициялар томонидан сиқиб чиқарилишидир.

Умуман олганда, ТТХИнинг капитал жамғариш даражасига таъсири тури мamlакатлардаги миллий иқтисодий сиёsat, хорижий инвестициялар шакллари, миллий компанияларнинг рақобатбардошлигига қараб турлича бўлиши мумкин.

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ошириш учун қабул қилувчи мамлакатларда қатор шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак. Бу – илгари қабул қилувчи мамлакатда бўлмаган ва ички ёки ташки бозорларда сотишга мўлжалланган янги товарлар, хизматлар, технологияларнинг жорий этилишига кўмаклашишдир. Бундай инвестициялар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолият юритаётган тармоқларга киритиладиган хорижий капиталга қараганда ижобий таъсири кўрсатади. Биринчи ҳолда хорижий инвестициялар капитал фонdlарига ижобий таъсир

күрсатади, чунки миллий ишлаб чиқарувчилар бундай товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматларни күрсатиш учун тегишли билим даражасига, техник жиҳозларга ва технологияларга эга эмас.

Агар инвестициялар рақобатбардош маҳаллий компаниялар (ёки экспортга йўналтирилган компаниялар) фаолият юритадиган тармоқларга йўналтирилса, хорижий инвестицияларнинг киритилишининг ўзи ТТХИлар пайдо бўлишидан олдин миллий ишлаб чиқарувчилар учун очиқ бўлган инвестиция имкониятларини чегаралиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бундай ТТХИларнинг ички капитални қисқартириши аниқ кўриниб турибди, ваҳоланки, бу капитал маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан келгусида киритилиши мумкин эди. Бундай ТТХИнинг умумий капитал фонdlардаги улуши киритилган инвестициялар ҳажмларига қараганда камроқ бўлади.

Шундай қилиб, хорижий инвестицияларнинг тармоқ буйича тақсимланиши анча табақалашган. Агар хорижий инвестициялар қабул қилувчи иқтисодиётнинг ривожланмаган тармоқларига киритилса, технологик омилларга ёки хорижий бозорлар ҳақида ахборотнинг йўқлигига боғлиқ ҳолда ТТХИ ва ички капитал қўйилмалари ўзаро бир-бирини тўлдиради. Бошқа томондан, тармоқда турили миллий фирмалар фаолият юритаётган бўлса, ТТХИ ички киритмаларни сиқиб чиқаради. Маҳаллий фирмалар илгари хорижий ТМК томонидан берилган юқори технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлса ҳам худди шундай ҳолат юз беради.

Шундай қилиб, ТТХИнинг қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсирини қўйидаги йўналишларда аниқлаш мумкин.

1. ТМК томонидан шуъба компаниялар ва филиалларнинг ташкил этилиши иқтисодиётга капитал киритмалар ҳажмининг ўсишига, меҳнат унумдорлиги ва бандлик даражасининг ортишига кўмаклашади.

2. Юқори технологиялар – бошқарув ва маркетинг кўнникмаларининг кириб келишига кўмаклашади.

3. Экспорт бозорларини ўзлаштириш имкониятлари кенгаяди, чунки кўпинча ТМКдан товарларнинг бир мамлакатдан бошқа давлатлар бозорига ўтиши каналлари сифатида фойдаланилади.

4. ТМК қабул қилаётган мамлакатларда фаолият юритаётган ўз филиалларига тегишли қалтисликларни тулиқ қоплайдилар. Агар филиаллар операциялари рентабелли бўлмаса, даромадлар репартиация қилинади, демак, капитал қўйилмалар олинган фойда ҳисобига қопланади.

ТТХИнинг салбий самараси:

1. Маҳаллий компаниялар томонидан миллий ишлаб чиқариш ва ривожланиш стратегиясини танлаш назоратининг йўқотилиши. Амалда ишлаб чиқаришнинг алоҳида тармоқлари устидан назорат хорижликларга бериб қўйилади, улар эса муайян ривожланиш стратегияларига таъсир ўтказадилар.

2. ТТХИ кучли рақобат асосида миллий компанияларни сиқиб чиқаришлари мумкин.

3. Агар филиалларнинг ишлаб чиқариши катта импорт ҳажмларини талаб қилса, ТТХИ қабул қилувчи иқтисодиётнинг тўлов баланси ҳолатига салбий таъсир кўрсатади (бунда ишлаб чиқариш экспорт бозорларига эмас, балки ички бозорга қанчалик куп йўналтирилган бўлса, ушбу салбий самара шунчалик кучли булади).

4. Узоқ муддатли истиқболда ТТХИ қимматга тушиши мумкин, чунки киритилган инвестициялар муддати қанчалик узоқ бўлса, репартацияланган даромадлар ва «ројалти» суммалари шунчалик катта бўлади («инвестицияларнинг қариши» юз беради, яъни олинган даромадлар шаклида киритилган капитал ҳажми жалб қилинган ТТХИ ҳажмидан ошиб кетади).

Хорижий капитал қўйилмаларининг яна бир муҳим шакли – портфелли инвестициялар ҳам қабул қилувчи иқтисодиётга зиддиятли таъсир кўрсатади. Портфелли инвестиациялар ишлаб чиқаришни молиялаштириш шакли булиб, у ёки бу инвестор- фирманинг хусусиятлари ва тармоқ афзалликларини акс эттирмайди. Уларни хорижий компаниялар ва миллий фирмалар амалга ошириши мумкин. Баъзан портфелли инвестиациялар миллий фирмаларнинг рақобатбардошлигини оширади, чунки мавжуд ресурслар ҳажмини купайтиради.

Венчурули капитал, миллий ва ҳалқаро капитал бозорларидаги дастлабки акциялар, корпоратив облигациялар портфелли киритмалар шакллари сифатида капитал қўйилмаларини бевосита молиялаштиришлари мумкин.

Бошқа шакллар – хорижликлар томонидан ички иккиламчи бозорда қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши, ҳукумат облигацияларининг катта қисми ва деривативлар истеъмолининг ўсишини рағбатлантириши мамлакат иқтисодиёти ҳолатига кучли таъсир қилиши мумкин.

Портфелли инвестиациялар мамлакат иқтисодиёти ҳолатига активларнинг ўсиши ҳисобига таъсир кўрсатади, бу эса моддий бойликлар истеъмолининг ортишига олиб келади ва капитал эгаларининг уларни бошқа қимматли қоғозларга ёки активларга инвестиациялашга қарор қилгунларигача давом этади.

Резидентлардан портфелли активларни сотиб олиш банкларнинг ликвиддилигини ва кредитлаш ҳажмларининг ортишини рағбатлантиради. Ички қўшиб олишлар сонининг муңтазам ошиб бориши доимо акселератор самараси асосида капитал қўйилмаларнинг ошишига олиб келса, бу ёмон аломат эмас. Лекин шунга қарамай, кредит бўйича инфомациялар молиявий спекуляция имкониятларини кенгайтирса ёки кучли инфляцион тазийқ кўрсатса, у ҳолда иқтисодиётнинг пасайиши кузатилади.

Шунингдек, хорижий портфель инвестициялар миллий бозорнинг лиқвиддилигини оширади ва қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Улар молиявий инфратузилмани мустаҳкамлаши, молиявий воситачиликни кенгайтириши, рискли капитал ҳажмларининг ва янги компаниялар сонининг ортишига олиб келиши мумкин.

Портфель хорижий инвестицияларнинг қабул қилувчи иқтисодиётга салбий таъсирини куйидагича ифодалаш мумкин:

1. Молиялаштириш чиқимлари эришилаётган ютуқлардан юқори бўлиши мумкин. Агар акциядорлик капитали инвестициялар риски тақсимланишининг бир қисмини ўз ичига олса, облигацияларга сарфланган инвестицияларда риск бўлмайди.

2. Асосий салбий томони – портфель капитал оқимлари юқори риск таъсирида бекарор тенденцияга эга бўлиши мумкин.

Халқаро капитал миграциясининг объектив асоси жаҳон хўжалиги тизимига кирувчи мамлакатларнинг нотекис иқтисодий ривожланиши бўлиб, амалиётда у қуйидагича намоён бўлади:

- турли мамлакатларда капитал жамғарилишининг турли суръатларга эга бўлиши;
- алоҳида мамлакатда капиталнинг «нисбатан ортиқчалиги»;
- жаҳон хўжалигининг турли бўғинларида капиталга талаб ва таклифнинг мутаносиб эмаслиги.

«Нисбатан ортиқчалиги» ибораси, биринчи навбатда, капитални экспорт қилувчи мамлакатларда кузатилиб, унинг мутлақ ортиқчалиги кузатилмайди, чунки ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан чекланмаган даражада ўсиш тенденциясига эга, деб ҳисобланади, шундай экан, капиталга ҳам доимо талаб бўлиши керак. Бундан ташқари, капитал экспорти мамлакатнинг ўзи учун етарли бўлмаган ҳолда ҳам давом эттирилиши мумкин, чунки бозор иқтисодиёти шароитида капитал киритмалари билан кутилаётган даромадлар миқдорлари ўргасида тўғри боғлиқлик бор.

1.2. Халқаро капитал миграцияси: сабаблари, омиллари ва кўрсаткичлари

Халқаро капитал миграцияси жаҳон хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатларнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини оширади, иқтисодий ривожланишини жадаллаштиради, ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, импортёр-мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги баандликни оширади.

Капитал миграциясининг асосий сабаблари қаторига қўйида гиларни киритиш мумкин:

- капиталнинг фоиз ставкаси билан белгиланадиган турли чегарашиб унумдорлиги;
- фирмаларнинг ўз фаолиятини халқаро диверсификациялашга интилишлари;
- товарларни импорт қилишга халал берадиган ва хорижий таъминотчиларни бозорга кириши учун капитал олиб киришга ундаидиган бож тўсиқларининг мавжудлиги;
- барқарор сиёсий вазият ва умуман қулай инвестиция муҳити.

Капитал миграцияси жараёнларига қўйидаги омиллар таъсир қиласиди:

- ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарор сақлаб турилиши;
- жаҳон иқтисодиёти ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида кузатилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар;
- ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациясининг чуқурлашуви;
- жаҳон иқтисодиётининг трансмиллийлашиши;
- ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви ва интеграциявий жараёнларнинг ривожланиши;
- бозорларнинг ўта тўйиниши ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятларини чеклади;
- ривожланган мамлакатларга хос сотувчилар ўртасидаги кескин рақобат;
- миллий бозорнинг йирик молия-саноат гуруҳлари томонидан монополлаштирилиши;
- ҳаракатдаги технологияларни такомиллаштириш имкониятларининг қолмаслиги;

- саноати ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларини, бандлик даражасини, илфор саноат тармоқларининг ривожланишини сақлаб туриш учун салмоқли миқдорда капиталларни жалб қилишга йўналтирилган иқтисодий сиёсати;
- халқаро ташкилотлар томонидан халқаро инвестициявий бўшлиқни эркинлаштириш сиёсатининг юритилиши, инвестициявий шерикликнинг универсал меъёрларини ишлаб чиқиш;
- мамлакатлар ўртасида даромадлар ва капиталнинг икки ёқлама солиқقا тортилишига йўл қўймаслик тўғрисида халқаро келишувлар, улар савдо-сотиқнинг ривожланиши ва инвестицияларнинг жалб қилинишига кўмаклашади.

Хорижий инвестициялар жаҳон иқтисодиётига ва унинг юраги ҳисобланган халқаро бизнесга қуидаги тарзда жиддий таъсир кўрсатади:

- капитал экспансияси хўжалик ҳаётини байналминаллаштириш миссиясини бажаради;
- капитал экспансияси янги технологиялар ва «ноу-хау»ларни бутун дунёга тарқатиб, жаҳон бозорларининг диверсификациясини янада чуқурлаштиради, тегишича ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш жаҳон бозорининг умумий самарадорлик даражасини, унинг рақобатбардошлигини оширади;
- капитал экспансияси ва унинг жаҳон иқтисодиётининг даромадли ўсиш нуқталарига кўчиб ўтиши узоқ истиқболда ишлаб чиқариш шарт-шароитларини тенглаштириш, миллий нархларнинг жаҳон нархларига яқинлашиши, иш ҳақи ва фоиз ставкаларида миллий фарқларнинг йўқолиши тенденциясини юзага келтиради;
- ўзи учун бевосита ёки учинчи мамлакатлар бозорларига чиқиш учун трамплин сифатида барқарор бозорни таъминлаш;
- халқаро корпорацияларнинг турли мамлакатларда ўз «ички бозор»ларини, у ёки бу тармоқларини яратиши натижасида ишлаб чиқариш капиталнинг байналминаллашуви жараёни билан тўлдирилади;
- ўз манфаатларини миңтақавий ва янада юқорироқ халқаро даражадаги давлатлараро муносабатларга киритиш;
- шерик мамлакатларнинг ички ишлари ва давлатлараро муносабатларига аралашмаслик, тенглик, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар миллий анъаналари ва маданий қадриятларини, меҳнаткашлар хукуқларини ҳурмат қилиш бўйича умумътироф этилган тамойилларга риоя қилган ҳолда халқаро ҳамкорликнинг муҳим омили сифатида халқаро инвестицияларни эътироф этиш.

Мамлакатнинг халқаро капитал миграциясидаги иштирок этиш даражаси қатор кўрсаткичларда ифодаланади. Биринчи гуруҳ кўрсаткичларга қўйидаги мутлақ кўрсаткичлар киради: капитал экспорти ва импортининг ҳажми, капитал экспорти-импорти қолдиги, мамлакатдаги хорижий капиталли корхоналар сони, улардаги бандлар сони ва ҳ.к. Капитал экспорти-импорти қолдигидан келиб чиқиб, жаҳон мамлакатлари капитал экспорт қиласидаги (Япония, Швейцария), капитал импорт қиласидаги (АҚШ, Буюк Британия) ҳамда экспорт ва импорт ҳажми таҳминан бир хил бўлган мамлакатларга (Германия, Франция) ажратилиди.

Бошқа гуруҳ кўрсаткичлар нисбий кўрсаткичлар бўлиб, улар халқаро капитал миграциясининг марказлари ва мамлакатнинг капитал импорти-экспортига боғлиқлигини акс эттиради:

1) капитал импорти коэффициенти – импорт қилинган хорижий капиталнинг мамлакат ЯИМдаги улушкини кўрсатади:

$$K_{\text{имп}} = \frac{\text{ИК}}{\text{ЯИМ}} \cdot 100,$$

бу ерда: **ИК** – импорт қилинган хорижий капитал ҳажми;
ЯИМ – ялти ички маҳсулот.

Европа мамлакатлари ўртасида бу коэффициентнинг энг юқори даражаси Бельгия ва Люксембургга тегишли ҳисобланади.

2) капитал экспорти коэффициенти – экспорт қилинадиган капиталнинг ЯИМдаги улушкини акс эттиради:

$$K_{\text{эксп}} = \frac{\text{ЭК}}{\text{ЯИМ}} \cdot 100,$$

бу ерда: **ЭК** – экспорт қилинадиган хорижий капитал ҳажми;
ЯИМ – ялти ички маҳсулот.

Европа мамлакатларида ушбу кўрсаткичнинг максимал миқдори Нидерландияда қайд этилган.


3) хорижий капиталнинг мамлакат капитал қўйилмаларига бўлган ички эҳтиёжидаги улушкини акс эттирувчи капитал:

$$K_{\text{з}} = \frac{\text{ХК}}{D/(K)} \cdot 100$$

бу ерда: **K_з** – эҳтиёж коэффициенти;
ХК – хорижий капитал;

D(K) – мамлакатда капиталга бўлган талаб.

АҚШда барча капиталга бўлган ички эҳтиёжларнинг 33 фоизи хорижий капитал ҳисобига қондирилади.



4) бошқа нисбий курсаткичлар: хорижий ёки қушма компанияларнинг миллий ишлаб чиқаришдаги улуши, капитал экспорти/импортининг олдинги даврга нисбатан ўсиш суръатлари, мамлакат аҳолиси жон бошига түғри келадиган хорижий инвестициялар суммаси.

1.3. Халқаро капитал миграциясининг шакллари ва уларнинг гурухланиши

Халқаро капитал миграциясининг шакллари мавжуд бўлиб, амалиётда улар қатор мезонлар бўйича таснифланади (1.3.1-жадвал).

Халқаро амалиётда давлат капитали кўпроқ ссуда шаклида, хусусий ва узоқ муддатли капитал эса – тадбиркорлик шаклида фаолият кўрсатади.

Келиб чиқиши манбаларига кўра – бу давлат маблағлари ёки хусусий капитал кўринишида бўлади. Давлат капитали банклар ичидаги расмий капитал деб ҳам аталади. У давлат бюджетидан хорижга чиқариладиган ёки у ердан ё бевосита ҳукуматлар қарори билан, ёки ҳукуматлараро ташкилотлар қарори билан қабул қилинадиган маблағлардир. Шаклларига кўра – бу давлат қарзлари, ссудалар, грантлар (совғалар), ёрдам кўринишида бўлиб, уларнинг халқаро ҳаракати ҳукуматлараро шартномалар билан белгиланади. Халқаро ташкилотларнинг кредитлари ва бошқа маблағлар ҳам шулар қаторига киради. Бироқ ҳар қандай ҳолларда ҳам бу солиқ тўловчиларнинг олувчига турли йўллар билан етиб борадиган пуллари ҳисобланади.

Хусусий капитал – бу хусусий шахслар томонидан хорижга жойлаштириладиган ёки хориждан қабул қилинадиган нодавлат манбалар маблағларидан иборат. Улар таркибига инвестициялар, савдо кредитлари, банклараро кредитлаш киради. Улар давлат бюджети билан бевосита боғлиқ бўлмайди, бироқ ҳукумат уларнинг кўчиб юришини кузатиб туради ва ўз ваколатлари доирасида уларни назорат қилиб, бошқариши мумкин.

Халқаро капитал миграциясининг асосий шакллари тадбиркорлик ва ссуда капитали кўринишида бўлади.

Капиталнинг тадбиркорлик шаклидаги миграцияси учун куйидаги учта мажбурий белгилар хос бўлади:

- 1) хорижда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ёки унда иштирок этиш;
- 2) хорижий капитал қўйилмаларининг узоқ муддатлилиги;
- 3) хорижий корхонага ёки унинг бир қисмига мулкчилик ҳукуқига эга булиш.

Халқаро капитал миграциясининг шакллари

Тасниф мезони	Шакллари
Келиб чиқиш манбаларига кўра	<ul style="list-style-type: none"> – Давлат – Хусусий – Халқаро – Аралаш
Четга чиқариш шакли бўйича	<ul style="list-style-type: none"> – Пул – Товар
Фойдаланиш хусусиятига кўра	<ul style="list-style-type: none"> – Тадбиркорлик – Ссуда
Мақсадига кўра	<ul style="list-style-type: none"> – Тўғридан-тўғри – Портфель – Халқаро қарзлар – Банк депозитлари
Субъектлар бўйича	<ul style="list-style-type: none"> – Макродаражা – Микродаража
Муддатига кўра	<ul style="list-style-type: none"> – Ута қисқа муддатли (3 ойгача) – Қисқа муддатли (1 йилгача) – Ўрта муддатли (1 йилдан 5 – 7 йилгача) – Узоқ муддатли (5 – 7 йилдан 40 – 45 йилгача)
Оқимлар йўналишлари бўйича	<ul style="list-style-type: none"> – Товарлар ва хизматлар олди-сотдисига валюта-кредит ва ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш – Асосий ва айланма капиталга хорижий инвестициялар – Қимматли қофзлар ва турли молиявий инструментлар билан операциялар – Валюта операциялари – ЯИМ бир қисмининг ривожланаётган мамлакатларга ёрдам ва давлатларнинг халқаро ташкилотларга бадаллари шаклида бюджет орқали қайта тақсимланиши

Юқорида қайд этиб ўтилган хусусиятлар ва иштирок этиш мақсадларининг қанчалик амалга ошишига боғлиқ ҳолда, тадбиркорлик капиталини четга чиқаришнинг икки тури ажратилиди: тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар (ПИ).

ТТХИ – бу хорижий капиталнинг узоқ муддатли киритилиши бўлиб, инвестор ташкил қилаётган фирма акциялари ёки акционер капиталига тұла эга бўлиш ёки камида 10 фоизи хўжалик фаолиятининг таъсирчан назорат қилинишини таъминлайди.

ХВФ, ИХТТ (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) ҳамда БМТ миллий счёллари тизимидағи таърифларга мувофиқ, ТТХИ таркибига қойыдагилар киритилади:

- компанияларнинг ўз капиталини хорижга чиқариши;
- тўғридан-тўғри инвестор хорижий корхонадан олган фойдасини унинг фойдасига қайта молиялаштириши;
- капиталнинг бош фирма ва унинг хорижий корхоналари ўртасида ички корпоратив ўтказмалари (1.3.1-расм).

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

Инвесторга инвестиция киритилаётган объект устидан назорат қилиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришга сарфланган узоқ муддатли хорижий қўйилмалар

Асосий хусусияти

Пировард мақсади фойда кўринишцида даромад олишга қаратилган тадбиркорлик капиталининг устувор шакли

Кенг тарқалган шакли

Хусусий капиталга асосланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

Амалга ошириш асослари

- а) хорижий инвесторнинг инвестиция киритилаётган объект устидан тўлиқ эгалик қилиши;
- б) хорижий инвестор томонидан инвестиция киритилаётган объект устав капиталининг 10% дан кам бўлмаган қисми устидан назорат ўрнатиши;
- в) хорижий инвесторнинг инвестиция киритилаётган объектни бошқаришда самарали қатнашиши.

1.3.1-расм. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

Иқтисодий адабиётда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг тор ва кенг маънодаги таърифлари ажратилади.

ТТХИнинг тор маънодаги таърифи ИХТТ томонидан берилган бўлиб, бу йўналишнинг базавий методологияси капитал ҳаракатини эркинлаштириш Кодексида баён этилган: мустаҳкам

иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ҳамда корхона устидан назорат ҳуқуқини кўлга киритиш мақсадида капитал ва ресурсларнинг трансчегаравий ҳаракати қамраб олинади. Бундай ёндашув асосида инвестор сифатида мазкур мамлакатнинг норезидентлари ва хорижлик резидентлар майдонга чиқишилари мумкин. Ҳар иккала тоифалар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳосил бўлишининг қўйидагича йўналишлари кўрсатилиди:

— 100 фоизлик хорижий мулкчиликка асосланган корхона, шуъба компанияси ёки бўлинмасини ташкил этиш ёки кенгайтириш;

- мавжуд корхонани тўлиқ мулкчиликка сотиб олиш;
- янги ёки ҳаракатдаги корхонада иштирок этиш;
- 5 йил ва ундан кўп муддатга қарз бериш.

ТТХИнинг кенг таърифи Жаҳон банки томонидан берилган ва «МИГА» (Кўп томонлама инвестицияларни кафолатлаш агентлиги) ни таъсис этиш ҳақидаги шартномада илк бор тилга олинган; у шунингдек, икки тарафлама кафолатлаш шартномалари учун ҳам хосдир. Бундай ёндашувда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга капитал (ёки ресурслар)нинг ҳаракатланиши шаклларигина эмас, балки активларнинг бошқа турлари ҳам киритилиди: ҳар хил турдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, ноакциядор турдаги инвестициялар (суббитимлар, бошқарув шартномалари, франчайзинг, лицензион битимлар, маҳсулот тақсимоти ва ҳ.к.лар ҳам шулар жумласидан) ҳам киради.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялаш шакллари ва усулиларига тегишли турлича талқинларнинг берилиши жiddий муаммоларни келтириб чиқарди (масалан, НАФТА ва АСЕАН таърифлари шулар жумласидандир) ва амалий муаммоларни ҳал қилишда қатор вариантлар-опцияларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу халқаро инвестициялаш масалалари бўйича музокаралардаги, иқтисодий дипломатиядаги мунозарали муаммолардан биридир.

Портфель инвестициялар – бу капитални хорижий корхоналар қимматли қоғозларига (корхона устав капиталининг 10% дан кам қисмини) киритиш шаклида олиб чиқиб кетиш бўлиб, инвесторларга улар фаолиятини бевосита назорат қилиш имконини бермайди (1.3.2-расм).

Ушбу турдаги тадбиркорлик капиталини олиб чиқиб кетишнинг ўзига хос белгилари 1.3.2-жадвалда яққол намойиш этилган.

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши жараённада портфель инвестициялар улушининг ортиши табиий ҳолдир. Бу иккита ҳолат билан изоҳланади:

- жаҳонда молия бозорларининг жадал ривожланиши;
- портфель инвестицияларнинг юқори ликвидлилiği билан боғлиқ афзаликлар.

Портфель инвестициялар

Узоқ муддатли даромад олиш хукуқини таъминловчи, аммо инвестициялаш обьекти устидан назорат қилиш хукуқини бермайдиган ишлаб чиқаришга қисқа ва ўрта муддатли капитал қўйилмалар

Асосий хусусияти

Пировард мақсади дивиденд ёки қатъий фоиз ставка шаклидаги даромад олишга қаратилган тадбиркорлик капиталининг устувор шакли

Асоси

— хорижий корхона мулкида қаптишиш хукуқини берувчи акцияларни сотиб олиш орқали хорижий инвестиция киритиши;

— хорижий корхона билан кредит муносабатларини ифодаловчи облигациялар ва векселлар сотиб олиш орқали хорижий инвестиция киритиши.

Амалга ошириши шакллари

а) хорижий корхона устав капитали акциялар пакетининг 10% дан кам қисмига эгалик қўлиш;
б) хорижий корхонанинг қарзи, қимматбаҳо қоғозларини облигация ва векселлар шаклида сотиб олиш.

1.3.2-расм. Портфель инвестициялар

Портфель инвестициялар анча юқори ликвидлилікка эга бўлиб, ҳаракатчан ҳисобланади. Уларни рискли зонадан бойлик ортириш енгилроқ бўлған муҳитга кучириш қийин эмас. Портфель инвестициялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва профессионал билимларни ошириш учун катта меҳнат талаб этмайди.

Капитални олиб чиқишининг тадбиркорлик шакли ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқадорлиги туфайли күпинча «иккинчи иқтисодиёт» деб аталади.

1.3.2-жадвал

Тұғридан-тұғри ва портфель инвестициялар ұртасидаги үзиге хос фарқлар

Белгилар	Тұғридан-тұғри хорижий инвестициялар	Портфель инвестициялар
Олиб чиқишининг асосий мақсады	Хорижий фирмани назорат қилиш	Юқори фойда олиш
Мақсадға эришиш йуллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва юритиш	Хорижий қимматли қоғозларни сотиб олиш
Мақсадға эришиш усууллари	а) хорижий фирмама тұлиқ әгалик қилиш; б) акциялар назорат пакетини сотиб олиш (ХВФ уставига күра компания акциядорлик капиталининг 25 фоизидан кам булмаслиги керак)	Хорижий фирма акциядорлик капиталининг камида 25 фоизини сотиб олиш (АҚШ, Япония ва Германияда – 10%)
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фойдасы, дивидендер	Дивидендлар, фоизлар

Бошқа шакл – ссуда капиталининг ҳаракати миллий ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқага зәга булмасдан, қабул қылувчи мамлакатдаги тақрор ишлаб чиқариш жараённега билвосита тарзда таъсир қилиши мумкин (1.3.3-расм). Капиталнинг ссуда шаклидаги миграцияси деганда капиталнинг барча халқаро ҳаракатланиши тушунилиб, қуйидаги турдаги тұғридан-тұғри хорижий инвестициялар ва тұғридан-тұғри инвестициялар бундан мустасно:

- давлат ва хусусий заёмлар;
- бошқа мамлакатларнинг облигациялари, хорижий компаниянинг векселлари ва траттини сотиб олиш;
- қарзлар бүйіча тұловлар;
- банклараро депозитлар;
- ривожланишга расмий ёрдам.

Халқаро валюта фонди яна бир гурух – «бошқа инвестициялар» ігурухини ажратади. Бу гурух асосан халқаро заёмлар ва банк депозитларидан ташкил топади. Улар баъзида портфель, баъзида тұғридан-тұғри инвестициялар таркибида бўлиши мумкин.

Баён қилинган схемада замонавий инвестиция амалиётига зид бўлган иккита ҳолат мавжуд.

Биринчидан, у мутлақо мантиққа мос келади ва валюта-кредит муносабатлари позициясида ишлай олади. Бироқ савдо-иктисодий алоқаларидан инвестицияларга боғлиқ турли операциялар келиб чиқади. Улар орасидаги турли-туман сервис, маркетинг, бошқарув, технологик ва бошқа операцияларга берилген таснифға мос түшмайдынан инвестициявий ҳуқуқларни юзага келтиради. Улар хорижий инвесторга мулкчилик ҳуқуқини беришни күзда тутмайды, бироқ мунтазам даромад олиш ҳуқуқини беради (роялти, ренталс ва ҳ.к.).

Ссуда капитали

Фоиз күринишида фойда олиш маңсадида берилған қарзлар, кредитлар ва хорижий банкларга жойлаштирилға хорижий капитал құйылмалар

Асосий шакллари

- а) қисқа муддатлы ссуда капитали – 1 йилгача муддатта кредитлар бериш;
- б) узоқ муддатлы ссуда капитали – 1 йилдан ортиқ муддатта кредитлар бериш;
- в) хусусий ссуда капитали – фирмалар, банклар ва брокерлар томонидан бериладынан кредит ресурслари;
- г) давлат ссуда капитали – давлат ва давлатлараро кредит ресурсларидан фойдаланиш.

Көнг тарқалған шакли

Узоқ муддатлы ссуда капитали

Асосий хусусияты

Узоқ муддатлы ссуда капитали, узоқ муддатлы давлат ва хусусий хорижий кредитлар ҳисобидан шаклланади

1.3.3-расм. Ссуда капитали

Иккинчидан, баён қилинган схемада барча шакллар бир маңноли бўлиб, бир чизиққа тортилгандек туюлади. Бироқ илгари олинган ва тақсимланган фойданинг қайта тақсимланиши эмас, балки ҳақиқий ишлаб чиқаришни бошқариш нуқтаи назаридан инвестицияларнинг қандай шакллари муҳимроқ, деган масала долзарб ҳисобланади.

1.4. Инвестиция нормаси ва унга таъсир этувчи омиллар

Жамғариш нормаси барқарор иқтисодий үсишнинг асосий курсаткичи бўлиб хизмат қиласди.

Жамғариш – бу жорий даврдаги қайта ишлашнинг моддий асосини кенгайтириш орқали келажакда аҳоли истеъмолини оширишга йўналтирилган жараёндир. Бозор иқтисодиётида жамғариш функциясини тадбиркор, фермер ёки улар томонидан белгиланган юрилик ва жисмоний шахслар амалга оширади. Улар қаторига менежерлар, маъмурият, меҳнат жамоасининг кенгаши, акциядорлик жамияти кенгаши, давлат бошқарув органлари ва ҳужалик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини олган шахсларни киритиш мумкин.

Жамғаришнинг асосий функцияси – такрор ишлаб чиқариш жараёнининг пировард мақсадига эришишга кумаклашишдир. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг мақсади аҳолининг үсиб ва ўзгариб бораётган ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Давлат бюджет-солиқ сиёсати, пул-кредит сиёсати ва таркибий-инвестицион сиёсат орқали жамғариш жараёнига кучли таъсир этиш ластакларига эга. Бошқа тарафдан бозор механизмларининг таъсири чекланган соҳаларда давлатнинг узи жамғариш жараёнининг асосий субъекти сифатида фаолият кўрсатиши мумкин. Бу соҳаларга ижтимоий, янги юқори технологиялар ва харажатларни қоплаш учун узоқ вақт талаб қилинадиган тармоқларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Капитал қўйилмалар – бу асосий фонdlарни қайта тиклаш, ривожлантириш ва янгилашга йўналтирилган моддий харажатлардир.

Жамғарма – капитал қўйилмалар тушунчасидан кенгроқ бўлиб, у корхонанинг асосий фонди билан биргаликда айланма маблағларни, ишлаб чиқариш захираларини ва ноишлаб чиқариш фонdlарини ривожлантиришга йўналтирилган капитал қўйилмаларни ҳам ўз ичига олади. Молиявий жиҳатдан жамғариш деганда, қўшилған қўймат ёки даромаднинг бир қисмининг асосий ва айланма капитални кенгайтиришга, янгилашга йўналтирилиши тушунилади.

Инвестициялар – бу тушунча юқорида келтирилган тушунчалардан кенгроқ бўлиб, у пул куринишидаги иқтисодий ресурслардан иборат бўлади. Бу ресурслар ишлаб чиқаришнинг моддий таъминотини кенгайтириш ва янгилаш, инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирилади.

Инвестицияларни иккига бўлиш мумкин: реал инвестициялар ва молиявий инвестициялар.

Реал инвестициялар ўзининг моҳиятига кўра капитал қўйилмалар билан бир хилдир. Амалиётда реал инвестициялар ва капитал қўйилмалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгилашнинг асосий шакли сифатида намоён бўлади.

Молиявий инвестициялар – бу мулкка эгалик қилиш ва мулкдан даромад олиш билан боғлиқ бўлган акция, облигация ва бошқа қимматли қофозлар орқали қўйилмалар киритишидир.

Капитални жамғариш жараёнида моддий-техник база ва илмий салоҳият шаклланади. Капитал қўйилмаларнинг ҳажми ва ички тузилиши иқтисодий ўсиш, меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ривожланиш элементларининг даражаси ва ривожланиш суръатларини белгилаб беради.

Капитал қўйилмалар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик Харрод-Домарнинг бир омилли иқтисодий ўсиш моделида акс эттирилган:

$$GC = S \text{ ёки } G = \frac{S}{C},$$

бу ерда: G – ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати;

S – капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффициенти (капитал қўйилмалар ҳажми/ЯИМнинг қўшимча ўсиши);

S – ЯИМда жамғармалар улуши.

Формуладан кўриниб турибдики, ишлаб чиқаришнинг қўшимча ўсиш суръати жамғармалар ҳажмига тўғри пропорционал, ишлаб чиқаришнинг капитал сифимкорлигига эса тескари пропорционалдир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, иқтисодий ўсиш ва жамғармалар ўртасида ҳам кучли корреляцион боғланиш мавжуд. Ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ишлаб чиқариш барқарор ўсишининг 2% га ошиши, ЯИМдаги жамғармалар улушкининг 1% га кўпайишига олиб келади. ХВФ мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, ушбу нисбат ривожланаётган мамлакатларда 0,5% ни ташкил этади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, юқори жамғариш нормасига эга бўлган мамлакатлар, бошқа шарт-шароитлар ўзгармаган ҳолда, одатда, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлишади. Масалан, 2003 – 2008 йиллар мобайнида 164 та мамлакатдан 79 таси ўртача жаҳон кўрсаткичидан (22,3%) юқори жамғариш нормасига эга бўлган ва ушбу мамлакатларда ЯИМнинг ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари 3,6% ни ташкил этган. Ушбу мамлакатларнинг 47 тасида жамғариш нормаси 25% дан, 17 тасида эса 30% дан юқори бўлган ва ушбу гурух мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари мутаносиб

равиша 3,8 ва 3,9% га тенг бўлган. Қолган 21 та мамлакатда **жамғариш** нормаси 15% дан паст бўлган ва ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатлари 1,8% ни ташкил этган. Аммо тадқиқ этилган **мамлакатлар** ичидаги кичик ёки кам ривожланган мамлакатлар улуши юқори. Ушбу гуруҳга Африканинг аксарият мамлакатлари ҳамда кичик орол мамлакатлар киради. Бу гуруҳга кирувчи **мамлакатларнинг макроиктисодий ривожланиш индикаторларига** ташкил омиллар (алоҳида гуруҳ товарлар нархининг конъюнктураси, туристик бизнеснинг ривожланиш тенденцияси, табиий иқлим шароитлар ва ҳ.к.) жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ушбу омиллар таъсирини йўқотиш мақсадида иқтисодиёти ва ташкил савдоси таркибий жиҳатдан диверсификациялашган ривожланган мамлакатлар алоҳида таҳлил этилган бўлиб, уларнинг сони 81 тани ташкил этади.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2003 – 2008 йилларда ривожланган **мамлакатларда ЯИМнинг ўртача ўсиш суръатлари 3,4%** ни, **жамғариш нормасининг ўсиши** билан ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати ҳам ортиб боради. Жумладан, жамғариш нормаси 25% дан ортиқ **мамлакатларда ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати 4,8%** га тенг бўлгани ҳолда, жамғариш нормаси 30% дан ортиқ **мамлакатларда ушбу курсатиқ ўртача 8,7%** ни ташкил этган³.

Шунингдек, **мехнат унумдорлиги** ҳам **жамғарилган асосий фонdlар** ҳажми ва ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқ. Р.Солоу моделининг кўрсатишича, даромадининг сезиларли қисмини капитал қўйилмаларга сарфлаган мамлакат меҳнатнинг юқори даражада капитал билан куролланганлик даражаси ва натижада юқори аҳоли даромадларига эга бўлади.

Жамғаришнинг муҳим хусусиятларидан бири – мазкур жараённинг **илм-фан ва техника** ривожи билан узвий боғлиқлигида намоён бўлади. Чунки, жамғарилган асосий капитал «**инсон билимларининг моддийлашишини**» ўзида акс эттиради.

Жамғармалар ва капитал қўйилмалар динамикаси охирги ўн йилликларда нотекис ривожланган. Жаҳонда жамғармалар даражаси 1950 – 1960 йилларда секинлик билан ошиб борган бўлса, 70-йилларда энергия кризиси туфайли бирданига ошган, 1980 – 1990 йилларда эса сезиларли даражада пасайган. Валютанинг харид қобилияти паритети асосидаги ҳисоб-китобларга кўра

³ Новиков М.М. Необходимые объемы инвестиций и фондовый рынок как потенциальный источник финансирования будущего роста. // Международная экономика, №11, 2009. С. 53.

жаҳон жамғариш нормаси 1960 – 1972 йилларда – 27%, 1973 – 1980 йилларда – 25%, 1981 – 1990 йилларда – 23,3%, 2000 – 2006 йилларда – 21,5% га тенг бўлган⁴.

Иқтисодиёт ва унинг секторлари буйича капитални жамғаришнинг макроиктисодий салоҳиятидан фойдаланиш масалалари бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Иқтисодий ўсишнинг хом ашёга асосланган ривожланиш моделидан инновацион ривожланиш моделига ўтиш заруриятини ҳисобга олсак, ушбу масалалар стратегик аҳамият касб этади.

Иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасининг ошиши жамғариш ҳажми ҳамда ундан асосий капитални жамғаришда фойдаланиш билан бевосита боғлиқ. Масалан, Россияда жамғариш нормаси даражаси иқтисодий ислоҳотларнинг бошланиш даврига нисбатан икки баравар пасайиб, ҳозирда 18 – 20% ни ташкил этади. Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, иқтисодиётда модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали рақобатбардош иқтисодиётни яратган мамлакатлар узоқ давр мобайнида юқори инвестицион фаолликни намойиш этишган. Жумладан, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Европада жамғариш нормаси 1970 йилларга қадар – 25%, Японияда – 30%, Корея Республикасида эса бундан ҳам юқори кўрсаткич ушлаб турилган. Собиқ Иттифоқда саноатлаштириш жараёни даврида, замонавий Хитойда эса иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жамғариш нормаси ЯИМга нисбатан 40% га етган⁵.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон иқтисодиётида инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши кўрсаткичи 1995 – 2002 йилларда ўртача 28,6% ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2009 йилга келиб 22,0% гача пасайган. Инвестицияларнинг энг паст кўрсаткичи ривожланган мамлакатларга тўғри келади ва 2009 йилда ўртача 18% ни ташкил этган (2007 йилда 21%). Жумладан, 2009 йилда ушбу кўрсаткич АҚШда – 15% ва Буюк Британияда 13,7% га тенг бўлган (1.4.1-жадвал).

Дунё мамлакатларида жамғариш нормаси ва унинг ривожланиш динамикаси таҳлили қуидагича хulosалар қилиш имконини беради (1.4.2-жадвал):

– 1987 – 2005 йилларда жаҳон буйича жамғариш нормаси кўрсаткичи барқарор суръатларда ривожланган;

⁴ Ломакин В.К. Мировая экономика: учебник. – М.: ЮРИТИ-ДАНА, 2007. С. 139.

⁵ Глазьев С. О стратегии экономического развития России. //Вопросы экономики, 2008, № 5, С. 37.

— ушбу даврда ривожланётган ва утиш иқтисодиёти мамлакатларида жамғарыш нормаси үсіб борган;

— ривожланган мамлакатлар орасыда жамғарыш нормаси Германия, Франция, Буюк Британия ва Италияда нисбатан барқарор бўлган;

1.4.1-жадвал

«Катта саккизлик» мамлакатларида инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши, фоиз ҳисобида⁶

Мамлакатлар	2008 й.	2009 й.
АҚШ	18,2	15,0
Япония	23,5	21,3
Буюк Британия	17,0	13,7
Германия	19,2	16,9
Франция	22,2	19,9
Россия	21,1	17,1
Италия	21,2	18,1
Канада	23,2	21,2

1.4.2-жадвал

Дунё мамлакатларида жамғарыш нормаси, (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)⁷

	1987 - 1994 й.	1995 - 2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Дунё бўйича	22,4	22,2	21,1	22,0	22,5	23,2	23,7	24,0
Ривожланган мамлакатлар	22,7	21,6	19,9	20,5	21,0	21,4	21,3	20,8
Шу жумладан:								
АҚШ	18,6	19,6	18,4	19,4	20,0	20,1	18,8	17,5
Канада	20,3	19,6	20,0	20,7	22,0	22,9	23,3	23,0
Франция	20,5	18,9	18,9	19,6	20,3	21,1	22,1	22,3
Италия	21,3	20,1	20,7	20,8	20,7	21,6	21,8	21,2
Буюк Британия	18,6	17,5	16,7	17,1	17,3	17,6	18,2	16,3
Германия	23,7	20,8	17,4	17,1	16,9	17,6	18,3	19,3
Япония	30,9	26,3	22,8	23,0	23,6	23,8	24,1	23,5
Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари	27,4	30,0	24,8	26,4	25,9	26,1	26,0	27,4
Ривожланастган мамлакатлар	25,1	24,9	25,9	27,2	27,3	28,3	30,1	31,3
МДХ			20,4	21,2	21,4	21,1	22,5	25,1

⁶ Тенденции развития мировой экономики и проблема адекватности суверенных рейтингов. // Банковское дело, № 12, 2009. С. 39.

⁷ Кадырова Г.М. Россия в мировом обмене капитала: анализ на основе международных сопоставлений. // Страховое дело, октябрь 2009. С. 12.

– 2008 йилда жаҳон иқтисодиётида жамғариш нормаси мамлакатлар гуруҳлари бўйича бир-биридан кескин фарқ қилган. Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ушбу кўрсаткич ўртacha 35,1% ни ташкил қилган бўлса, ривожланган мамлакатларда 19,4% га тенг бўлди. АҚШ жуда паст жамғариш нормасига (17,5%) эга бўлган;

– ушбу даврда жамғариш нормаси ўсиш тенденциясига эга бўлди. Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда ўртacha 19,9 – 22,7% ни ташкил этиб, барқарор бўлган бўлса, ривожланган ва ўтиш иқтисодиёти мамлақатларида ўсган;

– жамғариш нормаси Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан ташқари ҳамма ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлақатларида ўсан;

– ривожланган мамлакатлар гуруҳида АҚШ, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия каби мамалкетларда инвестициялар меъёри барқарор бўлган.

Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлақатларида инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2009 йилда ўртacha 30,6% ни ташкил этган ва ушбу кўрсаткич 1995 – 2002 йиллардаги ўртacha кўрсаткич – 24,9% га нисбатан юқори ҳисобланади. Бу кўрсаткич 2009 йилда Марказий Шарқий Европа мамлакатларида – 19,7% га, МДҲ мамлакатларида – 22,2% га, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида эса 42,1% га тенг бўлган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) мамлакатлари иқтисодиётни технологик модернизациялаш бўйича фаол сиёsat олиб борадилар ва асосий капитални жамғаришга тахминан ЯИМнинг 18% ини сарфлашади.

Ривожланаётган мамлакатларда жамғариш нормаси иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг интенсивлигини баҳолаб берувчи макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Таҳдиллар кўрсатишича, юқори жамғариш нормаси ривожланаётган мамлакатларда нисбатан юқори (ёки паст) иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш учун хизмат қиласи. Шунингдек, жамғариш нормасига молиявий инқирозлар салбий таъсир кўрсатади (1.4.3-жадвал).

ЯИМнинг капитал сифимкорлиги кўрсаткичи ривожланган мамлакатларда 8 – 12 га тенг бўлгани ҳолда, ушбу кўрсаткич Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида 4 – 6 га, Хитойда эса 4,5 га тенг.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Хитой иқтисодиётта инвестицияларни жойлаштиришда етакчиликни сақлаб қолмоқда ва инвестициялар иқтисодий ўсишнинг асосий

омили ҳисобланади. Масалан, 2009 йилнинг биринчи ярмида Хитойда инвестициялар, истеъмол ва экспортнинг иқтисодий ўсишига турлича таъсир кўрсатган. Ушбу даврда ЯИМ инвестициялар таъсирида 6,2% га ва истеъмол таъсирида эса 3,8% га кўшимча ўсгани ҳолда, экспортнинг қисқариши туфайли 2,9% га пасайғанлигини кузатиш мумкин⁸.

1.4.3-жадвал

Осиё мамлакатларида жамғариш нормаси (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)⁹

	1990 й.	1996 й.	1999 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Хитой	36	40	37	43	45	44
Ҳиндистон	26	24	26	36	36	38
Индонезия	31	31	26	25	25	25
Покистон	19	19	16	19	22	23
Бангладеш	17	20	22	25	25	24
Вьетнам	13	28	28	36	37	42
Филиппин	24	24	19	15	15	15
Тайланд	41	42	21	31	29	27
Малайзия	32	42	22	20	21	22
Корея Республикаси	38	39	30	37	30	29
Монголия	34	30	37	31	35	...
Қозогистон	...	16	18	31	34	36
Австралия	28	23	25	36	27	17


Таҳлиллар кўрсатишича, Хитой иқтисодиётига киритилган капитал қўйилмалар ҳажми 2008 йилда ЯИМга нисбатан 57,3% ни ташкил этган ва ушбу кўрсаткич 1985 йилга келиб икки бараварга ошган (1.4.1-расм). Иқтисодиётга сарфланаётган инвестициялар ҳажмининг юқори даражада сақлаб турилиши Хитой иқтисодиётини 11-беш йиллик (2006 – 2010 йй.) ва кейинги ўн йил мобайнинг ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқиб белгиланган. Ушбу режага мувофиқ 2010 – 2020 йиллар мобайнинг мамлакат ЯИМни тўрт бараварга ошириш вазифаси қўйилган.

Жамғариш нормаси Россияда 2000 – 2008 йилларда ўртача 19,3% ни ташкил этган ва яқин йиллар ичida 19 – 20% даражада сақланиб туриши башорат қилинмоқда. Бир қарашда Россиядаги жамғариш нормаси даражаси ривожланган мамлакатлар даражаси билан бир хилдек қуринади. Аммо ялпи ички маҳсулотни ҳалқаро

⁸ Ни Сяолинь. Расширять внутреннее потребление. // Китай, № 9 (47), 2009. С. 32.

⁹ Лабинская И. Китай: универсальная модель модернизации? // Мировая экономика и международные отношения, № 7, 2009. С. 46.

қиёсий таққослаш маълумотлари буйича Россия ривожланган мамлакатлардан жамғариш нормаси буйича 1,5 – 2 баравар орқада қолмоқда (1.4.4-жадвал).



1.4.1-расм. Хитой иқтисодиётида инвестициялар динамикаси (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)¹⁰

1.4.4-жадвал

Ривожланган мамлакатларда ялпи жамғаришининг ЯИМдаги улуши, %да, 2002 й.¹¹

Россия	10,1
Буюк Британия	12,6
Германия	15,4
Италия	18,0
Франция	15,0
Япония	23,0
Европа Иттифоқи	16,6
ИХТТ (ОЭСР) мамлакатлари	17,7

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи жамғариш ҳажми бўйича Россия АҚШ ва Япониядан 12 – 13 марта, Европа Иттифоқи мамлакатларидан 8 марта ортда қолган. Россияда жамғариш нормасини ИХТТ мамлакатлари даражасига олиб чиқиш учун жамғариш ҳажмини 1,8 – 2 мартаға ошириш ва унинг улушкини ЯИМнинг учдан бирига тенглаштириш лозим.

¹⁰ Островский А.В. Подготовиться к мировому кризису – китайский рецепт. // ЭКО, №5, 2009. С. 38.

¹¹ Погасов И. Макроэкономический потенциал накопления. // Экономист, № 8, 2009. С. 35. (34–47).

Бюджет профицитидан инвестиция мақсадларида фойдаланиш жамғарыш нормасини 25 – 28% гача ошириш имконини берган ва бу күрсаткыч жадал суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар даражасига мос бўлар эди. Россиялик иқтисодчи В.Дементьев ҳисоб-китобларига кўра, қувиб етувчи ривожланиш модели бўйича жамғарыш нормасини 22,3% дан 26% гача ошириш иқтисодий ривожланишнинг орқада қолиш суръатларидан етиб олиш суръатларига ўтиш имконини беради. Жамғарыш нормасини 28% гача ошириш бу жараённи янада тезлаштиради¹². Бошқа ҳисоб-китобларга кўра эса Россияда асосий фондларни янгилаш, саноатда қайта таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва 1992 – 2004 йиллардаги йўл қўйилган орқада қолишларни ҳисобга оладиган бўлсак, жамғариш нормаси ЯИМга нисбатан 40% дан кам бўлмаслиги лозим¹³.

Ўзбекистонда 2009 йилда «... иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўси, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар булиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошиди»¹⁴. 2009 йилда инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 26,1% ни ташкил этган ва ушбу кўрсаткич 2010 йилда 30,3% га тенг бўлиши кутимоқда.

Шундай қилиб, макроиктисодий ресурслардан жамғариш ва ижтимоий йўналтирилган такрор ишлаб чиқариш учун тулиқ фойдаланишга қаратилган иқтисодий сиёсатга ўтиш зарурияти етиб келди, деб хулоса қилиш мумкин. Бу ёндашувнинг асосий таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат:

- аҳоли даромадларини ошириш ҳисобига миллий ишлаб чиқарувчилар учун бозор имкониятларини кенгайтириш, инвестицияларни рағбатлантириш ва импортни чеклаш шароитида экспортни қуллаб-қувватлашга кўмаклашувчи иқтисодий сиёсат олиб бориши;

- миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш бўйича куляй валюта алмашув курсини таъминлаш, тариф ва нотариф усуллар ёрдамида ички бозорни ҳимоялаш чораларини қўлаш;

¹² Дементьев В.Е. Ловушка технологических заимствований и условия ее преодоления в двухсекторной модели экономики. // Экономика и математические методы, 2006, № 4, С. 31.

¹³ Сысоев А.В. Амортизационная политика как фактор инвестиционного развития экономики. // Проблемы прогнозирования, 2006, № 1. С. 64.

¹⁴ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 50-б.

— хусусий капиталнинг ўз фойдасини хорижга олиб чиқиб кетишидан кўра, ички жамғарма учун сарфлашларини рағбатлантириш;

— устувор тармоқлар ва инновацион ишлаб чиқаришда юқори фойда нормасини таъминлашга йўналтирилган рағбатлантириш усулларидан фойдаланиш: солиқقا тортиш, баҳоларни тартибга солиш, имтиёзли кредитлаш, субсидиялаш ва бошқалар;

— инвестицион институтлар орқали узоқ муддатли кредитларни тақдим этиш йўли билан давлатнинг инвестиция жараёнларидаги фаолиятини кучайтириш;

— ижтимоий соҳада моддий активларни яратиш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини фаоллаштиришга давлат харажатларини ошириш.

Асосий тушунчалар

Халқаро капиталлар миграцияси — жаҳон иқтисодиётининг турли мамлакатлари ўргасида эгаларига кўшимча даромад келтирувчи капиталнинг қарама-қарши ҳаракатидир.

Капиталнинг четта чиқиб кетиши — капиталнинг бир қисмини миллий айланмадан ажратиб олиш ва уни тегишли шаклларда хорижий мамлакатлар иқтисодиётига ўтказиш жараёнидир.

Хусусий капитал — хусусий шахслар томонидан хорижга жойлаштириладиган ёки хориждан қабул қилинадиган нодавлат манбалар маблағларидир.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) — хорижий капиталнинг узоқ муддатли киритилиши бўлиб, инвестор ташкил қилаётган фирма акциялари ёки акционер капиталига тўла эга булиш ёки камида 10 фоизи хўжалик фаолиятининг таъсирчан назорат қилинишини таъминлайди.

Портфель инвестициялар — капитални хорижий корхоналар қимматли қоғозларига (корхона устав капиталининг 10% дан кам қисмини) киритиш шаклида олиб чиқиб кетиш бўлиб, инвесторларга улар фаолиятини бевосита назорат қилиш имконини бермайди.

Жамғариш — жорий даврдаги қайта ишлашнинг моддий асосини кенгайтириш орқали келажакда аҳоли истеъмолини оширишга йўналтирилган жараёнидир.

Капитал қўйилмалар — асосий фондларни қайта тиклаш, ривожлантириш ва янгилашга йўналтирилган моддий харажатлардир.

Жамғарма – капитал құйилмалар түшунчасидан кенгроқ булиб, у корхонанинг асосий фонди билан биргалиқда айланма маблағларни, ишлаб чиқариш захираларини ва ноишлаб чиқариш фондларини ривожлантиришга йұналтирилган капитал қўйилмаларни ўз ичига олади.

Жамғарыш ҳажми – сарфланаётган капитал қийматининг ялпи ички маҳсулотдаги улушидир.

Молиявий жамғарыш – қўшилган қиймат ёки даромаднинг асосий ва айланма капитални кенгайтиришга, янгилашга йұналтирилган қисмидир.

Реал инвестициялар – хўжалик субъектининг операцион фаолиятини амалга ошириш ва ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал қилиши билан боғлиқ активларни яратишга сарфланган капиталдир.

Молиявий инвестициялар – мулкка эгалик қилиш ва мулқдан даромад олиш билан боғлиқ бўлган акция, облигация ва бошқа қиммат баҳо қофозлар орқали қўйилмалар киритишидир.

Инвестиция нормаси – инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга бўлган нисбатидир.

Назорат саволлари

1. Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

2. Xалқаро капиталлар миграциясининг сабаблари нималардан иборат?

3. Xалқаро капиталлар миграцияси қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?

4. Xалқаро капиталлар миграциясининг қандай шакллари мавжуд?

5. Инвестиция нормаси нима ва қандай омиллар таъсирида шаклланади?

6. Мамлакат иқтисодиётини индустрIALIZАШТИРИШ, модернизациялаш билан инвестиция нормаси ўртасида қандай боғлиқлик бор?

7. Инвестиция нормаси ва меҳнат унумдорлиги ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

8. Инвестиция нормаси ва иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудми?

9. Турли мамлакатларда инвестиция нормаси ўртасида фарқлар мавжудми?

10. Инвестиция нормасининг Хитой иқтисодиётининг ривожланишидаги ўрнини аниқланг?

II БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

2.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг назарий асослари

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб капитални четта чиқаришни асослаб берувчи янги илмий назариялар пайдо бўлди. Ушбу назариялар кўйидаги йўналишларда намоён бўлади (2.1.1-жадвал).

— капитални четга чиқаришнинг замонавий сабабларини асослаш. Ушбу турдаги таҳдиллар микроиктисодий қонуниятлар асосида амалга оширилди;

— жаҳон капитал оқимларининг ўзаро боғлиқликларини умумлаштириш. Ушбу йўналиш жаҳон бозорининг глобаллашув шароитидаги капитал оқимининг ривожланиши қонуниятларига асосланади.

XX асрнинг 60-йилларида компанияларнинг бундай фаоллигини талқин қилишда иккита назарий ёндашув қўлланилган: 1) ТМКнинг бозорда бошқа фирмалар олдида рақобат афзалликларини таъминлаб берувчи саноатни ташкил этиш; 2) халқаро капитал оқимлари йўналишларини асослаб бериш.

XX асрнинг 70-йилларида саноатни ташкил этиш назарияси доирасида олиб борилган тадқиқотлар америка ТМКи томонидан амалга оширилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг (ТТХИ) афзалликларини аниқлаш ва баҳолашга асосий эътибор қаратдилар. Менежмент техникаси, инновацияларга бўлган қобилият ва маҳсулотлар дифференцияси каби омиллар ТМКнинг рақобат афзалликларига киритилди.

Ушбу назария билан бир вақтнинг ўзида компанияларнинг хориждаги фаоллигининг молиявий жиҳатларига қизиқиш уйғонди. Натижада ТТХИ оқимини фирмаларнинг ташкилий хусусиятлари орқали тушунтиришга асосланган янги назарий йўналиш пайдо бўлди.

Дастлаб, капитални четга чиқаришда корпорациянинг рақобат афзалликларини асослашга қаратилган назарияларни кўриб чиқамиз. Ушбу афзалликларни реципиент-мамлакатда яққол кўриш мумкин. Бу турдаги тадқиқотлар мантиқан монополистик рақобатга эга бозор қоидаларига асосланади. Кимнинг товари рақиб маҳсулотига нисбатан бирон-бир афзалликка эга бўлса, ўша ғолиб чиқади. Ушбу йўналишдаги назариялар ичидан кўйидаги-

ларни алоҳида ажратиш мумкин: маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси, М.Портернинг ракобатбардошлик назарияси ва Ж.Даннингнинг эклектик парадигмаси.

2.1.1-жадвал

ТТХИнинг асосий назарий концепциялари (Макроиктисодий ёндашув)

Муаллиф	ТТХИ оқимини рағбатлантирувчи омиллар	Назарий хуосалар	Замонавий қўйлаш соҳаси
Р.Алибер	Капитал ва валюта бозорларининг такомиллашганилиги	Валютаси барқарор мамлакатларда фирмалар юкори капиталларни даражасига эга, бунинг хисобига валютаси бекарор мамлакатларда ТТХИ риски қопланади	ТТХИнинг ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга чиқарилиши ва уларнинг валюта курси динамикасига боғлиқ ҳолда ўзгариши
К.Кодзима	Муайян ресурсларга эгалик қилишда нисбий афзаликларнинг мавжудлиги ва компаниялар фаолият юритаётган бозор тузилмасининг хусусиятлари	ТТХИ – ташки савдога қўшимча тарзда компанияларнинг нисбий афзаликларини ошириши. ТТХИ ташки савдога йўналтирилган (Япония) ва йўналтирилмаган (АҚШ) турларга булиниади	Япон ТТХИ хусусиятлари
Т.Озава	Япония иккисидистига хос хусусиятлар: – ташки бозорларга боғлиқ; – миллий ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг оциши; – япон товарларига нисбатан протекционизм сиёсатининг кучайиши ва бошқалар	ТТХИ қайд этиб ўтилган салбий омилларни камайтириш имконини беради	Япон ТТХИ хусусиятлари
А.Шмитц П.Хембергер	ТТХИ асосида вертикал интеграциялашган ишлаб чиқариш тузилмалари ва капитал экспорт қўлиувчи мамлакат томон янги хом ашё оқимларни шаколантириш имкони	ТТХИ вертикал ва гризонтал интеграция жараёнлари тұфайли сандо ҳажмини оширади	Қазиб олувчи тармоклардаги ТТХИ
Р.Манделл	Божхона тарифларининг даражаси	Капитал ҳаракатининг импортни үрнини қоплашга қаралтилиши	Импорт ўрнини қоплашга йўналирилган ТТХИ
Муаллиф	ТТХИ оқимини рағбатлантирувчи омиллар	Назарий хуосалар	Замонавий қўйлаш соҳаси
Т.Хорст	Фойда ва экспортни максималлаштириши	Ушбу мақсадга эришиш ТТХИ амалга ошириши стратегиясини назарда тутади	Нархларнинг талабга боғлиқ ҳолда ўзгариши хисобига олинган ҳолларда

С.Хаймер	Портфель инвестициялар учун - фоиз ставкалари; ТТХИ учун – инвестиция киритилаёттан фирма маҳсулотининг дифференциациялануви, «миқёс таъсирида» тежаш, савдо белгиси, патентланган технологиялар, юқори даражадаги менеджмент ва маркетинг шаклларидаги нисбий афзалликлар	ТТХИ ва халқаро савдо – бир-бирининг урнини босувчи стратегиялар булиб, инвесторларга маҳаллий фирмалар томонидан рақобат курашида түсиклар яратиш имконини беради	Фирмаларнинг портфель инвестициялари; Дифференциацияланган ва вертикаль интеграцияланган ишлаб чиқаришига эга фирмалар томонидан амалга оширилаёттан ТТХИ
Р.Вернон Л.Уэллс	Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси: ташқи савдо ва инвестициялар – циклонинг ўзгаришини хисобга олган ҳолда хорижий бозорларга кириб бориши жараённинг умумий дастаклари сифатида фойдаланилади	ТТХИ ишлаб чиқаришини импортёр мамлакатларга кучириш имконини беради, «миқёс таъсирида» тежаш эса нафакат маҳаллий бозорни маҳсулот билан тұлдириш, балки уни учинчи мамлакатта экспорт қылышни таъминнайды	Япония ва Фарбий Европа ТТХИнинг ривожланылған мамлакатларга чиқариши
С.Хирш	Компаниянинг нисбий афзаллуклари ва ахборот олиш, битимларни амалга ошириш, хорижда алоқаларни йўлга қўйиш учун қўлинган харажатлар	Компания ТТХИ стратегиясини таъминайди: 1) агар ноу-хуя эгаси, ўз мамлакати ва хорижда маҳсулот сотишига катта фарққа зга бўлса; 2) ишлаб чиқариши харажатлари паст бўлган мамлакатлар мавжуд бўлса.	ТТХИ ноу-хуяга эга компаниялар томонидан амалга оширилади; ТТХИ ишлаб чиқариши харажатлари паст бўлган мамлакатларга чиқарилади
Д.Пенроуз О Уильямсон К.Эрроу ва х.к.	Бозорнинг иқтисодий институт сифатида мустақил сотувчилар ва харидорлар ўргасида активлар, товарлар ва ахборотлар билан самарали алмашинувни амалга ошира олмаслигини енгизга бўлган интилиш	Фирманинг музокаралар ва битимлар, мулк хуқуқини ҳимоя қилиш, харидорнинг беҳбарлиги туғайли товар учун максимал нарх олишининг иложи йўқиги ва бошқалар учун харажатлар қанча юқори бўлса, компания ТТХИни амалга ошириница шунчалик фаол бўлади	Компаниялар томонидан бозорнинг ноумукаммалигини енгизиш учун кўп микадорда сарф-харажатлар қилинган ҳолларда кулланилиади

Ж.Даннинг	Компания куйидаги шартшароитлар мавжуд болганда ТТХИни амалга оширади: 1) сезилмайдиган активларга булган мүлк хукуки билан боғлиқ афзаликларга эга булганда, 2) компаниянинг активлари узи ишлатиши манфаатлироқ бўлганда;	Фақат биринчи афзаликка эга компания патентлар в лицензияларни сотади; Биринчи ва иккинчи ёки барча афзаликларга эга компания ТТХИни амалга оширади	Санаб утилган шартшароитларга эга компаниилар томнидан амалга ошириладиган ТТХИ
	3) компания биринчи ва иккинчи шартлар мавжуд булган ҳолларда уз афзаликларидан хориждаги бирон-бир ишлаб чиқариш омили билан бирга фойдаланиши манфаатлироқ булади		

Маҳсулотнинг ҳәётийлик цикли назарияси француз олим Р.Вернон томонидан 1966 йилда ишлаб чиқилган. У капитални четта чиқаришни маҳсулотнинг ҳәётийлик цикли қонуниятлари билан боғлайди. Маҳсулотнинг бозордаги ҳәёти бир нечта босқичлардан ўтади:

- 1) маҳсулот бозорга олиб кирилади;
 - 2) маҳсулотни сотиш ҳажмининг ортиши ва сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши;
 - 3) маҳсулот оммавий тарзда ишлаб чиқарилади;
 - 4) бозор маҳсулотга тўйинади ва сотиш ҳажми пасаяди.
- Шунда маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатилади.

Маҳсулотни экспорт қилиш ва ишлаб чиқаришни хорижга кўчириш эҳтиёжи учинчи ва тўртгинчи босқичлар оралиғида вужудга келади. Агар товар ва капитал муваффақиятли экспорт қилинса, фирма маҳсулотнинг ҳәётийлик циклини қулай тарзда узайтириш имконини кўлга киритади. Бу даврда юқори, барқарор маҳсулдорлик таъминланади ва даромадлилик ошади. Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ҳәётийлик циклининг етуклик босқичида ортади ва ушбу босқичда жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Шу билан бир вақтда ташқи иқтисодий экспансияга эҳтиёж заруриятга айланади. Ушбу ҳолат маҳсулотнинг монополистик рақобат афзаликларининг бошқа мамлакатда «гуллабяшнаши» учун имконият яратиб беради.

Рақобатбардошлик назарияси 1990 йилда М.Портер томонидан ишлаб чиқилган (2.1.1-расм). М.Портер рақобатбардошлик назариясини жаҳоннинг саккиз мамлакатидаги юздан ортиқ тармоқ-

ларни таҳдил қилиш асосида яратган. М.Портер ушбу таҳдиллар асосида ТМКнинг жаҳон бозорларидағи мұваффақиятини таъминловчи омилларни қўйидаги гуруҳларга ажратади:

М.Портер ушбу омиллар синтезини «рақобат афзаликлари олмоси» деб атайди ва улар капитални четта чиқаришнинг мұваффақиятини кафолатлашини назарда тутади. Кўшимча омиллар сифатида эса давлатнинг оқилона инвестиция сиёсати ва «омади вазиятлари»ни келтиради.



2.1.1-расм. М.Портернинг рақобатбардошлиқ омиллари

М.Портернинг фикрича, бозорни ўзлаштиришда рақобат фактат фойдаланилаётган технологиялар билан боғлиқ бўлмасдан, балки ТМК томонидан қўлланилаётган стратегияларда ҳам намоён бўлади.

М.Портер, капитални четта чиқараётган мамлакат, агар шу капитал реципиент-мамлакатдаги турдош ишлаб чиқариши билан кооперациялашса, барқарор ривожланиши мумкин, деб таъкидлайди. Маҳаллий товар етказиб берувчилар маҳсулот таннархини арzonлаштиради, божхона тўловларини камайтиради ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиради.

М.Портер назарияси донор мамлакатларни қабул қилувчи томоннинг имкониятларини ўрганишга ва хўжалик алоқаларининг коопсерацисон занжирига қўшилишга даъват этади. М.Портер назариясига кўра реципиент-мамлакат капитал импортини рағбатлантиришда мамлакатта кириб келган инвестициялар учун қўллаб-куватловчи (йўллар, савдо шохобчалари, ахборот хизматлари ва ҳ.к.) ва йўлдош тармоқларни (аралаш тармоқлар, кафолатли хизматлар) шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратиши лозим.

Хорижий капитални жалб қилишдаги миллий афзаликлар ҳукуматнинг қулай инвестиция мұхитини шакллантиришга қаратилган оқилона сиёсати билан күчайтирилиши мүмкін.

Эклектик парадигма инглиз олимі Ж.Даннингга (1981) тегишли бўлиб, у ТМКнинг жаҳон капитал бозорлариға кириб бориш сабабларини умумлаштирали. Шунинг учун ушбу назария эклектик парадигма номини олган. Ж.Даннинг иқтисодий назарияда тўпланган фикрларни оддий механик тарзда умумлаштирумасдан хўжалик амалиётида синовдан муваффақиятли ўтган омилларни танлаб олди. Эклектик парадигма назариясида қўйидаги учта ҳолатга изоҳ берилган:

— Қандай ҳолларда товардан кўра капитални четга чиқариш фойдалироқ?

— Қачон миллий ресурслардан кўра бошқа мамлакатлар ресурсларидан фойдаланиш фойдалироқ?

— Қачон компания хорижда ўз ватанида мүмкин бўлмаган монополистик фойдани қўлга киритиши мүмкин?

Ж.Даннинг сўнгги муаммони ҳал қилиш учун компаниянинг жаҳон капитал бозорида намойиш қилиши мүмкин бўлган афзаликларини таснифлаб берди. Ушбу афзаликлар қўйидаги учта йирик гурухга ажратилади:

O – инвестор компанияларнинг ички салоҳиятига боғлиқ бўлган афзаликлар. Уларга компаниялар томонидан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш омилларининг афзаликлари, компаниянинг ташкилий тузилиш хусусиятлари ва қўллаётган стратегияси каби афзаликлар киради;

I – байналминаллашув жараёнида ўз товарлари ва ишлаб чиқариш имкониятларини бегона бозорларга йўналтиришда қўлланиладиган филиаллар тармоғидан фойдаланиш афзаликлари;

L – реципиент-мамлакат тақдим этадиган афзаликлар (имтиёзли солиққа тортиш тизими, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлатнинг иштироки, инфратузилма хизматларининг кўрсатилиши ва бошқалар).

Эклектик парадигма назариясига кўра, реципиент-мамлакатлар хорижий инвестицияларни жалб этишда фақат ресурсларнинг арzonлигига таянмасликлари лозим. Миллий иқтисодиёт учун зарур хорижий инвестицияларни жалб қилишда ушбу омилнинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун асосий эътибор қулай инвестиция мұхитини яратишга қаратилиши керак.

Ж.Даннинг концепцияси немис олимі И.Штен (1989) томонидан тўлдирилди. У Ж.Даннинг томонидан илгари сурилган афзаликлар (O, I, L) асосида компания қандай қилиб экспансия

стратегиясими танлашини күрсатиб беришга ҳаракат қилди. Экспланция стратегиясими танлаш билан боғлиқ мүқобил вариянтлар учта: лицензияларни сотиш, товар экспорти ва ТТХИ. И.Штеннинг таъкидлашича, ташқи иқтисодий экспансия йулига ўтган ТМК риск даражаси паст бўлган йўлни излайди. Агар реципиент-мамлакат L – афзалликларни тақдим этса, ТМК ушбу худудга ТТХИни киритишни афзал деб билади (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал

OIL – афзалликлар ва ташқи иқтисодий экспансия стратегиясими танлаш

Афзалликлар	Лицензиялар сотиш	Экспорт	ТТХИ
O	X	X	X
I	0	X	X
L	0	0	X

бу ерда: X – юз беради, 0 – юз бермайди

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, энг яхши ишлаб чиқариш омиллари, юқори технологиялар ва стратегияга эга бўлган компания ташқи иқтисодий экспансияни хоҳлаган усулда амалга ошириш имконига эга. Агар компанияда янги бозорларга чиқиш филиаллари мавжуд бўлиб, технологиялар буйича афзалликларга эга бўлмаса, у ҳолда компания ўзининг лицензион фаолиятини ривожлантирумайди. Чунки компанияда бундай стратегия учун ресурслар мавжуд эмас. Шунингдек, агар реципиент-мамлакат хорижий инвестициялар учун қуладайликлар тақдим этса, компания иқтисодий интеграциянинг айнан шу йўналишини танлайди.

Замонавий назариялар капитални четга чиқаришнинг сабабларидан ташқари, уларнинг йўналишларини ҳам асослаб беради. Улар ушбу жараённинг капитални четга чиқарувчи ва қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига таъсирини прогнозлаштиришга ҳаракат қиласди.

Ушбу назарий йўналишнинг хусусиятли жиҳати ТТХИни экспорт қилиш йўлига ўтган иқтисодиётнинг ривожланиш босқичларини очиб беришга уринишдан иборат. Тадқиқотлар очик иқтисодиётни макроиқтисодий даражада таҳлил қилиш доирасида олиб борилади. Ушбу йўналишда «учаётган ғозлар» ва инвестицион ривожланиш йўли назариялари қизиқарлидир.

«Учаётган ғозлар» назарияси Японияда пайдо бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония вайрон бўлган иқтисодиётини тиклаш ва иқтисодий қолоқликни бартараф этиш учун

ҳаракат қила бошлади. Үшбу даврда Япония қувиб етиб олуучи ривожланиш моделини таңлади ва «учаётган фозлар» назарияси бундай вазиятларга хос хусусиятларни акс эттиради. Үшбу назариянинг муаллифи Кожима Озава бўлиб, иқтисодий ўсиш самарасининг ортиши жараёнида импорт босимидан ҳимояланиш лозимлигини асослашга ҳаракат қиласди. Иқтисодий ўсиш ҳудудининг кенгайиши юқоридан пастга қараб содир бўлади ва учбурчак шаклда учеби кетаётган фозлар тўдасини эслатади.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши иқтисодий ўсиш мантиқига бўйсундирилган. Биринчи босқичда миллий ишлаб чиқарувчилар ҳимоя қилинади ва импорт чекланади. Миллий ишлаб чиқариш ҳажми аста-секинлик билан кенгайиб боради. ТТХИнинг турдош ишлаб чиқаришга жалб этилиши миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланишига туртки беради, улар учун бозорларни кенгайтиради ва қўпроқ капитал жамғариш имкониятини яратади. Миллий ишлаб чиқаришнинг тикланиши мамлакатнинг маҳсулот импортёридан экспортёрга айланишига ёрдам беради.

Иқтисодий ривожланишнинг үшбу ижобий самараси импорт ўрнини қоплашдан импортга боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш томон үзгаради. «Учаётган фозлар» назарияси миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилишни оқилона ташки иқтисодий стратегия билан уйғун ҳолда олиб боришни тақозо этади. Бу протекционистик чораларни қўллашнинг селектив-тармоқли ёндашувига асосланган янгича назария эди. Үшбу назария мамлакатнинг ташки дунёдан ажralиб қолишига олиб келмади, балки хорижий капиталдан миллий иқтисодиётни тиклаш учун унумли фойдаланишга олиб келди.

Инвестицион ривожланиш йўли назарияси (1994) Ж.Даннинг ва Нарулаларга тегишилдири. Үшбу ривожланиш йўли беш босқичдан иборат ва ТТХИнинг мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлигини тавсифлаб беради. Меҳнат сифимкорлиги юқори, паст технологияли ишлаб чиқаришга эга ва қазиб чиқариш саноати устун бўлган мамлакатлар, одатда, ТТХИни импорт қўлувчи мамлакатлар ҳисобланишида (биринчи босқич). Үшбу мамлакатлар капитал сифимкорлиги юқори ишлаб чиқариш ва илмий-техника тараққиётини ривожлантиришга ҳаракат қилишлари ТТХИ импортининг ўсишига олиб келади (иккинчи босқич). Агар хорижий капитал импорти рафбатлантирувчи ва экспортга йўналтирилган сиёсат билан қўллаб-куватланса, мамлакатнинг ўзи ТТХИни экспорт қила бошлайди (учинчи ва қисман иккинчи босқичлар). Тўртинчи босқич

ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, ТТХИ экспорти уларнинг импортидан юқори бўлади. Бешинчи босқичда ТТХИ экспорти ва импорти бир-бирини мувозанатлаб туради ва юқори ривожланган мамлакатларга хосдир. Ушбу мамлакатлар барча афзаликларга (О, I, L) эга бўлиб, жаҳонда технологик ва капитал сифимкорлиги юқори тармоқларда етакчилик қилишиади.

Турли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш йўлида ТТХИнинг иштироки қуидаги 2.1.3-жадвалда келтирилган.

2.1.3-жадвал

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши йўли бўйича гуруҳланиши

1-босқич Россия, Болгария давлатлари учун хосдир. Вьетнам ТТХИни барқарор суръатларда жалб этгани ҳолда, ушбу босқични тарк эта бошлади. Бу гуруҳдаги мамлакатлар хорижий инвестицияларни салмоқли, катта ҳажмда жалб эта олмаяптилар. Шу билан бирга хорижий инвестицияларга бўлган эҳтиёж юқорилигича қолмоқда

2-босқич Венгрия, Польша, Индонезия, Ҳиндистон давлатларига хос бўлиб, улар хорижий инвестицияларни фаол жалб этишмоқда. Хорижий инвестициялар ёрдамида иқтисодиёт таркиби ўзгартирилмоқда.

3-босқич Бразилия, Хитой, Мексика давлатлари узлаштирган. Ушбу мамлакатлар ТТХИни экспорт қила бошладилар. Россиядаги МДХ мамлакатларининг капитал бозорларига кириб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

4-босқич ривожланган мамлакатларга хосдир: Франция, Германия, Италия, Испания, Буюк Британия, АҚШ.

5-босқич Канада узлаштирган.

Иқтисодий ўсиш йўллари назарияси ТТХИ оқими ривожланаётган мамлакатлар томонидан оқилона бошқарилганда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилига айланиши мумкинлигини кўрсатади.

Шу билан бирга ТТХИ қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига салбий таъсири ўтказиши ҳам мумкин:

— миллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кучли рақобатчининг кириб келиши;

— корхонани кейинчалик муқобил ишлаб чиқаришни тутатиш мақсадида ёпиб юбориш;

— атроф-муҳитнинг ифлосланиши, чунки хорижий капитал ўз ватанида тақиқланган заарарли ишлаб чиқаришни четга чиқаришга ҳаракат қиласди;

— экспортёр мамлакатда рақобатбардош бўлмай қолган капиталнинг кириб келиши;

- эркин тадбиркорлик мұхитига зарар етказувчи монопол бозорнинг ўрнатилиш хавфи;
- адолатсиз рақобат мұхитиде ишловчи синалмаган капитали қабул қилиш әхтимоли.

2.2. Тұғридан-тұгри хорижий инвестицияларнинг ақамияти

Халқаро компанияларнинг пайдо бўлишига қадар барча хорижий инвестициялар портфель инвестициялар шаклида бўлган. ТТХИ XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ривожлана бошлади, аммо бу йилларда портфель инвестициялар ҳажми тұғридан-тұгри инвестициялар ҳажмiga нисбатан иккى баробар кўп эди.

ТТХИнинг аниқ молия-саноат гурӯҳлари, халқаро фирмалар, ТМК фаолияти орқали амалга оширилиши уларга муайян устунлик беради. ТТХИни бошқариш портфель инвестицияларга қараганда осон бўлиб, уларнинг «ўйин қоидалари» аникроқдир. Ушбу ҳолат бозор иқтисодиётини тартибга солиша мұхим ақамиятта эга (2.2.1-расм).

Тұғридан-тұгри хорижий инвестицияларнинг функционал таркиби

ТТХИ белгилаб берадиган функционал муносабатлар ва мутаносибликлар йиғиндиси

Асосий элементлари

- инвесторга инвестициялаш объекти устидан назоратни таъминлаб берадиган ҳажмдаги узоқ муддатли хорижий капитал қўйилмалар;
- инвестициялаш объектининг хорижлик эгасидан олинган кредитлар.

Асосий хусусиятлари

-хорижий инвестициялар тизимида ТТХИ улуси ТМКнинг вужудга келиши ва жадал ривожланиши билан белгиланади;
-капитал қўйилмалар ТТХИнинг йўналишларига боғлиқ ҳолда тармоқ таркиби бўйича гурӯҳланади;
-ТТХИнинг тармоқ таркиби бўйича гурӯҳланиши хорижий инвестицияларни жалб қиласеттан мамлакат ички инвестиция мұхитини ифода этади;
-инфратузилма тармоқлари ТТХИ йўналтириладиган устувор тармоқлар ҳисобланади.

2.2.1-расм. Тұғридан-тұгри хорижий инвестицияларнинг функционал таркиби

Таҳлилий маълумотларга қараганда ТТХИ оқими бир неча ўн йилликлар мобайнида жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. 1914 йилдан иккинчи жаҳон уруши охиригача бўлган муддатда хорижий инвестициялар ҳажми 30% га кўпайган ҳолда, кейинги 10 йил мобайнида икки баробар ўсган. XX асрнинг 60-йилларининг ўрталаридан бошлаб кейинги 25 йил мобайнида эса ушбу курсаткич 4 маротабага ошган. XX асрнинг 1980 йилларида жаҳонда ТТХИ оқимининг ҳажми 85 млрд. долларни ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2008 йилга келиб 3,6 трлн. долларга етди (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал.

Жаҳон иқтисодиётига йўналтирилган ТТХИнинг ривожланиш динамикаси¹⁵

Кўрсаткичлар	Жорий баҳолардаги қиймати, млрд. долл.				2008 йилда 1982 йилга нисбатан ўз- гариш, марта
	1982 й.	1990 й.	2007 й.	2008 й.	
ТТХИни жалб этиш	58	207	1 979	1 697	29,2
ТТХИни четта чиқариш	27	239	2 147	1 858	68,8
ТТХИ ҳажми	85	446	4 126	3 555	41,8

XXI аср бошларида ТТХИ жаҳонда ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Жумладан, жалб этилган, четта чиқарилган ва ТТХИнинг умумий ҳажми 2008 йилга келиб 1982 йилга нисбатан мос равишда 29,2, 68,8 ва 41,8 мартаға ортган (2.2.1-жадвал). 2008 йилда ТТХИни жалб этиш ҳажми жаҳон молиявий-иктисодий инқизозининг таъсири остида 2007 йилдаги 1 трлн. 979 млрд. долларга нисбатан 14% га пасайиб, 1 трлн. 697 млрд. долларни ташкил этди. Ушбу тенденция 2009 – 2010 йилларда давом этиши мумкин. Таҳлиллар кўрсатишича, 2009 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ТТХИ оқими 44% га қисқарган. Прогнозларга кўра, 2011 йилдан бошлаб ушбу соҳада ижобий ўзгариш юз бериши кутгилмоқда. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози ТТХИнинг географик таркибининг ўзгаришига таъсир кўрсатмоқда. Натижада ТТХИ оқимида ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг улуши 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 43% га ортган.

15 UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009. маълумотлари асосида ҳисобланган. Р. 18.

2008 йилда ТТХИни жалб этиш ҳажмининг 29% га қисқариши трансчегаравий бирлашиш ва қўшиб олишлар ҳажмининг қисқариши туфайли юз берган. Трансчегаравий бирлашиш ва қўшиб олишлар ҳажми охирги беш йил давомида муттасил ошиб борган ҳолда, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 39% га қисқарди. Мазкур тузилган битимлар сони Европада 56% га, Японияда эса 43% га қисқарган. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози айланма маблағлари ҳажми 1 млрд. доллардан кўп бўлган халқаро компанияларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига купроқ таъсири қилди.

Халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар жараёни бундан юз йиллар олдин АҚШда пайдо бўлган. Шу билан бирга халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар бозори юзага келди, ушбу бозорда олди-сотди обьекти сифатида акцияларнинг йирик пакети ёки корхона қатнашади. Ҳозирги вақтда халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар рақобат курашининг самарали усусларидан бири ҳисобланади. Ушбу усул компанияларнинг бозордаги улушининг ортишига, капиталлашиш даражасининг ўсишига олиб келади.

Халқаро бирлашиш ва қўшиб олишларнинг гурухланиш мезонларини қўйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: интеграциялашув тавсифи, молиялаштириш шакли, битимда учинчи томоннинг қатнашиши ва қатнашчиларнинг битимга муносабати. Назаримизда, жаҳон молиявий-иктисодий инқизози шароитида битимларни молиялаштириш шакллари долзарб саналади.

Жаҳон амалиётида халқаро бирлашишларни молиялаштиришнинг кенг тарқалган усули пул маблағлари ва оддий акциялар (ривожланган мамлакатларда битимларнинг 80% гача) ҳисобланади. Нисбатан кам тарқалган усусларга қарз дастаклари, имтиёзли акциялар, ҳосилавий қимматбаҳо қофозлар ёки уларни аралаш қўллаш орқали молиялаштиришлар киради. Масалан, Россияда оддий акциялар орқали молиялаштириш жуда кам учрайди. Ушбу усул, одатда, йирик компаниялар томонидан кичик компанияларни қўшиб олиш жараёнини тутатишида қўлланилади. Жумладан, 2007 йилда Россияда АҚШдан фарқли равишда фонд бозорларининг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари туфайли амалга оширилган битимларнинг 95% и пул маблағлари орқали молиялаштирилган¹⁶.

Жаҳонда халқаро бирлашиш ва қўшиб олишларнинг тармоқ таркиби таҳлиллари кўрсатишича, 2008 йилда ушбу турдаги жами битимларнинг 44,9% и саноатда, 42,3% и хизматлар соҳасида ва 12,8% и қишлоқ хўжалигида содир бўлган. Ривожланган мам-

¹⁶ Каменев К.А. Особенности финансирования сделок слияний и поглощений в России. // ЭКО, №3, 2009. С. 143.

лакатларда имзоланган асосий битимлар саноатда (37,9%) амалга оширилган бўлса, ривожланётган (58,9%) ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида (72,8%) эса имзоланган битимларнинг катта қисми хизматлар соҳасига тўғри келади. Жаҳон иқтисодиётига кирувчи турли мамлакатлар гуруҳида бирлашиш ва қўшиб олишларнинг тармоқ таркибида қарама-қарши тенденциялар кузатилмоқда. Жаҳонда ва ривожланган мамлакатлар гуруҳида имзоланган шартномалар таркибида қишлоқ хўжалиги тармогининг ҳиссаси кескин ортгани ҳолда, ривожланётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, аксинча, ушбу тармоқ улуши кескин пасайиш тенденциясига эга (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал


Жаҳонда амалга оширилган ҳалқаро бирлашиш ва қўшиб олишларнинг тармоқ таркиби¹⁷

	2007 й.				2008 й.			
	Жами	Кишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизматлар	Жами	Кишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизматлар
Жаҳон бўйича	100,0	7,1	32,6	60,3	100,0	12,8	44,9	42,3
Ривожланган давлатлар	100,0	6,2	34,5	59,4	100,0	14,6	47,3	38,1
Ривожланётган давлатлар	100,0	9,6	23,6	66,9	100,0	3,2	37,9	58,9
Утиш иқтисодиёти мамлакатлари	100,0	26,8	7,1	66,1	100,0	11,7	15,5	72,8

Ўзбекистонда амалга оширилган бирлашиш ва қўшиб олишлар бўйича битимлар сони ва ҳажми ортиб бормоқда. Жумладан, 2005 – 2009 йилларда ушбу битимлар сони 15 тадан 43 тага, уларнинг қиймати 196,7 млн. доллардан 220,4 млн. долларга қадар ортган (2.2.2-расм).


2009 йилда бирлашиш ва қўшиб олишлар бўйича битимлар Туркия (39,2%), Ўзбекистон (36,8%), Хитой (8,8%), БАА (7,0%), Канада (2,9%) ва бошқа мамлакатлар (5,3%) компанияларига тегишилдирип. Ушбу битимлар текстиль (39,2%), банк (35,6%), пахта (8,8%), кабель (7,0%), нефтгаз (2,9%), машинасозлик (2,2%) ва бошқа (3,3%) тармоқларда амалга оширилган (2.2.3-расм).

¹⁷ UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009 маълумотлари асосида ҳисобланган. Р. 42.



2.2.2-расм. Ўзбекистонда бирлашишлар ва қўшиб олишлар бўйича битимлар¹⁸

Таҳдиллар кўрсатишича, 2010 йилда жаҳон конъюнктурасининг яхшиланиши, хорижий инвесторлар томонидан йирик лойиҳалар ва хусусийлаштириш битимларининг амалга оширилиши бирлашиш ва қўшиб олишлар ҳажми 300 – 350 млн. долларга тенг булиши кутилмоқда.



2.2.3-расм. 2009 йилда Ўзбекистонда бирлашишлар ва қўшиб олишлар таркиби, жамига нисбатан фоизда¹⁹

Сунгги қирқ йил ичидаги ТТХИ ҳажмининг барқарор суръатларда ўсиши натижасида уларнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши саккиз бараварга ошиди ва ҳозирда 16% ни ташкил этади. XXI аср бошларида ТТХИ ички инвестициялар ва

¹⁸ Срапионов К. Слияния и приобретения (СиП): итоги 2009 года. //Биржа, №6 (1109), 16.01.2010.

¹⁹ Уша манба.

ташқи савдога қараганда жадалроқ ривожланмоқда. ТТХИ жаҳон хўжалиги глобаллашувининг асосий омилига айланди. ТТХИ фаоллашувининг сабаблари ва ҳаракатлантирувчи кучлари қўйидагилардан иборат:

– ТТХИ ёрдамида миллий бозорларда монополистик фойда олишнинг мумкинлиги;

– ташқи савдога нисбатан қўшимча фойда олиш имконияти;

– ТМКнинг ТТХИни элтувчилари сифатида майдонга чиқиши;

– ТТХИга нисбатан ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжи-нинг кескин ўсиши;

– реципиент-мамлакатларда ТТХИни жалб қилишни рағбатлантирувчи механизмларнинг шаклланиши.

XXI аср бошларида ТТХИ ҳажмининг жадал суръатлар билан ўсиши ва уларнинг халқаро миқёсда бошқарилиши зарурияти инвестициялар билан ташқи савдо миқдори ўртасида боғлиқлик масалаларини тадқиқ этишини тақозо этмоқда.

ТТХИ ҳажми ташқи савдонинг ўсиш суръатлари ва ривожланиш истиқболларига жиддий таъсир ўтказади. Улар ўртасидаги боғлиқлик қўйидагиларда намоён бўлади:

– ташқи савдо иқтисодий ўсиш омили сифатида тан олинган;

– ТТХИ хорижий бозорларга товар ва хизматлар етказиб беришнинг воситаси, халқаро ишлаб чиқариш тизимининг асоси сифатида жаҳон савдосининг йўналишлари, ҳажми ва таркибига жиддий таъсир кўрсатади;

– жаҳонда аксарият мамлакатлар ТТХИнинг иқтисодий ривожланиш жараёнидаги ижобий ўрнини қўллаб-кувватлашмоқда. Ушбу ҳолат мазкур мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган хорижий инвестициялар борасидаги сиёсатда ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга ТТХИ оқимиға жаҳон мамлакатлари томонидан олиб бориладиган ташқи савдо сиёсати ижобий таъсирини ўтказади;

– жаҳон иқтисодиётida ТТХИ ва ташқи савдодан иқтисодий ривожланишда уйғунында фойдаланиш лозим.

ТТХИ миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятта эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан кўпроқ миқдорда капитал жамғариш, тўлов балансини қўллаб-кувватлаш ва импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. ТТХИ алоҳида корхоналарнинг фаолияти ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади. Ушбу жараёнлар маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар, буюртма-

Чилар ва рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали ички бозорни ривожлантириш, ишчиларнинг малакаси ва амалий тажрибасини оширишда ёрдам беради.

Тадқиқотлар курсатишича, миллий иқтисодиётнинг ТТХИни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати ички бозор ҳамда экспортнинг ҳажми, табиий ва минерал ресурслар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, бозор ислоҳотларини амалга ошириш суръатлари, иқтисодий барқарорлик омиллари билан боғлиқдир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг ТТХИни жалб қилишдаги жозибадорлигини белгиловчи омилларни беш гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Бозор омиллари (ички бозор ва экспорт имкониятлари).
2. Бой табиий ресурсларнинг мавжудлиги.
3. Ишлаб чиқариш харажатлари омиллари.
4. Инвестиция муҳити.
5. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси.

Умуман, ТТХИни инвестициялаш мақсадига қура қуидаги беш турга гуруҳлаш мумкин:

1. Ички бозорни эгаллашга йўналтирилган инвестициялар.

Ушбу инвестициялар ташқи савдодаги мавжуд тусиқларни айланаб ўтиш мақсадида амалга оширилади. «Бозор излаш»дан манфаатдор компаниялар, одатда, ТТХИни қабул қилувчи мамлакатларда янги бозорларга кириб бориш, унинг муайян қисмини эгаллаш ва танлаш имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан амалга оширадилар. Ушбу компаниялар учун ички бозор ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори муҳим аҳамиятга эга.

2. Экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар. Ушбу инвестицияларни жалб этиш учун мамлакатлар малакали ва арzon ишчи кучига эга бўлишлари лозим. Бунда макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик, хорижий инвестицияларни ҳукукий тартибга солишининг мукаммал тизими, солиқ имтиёзларининг мавжудлиги каби омиллар муҳим аҳамият касб этади.

3. Ресурс излашга ихтисослашган инвестициялар. Ресурс излашдан манфаатдор фирмаларни, биринчи навбатда, мамлакатда ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги қизиқтириди.

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида йўналтирилган инвестициялар. Хорижий инвестицияларнинг ушбу тури компаниялар томонидан ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш орқали нисбий афзалликларидан самаралироқ фойдаланиш мақсадида амалга оширилади. Мазкур гуруҳ инвестициялари одатда корпоратив стратегияга асосланади.

5. Технологияларни янгилаш мақсадида амалга оширилган инвестициялар. Ушбу турдаги инвестициялар юқори технологияли ишлаб чиқарыш – электроника, биотехнология, нанотехнология ва саноатнинг бошқа янги тармоқларида жамланган.

Амалда компаниялар бир вақтнинг ўзида бозор излаш, экспорт бозорига йўл топиш, самарадорликни ошириш ва ресурслар қидириб топиш каби омиллардан келиб чиқсан ҳолда инвестицион қарорлар қабул қиласидар. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига ТТХИни киритишда йирик компаниялар аксарият ички ва экспорт бозори салоҳияти мавжуд ресурсларга эришиш имкониятига алоҳида аҳамият беришмоқда.

2.3. ТТХИнинг таркиби ва ривожланиш динамикаси

Жаҳоннинг аксарият мамлакатлари амалда хорижий инвестицияларни экспорт ва импорт қилувчилар ҳисобланишади. Чунки, ТТХИ асосан ТМК орқали амалга оширилади. Шунинг учун ТТХИнинг таркибини хорижий капитални жалб қилувчи ва капитални четта чиқарувчи мамлакатларни гуруҳлаган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқdir (2.3.1-расм).

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг минтақавий таркиби

ТТХИ белгилаб берадиган минтақавий муносабатлар ва мутаносибликлар йигиниди

Асосий элементлари

- а) инвестицион ресурсларнинг миллий захиралари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳалқаро оқими;
- б) инвестицион ресурсларнинг ҳудудий захиралари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳудудларо оқими.

Хусусиятлари

- а) ТТХИни қабул қилувчи асосий мамлакатлар ривожланган мамлакатлар ҳисобланиб, улар ҳиссасига жаҳон инвестициялар оқимининг $\frac{3}{4}$ қисми тўғри келади;
- б) ТТХИнинг концентрацияларнинг АҚШ-Гарбий Европа-Япония училигига тўғри келади;
- в) Глобал ТТХИ оқимидаги ривожланаётган мамлакатлар улушининг қисқарип бориши кузатилмоқда ва уларнинг ҳиссасига жаҳон инвестициялар оқимининг $\frac{1}{5}$ қисми тўғри келади;
- г) Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг ТТХИ оқимидаги улушки барқарор бўлиб, улар ҳиссасига инвестициялар глобал оқимининг 2% и тўғри келади;
- д) Ривожланган мамлакатлар томонидан ТТХИнинг глобал тақсимланишини капитални четта чиқариши географиясига кўра назорат қўлиши.

2.3.1-расм. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг минтақавий таркиби

ТТХИ оқимининг йўналишлари мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади. ТТХИни асосан жалб этувчи ва чиқарувчи мамлакатлар саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ҳисобланishiши ва уларнинг ҳиссасига ТТХИ йиллик оқимининг 80% и тўғри келади.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози таъсирида 2008 йилда 2007 йилга нисбатан ТТХИни жалб этиш ва четга чиқариш ҳажми жаҳон бўйича тегишлича 14,2 ва 13,1% га қисқарган. (2.3.1-жадвал). Ушбу курсаткич ривожланган мамлакатларда ҳам салбий тенденцияга эга бўлиб, мутаносиб равишда 29,2 ва 16,7% ни ташкил этган. Бу даврда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ТТХИни жалб этиш ва олиб чиқиш ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган.

2.3.1-жадвал

Жаҳонда ТТХИ ривожланишининг географик таркиби, млрд. долл.²⁰

	ТТХИни оқими	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2008 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариш, %
Дунё	ТТХИни жалб этиш	1461,1	1978,8	1697,4	116,2
	ТТХИни четга чиқариш	1396,9	2146,5	1857,7	133,0
Ривожланган мамлакатлар	ТТХИни жалб этиш	972,8	1358,6	962,3	98,9
	ТТХИни четга чиқариш	1157,9	1809,5	1506,5	130,1
Ривожланаётган мамлакатлар	ТТХИни жалб этиш	433,8	529,3	620,7	143,1
	ТТХИни четга чиқариш	215,3	285,5	292,7	135,9
Ўтиш иқти- садидёти мам- лакатлари	ТТХИни жалб этиш	54,5	90,9	114,4	209,9
	ТТХИни четга чиқариш	23,7	51,5	58,5	246,8

Халқаро капиталлар ҳаракатидаги жиддий ўзгаришлар АҚШдаги ипотека инқирози таъсирида молия бозорларидағи шарт-шароитларнинг ёмонлашуви ва инфляция эҳтимолининг кучайишига олиб келди.

²⁰ UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009 маълумотлари асосида ҳисобланган. Р. 247-250.

АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Франция каби мамлакатлар халқаро бозордаги асосий инвесторлар булиб, ТТХИ таклифини шакллантирадиган мамлакатлар ҳисобланадилар. Жумладан, 2008 йилда хорижга чиқарилган жами ТТХИнинг 16,8% и АҚШ, 11,8% и Франция, 8,4 % и Германия, 6,9% и Япония, 6,0% и Буюк Британия ҳиссасига тұғри келган (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал

Ривожланган мамлакатларда ТТХИ ҳажмининг үзгариши, млрд. долл.²¹

	ТТХИни жалб этиши			2008 йилда 2006 йилга нисба- тан үзгариш, %	ТТХИни четта чиқариш			2008 йилда 2006 йилга нисба- тан үзга- риш, %
	2006 й.	2007 й.	2008 й.		2006 й.	2007 й.	2008 й.	
Ривожланг ан мамла- катлар	972,8	1358,6	962,3	98,9	1157,9	1809,5	1506,5	130,1
ЕИ-27	590,3	842,3	503,5	85,3	697,2	1192,1	837	120,1
АҚШ	237,1	271,2	316,1	133,3	224,2	378,4	311,8	139,1
Канада	59,8	108,4	44,7	41,2	44,4	59,6	77,7	175,0
Япония	-6,5	22,5	24,4	74,8	50,3	73,5	128	254,5
Бошқалар	92,1	114,2	73,6	79,9	141,8	105,9	152	107,2

Таҳлиллар күрсатишича, ривожланаёттан мамлакатлар иқтисодиёти АҚШ ва Европа банк тизими билан бевосита узвий боғланмаганлиги боис инқизордан жиддий зарар күрмади. Ривожланаёттан мамлакатларда ТТХИ оқими барқарор суръатларда ривожланмоқда ва уларнинг ҳажми 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 17%, яны 621 млрд. долларга ошган.

Агар ТТХИнинг географик таркибини қытъалар бүйича таҳлил этадиган бўлсақ, энг юқори үсиш Африка қитъасида юз берган (27%), кейинги ўринда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавzasи ҳудудлари туради (13%) (2.3.3-жадвал).

Таҳлиллар күрсатишича, ривожланаёттан мамлакатлар ТТХИни жалб этувчилар ҳисобланышади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожланган мамлакатлар ТТХИнинг катта қисмини ўз иқтисодиётларига жалб этишган.

²¹ Уша манба. Р. 247-250.

**Жаҳонда ТТХИ оқимининг географик таркиби
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)²²**

	ТТХИни жалб этиш			ТТХИни четга чиқариш		
	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Дунё бўйича	100	100	100	100	100	100
Ривожланган мамлакатлар	66,6	68,7	56,7	82,9	84,3	81,1
Ривожланаётган мамлакатлар	29,7	26,7	36,6	15,4	13,3	15,8
Утиш иқтисодиёти мамлакатлари	3,7	4,6	6,7	1,7	2,4	3,1

Ривожланаётган мамлакатлар ичида Хитой, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ичида эса Россия хорижий инвесторлар учун жозибали ҳисобланади. Жумладан, BRIC (Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой) мамлакатлари ҳиссасига ТТХИ оқимининг 10% и тўғри келган.


Ривожланаётган мамлакатлар ичида ТТХИ учун қулай инвестиция муҳитини яратган мамлакат Хитой ҳисобланади. Масалан, 2005 йилда мамлакат ҳиссасига жалб этилган жами ТТХИнинг 8% и (72,4 млрд. долл.), 2006 йилда 5% и, (69,5 млрд. долл), 2008 йилда эса 10,1% и тўғри келган. Хитой иқтисодиётига ТТХИ XX асрнинг 80 йилларидан юқори суръатларда кириб кела бошлаган. 1980 йилда Хитой иқтисодиётида жамгарилган ТТХИ 1 млрд. долларни, 10 йилдан кейин 21 млрд. долларни, яна 10 йилдан кейин эса 193 млрд. долларни ташкил этган. Охирги йилларда ушбу қўрсаткич 1,5 мартаға ортган ва ҳозирда 293 млрд. долларига тенг деб баҳоланмоқда²³ (2.3.2-расм).

2009 йил июль ойида Хитой иқтисодиётига сарфланган ТТХИ ҳажми 2008 йилнинг июль ойига нисбатан 35,7% га камайди. Умуман, 2009 йил январь-июль ойларида Хитой иқтисодиётига сарфланган ТТХИ ҳажми 48,3 млрд. долларга тенг бўлиб, аввалги йилга нисбатан 20% га қисқарган. Ушбу ҳолат қатор сабаблар таъсирида содир бўлган²⁴.

²² Ўша манба. Р. 247-250.

²³ Швандар К.В. Прямые иностранные инвестиции в странах BRIC. //Банковское дело, №02, 2008. С. 46 – 47.

²⁴ Ўша манба.



*2009 йил маълумотлари январ – июль учун берилган.

2.3.2-расм. Хитой иқтисодиётига йўналтирилган ТТХИ динамикаси, млрд. долл. (молия секторидан ташқари)²⁵

Биринчидан, ёз ойлари учун инвестицияларнинг кескин чайқалиши хосдир.

Иккинчидан, Хитой етарли олтин-валюта захирасига эга бўлганлиги сабабли хорижий инвестициялар учун яратилган қуляй инвестиция режимини бекор қилди ҳамда 2010 йилдан бошлаб Жаҳон савдо ташкилотига тўлиқ аъзолик мажбуриятларини бажариши туфайли миллий капитал хорижий инвестиция ўрнини қоплади. Юқоридаги сабабларга кўра Хитойда хорижий инвестициялар инфратузилма объектлари, кўприклар ва йўллар куришга йўналтирилмаётир. ТМКда келажакка бўлган ишончсизлигини тубдан сусайтириб, ликвидлик муаммосини келтириб чиқармоқда.

Учинчидан, 2009 йилдан бошлаб Хитойнинг давлат компаниялари хориждан табиий бойликларга бой конларни фаол сотиб олмоқда, ҳукуматнинг хусусий бизнесни ташқи бозорга чиқишига даъват этиши туфайли биринчи марта капитал экспорт қиладиган мамлакатга айланди.

Бундан ташқари, Хитой ташқи савдосининг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар ҳам хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажмининг қисқаришига таъсир қилмоқда. Масалан, Хитой Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганидан (2001 й.) кейинги давр мобайнида мамлакат ташқи савдо ҳажми экспорт ҳисобига беш бараварга ошган ва 2008 йилда 2561 млрд. долларни ташкил этган (ижобий қолдиқ 250 млрд. долл). Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ташқи талабнинг қисқариши Хитой экспортининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

²⁵ Завадский М. Спад на фоне роста. // Эксперт, № 32-24, 2009. С. 34.

Хитой ташқи савдо ҳажмини қисқартириш ва экспортни камайтириш мақсалида 2007 йилда ёк «Корхоналарнинг даромад солиги тўғрисидаги» Қонунни қабул қилган. Ушбу қонун барча мулк шаклидаги корхоналардан бир хил даромад солиғини ундиришни назарда тутади ва ушбу ҳолат хорижий инвестицияни корхоналар фойдасининг қисқаришига олиб келади²⁶.

Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари иқтисодиётининг ўсиш суръатлари кўпроқ ички омилларга таянади. Таҳлиллар кўрса-тишича, ЯИМда ТТХИнинг улуши (валютанинг харид қобилияти бўйича) Ҳиндистонда 0,3% дан, Хитойда эса 1% дан ошмайди. Иккала мамлакатда ҳам ички талабнинг ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатларидаги ҳиссаси 90% дан кам эмас²⁷. Шу билан бирга Хитой ҳукуматининг инқизорзга қарши қураш дастурларида асосий эътибор ички талабни, айниқса, 800 млн. киши яшовчи қишлоқларда кенгайтиришга қаратилган. Ушбу вазифа кўчмас мулк, автомобиллар ва истеъмол кредитлари бозорини ҳар томонлама ривожлантириш ёрдамида ҳал этилиши режалаштирилган.

Ҳиндистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсиши хорижий инвесторлар ишончининг ортиши ва кириб келаётган ТТХИ миқдорининг кўпайишига олиб келди. Аҳоли даромадларининг мунтазам ўсиб бориши маҳсулотларни сотиш бозорларини излаётган инвесторлар учун мамлакатнинг инвестицион имкониятларини оширди. Жумладан, мамлакатга Walt-Mart, General Motors, IBM, Toyota, Nissan каби йирик инвесторлар кириб келди. Жумладан, Ҳиндистон иқтисодиётига 2008 йилда 41,6 млрд. доллар ТТХИ жалб этилган.

Бразилия Лотин Америкасидаги энг йирик ТТХИни жалб этувчи мамлакат ҳисобланади ва 2008 йилда 45,1 млрд. доллар миқдорида ТТХИ киритилган.

Россия ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ичida энг йирик ТТХИни жалб этувчи мамлакат саналади. Жумладан, мамлакатга 1992 йилдан 2002 йилга қадар ҳар йили ўртacha 2,4 млрд. доллар инвестиция кириб келган бўлса, ушбу кўрсаткич 2006 йилда – 32,4 млрд. доллар, 2007 йилда 47,1 млрд. доллар, 2008 йилда эса 70,3 млрд. долларга тенг бўлган.

²⁶ Островский А.В. Подготовиться к мировому кризису – китайский рецепт. // ЭКО, № 5, 2009. С. 40, 44.

²⁷ Мельянцев В. Экономический рост Китая и Индии: динамика, пропорции и последствия. // Мировая экономика и международные отношения, № 9, 2007. С. 19 – 20.

Реципиент-мамлакатларнинг умумий сони муттасил ошиб бормоқда. ТТХИни жалб қилувчи мамлакатлар қаторига Аргентина, Чехия, Венгрия, Малайзия, Мексика, Польша, Таиланд қўшилди. Мазкур мамлакатларда иқтисодий ўсиш, саноат ишлаб чиқариш ва технологик тараққиёт хорижий капиталдан унумли фойдаланиш билан узвий боғлиқдир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ҳам ТТХИни жалб қилиш жараёнига фаол қўшилиб бормоқда. Хусусан, МДҲ мамлакатларининг дунё бўйича жами жалб этилаётган ва четга чиқарилаётган ТТХИдаги улуши 2006 йилда мос равищда 3,1 ва 1,7% ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2008 йилга келиб мутаносиб равищда 6,1 ва 3,1% ни ташкил этган (2.3.4-жадвал).

2.3.4-жадвал

МДҲ мамлакатларида ТТХИ ҳажмининг ўзгариши, млрд. долл.²⁸

	ТТХИни жалб этиш			2008 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариш, %	ТТХИни четга чиқариш			2008 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариш, %
	2006 й.	2007 й.	2008 й.		2006 й.	2007 й.	2008 й.	
МДҲ	44,7	78,1	103,5	231,5	23,3	50,1	57,9	248,5
Арманистон	0,5	0,7	1,1	220,0	0,003	-0,003	0,010	333,3
Озарбайжон	-0,6	-4,8	0,011	—	0,7	0,3	0,6	85,7
Беларусь	0,4	1,8	2,2	550,0	0,003	0,015	0,009	300,0
Грузия	1,2	1,8	1,6	133,3	-0,016	0,075	0,041	—
Қозоғистон	6,3	11,1	14,5	230,2	-0,4	3,2	3,8	—
Қирғизистон	0,2	0,2	0,2	100,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Молдова	0,2	0,5	0,7	350,0	-0,001	0,012	0,033	—
Россия	29,7	55,1	70,3	236,7	23,2	45,9	52,4	225,9
Тоҷикистон	0,3	0,4	0,4	133,3	0,0	0,0	0,0	0,0
Туркменистон	0,7	0,8	0,8	114,3	0,0	0,0	0,0	0,0
Украина	5,6	9,9	10,6	189,3	-0,133	0,7	1,010	—
Ўзбекистон	0,2	0,8	0,9	450,0	0,0	0,0	0,0	0,0

²⁸ UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009 маълумотлари асосида ҳисобланган. Р. 247-250.

ТТХИнинг тармоқ таркибини ўрганиши шуни кўрсатадики, XX асрдан бошлаб унинг тармоқ таркиби қуидагича босқичмабосқич ўзгариб борди:

Таркибий ўзгаришларнинг дастлабки босқичи XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олади ва ТТХИ асосан табиий ресурсларни ўзлаштиришга қаратилган.

Иккинчи босқич XX асрнинг 50 – 80-йилларини қамраб олади. Ушбу даврда корпорациялар ўз стратегияларини хом ашёни оддий қайта ишлашдан тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтира бошладилар. Хитой ТТХИни ушбу йўналишда жойлаштиришнинг намунаси бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда Хитой жаҳон тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг муҳим марказига айланиб бормоқда.

Учинчи босқич XX асрнинг 90-йилларидан ҳозирга қадар давом этмоқда. Бу даврда йирик хорижий капитал реципиентмамлакатлар бозорларида банклар, сугурта компаниялари, транспорт фирмалари ва бошқа компанияларнинг сервис хизматлари сифатида жойлаштирила бошланди. Прогнозларга қараганда яқин келажакда сервис хизматларини кўрсатиш ҳажми саноат ва бирламчи секторнинг ишлаб чиқариш ҳажмига қараганда жадал суръатларда ривожланиши кутилоқда. ТТХИни жадал суръатларда жалб қилиш йўлига ўтган Ҳиндистон ҳам сервис хизматлари бозорини барқарор суръатларда ўзлаштириб бормоқда.

2.4. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда хорижий инвестициялар ўринининг ортиб бориши

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти таркиби учун бир томонлама хом ашё, ярим фабрикат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашиш хос бўлди. Иқтисодиётда таркибий ва технологик номувофиқликларнинг мавжудлиги мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатдаги асосий ишлаб чиқариш қувватларининг технологик жиҳатдан қолоқлиги, асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга салбий таъсир кўрсатди (мамлакатда ўртacha ишлаб чиқариш ускуналарининг хизмат қилиш муддати 20 йил белгиланган ҳолда, тараққий этган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 9-10 йилдан ошмасди). Мамлакат иқтисодиётини таркибий жиҳатдан қайта куришга қуидаги омиллар салбий таъсир кўрсатди:

- иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларида юқори инфляция таъсири остида асосий фондлар ва айланма маблағларнинг эскирганлиги туфайли, кўпчилик корхоналар ёмон молиявий аҳволга тушиб қолди;
- бозор инфратузилма институтларининг ривожланмаганини;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестиция оқимининг ҳажми ички эҳтиёжлар даражасидан пастлиги;
- аҳоли тўлов қобилиятининг пастлиги туфайли, жадаллашган амортизация тизимини жорий этишнинг мумкин бўлмаганини;
- бозор ислоҳотларининг дастлабки йилларида давлат инвестицион фаолигининг кескин камайиши;

Иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришини учун мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ва технологик ўзгаришларни амалга ошириш зарур эди. Иқтисодиётнинг таркибини ўзгартириш икки босқичдан: **пассив ва актив** қисмдан иборат бўлади. **Пассив** босқичда бозор томондан талаб қилинмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари камаяди. Ушбу босқич талаб ва таклифнинг жорий мувозанатини таъминлаш учун зарур ҳисобланади. **Актив** босқичда эса илгари ишлаб чиқарилмаган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ривожлантирилади ва янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун янги қувватлар яратилади. Иқтисодиётдаги чуқур таркибий қайта қуриш йўналишлари ва ёндашувларига қўйидагилар киради:

- бозор хўжалик тизимида ишлаб турган корхоналарнинг ўрни ва ролини аниқлаш;
- давлат ихтиёрида акцияларнинг назорат пакети сақланиб қоладиган корхоналар рўйхатини аниқлаш;
- хорижий инвестицияларни иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайдиган тармоқ ва соҳаларга жалб этиш;
- иқтисодиётнинг оптималь таркибининг шаклланишини таъминловчи «локомотив» тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларини аниқлаш.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, ривожланган мамлакатлар таркибий кризисдан иқтисодиётнинг ривожланишини таъминловчи тармоқларда ресурсларни концентрациялаш орқали чиққанлар. Масалан, АҚШда автомобилсозлик, Японияда электроника, оғир машинасозлик, Скандинавия мамлакатларида қишлоқ хўжалиги, Хитойда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструк-

турани ривожлантириш. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инвестицион ва инновацион фаолликнинг сусайиши, илмий-техник салоҳиятнинг камайиши мамлакат иқтисодий хавфсизлигига жиддий хавф солади. Иқтисодиётнинг инқироз ҳолати, биринчи навбатда, инвестицион ва инновацион фаолликнинг кескин сусайишида намоён бўлади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, мамлакатларнинг ривожланганлик даражаси унинг катта табиий бойликлар захирасига эга бўлиши билан эмас, балки уларни қазиб олиш, транспортировка қилиш ва қайта ишлашнинг замонавий илфор технологиясига эга бўлиши билан белгиланади. Ўтиш даврининг дастлабки йилларидаги инвестицион фаолликнинг пасайиши мамлакат ишлаб чиқариш потенциалининг эскириш тенденциясини кучайтирди (2.4.1-жадвал).

2.4.1-жадвал

XX аср охирида жаҳон мамлакатларида миллий бойлик таркиби

Мамлакатлар	Ялпи ҳажми, трлн. долл.	Жами бойликка нисбатан фоиз ҳисобида		
		Инсон капитали	Табний ресурслар	Такрор ишлаб чиқариладиган асосий капитал
Жами	550	66	16	18
АҚШ	124	77	4	19
Япония	54	68	1	31
Германия	31	75	1	23
Франция	21	56	7	37
Италия	17	73	1	26
Канада	6	69	11	20
Австралия	6	66	12	23
Хитой	35	77	7	16
Хиндистон	12	58	20	22
Россия	59	20	65	15

Ривожланган мамлакатларда саноатга сарфланаётган инвестицияларда реконструкция ва техник қайта қуроллантириш учун сарфланадиган харажатларнинг улуши 60 – 80%ни ташкил этганда мамлакатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, энергия ва материалларни тежайдиган илфор технологияларни қўллаш имконияти вужудга келади. Амалиёт кўрсатишича, ишлаб турган корхоналарни реконструкция ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришининг смета қиймати янги қурилаётган корхоналарга нисбатан, одатда, 20 – 30% паст бўлади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, инвестицияларни такрор ишлаб чиқариш таркибининг шаклланиши билан

технологоик таркиби ўртасида бевосита алоқа мавжуд. Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибининг яхшиланиши натижасида инвестицияларнинг технологик таркибида ускуналар учун ажратиладиган харажатларнинг улуши ортади. Одатда, ишлаб турган корхоналарни техник қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми билан ускуналар харажатлари ўртасидаги нисбат 25%/57% га тенг бўлади. Янги қурилишда эса ушбу нисбат 66%/25% бўлади. Бундан маълум бўладики, ишлаб турган корхоналарда техник қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив қисмининг янгиланишида устуворликни исботлайди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ўтиш мамлакатлари иктиносидиётида таркибий диспропорциялар мавжудлигини кўрсатди ва уни бартараф этиш учун иктиносидий сиёсатнинг фискал, пул-кредит, институционал каби дастакларини йўналтиришни тақозо этмоқда. Масалан, Россия иктиносидиёти харажатлари таркибида иш ҳақининг улуши 15 – 20% ни ташкил этмоқда. Тараққий этган мамлакатларда эса ушбу кўрсаткич 60 – 70% ни ташкил этади.

Ўтиш мамлакатлари иктиносидиёти таркибининг ҳолатини баҳолаш мақсадида миллий бойлик таркибини таҳлил қиласиз. Тараққий этган мамлакатлар иктиносидиёти таҳлили кўрсатишича, миллий бойлик таркибида етакчи ўринни инсон капитали (65%) эгаллайди, асосий капитал (20%) ва табиий ресурс капитали улуши эса (15%) кейинги ўринда туради. Ўтиш иктиносидиёти мамлакатлари гуруҳига кирувчи Россия миллий бойлигининг таркибида қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин: табиий ресурс капитали – 65%, инсон капитали – 20% ва асосий капитал – 15%²⁹.

Таркибий муаммо шундаки, инсон капитали салоҳиятини ҳаракатта келтириш ва унинг миллий бойлик таркибидаги улушкини оширган ҳолда инсон капитали қийматини ифодаловчи иш ҳақига сарфланаётган харажатлар ҳиссаси мутаносиб равишда ошириб борилиши лозим. Инсон капиталига сарфланаётган инвестициялар орқали бир бирлик капиталга сарфланган харажатлар самарадорлигини ошириш ва иктиносидиётни инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш имконияти вужудга келади.

Таркибий сиёsat дейилганда, одатда, давлатнинг миллий иктиносидиёт тизимида самарали соҳалараро ва соҳа ичидаги нисбатларни шакллантиришга қаратилган узоқ муддатга мўл-

²⁹ Сухарев О.С. Структурная политика и система стратегического планирования. // Бизнес и банки. № 34 (967), сентябрь 2009. С. 1.

жалланган чора-тадбирлар тушунилади. Таркибий сиёсатнинг мақсади иқтисодиётнинг ривожланиши, барқарорлиги ва турли иқтисодий таркибларнинг ривожланишидаги мутаносиблигни таъминлашдан иборатdir. Ушбу сиёсатнинг узоқ муддатли йўналиши фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва инновацияни ривожлантириш асосида миллий иқтисодиётнинг рақобат-бардошлигини таъминлаш ҳисобланади.

Таркибий сиёсат доирасида таркибий ислоҳотлар амалга оширилади. Таркибий ислоҳотлар деганда иқтисодиёт секторлари ўртасидаги нисбатларнинг ўзгариши, янги соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши ҳамда йирик компаниялар даражасидаги ташкилий-хуқуқий ўзгаришларни амалга ошириш тушунилади. Миллий иқтисодиётни модернизациялашида таркибий ислоҳотларнинг аҳамияти шундаки, улар миллий компанияларнинг рақобат-бардошлигини, шу жумладан, қайта ишлаш саноати ва инновациялар соҳасида таъминлайди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни амалга ошириш устун даражада мамлакатнинг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан ва ички заҳираларидан фойдаланиш самарадорлиги билан белгиланади. Иқтисодиёт таркиби унинг яхлитлигини таъминловчи хўжалик тизимининг элементлари ўртасидаги нисбат ва муносабатлар йиғиндисидан иборат. Иқтисодиёт таркиби ва иқтисодий ўсиш бир-бири билан чамбарчас боғланган икки муҳим муаммо ҳисобланади. Бир томондан иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланиши иқтисодиёт консерватив таркибга эга бўлса, унинг самарадорлигини пасайтиради. Иккинчи томондан иқтисодиётдаги мавжуд нисбатлардан янги прогрессив таркибга ўтишга таркибий ўзгаришларни таъминлайдиган тармоқларни барқарор суръатларда ривожлантириш асосида эришилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакат иқтисодиёти таркиби учун деформация элементлари, тармоқларда монополизмнинг мавжудлиги ва қайта ишлаш тармоқлари рақобатбардошлигининг пастлиги хосдир. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркиби қуйидаги омиллар таъсирида шакланади: ижтимоий меҳнат тақсимоти, илмий-техника тараққиёти, аҳоли эҳтиёжларининг ўсиши ва мураккаблашуви, бирамчи ишлаб чиқариш ресурсларини кўлами ва чекланганлиги, ташқи иқтисодий омиллар.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши устун даражада қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа ҳамда хизмат соҳаларининг ривожланиши билан белгиланади. Мавжуд тармоқларда яқин истиқболда иқтисодий ўшишнинг катта

захиралари мавжуд. Таҳдиллар кўрсатишича, иқтисодий ўсишнинг катта имкониятлари товар ва хизматлар экспортида ўз аксини топган. Саноат тармоқлари ичida иқтисодиётнинг барқарор ўсишига химия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, тиббиёт, нефтни қайта ишлаш, кўмир ва енгил саноат тармоқларининг ривожланиши жиддий таъсир кўрсатади. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ЯИМни энергия сигимкорлигини пасайтириш, иқтисодий таркибини яхшилаш (қайта ишлаш саноатини қазиб чиқаришга нисбатан жадал ривожлантириш муҳим роль ўйнайди). Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини такрор ишлаб чиқариш, тармоқ, технологик, минтақавий, ижтимоий-иктисодий, капитални концентрациялашув, кооперациялашув ва марказлашув жараённи акс эттирувчи таркибини ажратиш мумкин.

Такрор ишлаб чиқариш таркибига кўра ЯИМ куйидаги уч элементдан: 1) моддий несьматлар ва хизматларнинг пировард истеъмоли; 2) ялпи жамғариш; 3) товар ва хизматларнинг соф экспорти. 2008 йилда улар мутаносиб равищда 63,8:21,3:14,9 дан иборат бўлди (2.4.2-жадвал).

2.4.2-жадвал

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)³⁰

Йўналишлар	1991 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	63,8
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	21,3
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	14,9

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби айrim тармоқнинг ЯИМдаги, асосий ишлаб чиқариш фондларидағи, ишлаётганларнинг сонидаги улуши билан белгиланади. Ушбу таркиб ижтимоий меҳнат тақсимоти, тармоқлараро ва тармоқ ичи жараёнлари таъсири остида шаклланади.

Иқтисодиётнинг технологик таркиби ишлаб чиқаришни технология базасини белгиловчи технологик укладларнинг йиғиндиндисидан иборат. Иқтисодий фанда технологик укларларни

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

беш тури фарқланади. Ўзбекистон иқтисодиётида хомашёга асосланган иқтисодиётдан юқори технологияли иқтисодиётга ўтиш амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг минтақавий таркиби – миллий хўжалик субъектларини мамлакат ЯИМни ишлаб чиқаришдаги улуши билан белгиланади (2.4.3-жадвал).

2.4.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ялни ички маҳсулотининг минтақавий таркиби (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)³¹

	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Ялни ҳудудий маҳсулотининг бўлинмаган қисми	12,2	9,9	16,3	16,7	16,7	15,5
Тошкент шаҳри	10,1	10,8	12,9	13,2	14,8	16,9
Хоразм вилояти	5,0	4,4	3,7	3,6	3,6	3,4
Фарғона вилояти	12,5	11,5	8,0	7,7	7,9	7,7
Тошкент вилояти	10,1	10,8	9,3	9,9	10,4	9,4
Сирдар вилояти	3,5	2,6	1,9	1,8	1,7	1,7
Сурхондар вилояти	4,0	5,1	4,5	4,4	3,7	3,7
Самарқанд вилояти	7,3	8,1	6,7	6,6	6,3	6,5
Наманган вилояти	5,7	5,3	4,0	3,8	3,7	3,9
Навоий вилояти	4,2	4,5	5,9	6,1	6,0	5,8
Қашқадар вилояти	6,9	7,2	7,8	7,9	7,6	7,7
Жizzах вилояти	3,2	2,6	3,0	3,0	2,8	2,7
Бухоро вилояти	5,3	6,4	6,2	5,8	5,6	5,6
Андижон вилояти	5,8	7,4	7,0	6,8	6,5	6,9
Қорақалпоғистон Республикаси	4,2	3,4	2,8	2,7	3,4	2,7
Ўзбекистон – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Иқтисодиётнинг ижтимоий-иктисодий таркиби мамлакатдаги мулк шаклларининг ЯИМни ишлаб чиқаришдаги, банд бўлганларни умумий сони, асосий капиталга сарфланган инвестициялардаги улуши билан белгиланади.

Капиталнинг концентрациялашуви, кооперациялашуви ва марказлашувини акс эттирувчи иқтисодиёт таркиби – кичик, ўрта, йирик корхоналар, молия-саноат гуруҳлари, трансмиллий компанияларнинг ЯИМни ишлаб чиқаришдаги ўрни билан белгиланади.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Таркибий сиёсатни амалга ошириш принциплари қуйидагилардан иборат: рақобатбардош бозор иқтисодий ривожланиш бош тартибга солувчиси сифатида; давлатни иқтисодиётта аралашувины камайтириш ва оптималлаштириш; иқтисодиётнинг очиқлиги; микроиктисодий даражада иқтисодиёт фаолиятни эркинлаштириш.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзини юзага келтирувчи сабаблардан бири – бу иқтисодиётда диспропорцияларнинг вужудга келиши ва инвестиция ресурслари етишмаслиги туфайли уларни бошқариш механизмларининг амал қиласлигидир. Масалан, миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий нисбатларидан бири реал сектор билан молиявий сектор ўртасидаги нисбат ҳисобланади. Жаҳон хўжалигига, шу жумладан, тараққий эттан ва айрим ўтиш мамлакатлари иқтисодиётида молия сектори деформацияланшиб, реал сектордан узилиб, сохта капитални тақрор ишлаб чиқарувчи институционал механизмлар ўз-ўзидан ишлай бошлади.

Турли ҳисоб-китобларга кўра, сохта капитал ҳажмининг реал капитал ҳажмига нисбатан ошиб кетиши «совун кўпикларининг» вужудга келишини жадаллаштириди. АҚШда молия сектори фойдасининг ЯИМдаги улуши 14% ни ташкил этгани ҳолда, 2008 йилда 40% га тенг бўлди³². 1990–2007 йилларда АҚШ аҳолисининг 5% и мамлакат даромадининг 38% ва миллий бойликнинг 50% ини ўзлаштириб олгани ҳолда, бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 12% га ва АҚШнинг умумий қарзи 54 трлн. долларга тенг бўлди. Мамлакатда ташқи қарз иқтисодиёти вужудга келиб, АҚШнинг ҳамма агентларининг умумий қарзи ЯИМга нисбатан охирги 10 йил ичida 75% дан 350% га етди.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида таркибий сиёсатни қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофикадир³³:

1. Иқтисодиётда технологик мультиплікаторни ишга тушириш бўйича иқтисодий сиёсат олиб бориш. Масалан, Германияда фотоэлектроника тармоғини ривожлантириш бўйича маҳсус қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ қурилиш компанияларига биноларнинг томини ёпишда фотоэлектрик қурилмалардан фойдаланиш мажбурияти юклатилган. Шу орқали Германияда электроника тармоғи маҳсулотларига талаб шакллантирилган ва ушбу соҳада инновация муаммоси ҳал этилган.

³² Ўша манба. С. 3.

³³ Сухарев О.С. Макроэкономика инноваций: мифы и реальности российского роста. // Бизнес и банки. № 23, (908), июнь 2008. С. 2.

2. Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (НИОКР), янги техникани ўзлаштириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича барча харажатларни солиқлардан озод этиш. Бу фан сифимкорлиги юқори техниканинг миллий ишланмалари ривожланишини рағбатлантиради.

3. Трансакцион секторлар, жумладан, молия сектори рентабеллигини пасайтиришга кўмаклашиш. Бу малакали кадрларнинг меҳнат унумдорлиги юқори тармоқлардан трансакцион секторларга оқиб ўтишининг олдини олади.

4. Яқин уч йил ичида газ, сув ва электр энергия билан таъминлаш соҳасида тарифлар барқарорлигини таъминлаш.

5. Давлат корпорациялари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2009 йилда инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар хисобидан 8,2 млрд. доллар миқдорида инвестиция жалб этилди. Бу 2008 йил билан таққослаганда, 24,8% га кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 26,1% ни ташкил этди.

Жадвалдан кўринадики, 2009 йилда асосий капиталга ўйналтирилган инвестициялар ҳажми ва таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 2000 йилда 23,2% ни ташкил этгани ҳолда 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 32,2% га teng бўлди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 1,5 баравардан кўпроқ ўсиб, бунинг натижасида уларнинг умумий инвестициялар таркибидаги улуши 20,9% га қадар ошган (2.4.4-жадвал).

Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50% га яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга ўйналтирилганини таъкидлаш даркор.

2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 млрд. доллардан зиёд ёки 2009 йилга нисбатан 30% кўп хорижий инвестициялар жалб қилиниши кўзда тутилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46%-га ошади.

Ўзбекистонда молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркиби, (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)³⁴

Манбалар	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Жами	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети	29,2	12,2	10,4	9,0	9,0	8,1
Корхона маблағлари	27,1	46,0	48,4	47,6	44,1	36,3
Аҳоли маблағлари	12,0	11,4	11,8	11,4	9,8	10,6
Хорижий инвестициялар	23,2	21,7	18,5	22,8	25,8	32,2
Банклар кредитлари	6,9	3,5	3,7	5,0	5,0	5,2
Бошқа қарз маблағлар	0,4	0,3	0,4	—	—	—
Бюджетдан ташқари маблағлар	1,2	4,8	6,8	6,1	6,3	7,6

Бундай йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфраструктура лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимизда 2007 йилда ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди жуда катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу фонднинг жамгармаси 3,7 млрд. долларни ташкил этмоқда³⁵.


Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини тъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом этириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим»³⁶.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, ўтган йилда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган натижалар мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг янада яхшиланганлигидан, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятининг кенгайланлигидан дарак беради.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

³⁵ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаронсонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: «Ўзбекистон». 2010. 66-б.

³⁶ Ўша манба. 59-б.



2.4.1-расм. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг таркиби (жамига нисбатан фоизда)³⁷

«Изчил дастурни амалга ошириш натижасида 2009 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқариш улуши 2000 йилга нисбатан 14 фоиздан 24 фоизга, транспорт ва алоқа соҳалари улуши 7,7 фоиздан 12 фоизга ошиди, айни пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30 фоиздан 18 фоизга камайди»³⁸.

Асосий тушунчалар

Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси – капитални четга чиқаришни маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли қонуниятлари билан боғлайди. Маҳсулотнинг бозордаги ҳаёти бир нечта босқичлардан ўтади: 1) маҳсулот бозорга олиб кирилади; 2) маҳсулотни сотиш ҳажмининг ортиши ва сифат қўрсаткичларининг яхшиланиши; 3) маҳсулот оммавий тарзда ишлаб чиқарилади; 4) бозор маҳсулотга тўйинади ва сотиш ҳажми пасаяди. Шунда маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатилади.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

³⁸ Ўша манба. 59-б.

Рақобатбардошлик назарияси – М.Портер корпоратив бошқа-рув, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш, талаб ҳолати ва турдош тармоқларни қўллаб-куватлаш омиллари синтезини «рақобат афзаликлари олмоси» деб атайди ва улар капитални четга чиқаришнинг муваффақиятини кафолатлашини назарда тулади.

Эклектик парадигма – ушбу назарияда ТМКнинг жаҳон капитал бозорларига кириб бориш сабаблари умумлаштирилади. Ж.Даннинг иқтисодий назарияда тўпланган фикрларни оддий механик тарзда умумлаштирумасдан, хўжалик амалиётида синовдан муваффақиятли ўтган омилларни танлаб олди.

«Учаётган фозлар» назарияси – иқтисодий ўсиш самарасининг ортиши жараённи импорт босимидан ҳимояланниш лозимлиги асосланади. Иқтисодий ўсиш худудининг кенгайиши юқоридан пастга қараб содир бўлади ва учбурчак шаклда учиб кетаётган фозлар тўдасини эслатади.

Инвестицион ривожланиш йўли назарияси – ушбу ривожланиш йўли беш босқичдан иборат ва ТТХИнинг мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлигини тавсифлаб беради.

Халқаро бирлашиб ва қўшиб олишлар – компанияларнинг халқаро бозорларда акцияларнинг йирик пакети ёки корхонани тўлиқ сотиб олишлари жараёнидир. Ушбу усул компанияларнинг бозордаги улушининг ортишига, капиталлашиш даражасининг ўсишига олиб келади.

Таркибий сиёсат – давлатнинг миллий иқтисодиёт тизимида самарали соҳалараро ва соҳа ичидағи нисбатларни шакллантиришга қаратилган узоқ муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Таркибий ислоҳотлар – иқтисодиёт секторлари ўртасидаги нисбатларнинг ўзгариши, янги соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши ва йирик компаниялар даражасидаги ташкилий-хуқуқий ўзгаришларнинг амалга оширилишидир.

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби – айrim тармоқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги, асосий ишлаб чиқариш фондлари даги, ишилаётганларнинг сонидаги улуши билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг технологик таркиби – ишлаб чиқаришнинг технологик базасини белгиловчи технологик укладларнинг йиғиндиси билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг минтақавий таркиби – миллий хўжалик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги улуши билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий таркиби – мамлакатдаги мулк шаклларининг ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги, банд бўлганларнинг умумий сони, асосий капиталга сарфланган инвестициялардаги улуши билан белгиланади.

Капиталнинг концентрациялашуви, кооперациялашуви ва марказлашувини акс эттирувчи иқтисодиёт таркиби – кичик, ўрта, йирик корхоналар, молия-саноат гуруҳлари, трансмиллий компанияларнинг ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги ўрни билан белгиланади.

Назорат саволлари

1. Тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларнинг фарқи нимадан иборат?
2. Нима учун портфель инвестициялар оқими тўғридан-тўғри инвестициялар оқимидан катта? Нима учун улар ўртасидаги фарқ 1990 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб қисқарди?
3. Мамлакат томонидан тўғридан-тўғри хорижий ва портфель инвестицияларни қабул қилиши қандай ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин?
4. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин ўсишининг сабабларини кўрсатинг?
5. XX асрда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг йўналиши қандай ўзгариб борган?
6. Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда хорижий инвестициялар роли нималардан иборат?
7. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида таркибий сиёсатни амалга оширишнинг устувор йўналишлари нималардан ишорат?
8. Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда хорижий инвестицияларнинг ўрни қандай?
9. Мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни модернизациялаш жараёнига таъсирини аниqlанг?
10. Мамлакат экспортининг таркибини диверсификациялашнинг мазмуни ва йўналишлари нималардан иборат?

III БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҲАРАКАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

3.1. Хорижий инвестицияларни тартибга солиш усуллари

Жаҳон амалиётида халқаро капиталлар ҳаракатини тартибга солишнинг миллий ва халқаро усуллари кўлланилади (3.1.1-расм).

Халқаро капиталлар ҳаракати жараёнининг муҳим хусусиятларидан бири мазкур жараёнга давлатнинг фаол аралашувидир. Бунда давлат қуидаги функцияларни бажаради:

- тартибга солиш;
- назорат қилиш;
- рағбатлантириш.

Жаҳон амалиётида халқаро капиталлар ҳаракатини давлат томонидан тартибга солишда муайян зиддиятлар мавжуд. Жумладан, мамлакатлар, бир томондан, халқаро капитал ҳаракати йўлидаги мавжуд чекловларни бартараф этишга ҳаракат қилишса, бошқа томондан, ҳалқаро капитал ҳаракатини чеклаш чораларини кўришади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, мамлакатдан капиталнинг четга чиқиб кетиши хорижий капиталнинг кириб келишига қараганда камроқ даражада тартибга солинади.

Халқаро капитал ҳаракатини давлат томонидан тартибга солишда миллий қонунлар, қарорлар ва маъмурий чекловлар асосий ўрин эгаллайди. Шуниси эътиборлики, кўпчилик саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда (масалан, АҚШ, Германия, Франция ва Буюк Британия) хорижий инвестицияларни тартибга солиш бўйича маҳсус қонунлар ёки кодекслар қабул қилинмаган. Бироқ бошқа мамлакатларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, улардан фойдаланишга оид маҳсус миллий қонунлар қабул қилинган ва амал қилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш вазифаларини ҳал қилишда миллий қонунчиликка хорижий инвесторлар учун қулай миллий режимни шакллантириш ҳақидаги низомлар киритилади. Миллий режимда норезидентлар учун хўжалик фаолиятини юритиш борасидаги шарт-шароитлар резидентлар учун яратилган шарт-шароитлардан ёмон бўлмаслиги керак. Ушбу қоида муҳим аҳамиятга эга. Миллий режим – хўжалик юритиш фаолиятининг минимал шароитлари бўлиб, бу минимум шароитлар хорижий инвесторлар учун ёмонлашиб, пасайиб кетмаслиги керак.

Халқаро капитал миграциясини тартибга солиш



3.1.1-расм. Халқаро капитал миграциясини тартибга солиш

Жаҳон амалиётида хорижий инвестициялар ҳаракатини амалга ошириш кўшинча қўшимча иқтисодий, сиёсий ва тижорат рисклари билан боғлиқ. Шунинг учун хорижий инвестицияларни жалб қилувчи айрим мамлакатларнинг миллий қонунчилигида хорижий инвесторларга нисбатан қўшимча имтиёзлар қўлланилади. Турли мамлакатларда қўлланиладиган қўшимча имтиёзлар таркибида қўйидагиларни ажратиб қўрсатиш мумкин:

- қайта инвестициялашга нисбатан имтиёзли солик режимини тақдим этиш;
- шартнома асосида инвестиция лойиҳаларига жалб қилинадиган хорижий мутахассисларнинг иш ҳақи ва бошқа мукофот тўловларини солиққа тортишнинг имтиёзли режимини яратиш;
- хорижий инвесторларнинг экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришларини ривожлантириш учун импорт кўришида олиб кираётган мол-мулк, асбоб-ускуналар ва технологияларни божхона тўловларидан озод қилиш.

Шунингдек, агар хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат қонунчилиги миллий инвесторлар учун салбий томонга ўзгарса, одатда, хорижий инвестицияли корхоналар учун ушбу ўзгаришлар бўйича муддати кечикирилиши кўзда тутилади.

Жаҳонда аксарият ҳолларда, хорижий инвесторлар учун имтиёзли режим хорижий инвестицияларни жалб қилишга максимал даражада интилаётган ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари томонидан яратилади. Шу билан бирга ҳалқаро инвестиция жараёнининг асосий иштирокчилари сифатида инвестиция фаолиятини кенгайтиришга ва барча учун ягона инвестиция режимини яратишга интилаётган ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Бошқача айтганда, жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари умумий, бир хил тамойиллар асосида ишлайдиган ягона инвестиция режимини шакллантириш тарафдорларидир.

Давлат томонидан ТТХИни қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари таркибидан қўйидагиларни ажратиш мумкин:

Давлат кафолатларини бериш. Инвестиция кафолатлари тўғрисидаги қоидалар миллий ҳукуматлар томонидан қабул қилинади. Шу билан бирга улар икки томонлама ва бир нечта мамлакатлар иштирок этадиган минтақавий кўп томонлама келишувларда ҳам мавжуд бўлади. Икки томонлама келишувларда асосан қўйидаги қоидалар қайд этилади:

- хорижий инвесторлар учун миллий режим;
- хорижий инвесторларни ҳимоя қилиш (миллийлаштиришдан, капитал, фойда ва дивидендларнинг репатриациясидан);

- низоларни ҳал қилиш тартиби;
- сиёсий рисклар билан боғлиқ заарлардан сұфурталаш.

Жаҳон хұжалигига күлтімөнлама шартномалар асосида инвестицияларни кафолатлаш қоидалари билан Инвестицияларни кафолатлаш бүйічә күп томонлама агентлик (МАГИ) шуғулланади ва қуидаги масалалар құрыб чиқылади:

- хорижий инвестиацияларни сұфурталаш. Бунда инвестор рискларни сұфурталайды. Одатда, сұфурта суммаси инвестиция суммасининг 1 фоизигача миқдорини ташкил этади. Миллий сұфурта агентликлари ва компаниялари фақат үзларининг тұғридан-тұғри инвесторларини сұфурталайдылар;

- инвестиация низоларини ҳал этиш. Буни капитални қабул қылувчи ёки четта чиқарувчи мамлакатнинг миллий қонунчилігі ёки халқаро ҳукуқ қоидалари асосида амалга ошириш мүмкін;

- иккі ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш. Агар корпорация бир нечта мамлакатда иш юритаёттан бўлса, ушбу мамлакатлар унинг фойдасини солиққа тортишга ҳаракат қиласи. Иккі томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳақидаги келишувга асосан хорижий корпорациялар капитални қабул қылувчи мамлакатда солиқнинг ўз мамлакатида тўланмаган қисмидангина солиқ тўлади;

- маъмурий ва дипломатик қўллаб-қувватлаш. Одатда, капитал чиқарувчи мамлакатлар ўз инвесторларини қўллаб-қувватлайды. Ушбу мамлакатлар инвестиция киритилаётган мамлакат билан ўз инвесторлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳақида музокаралар олиб боради. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида инвестицияларни рағбатлантириш бүйічә миллий агентликлар ташкил этилган. 1995 йилдан бошлаб инвестиацияларни рағбатлантириш бүйічә Умумжаҳон ассоциацияси фаолият юритади ва унинг таркибида 100 та аъзо мамлакат мавжуд.

Ўзининг тартибга солиш режимларига ўзгартишлар киритган мамлакатлар сони 1992 йилда 43 тани ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб уларнинг сони 55 тага етди. Бошқариш режимларидаги ўзгаришлар сони 2008 йилда 1992 йилга нисбатан 43 тага кўпайиб, 110 тани ташкил этган. Бу даврда ТТХИ учун қулайлик түғдирувчи режимлар сони 77 тадан 85 тага, ТТХИ учун ноқулайлик яратувчи режимлар сони эса 25 тагача ошган (3.1.1-жадвал). Бу миллий бошқарув режимлари қўллаётган мамлакатларда жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи таъсирида протекционистик тенденцияларнинг кучаётганлигидан далолат беради.

Миллий бошқарув режимларининг ўзгариши³⁹

	1992 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Ўзининг тартибга солиш режимларига ўзгаришлар киритган мамлакатлар	43	63	70	92	91	58	55
Бошқариш режимларидаги ўзгаришлар сони	77	112	150	203	177	98	110
ТТХИ учун қулайроқ ўзгаришлар сони	77	106	147	162	142	74	85
ТТХИ учун нокулай ўзгаришлар сони	0	6	3	41	35	24	25

Халқаро инвестицион шартномаларнинг моҳияти шундаки, икки ва кўп томонлама миллий давлатларнинг инвестициясиёсатларини мувофиқлашириш ва халқаро инвестициялар соҳасида тартибга солишининг умумий қоидаларини ишлаб чиқишдан иборат (расм 3.1.2).

Халқаро инвестицион шартномалар қатнашчилар таркибиغا кўра икки томонлама, минтақавий ва кўп томонлама бўлиши мумкин.

Икки томонлама инвестицион шартнома икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида инвестицияларни амалга ошириш мақсадида тузиладиган маҳсус шартномадир.

Минтақавий инвестицион шартнома – бир минтақавий гурӯхга кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида инвестицияларни амалга ошириш ҳусусида имзоланадиган маҳсус шартномадир. Минтақавий шартномаларнинг предмети бўлиб, инвестицион режимни ўрнатиш, инвесторларга кафолатлар бериш, инвестицион низоларни тартибга солиш, минтақа ичida капитал, технология, малакали ишчи кучининг ҳаракати учун кулагай эркинликни таъминлаш ҳисобланади.

Кўп томонлама инвестицион шартномалар манфаатдор мамлакатларнинг инвестицион ҳамкорликда қатнашиши ва аъзоларни кенг миқёсда қамраб олишни кўзда тутади.

³⁹ UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009 маълумотлари асосида ҳисобланган. Р. 31.

Халқаро инвестиция сиёсати

Халқаро инвестиция оқимлари ҳаракатини эркинлаштиришга қаратилған халқаро тартибга солиш чора-тадбирлари тизими

Асосий дастаклари

Хорижий инвестициялар бүйіча иккі томонлама, күп томонлама, мінтақавий ва интеграцион гурұхларнинг халқаро инвестицион шартномалари

Асосий хұсусияттер

Халқаро инвестицион жараёнларда қатнашувчи аксарият альді мамлекеттернің маңағаттариниң кафолатловчы ягона нормаларға асосланған инвестицион худудни шакшылтиришга қаратилған күп томонлама шартномалар ҳал қылувчи үрін егаллайды

Ташкилий шаклары

- а) Халқаро валюта фонди (ХВФ)
- б) Умумжағон банки гурұхы
- в) Инвестицион низоларни тартибга солиш бүйіча халқаро марказ (МЦУ-ИС)
- г) Иктысодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)
- д) Европа тараққиёт ва таъмирлаш банки (ЕТТБ)
- е) Осиё тараққиёт банки (ОТБ)
- ё) Ислом тараққиёт банки (ИТБ)

3.1.2-расм. Халқаро инвестиция сиёсати

3.2. Инвестициялар ҳаракатини тартибга солувчи халқаро молия институтлари

Жағон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва халқаро капитал ҳаракатини рағбатлантириш мақсадида күпсонли халқаро ва худудий молия-кредит институтлари ташкил этилған. Улар қаторига Халқаро валюта фонди (ХВФ) Умумжағон банки гурұхы⁴⁰, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Ислом тараққиёт банки (ИТБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХХБ) ва бошқаларни киритиш мүмкін.

⁴⁰ БМТнинг Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТБ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА) Инвестицияларни кафолатлаш бүйіча күп тамонлама агентлик (MIGA) ва Инвестицион низоларни тартибга солышнинг халқаро марказы (ICSID) каби ихтиослашған мұассасалардан ташкил этилған гурұх Умумжағон банки гурұх деб аталади.

Охирги ўн йилларда халқаро молия-кредит институтлари кредит операция турларини кенгайтириш ва жаҳон сусда бозорларидан қарз олиш ҳажмини ошириш ҳисобидан кредитлаш миқдорини кўпайтирмоқдалар (3.2.1-расм).

Халқаро валюта-молия ташкилотлари

Фаолият доираси ва хусусияти, аъзолар таркиби, асосий вазифасидан келиб чиқадиган ихтисослашган ҳукуматлараро ташкилотлар

Вужудга келиш асослари

- жаҳон хўжалик алоқалари глобаллашувининг кучайиши;
- валюта-молия муносабатларини давлатлараро тартибга солишнинг ривожланиши;
- жаҳон валюта тизими беқарорлиги, халқаро ҳисоб-китоблар ва халқаро кредитлаш муаммоларини биргаликда ҳал этиш зарурияти.

Асосий вазифалари

- жаҳон ҳамжамиятининг халқаро валюта-молия муносабатларини барқарорлаштириш мақсадидаги саъни ҳаракатларини бирлаштириш
- давлатлараро валюта, валюта ҳисоб-китоби ва валюта-кредит муносабатларини тартибга солишни амалга ошириш;
- жаҳон валюта, ҳисоб-китоб ва кредит сиёсати стратегиясини ва амалга ошириш тактикасини ишлаб чиқиши.

Асосий шакллари

- Халқаро валюта фонди
- Умумжаҳон банки груҳи
- Халқаро ҳисоб-китоблар банки
- Минтақавий ривожланиш банклари
- Халқаро кредиторлар клублари

3.2.1-расм. Халқаро валюта-молия ташкилотлари

2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра халқаро молия-кредит институтларининг умумий кредитлаш ҳажми 1 трлн. доллардан ошибб кетди ва у ўсиб бориш тенденциясига эга. Аксарият ривожланаётган мамлакатлар учун халқаро молия-кредит институтлари томонидан бериләётган кредитлар хусусий капиталга нисбатан арzon кредит ресурслари ҳисобланади.

Жаҳон банки мутахассисларининг фикрича, халқаро молия-кредит институтларининг кредитлаш тизими ва механизмини ўзгариши зарур. Ҳозирги вақтда кредитлаш асосий ресурслар ва маҳсус операциялар фондларидан амалга оширилади. Биринчи фонд ривожланаётган мамлакатдаги нисбатан юқори тўлов қобилиятига эга бўлган қарз олувчига йўналтирилган кредитларга мўлжалланган банк маблагларидан ташкил топади. Ушбу фондан молиялаштиришнинг шарти қўпроқ бозор шартларига яқинлаштирилган. Маҳсус операциялар фондидан эса кам ривожланган мамлакатларга имтиёзли шартларда кредитлар ажратилади.

А.Мелцер раҳбарлик қилган халқаро молиявий муассасалар бўйича Комиссия хуносасига кўра, халқаро кредит-молия институтлари асосий ресурслар фондидан кредитлар ажратишни тұхтатишли лозим. Шу билан бирга улар институтлар сифатида йўқолиб кетишлари керак эмас, балки кам тараққий этган мамлакатларга имтиёзли молиялаштириш режимларидан фойдаланиб иқтисодий ёрдам, грантлар ажратувчи ривожланиш агентликларига айланишли зарур. Натижада, ХТТБ ва бошқа банклар дунёда камбағалликни камайтириши мақсадларига тўлиқ мослашадилар. Аммо кам даромадли мамлакатлар ягона қарз олувчилар сифатида ушбу кредитларга умид қилишлари мумкин. 2006 йилда 12 та халқаро молия-кредит институтларининг кредит портфели 107,8 млрд. долларни ташкил этган (3.2.1-жадвал). Бу эса ночор мамлакатлар учун катта ҳажмдаги маблағ саналади⁴¹.

Халқаро молия-кредит институтларининг ривожланиш истикағоллари молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг самарадорлигига боғлиқ. 3.2.2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, халқаро молия-кредит институтларининг муваффақиятли лойиҳаларининг сони умумий лойиҳаларнинг ярмидан қўпроғини ташкил этади. Нисбатан самарадорлиги юқори кўрсаткич АТБга тегишилдири. Шунга қарамасдан, АТБнинг мустақил «Назорат ва баҳолаш хизмати» муассасаси мутахассисларининг фикрича, амалга оширилган лойиҳалар самарадорлиги ошириб кўрсатилган. Масалан, АТБ ҳисоб-китобларига кўра Аргентинада лойиҳалар самарадорлиги 82% ни ташкил этган бўлса, «Назорат ва баҳолаш хизмати» ҳисоб-китобларига кўра эса, ушбу кўрсаткич 46% деб баҳоланган.

⁴¹ Абалкина А.А. Повышение эффективности функционирования многосторонних институтов развития. // Бизнес и банки, №33(869) август 2007, С. 1.

3.2. 1-жадвал

Халқаро молия-кредит институтларининг фаолият қурсаткичлари, млрд. долл. (2007 йил 1 январь ҳолатига кўра)⁴²

Халқаро молия-кредит институтлари	Кредитлашнинг умумий ҳажми	Кредит портфели*	Тўланган акционер капитал
Халқаро таъмиrlаш ва тараққиёт банки (ХТГБ)	421,7	14,1	11,5
Европа инвестиция банки (ЕИБ)	373,2**	55,0	11,0
Америкалараро тараққиёт банки (АТБ)	145,1	6,4	4,3
Осиё тараққиёт банки (ОТБ)	123,2	8,0	3,8
Ислом тараққиёт банки (ИТБ)	50,9	5,3	4,0
Европа таъмиrlаш ва тараққиёт банки (ЕТГБ)	40,0	5,9	6,8
Африка тараққиёт банки (АфТБ)	55,1	3,9	3,5
Марказий америка иқтисодий интеграция банки (МАИИБ)***	10,7	1,7	0,5
Анд ривожланиш корпорацияси (АРК)	49,0	5,5	1,9
Кариб тараққиёт банки (КТБ)	2,7	0,1	0,2
Шимолий инвестиция банки (ШИБ)	16,9	1,9	0,4

* Тасдиқланган кредитлар портфели;

** Сўндирилмаган кредитлар ҳажми (2006 й.);

*** 2006 йил 1 январь ҳолати.

3.2.2-жадвал

Халқаро молия-кредит институтлари томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг самарадорлиги⁴³

Халқаро молия-кредит институтлари	Муваффақиятсиз лойиҳалар	Қисман муваффақиятли лойиҳалар	Муваффақиятли лойиҳалар
ЕТГБ	10	35	55
ОТБ	8	28	64
АТБ	25	2	73

⁴² Абалкина А.А. Повышение эффективности функционирования многосторонних институтов развития. // Бизнес и банки, №33 (869) август 2007. С. 1.

⁴³ www. Iadb. org, www. ebrd. org, www. adb. org

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон ХВФ, ХТТБ, ЕТТБ, ОТБ, ИТБ каби молия-кредит институтлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, иқтисодиётнинг таянч ва ижтимоий инфра-тузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик қўламишнинг ўсиб боришига замин яратади.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) 1945 йилда ташкил этилган ва унга 186та мамлакат аъзо. ХВФнинг мақсади аъзо-мамлакатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш, тўлов балансини тартибга солиш ва валюта курсининг барқарорлигини қўллаб-қувватлаш учун қарз бериш ҳисобланади. Бунинг учун фонд тўлов балансида қийинчилклар сезаётган ўз аъзоларини молиялаштиради, уларнинг хўжалик юритиш усусларини яхшилашга қаратилган техник ёрдам кўрсатади.

Охириги ўн йилда ХВФнинг молиявий воситачи ва йирик кредитор сифатидаги роли ошди. Қарзлар аъзо-мамлакатлар бадалларидан ташкил топган умумий ресурслар ҳисобидан ҳамда СДР⁴⁴ шартли бирликларидаги маҳсус ҳисобдан берилиши мумкин (3.2.3-жадвал).

ХВФ халқаро валюта тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўйидаги механизmlар бўйича қарз беради:

1. **Қарз олиш тўғрисидаги бош шартнома.** Ушбу шартнома 1962 йилда қабул қилинган бўлиб, унда 11та иштирокчи қатнашади (3.2.4-жадвал);

2. **Қарзлар тўғрисидаги янги шартнома.** Ушбу шартнома 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, унда 25та давлат ва муассасалар иштирок этади.

ХВФ аъзо мамлакатларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун турли қоидалар ёки «механизмлар» доирасида кредитлар беради.

Кредитларни бериш ва қайтариш тўлов баланси муаммосининг хусусиятлари ҳамда ҳолатларига боғлиқ тарзда фарқланиб, қўйидагилардан иборат:

⁴⁴ СДР – XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб халқаро резерв тўлов манбалари ва қиймат ўлчови сифатида олтин ўрнига чиқарилган шартли жамоа халқаро валюта бирлиги бўлиб, 2009 йил 30 апрелда 1 СДР=1,49 АҚШ долларига тенг бўлди.

**ХВФнинг қарз олиш түгрисидаги
Бош шартнома иштирокчилари, млн. СДР⁴⁵**

Қатнаничилар	Дастлабки ҳолати (1962 – 1983 йй.)	Хозирги ҳолат (1983 – 2008 йй.)
Швед Рискбанки	79	383
Бельгия	143	595
Нидерландия	244	850
Канада	165	893
Швейцария миллий банки	—	1020
Италия	235	1105
Франция	395	1700
Буюк Британия	565	1700
Япония	1161	2125
Немис Бундесбанки	1476	2380
АҚШ	1883	4250
Жами	6344	17000
Саудия Арабистони (ассоциация-лашган кредит шартномаси)		1,500

ХВФ кредитлаш шартлари (2008 йил 1 январь ҳолатига)⁴⁶

Кредитлаш механизми ёки сиёсати	Тўлов шартлари	Муддати (йил ҳисобида)		
		Энг узоқ муддат	Кутилаётган муддат	Даврийлик
«Стэнд-бай» кредити	Асосий ставка + маржа	3,25-5	2,25-4	Хар кварталда
Кенгайтирилган кредитлаш	Асосий ставка + маржа	4,5-0	4,5-7	Хар ярим йилда
Қопловчи молиялаш	Асосий ставка	3,25-5	2,25-4	Хар кварталда
Фавқулодда ёрдам	Асосий ставка	3,25-5	—	—
Қўшимча захираларни қоплаш	Асосий ставка + маржа	2,5-3	2-2,5	Хар ярим йилда
Камбағаликка қарши ва иқтисодий ўсишни қўллаб-куватлаш	Йиллик 0,5%	5,5-10	—	—

45 www.imf.org

46 www.imf.org

— «Стэнд-бай» кредитлар. ХВФ кредитлаш сиёсатининг асосини ташкил этади (3.2.5-жадвал). «Стэнд-бай» кредити тұғрисидаги шартномага асосан аъзо мамлакатлар тұлов балансида қисқа муддатли муаммоларни бартараф этиш учун одатда 12 – 18 ойга белгиланган миқдорда кредит олиш ҳуқуқига эга.

3.2.5-жадвал

«Стенд-бай» кредити тұғрисидаги шартномага мувофиқ берилған кредитлар, млн. СДР (2010 йил 7 январь ҳолатыға)⁴⁷

Аъзо мамлакатлар	Тақдим этилған сана	Қайтариш санаси	Кредит миқдори	Тұланған қисми
Ангола	23.11.09	22.02.12	859	630
Арманистон	03.06.09	07.05.11	534	232
Беларусь	01.12.09	04.11.10	2 270	438
Босния	07.08.09	30.06.12	1 015	832
Коста Рика	04.11.09	07.10.10	492	492
Доминика Республикаси	11.09.09	03.08.12	1 095	895
Эл-Сальвадор	16.01.09	31.03.10	514	514
Габон	05.07.07	05.06.10	77	77
Грузия	15.09.08	14.06.11	747	365
Гватемала	22.04.09	21.10.10	631	631
Венгрия	11.06.08	10.05.10	10 538	2 901
Исландия	19.11.08	31.05.11	1 400	735
Латвия	23.12.08	22.03.11	1 522	808
Малдив ороллари	12.04.09	12.03.12	49	45
Монголия	04.01.09	10.01.10	153	46
Покистон	24.11.08	30.12.10	7 236	3 067
Руминия	05.04.09	05.03.11	11 443	5 355
Сербия Республикаси	16.01.09	15.04.11	2 619	1 598
Шри-Ланка	24.07.09	23.03.11	1 654	1 240
Украина	11.05.08	11.04.10	11	4
Жами			55 845	24 899

— Көнгайтирилған кредитлаш механизми. ХВФ көнгайтирилған кредитлаш механизми бүйіча аъзо мамлакатлар белгиланған миқдорда кредит олиш ҳуқуқига эга бўлиб, одатда, уч-түрт йилга тақдим этилади. Ушбу механизм асосида ажратилған маблаглар аъзо мамлакатларда тұлов баланси ҳолатыга сезиларли салбий таъсир кўрсатувчи тузилмавий хусусиятта эга муаммоларни бартараф этишга йўналтирилади (3.2.2-расм).

⁴⁷ www.imf.org

– Камбағалликка қарши ва иқтисодий ўсишни кўллаб-куватлаш механизми. 1999 йил ноябринда жорий этилган бўлиб, дастлаб амал қилган тузилмани қайта қуришни кенгайтирилган молиялашнинг давоми ҳисобланади (3.2.6-жадвал).



3.2.2-расм. ХВФ кредитлаш механизми⁴⁸

- Кўшимча захираларни молиялаш механизми.
- Қопловчи молиялаш 1963 йилда жорий этилган бўлиб, жаҳон бозорларида товар хом ашё нархининг ўзгариши натижасида экспорт тушуми камомади ҳосил бўлган ёки озиқовқат импорти қийматининг ўсишига дуч келган мамлакатларга тақдим этилади.

⁴⁸ Международный финансовый рынок: Учеб. пособие / Под ред. д.э.н., проф. В.А.Слепова, д.э.н., проф. Е.А.Звоновой. – М.: Магистр, 2007. С. 339.

**Камбағалликка қарши ва иқтисодий үсішни
құллаб-қувватлаш дастури бўйича ажратилган кредитлар,
млн. СДР (2010 йил 7 январь ҳолатига)⁴⁹**

Аъзо мамлакатлар	Тақдим этилган сана	Қайташ санаси	Кредит миңдори	Тұланған қисми
Афғонистон	26.06.06	31.03.10	81	11
Буркина Фасо	23.04.07	22.04.10	48	1
Бурунди	07.07.08	07.06.11	46	26
Марказий Африка Республикаси	22.12.06	30.06.10	70	9
Коморос	21.09.09	20.09.12	14	9
Конго Демократик Республикаси	12.11.09	12.10.12	346	297
Конго Республикаси	12.08.08	12.07.11	8	5
Кот де Ивуар	27.03.09	26.03.12	374	179
Джибути	17.09.08	16.09.11	13	7
Гамбия Республикаси	21.02.07	20.02.10	20	2
Гана	15.07.09	14.07.12	387	320
Гренада	17.04.06	16.04.10	16	2
Гвинея	21.12.07	20.12.10	70	45
Гаити	20.11.06	31.01.10	115	8
Либерия	14.03.08	31.03.11	239	13
Мали	28.05.08	27.05.11	28	8
Никарагуа	10.05.07	10.04.10	78	24
Нигерия	06.02.08	06.01.11	23	13
Сан Томе	03.02.09	03.01.12	3	2
Съерра-Леоне	05.10.06	05.09.10	52	7
Тоҷикистон	21.04.09	20.04.12	78	52
Того	21.04.08	20.04.11	84	26
Замбия	06.04.08	06.03.11	220	55
Жами			2 414	1 122

— **Фавқулодда ёрдам.** Ушбу тартиб фавқулоддаги ҳолатлар туфайли тұлов балансыда юзага келган муаммоларни бартараф этишда аъзо мамлакатларни құллаб-қувватлаш мақсадида 1962 йилда жорий этилган. 1995 йилда аъзо мамлакатларда ҳарбий можаролар туфайли уларнинг институционал ва маъмурый салоҳиятига птур етказилгани сабабли мазкур тартибни құллаш миқёсі янада кенгайтирилмоқда.

ХВФ кредитлаш тизими куйидаги шартларни ўз ичига олади:

— ХВФ ёрдам бериш агентлиги ёки ривожланиш банки ҳисобланмайды;

⁴⁹ www.imf.org

– ХВФ кредитлари белгиланган сиёсатга асосланади: қарз олувчи мамлакат тұлов баланси муаммосини бартараф этишга қаратылған сиёсатни қабул қилиши лозим;

– ХВФ кредитлари бүйіча тұловлар молиялаш механизми шақларидан келиб чиқиб, ҳар олти ёки түрт ойда амалға оширилади;

– ХВФ мамлакатдан олинган қарзни биринчи навбатда тұлашни талаб этади. Қарз олған мамлакат ХВФнинг тұлов балансини молиялаш әхтиёжига зәна бошқа мамлакаттарни кредиттай олиши учун белгиланған тартиб бүйіча қайтариб бориши лозим;

– ХВФдан кредит олған мамлакат стандарт, имтиёзсиз молиялаш механизmlар доирасыда бозор шартлари асосыда фоизларни, комиссия ҳақлари ва мажбурият бүйіча йиғимларни тұлаб боради;

– молиявий маблағлардан фойдаланиш бүйіча кафолатни кучайтириш мақсадыда ХВФ 2000 март ойыда марказий банклар томонидан риоя этиладыған олтын валюта захираларини баһолаш талабини жорий эттән;

– аксарият ҳолларда ХВФ мамлакатни ташқи молиялаш бүйіча әхтиёжларининг бир қисмінің қондидары.

Жаһон молиявий-иктисодий инқизорзи халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибға солувчи бош давлатлараро ташкилот бұлған ХВФнинг ташкилий тизими ва фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. ХВФнинг кредит бериш механизми «Вашингтон консенсусы»ға асосланған бўлиб, кредит олмоқчи бұлған мамлакатлардан корхоналарни хусусийлаштириш, бозор талаблари асосыда нарх белгилашни таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, макроиктисодий ва молиявий барқарорликка әришиш каби чора-тадбирларни амалға оширишни тақозо этарди. Юқоридаги тартибға солиш асосыда анъянавий монетар назарияси ётар эди. Ушбу услублар халқаро молия бозорини тартибға солиш ўрнига фонд аъзолари ўртасындағы боғлиқликни кучайтируди.

ХХ асрнинг 90-йилларидан бошлаб ХВФ тавсияларининг асосини «неортодоксал, институционал» концепцияси ташкил этта бошлади. Ушбу монетаризм концепциясы асосан халқаро молия бозорини тартибға солиш схемаларида устувор ўринни кредит ва банклар ташкил этади. ХВФ томонидан құлланилаёттан янги монетар сиёсатта мувофиқ халқаро молия бозорини тартибға солышда асосий урғу кредит фондлари таклифига берила бошланди. ХВФ тавсиялари универсал характерга зәна бўлиб, 2002 йилдан

бошлаб институционал монетаризм тавсиялари берила бошланди ва валюта курсларини тартибга солишнинг капитал оқимлари ҳаракатидаги турли чекловларни бекор қылган ҳолда валюталарнинг сузиг юрувчи курсига устуворлик бериш сиёсати ишлаб чиқилди.

2004 йилдан бошлаб ХВФнинг глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш стратегияси ва ўрни қайта кўриб чиқила бошланди. Натижада ХВФ фаолиятининг анъанавий йўналишларига жаҳон молия архитектурасининг асосини ташкил этадиган турли стандарт ва кодексларни ишлаб чиқиши, жаҳон мамлакатларидаги молия секторларини баҳолаш ва мониторинг ўтказиш, терроризмни молиялаштириш ва жиноят йўли билан топилган пулларни ювишга қарши курашлар қўшилди. 2007 йилда ХВФнинг бошқарув директори Доминик Стресс-Кан фонднинг ўрга муддатга бағишланган стратегиясини эълон қилди. Яқин 5 йилга мўлжалланган фонд стратегиясининг йўналишлари қўйицагилардан иборат:

- жаҳон молия бозорини назорат қилиш (мониторинг) самарадорлигини ошириши глобал ва айрим мамлакатлар даражасида амалга ошириш;
- ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги кризисларнинг олдини олиш ва содир бўлган тақдирда ундан чиқишига бағишланган аниқ таклифлар тизимини ишлаб чиқиши;
- ХВФнинг кам даромадли мамлакатларда камбағаллик даражасини икки марта қисқартиришга қаратилган фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- ХВФнинг ички ташкилий фаолиятини ислоҳ этиши.

ХВФ фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва легитимлигини таъминлаш мақсадида устун даражада ўрга ҳажмдаги Европа мамлакатларидан иборат бўлган ривожланган мамлакатлар квоталарини катта олтин-валюта захираларига эга бўлган, йирик барқарор суръатларда ривожланаётган, шаклланаётган бозор иқтисодиёти мамлакатлари фойдасига қайта тақсимлаш лозим. 25та ривожланган мамлакатларнинг ХВФдаги квоталарининг улуши 60% дан ортиқ бўлиб, шу жумладан, АҚШ – 17,1%, Япония – 6,1%, Германия – 6,0%, Буюк Британия – 4,9%, Франция – 4,9%, Хитой – 3,7%, Италия – 3,3%, Канада – 2,9%, Россия – 2,7% улушгга эга. ХВФда энг муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун 85% овоз олиш зарур бўлгани учун АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари фонд устидан назорат ўрнатган⁵⁰.

⁵⁰ Ананьев А. Противоречивость роли МВФ в современной мировой экономике. // Международная экономика, №5, 2008. С. 67.

2009 йил октябрь ойида Истанбул шаҳрида ХВФ ва Умумжаҳон банкининг йиллик Саммити мажлисида 2011 йилнинг янвирiga қадар ХВФ квоталарининг 5% ини барқарор суръатларда ривожланаётган мамлакатлар фойдасига жаҳон иқтисодиётида туттан ўрнига мувофик равишда қайта тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинди⁵¹:

— жаҳон молияси архитектурасининг мустаҳкамланишига қаратилган макроиқтисодий институтларни яратиш;

— ХВФнинг ўрта муддатли бюджетини қайта кўриб чиқиши.

2009 йил 2 апрелда Лондон шаҳрида G20 мамлакат раҳбарлари Саммитида қабул қилинган «Халқаро молия институтлари орқали ресурсларни бериш декларацияси» қарорига мувофик ХВФ ва бошқа халқаро молия институтларига кризисга қарши чора-тадбирлар дастурларини кўллаб-куватлаш мақсадида зудлик билан 850 млрд. доллардан иборат маблағ жамланди.

ХВФ акционерлари ўртасида 250 млрд. СДР жойлаштирилиб, унинг 100 млрд. доллар эквивалентига тенг қисми бевосита бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилди. Кўп томонлама ривожланиш банкларига кам даромадли мамлакатларга кредит бериш мақсадида 100 млрд. доллар ажратилди. Осиё тараққиёт банкининг молия ресурслари 200% га, Америкалараро тараққиёт, Африка тараққиёт ва Европа тикланиш ва тараққиёт банклари молия ресурслари оширилди⁵².

ХВФ фаолиятини ислоҳ қилиш ва унинг устав капиталини 250 млрд. доллардан 750 млрд. долларга етказиш вазифаси кўйилди. ХВФни турли шаклда молиялаштиришда G20 давлатларнинг фаол қатнашуви кўзда тутилган. Молиявий барқарорлик форумини (МБФ) «Молиявий барқарорлик кенгашига» (МБК) айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. МБК таркиби ва ваколати кенгайтирилди. МБК жаҳон молия тизимининг кучсиз томонларини аниқлаш, молиявий барқарорлик бошқарув органдарни ўртасидаги координациялашувни таъминлаш ва ахборотларни айирбошлиш, стандартларни ишлаб чиқувчи институтлар фаолиятини мониторинг қилишдан иборат.

Шундай қилиб, ХВФни ислоҳ этиш яқин беш йил ичидаги умумлашган ҳолда куйидаги тўрт йўналишда олиб борилади:

— биринчидан, ХВФ мандатини қайта кўриб чиқиб, унга қатор макроиқтисодий сиёсат ва глобал барқарорлашувга таъсир этувчи молиявий секторга оид чоралар киритилди;

⁵¹ Стамбульские решения будут в центре внимания в будущем году. // БВВ, 13.10.2009. №80 (1189).

⁵² Минин Б.В., Таранкова Л.Г. Деятельность «Группы 20» по преодолению мирового финансового кризиса. // Деньги и кредит, №5, 2009. С. 35.

— иккинчидан, ХВФнинг ресурс базаси етарли бўлмаганлиги учун кўп сонли мамлакатларга кредит бериш талабидан келиб чиқкан ҳолда, унинг молиялаштириш дастакларини такомиллаштириш;

— учинчидан, ХВФ томонидан 20 талик мамлакатлар амалга ошираётган сиёsatни ўзаро баҳолашда ёрдам бериш орқали кўп томонлама назоратнинг янги турини амалга ошириш;

— тўртинчидан, 20 талик мамлакатлар гуруҳи билан келишилган ХВФ квоталарини барқарор суръатларда ривожланаётган мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлаш орқали фонднинг бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистон 1992 йил 21 сентябрда ХВФга аъзо бўлган. Ҳозирда Ўзбекистон 2003 йил октябрдан ХВФнинг VIII моддасига мувофиқ миллий валютани жорий операциялар бўйича эркин конвертациялаш мажбуриятларига эга.

Ўзбекистоннинг аъзолиги 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра 275,6 млн. СДР миқдоридаги квотаси билан белгиланади.

Ўзбекистоннинг ХВФ билан охирги молиявий шартномаси 1995 йил 18 декабрда 124,7 млн. СДР миқдорида «стэнд-бай» кредитини олиш тўғрисида тузилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХВФ олдида ҳеч қандай молиявий мажбуриятларга эга эмас.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) – Умумжаҳон банки гуруҳининг асосий ташкилоти бўлиб, ўрта ва кам даромадли, тўлов қобилиятига эга мамлакатлар ҳукуматларига кредит беради. ХТТБ 1944 йилда ташкил этилган ва ҳозирда аъзо мамлакатлар сони 186тани ташкил этади.

ХТТБнинг мақсади – аъзо-мамлакатлар иқтисодиётини қайта қуришга ва ривожланишига капитал қўйилмалар бериш, хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш орқали қўллаб-қувватлаш, тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз беришдан иборат.

2009 йилнинг охирида банк томонидан берилган жами кредитлар ҳажми 479 млрд. долларга етди. Банк 2009 йилда 42та мамлакатга 1226та янги лойиҳалар бўйича жами 32,9 млрд. доллар миқдорида кредит ажратди.

ХТТБ, одатда, 5 йиллик имтиёзли давр билан 20 йилгача муддатда узоқ муддатли кредитларни беради. Банкнинг ресурс базаси икки манбадан шаклланади. Шу жумладан, асосий қисми жаҳон молия бозорларида турли хил қарз мажбуриятларини жойлаштиришдан шаклланади (3.2.7-жадвал).

ХТТБ аъзо мамлакатларга ҳукумат кафолати асосида қарз беради. Қарзни одатда 10 – 15 йил муддатга 5 йил имтиёзли давр билан ажратилади. ХТТБнинг фоиз ставкаси ҳар 6 ойда ўзгаради

ва ўртача 7% атрофида белгиланади. ХТТБ уставига мувофиқ аҳоли жон бошига 5055 долларгача ЯИМ тўғри келадиган мамлакатларгина банкдан қарз олиш ҳуқуқига эга. Йирик тараққий этган мамлакатлар, хусусан, банкнинг 5 та энг йирик акционерлари қарз олиши мумкин эмас.

3.2.7-жадвал

ХТТБнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. долл⁵³

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Асосий фаолиятдан олинган даромад	1,3	1,7	1,7	2,3	0,6
Тўланмаган қарзлар	104,4	103,0	97,8	99,1	105,7
Жами активлар	222,0	212,3	208,0	233,3	275,4
Ўз капитали	38,6	36,5	39,9	41,6	40,0

Жаҳон банки қарийб 70 йиллик фаолияти мобайнида 140 та мамлакатда қиймати 300 млрд. долларга тенг 6 мингдан ортиқ лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этган.

1992 – 2009 йиллар мобайнида Умумжаҳон банки гуруҳи томонидан Ўзбекистонда қиймати 800 млн. долларга тенг 15 та лойиҳа амалга оширилди⁵⁴ (3.2.8-жадвал). Ушбу банк томонидан ажратилаётган кредитлар иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, жумладан, хусусийлаштириш, молия секторини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилашга йўналтирилди.

3.2.8-жадвал

Жаҳон банкининг Ўзбекистонда амалга оширган йирик лойиҳалари, млн. долл⁵⁵

Лойиҳа номи	Лойиҳа ҳажми
Саломатлик- 2	39,48
Дренаж, ирригация ва тупроқ ҳосилдорлигини ошириш	74,55
Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш	40,0
Қишлоқ ҳўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш	36,14
Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш	65,54

⁵³ Всемирный банк, Годовой отчет 2009 год. Обзор деятельности за год. С. 9.

⁵⁴ Кредит Всемирного банка для улучшения водоснабжения Сырдаринской области //Банковские ведомости, №12-13 (723-724), 24.03.2010.

⁵⁵ Умумжаҳон банки гуруҳи ҳисботлари ва маълумотлари асосида тузилиган.

2008 – 2010 йилларда ХТГБнинг Ўзбекистонга нисбатан ишлаб чиқсан стратегиясида соғлиқни сақлаш, мелиорация, суфориш инфратузилмалари, ижтимоий ҳимоя, коммунал хизматлар сифатини ошириш, атроф-муҳит ҳимоясига йўналтирилган умумий қиймати йилига 90 – 100 млн. доллардан иборат учта лойиҳани амалга оширишни кўзда тутади. Ушбу лойиҳаларни кредитлаш Халқаро тараққиёт ассоциацияси маблағлари ҳисобидан 40 йил муддатга (шундан 10 йили имтиёзли давр) йиллик 0,75% ставкада амалга оширилади⁵⁶.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида Умумжаҳон банки гуруҳи ўз фаолияти самарадорлигини ошириш, ривожланаётган мамлакатлар ишончини мустаҳкамлаш мақсадида кенг миқёсли ислоҳотлар дастурини амалга оширмоқда. Умумжаҳон банки гуруҳи Президенти Р.Зеллик фикрича, банк тизимидағи ислоҳотлар ривожланиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш, масъулиятни кучайтириш ва бошқарувни такомиллаштириш, сарфланаётган инвестициялар самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

XXI аср сиёсий иқтисоди жаҳонда ривожланаётган мамлакатлар ўрнининг барқарор ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда янги иқтисодий тартибни ишлаб чиқишини талаб этади.

2009 йил октябрда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Умумжаҳон банки гуруҳининг йиллик Саммитида акционер мамлакатлар Жаҳон банкида ривожланаётган мамлакатлар овоз бериш квотасини минимум 47% га ва яқин келажакда 50% га етказиш тўғрисидаги ислоҳотлар режасини маъқуллади⁵⁷.

Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА) – 1960 йилда ташкил этилган бўлиб, унга аъзо мамлакатлар сони 169 тани ташкил этади. ХТА узоқ муддатга фойизсиз, кредит кўринишида қарз ва деярли бозор шартлари бўйича қарз олиш имконига эга бўлмаган дунёning энг паст даромадли 82та мамлакатларига грантлар беради. ХТА кредит операцияларини донор мамлакатига бадаллари, ХТГБнинг соф фойдасини ўtkазиш, ХМКнинг грантлари ва уюшма томонидан ажратган кредитларидан келадиган тушумлар ҳисобига молиялаштириди (3.2.9-жадвал).

ХТАнинг мақсади ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли кредитлар беришдан иборат бўлиб, захиралаштирилган кредит маблағларининг жами ҳажми 207 млрд. долларга етган. 2009

⁵⁶ Новая стратегия Всемирного банка для Узбекистана. // Банковские ведомости, № 28. 16.07.2008.

⁵⁷ Стамбульские решения будут в центре внимания в будущем году. // БВВ, 13.10.2009. № 80. (1189).

йилда 63та мамлакатда 176та янги операциялар бўйича захиралаштирилган кредитлар ҳажми 14 млрд. долларини ташкил этган.

ХТА кредитлари 10 йиллик имтиёзли даврни камраб олган ҳолда 35 – 40 йилга берилади. Кредитлар ҳажми СДРда акс этирилади, лекин молиялаштириш лойиҳа харажатлари амалга ошириладиган валютада берилади. Олинган қарз бўйича фоиз ҳисобланмайди, аммо кредит бўйича хизмат кўрсатишдан кредитнинг 0,75% микдорида комиссия ҳақи олинади. Жаҳон ҳамжамияти ХТАни кам ривожланган мамлакатларга ёрдам берувчи Энг самарали ташкил этилган молия институти сифатида тан олади.

3.2.9-жадвал

ХТАнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. доллар⁵⁸

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Ривожланиш мақсадида тўланмаган кредитлар	120,9	127,0	102,5	113,5	112,9
Ривожланиш мақсадига ажратилган ресурсларнинг жами манбаси/ ўз капитали	130,4	102,9	110,2	123,6	127,9

ХТАга аъзолик ХТТБга кирган барча мамлакатлар учун очиқ ҳисобланади. ХТАда молиялаш ҳусусиятидан келиб чиқиб, аъзолари икки грухга бўлинади.

Биринчи грухга Россия, АҚШ, Канада, Фарбий Европа мамлакатлари, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка ва Қувайт киради. Уларнинг бадаллари эркин алмашинадиган валютада тўланади.

Иккинчи грух ривожланаётган мамлакатлардан ташкил топган бўлиб, улар бадалнинг фақат 10% ини эркин алмашадиган валютада, қолган 90% ини ўз валюталарида тўлайдилар. Иккинчи грух иштирокчиларининг бадаллари фақат ҳукумат билан маҳсус шартномага мувофиқ лойиҳаларни молиялаштиришда фойдаланилиши мумкин.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) 1956 йилда ривожланаётган мамлакатлар хусусий секторини қўллаб-куватлаш мақсадида ташкил этилган. Аъзо мамлакатлар сони 182 тани ташкил

⁵⁸ Всемирный банк, Годовой отчет 2009 год. Обзор деятельности за год. С. 9.

этади. Захиралашган ресурслар портфели 34,4 млрд. долларни ва синдициялашган кредитлари 8 млрд. долларни ташкил қиласы (3.2.10-жадвал).

2009 молиявий йилда 103 мамлакатда 447 янги лойиҳа бўйича захиралашган маблаглар ҳажми 10,5 млрд. долларни ташкил этган ва 4 млрд. доллар жалб этилган.

3.2.10-жадвал

ХМКнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. доллар⁵⁹

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Асосий фаолиятдан олинган даромад (зарар)	2,0	1,4	2,7	2,0	0,2
Ликвидли активлар (ҳосилавий молиявий воситалардан ташқари)	13,3	12,7	13,3	14,6	17,9
Қарзлар, акциядорлик капиталига инвестициялар, қарз қимматбаҳо қофозлари, нетто	11,5	12,8	15,8	23,3	22,2
Ўз капитали	9,8	11,1	14,0	18,3	16,1

ХМКнинг асосий вазифаси бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда хусусий инвестор ва молия институтларига капитални самарали жойлаштиришга қўмаклашишда воситачилик қилиш ҳисобланади. ХМК бозор ҳолатига яқин шартлар бўйича 12 йил имтиёзли давр билан 3 йилдан 15 йилгacha қарз беради. Қарийб 80% пассивлари молия бозорларидан жалб этилади, қолган 20%ни эса ХТТБдан қарзга олинади. Одатда, ХМК бошқа инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларни молиялаштиради, унинг улуши 25 – 35% ни ташкил қиласы. Биргаликдаги молиялаштириш ХМК фаолиятининг ўзига хос жиҳати бўлиб, қарз беришдан ташқари, хусусий корхоналар капиталига ҳам пул қўйишни амалга оширишда намоён бўлади.

Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (MIGA) – 1988 йилда аъзо мамлакатларга хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантиришида қўмак бериш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирда агентликка 174та мамлакат аъзо бўлиб, жами ажратилган кафолатлари ҳажми 20,9 млрд. долларга teng. Агентлик томонидан 2009 молия йилида 26 та лойиҳа бўйича 1,4 млрд. доллар миқдорида кафолатлар берилган (3.2.11-жадвал).

⁵⁹ Ўша манба. С. 10.

Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. долл.⁶⁰

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Асосий фаолиятдан олинган даромад	0,024	0,017	0,049	0,055	0,051
Операцион капитал	0,8	0,9	1,0	1,0	1,0
Тақдим этилган кафолатлар ҳажми	3,1	3,3	3,2	3,6	4,0
ХРА кредитлаш мезонларига мос келган мамлакатлар бўйича берилган кафолатларнинг соғ ҳажми	1,3	1,4	1,4	1,5	1,4

Ушбу агентлик ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган ТТХИни рағбатлантириш мақсадида сиёсий рисклардан сугурталаш ёки кафолатлаш хизматларини таклиф этади.

Инвестицион низоларни тартибга солишнинг халқаро маркази (ICSID) – 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади хорижий инвесторлар ва инвестицияларни жалб этувчи мамлакатлар ўртасида юзага келган халқаро инвестицион низоларни арбитраж кўриб чиқиши ва тартибга солиш механизмини таъминлаб берришдан иборатdir. Бундан ташқари ушбу марказ хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчилик актлари ва халқаро низоларни арбитраж тартибга солиш соҳасида тадқиқот ишларини олиб боради. Ҳозирги вақтда марказга 143 та мамлакат аъзо ва фаолияти мобайнида 292 та, жумладан, 2009 молиявий йилда 32 та арбитраж қайд этилган.

3.3. Инвестициялар ҳаракатини тартибга солувчи минтақавий молия институтлари

Хорижий инвестицияларни халқаро миқёсда тартибга солишида минтақавий молия институтлари ҳам муҳим роль ўйнайди (3.3.1-расм).

Европа тикланиши ва тараққиёт банки ЕТТБ – 1991 йилда ташкил топган ва унга 56 та мамлакат аъзо. ЕТТБ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислоҳотларни ўтказишида кўмаклашиш мақсадида тузилган (3.3.1-жадвал).

⁶⁰ Ўша манба.

ЕТТБнинг асосий фаолият доираси қуйидагилардан иборат:

— инфратузилмани ривожлантириш;

— турли хусусий ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш. Бунда ресурсларнинг 60% и хусусий секторга, 40% и давлат секторига мўлжалланган;

— хусусий капитал қўйилмаларга кафолатлар бериш;

— иқтисодиётнинг таркибий тузилишини қайта қуриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

— аниқ лойиҳаларга маслаҳат-техник ёрдам бериш.

Банк учун хусусий сектор ривожланиши, хусусийлаштириш жараёни, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, молия муассасалари ҳамда саноат секторини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, кичик бизнесни ривожланишини қўллаб-куватлашга қаратилган устувор лойиҳа ва дастурлар бўлиб ҳисобланади. Банк хусусий ва хусусийлаштирилган корхоналар таълифи ҳомийлар салоҳияти юқори бўлиши ва бизнес режаларининг ишончли бўлишини талаб қилади.

Бошқа ривожланиш банкларидан фарқли равиша ЕТТБ сиёсий тузилмаларни кредитлашда ишгирок этмайди ва хусусий секторни қўллаб-куватлаш ва лойиҳавий молиялашга ихтисослашган.

Банк тақдим этадиган кредитининг энг кам миқдори 5 млн. европни ташкил этади. Фоиз ставкалари асосий бозор ставкаси (одатда, ЛИБОР) ва маржадан ташкил топади. Кредитлар бўйича фоиз сузуб юрувчи (своп операцияларини қўллаган ҳолда) ёки қатъий ставкаларда белгиланади. Маржа миқдори кредит шартларидан келиб чиқади.

3.3.1-жадвал

ЕТТБ фаолиятининг молиявий натижалари, млрд. евро⁶¹

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Устав капитали	5,2	5,2	5,2	5,2	5,2
Бошқарув кенгаси қарори бўйича қилинадиган ажратмаларгача бўлган соф фойда (зарар)	0,4	1,5	2,4	1,9	0,6
Бошқарув кенгаси қарори бўйича қилинган ажратмалар	—	—	—	—	0,1
Резервлар ва тақсимланмаган фойда	1,7	4,7	7,0	8,7	6,6

⁶¹ ЕТТБ ҳисботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

Масъул иқтисодий-географик маконлар доирасида чегараланган халқаро валюта-мolia ташқилотлари

Асосий хусусиятлари

- минтақавий банклар тегишли иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб борадилар ва ушбу минтақанинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқадиган мақсадларни кўзлашади;
- минтақавий банклар аъзо мамлакатларга нисбатан уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра табақалашган кредит сиёсатини олиб борадилар;
- минтақавий банклар ўртасида энг обрўлиси ЕТТБ ҳисобланади;
- ЕТТБга 56 та мамлакат аъзо;
- ЕТТБ фаолияти аъзо мамлакатларда кўп париявийлик, плюрализм ва бозор ислоҳотларининг мавжудлигини назарда тутувчи сиёсий жиҳатларга эга;
- Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг йирик минтақавий банклари Америкаларо тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банклардан иборат;
- Осиё, Африка ва Лотин Америкасида йирик минтақавий банкларнинг ташкил этилиши мустамлака тизимнинг таназзулга юз тутиши ва ушбу ҳудудларга хос иқтисодий муаммоларни ҳал этиш

3.3.1-расем. Минтақавий ривожланиш банклари

ЕТТБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар сони 2004 – 2008 йилларда 265 тадан 302 тагача ортган. 2008 йилда ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 12,9 млрд. еврони ташкил этган (3.3.2-жадвал).

3.3.2-жадвал

ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳалар динамикаси⁶²

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Лойиҳалар сони	265	276	301	353	302
Лойиҳаларнинг умумий қиймати, млрд. евро	13,0	9,8	12,0	13,8	12,9
ЕТТБ томонидан ажратилган маблаглар, млрд. евро	4,1	4,3	5,0	5,6	5,1
ЕТТБ томонидан жалб қилинган маблаглар, млрд. евро	8,8	5,9	7,7	8,6	8,4

⁶² ЕТТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

2008 йилда ЕТТБ томонидан ажратилган маблағларнинг 39% и молия секторига, 26% и корпоратив секторга, 18% и инфра-тузилма соҳасига ва 17% и энергетика соҳасига йўналтирилган.

Ўзбекистон 1992 йилдан ЕТТБ аъзоси ҳисобланади. ЕТТБ Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришни қўллаб-кувватлашни амалга оширувчи энг йирик инвесторлардан бири ҳисобланади (3.3.3-жадвал).

3.3.3-жадвал

2007 йилда ЕТТБнинг Ўзбекистондаги инвестиция лойиҳаларига ажратган кредитлари, млн. евро⁶³

Лойиҳа номи	Лойиҳа миқдори	ЕТТБ томонидан молиялаштириладиган кредитлар
«Бурсел» (кийим-кечак ишлаб чиқариш)	1,5	1,5
«Имкон плюс» (музқаймоқ ишлаб чиқариш)	2,6	1,8
«Грин Ворлд» (меваларни қайта ишлаш)	6,0	1,5
«Малика-Хива» меҳмонхонаси	0,1	0,1
«Меҳнат-Пиво»	2,0	2,0
«Ҳамкорбанк» (кичик бизнесни микрокредитлаш)	5,4	5,4
«УзКДБ банк»	0,6	0,6
Савдонинг ривожланишига кўмаклашиш	1,0	1,0
Жами		

ЕТТБ 1992 йилдан то ҳозирги вақтга қадар иқтисодиётнинг турли соҳаларида 550 млн. евро миқдорида 50 дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштириди⁶⁴.

ЕТТБ томонидан амалга оширилган йирик кредитлар иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) – 1966 йилда ташкил топган ва унга 57 та мамлакат (41 та ҳудудий ва 16 та ҳудуддан ташқари мамлакатлар) аъзо. ОТБга аъзолик БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича комиссиясидаги барча мамлакатлар ва Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатлари (агар улар БМТ ёки унинг ихтисослашган агентликларига аъзо бўлсалар) учун очиқ. Аъзоликда мавжуд бундай кенг имкониятлар ОТБда Осиё минтақасидан ташқари

⁶³ ЕТТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

⁶⁴ Абдуллаев Р., Асташев А. ЕБРР расширяет финансирование частного сектора в Узбекистане. //БВВ, №102 (1211). 24.12.2009.

мамлакатлар улусининг ортишига олиб келди, уларга банк акцияларининг қарийб 37% и ва овозларининг 35% и тўғри келади.

Япония, АҚШ, Хитой, Хиндистон, Австралия, Индонезия, Канада ОТБнинг иирик акциядорлари (акциялар пакети 5% дан кўп бўлган) ҳисобланади. Хитой, Хиндистон, Покистон, Индонезия, Бангладеш каби мамлакатлар асосий қарз олувчи мамлакатлар саналади.

ОТБнинг мақсади Осиё қитъасидаги ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ривожланишда кўмаклашиши, ҳудудий ҳамкорликни рағбатлантириш, аъзо-мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш ва уларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштиришдан иборат.

ОТБ транспорт ва коммуникации, энергетик лойиҳалар, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар, молия, ижтимоий инфратузилма соҳаларини молиялаштиради.

ОТБда Осиё ривожланиш фонди (20,5 млрд. долл.) ва Махсус техник ёрдам фонди (721,7 млн. долл.) мавжуд⁶⁵. 1988 йилда Банк ва Япония ҳукумати ўртасида Техник ёрдам кўрсатиш бўйича Япония махсус фонди ташкил этилди.

ОТБ ривожланаётган мамлакатларга куйидаги фондлар ҳисобидан кредитлар беради:

1) оддий фонд ҳисобидан тижорат шартлари асосида 25 йил муддатга (барча кредитларнинг қарийб 2/3 қисми);

2) Осиё ривожланиш махсус фонди ҳисобидан имтиёзли 1 – 3% ставкалар бўйича камбағал мамлакатларга 40 йилгача муддатга.

Бошқа ривожланиш банклари каби ОТБда ҳам кредитлашида балансни таъминлаш мақсадида давлат секторига берилган кредитлар жами лойиҳаларининг 20%и дан ошмайди.

ОТБ фаолиятининг ҳусусияти шундан иборатки, у ўз кредитларининг 30% ини имтиёзли шартларда махсус фонддан беради. У ушбу маблағларни Европа бозорларига йўналитириб, уларни ривожланаётган мамлакатларга 25 – 40 йилга мўлжалланган узоқ муддатли кредитларга айлантиради. Бунда банк имтиёзли фоиз ставкаларини кўзда тутади. Кредитлар, шунингдек, тижорат шартларида ёки юқори бозор фоиз ставкаси бўйича 10 – 25 йил муддатга оддий жамғармалардан ҳам берилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2004 – 2007 йилларда ОТБ томонидан берилган кредитлар ва молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони ўсиш тенденциясига эга бўлди. Жумладан, ушбу

⁶⁵ <http://www.adb.org/About/members.asp>

лойиҳалар сони 2004 йилда 31 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2007 йилда 60 тага етган (3.3.4-жадвал). Шунингдек, берилган кредитлар ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш миқдори ҳам ошиб борган. Ушбу ҳолат, ОТБнинг мамлакатларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги ролининг ошиб бораётганилигидан далолат беради.

3.3.4-жадвал

ОТБ кредитларининг динамикаси⁶⁶

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Берилган кредитлар сони	31	31	35	60
Берилган кредитлар суммаси, млрд. долл.	5,1	5,8	7,4	10,1
Банк кредитлари ҳисобидан:				
Молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони	62	63	66	82
Молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар суммаси, млрд. долл.	3,8	4,4	6,1	8,2

Бундан ташқари, ОТБ томонидан берилаётган кредитларнинг аксарият қисмини инвестицион кредитлар ташкил қиласди. Бу эса ОТБнинг тижорат банкларидан фарқлантирувчи муҳим жиҳат ҳисобланади. Чунки тижорат банкларида узоқ муддатли ресурслар тақчиллиги мавжуд бўлганлиги туфайли улар томонидан берилган кредитларнинг асосий қисмини қисқа муддатли кредитлар ташкил этади. Шунинг учун ОТБни инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли тобора ошиб бормоқда.

ОТБ томонидан 2007 йилда берилган кредитларнинг асосий қисми транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш мақсадларига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди (3.3.5-жадвал).

Ушбу соҳаларга берилган кредитларнинг миқдори 3,9 млрд. долларни ташкил қиласди. Бу эса, 2007 йилда ОТБ томонидан берилган кредитларнинг 39% ини ташкил қиласди. Умуман, транспорт ва коммуникация соҳасига 2007 йилда берилган кредитларнинг миқдори 2006 йилга нисбатан икки марта кўп бўлди.

2007 йилда ОТБ томонидан давлат кафолатлари асосида 61 та лойиҳани молиялаштириш учун 9,2 млрд. доллар миқдорида кредитлар берилди. Бундан ташқари, 2007 йилда ОТБ томонидан 672,7 млн. доллар миқдорида қайтариб олмаслик шарти билан

⁶⁶ Asian Development Bank. Annual report, 2007. – Р. 4.

молиявий ёрдам берилди. Бу эса, 2006 йилдагига нисбатан 25 фоизга күпдир. Шунингдек, умумий суммаси 243,4 млн. доллар бўлган 242 та техник ёрдам лойиҳаси маъқулланди.

3.3.5-жадвал

ОТБ кредитларининг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши (2008 йил 1 январь ҳолатига)⁶⁷

Т/р	Соҳалар	Маъқулланган кредитлар		Молиявий лойиҳалар сони
		Ҳажми, млн. долл.	Улуши, %	
1.	Ижтимоий инфратузилма	429,5	39,0	12
2.	Транспорт ва коммуникация	265,3	24,1	4
3.	Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар	245,4	22,3	5
4.	Молия тизими	90,7	8,2	3
5.	Энергетика	70,0	6,4	1
	Жами	1100,9	100,0	25

Ўзбекистон ОТБга 1995 йилда аъзо бўлган бўлиб, банкнинг минтақавий аъзолари рӯхатида 15-уринни, йирик акционерлар рӯйхатида эса 22-уринни эгаллади. Ўзбекистон ОТБнинг 23 834 та акциясига (0,67%) ва 37 066 та овозга (0,84%) эга⁶⁸.

ОТБ 1995 йилдан 2010 йилга қадар Ўзбекистонга 30 та лойиҳа учун умумий суммаси 1,29 млрд. доллардан ортиқ кредитлар ажратди. Шунингдек, ушбу даврда ОТБ Ўзбекистонга 40,75 млн. доллар миқдорида техник ёрдам кўрсатди⁶⁹. ОТБ томонидан берилаётган молиявий ердамларнинг сезиларли қисми ижтимоий соҳаларни ислоҳ этишни молиялаштиришга йўналтирилмоқда (3.3.6-жадвал).

2010 йилда Ўзбекистон ва ОТБ молиявий ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатнинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини модернизациялаш ҳамда кичик бизнесни қўллаб-куватлаш мақсадида 1 млрд. доллар миқдорида 3 та янги лойиҳа тайёрланиши ва тасдиқланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари 2009 йилда Ўзбекистонда ичимлик суви билан таъминлаш ва санитария тизимини яхшилаш учун кўптраншли молиялаштириш

⁶⁷ ОТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

⁶⁸ <http://www.adb.org/Documents/Translations/Russian/Factsheets/UZB-Fact-Sheet-RU.pdf>

⁶⁹ Визит Резидента АБР в преддверии 43-га Ежегодного заседания Совета директоров банка. // Деловой партнер, №7(828), 18-24.02.2010.

Дастурлари доирасида тасдиқланган маблағларнинг иккинчи 140 млн. доллар ҳажмидаги траншни очиш режалаштирилган. 2010 йилда ажартилиши режалаштирилаётган умумий сумманинг 500 млн. доллари Осиё ривожланиш маҳсус фонди ҳисобидан имтиёзли шартларда 32 йилга 8 йиллик имтиёзли муддат ва йиллик 1,5% ли ставкада берилади⁷⁰.

3.3.6-жадвал


ОТБнинг Ўзбекистонда йирик инвестицион лойиҳалар учун ажрататоётган кредитларининг тармоқ таркиби (2009 йилнинг 1 январь ҳолатига)⁷¹

	Лойиҳалар сони	Кредитлар ҳажми, млн. долл.	Жамига нисбатан фоизда
Қишлоқ хўжалити ва табиий ресурслар	8	345,0	28,1
Таълим	8	290,5	23,6
Энергетика	1	70,0	5,7
Молия	1	20,0	1,6
Соғлиқни сақлаш, овқатланиш ва ижтимоий ҳимоя	1	40,0	3,3
Саноат ва савдо	1	50,0	4,1
Ҳуқуқ ва иқтисодий бошқарув	1	20,7	1,8
Транспорт ва алоқа	4	265,3	21,6
Сув таъминоти ва санитария	4	129,0	10,5
Жами	29	1 230,9	100,0

Таҳдиллар кўрсатишича, 1996 йилдан 2006 йилгача кредитлар ОТБ банк капиталининг оддий ресурслари ҳисобидан берилган. Бу эса кредитларни имтиёзли шартлар асосида жалб этиш имкони бўлмаганлигини кўрсатади. 2006 йилдан бошлаб, ОТБ Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар бўйича кредит беришни бошлади, 2007 йилда эса бу кредитлар ҳажми 8,7%га ошиди (3.3.2-расм).

⁷⁰ АБР и Узбекистан готовиться к утверждению новых проектов. //БВВ, №21 (1234), 23.03.2010.

⁷¹ <http://www.adb.org/Documents/Translations/Russian/Factsheets/UZB-Fact-Sheet-RU.pdf>



3.3.2-расм. ОТБдан Ўзбекистонга ажратилган кредит ресурслари манбасининг ўзгариши (2008 йил 1 январь ҳолатига)⁷²

3.3.7-жадвал маълумотларидан аксарият кредитлар инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилганини кўришимиз мумкин. Бу эса банк ижтимоий соҳани молиялаштиришга кредит ажратганидан далолат беради. Шунингдек, транспорт ва коммуникация соҳаларига ҳам катта эътибор қаратилаётганини кўришимиз мумкин.

Шуниси муҳимки, 2006 йилда ОТБ Кенгаши Ўзбекистон учун 2006 – 2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантириш Стратегияси ва Дастурини маъқуллади. Мазкур Стратегия ва Дастур аҳолининг кам таъминланган катламларининг иқтисодий аҳволини сезиларли даражада яхшилашга қаратилган.

ОТБнинг ушбу Стратегияси устувор соҳалар сифатида қишлоқ хўжалиги, хусусий сектор, транспорт коммуникациялари ва божхона тизими, умумий таълим, мактабгача тарбия тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришни кўзда тутади.

Бундан ташқари ОТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги истикболли ҳамкорлик темир ва автомил йўллари тармогини ривожлантириш, қишлоқларда сув таъминоти тизимини такомиллаштириш ишларини фаоллаштиришни назарда тутади.

⁷² ОТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

**ОТБнинг Ўзбекистонда молиялаштираётган йирик
инвестицион лойиҳалар ва уларнинг тавсифи⁷³**

Лойиҳанинг номи	Ҳажми, млн. олл.	Лойиҳанинг қисқача тавсифи
Қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожлантириш	50	Қишлоқ жойларидағи кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш. Молиялаштириш 28 та инвестицион лойиҳа бўйича амалга оширилмоқда.
Сирдарё вилояти Оқолтин тумани инфратузилмасини ривожлантириш ва хўжаликларини қайта таркиблаш	36	Сирдарё вилояти Оқолтин тумани қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда фермерларнинг пахта ва бўғдой етиштиришдан оладиган даромадларини баркарорлаштириш. Ушбу лойиҳа синов лойиҳаси бўлиб, кейинчалик уни мамлакат миқёсида жорий этиш кўзда тутилган.
Дон экинларининг ҳосилдорлигини ошириш	26	Бўғдойни етиштириш, қайта ишлаш, сотишнинг тежамли ва барқарор тизимларини рағбатлантириш. Лойиҳа 217 минг қишлоқдаги уй хўжалигига фойда келтиради, шуларнинг 35% и кам таъминланган оиласалардир.
Аму-Занг канали машина тизимларини тиклаш	73,2	Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини, фермерлар даромадларининг барқарорлигини сақлаш ва ошириш
Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	60,2	Буҳоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг 9 та туманида ерларнинг деградация муаммосини ҳал қилиш
Умумтаълим тизимида дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш	260	Дарсликларнинг сифати, фойдаланиш муддатини ошириш йули билан умумтаълимнинг сифати ва аҳамиятини ошириш.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) – 1974 йилда ташкил топган. Унга ислом динига эътиқод қилувчи 35 та мамлакат, яъни Ислом анжуманининг деярли барча аъзолари киради. Низом капиталининг миқдори ОТБ дан 5 марта кам (3.3.8-жадвал).

ИТБнинг мақсади аъзо-мамлакатларнинг ривожланиш лойиҳаларини, ташқи савдони кредитлаш ва савдо, саноат компаниялари капиталларини инвестициялашдан иборат.

⁷³ АБР И Узбекистан. 10 лет сотрудничества во имя развития. 1996 – 2006. – Штаб-квартира АБР. – Манила, 2007. С.26.

ИТБ фаолиятининг асосий қўрсаткичлари⁷⁴

Кўрсаткичлар	2008 йил	
	Ислом динори	АҚШ доллари
Лойиҳаларининг умумий қиймати, млрд.	1,9	3,1
Техник ёрдам, млрд.	22,7	36,2
Савдони молиялаш, млрд.	1,7	2,6
Махсус ёрдам, млн.	13,0	20,1
Аъзо мамлакатлар сони	56	
Ходимлар сони, киши	1 014	

1976 – 2008 йиллар давомида ИТБ томонидан 56,9 млрд. доллар қийматидаги 6103 та лойиҳа молиялаштирилган. 2008 йилда банк томонидан лойиҳаларни молиялаштириш, техник кўмак бериш, савдони молиялаш каби йўналишлар бўйича 399 та лойиҳага 5,7 млрд. доллар маблағ йўналтирилган (3.3.9-жадвал).

ИТБнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари⁷⁵

Лойиҳа номи	Лойиҳанинг қиймати, млн. долл.	Лойиҳанинг ҳукуқий асоси
«Судзиёна» 500 кВ электр узатиш линияси курилиши Сирдарё ИЭС	25,1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 22 июндаги ПҚ-105-сонли Карори
«Фузор – Сурхон» 500 кВ электр узатиш линияси ва «Сурхон» автотрансформаторини куриш	42,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 июндаги ПҚ-901-сонли Карори
5 та касб-хунар коллежларини куриш ва жиҳозлар билан таъминлаш	10,5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 ноябрдаги ПҚ-713-сонли Карори
Умумталим мактабларини куриш ва жиҳозлар билан таъминлаш	10,3	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 майдаги 104-сонли Карори
Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг худудий филиалларини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш	23,8	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 майдаги 120-сонли Карори
Асфальт заводини модернизациялан, Тошкент шаҳрида йўллар куриш ва таъмирлаш учун асбоб-ускуналар ва механизмлар сотиб олиш	12,6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 17 октябрдаги ПҚ-201-сонли Карори

⁷⁴ Ислом тараққиёт банки ҳисботлари ва маълумотлари асосида ҳисобланган.

⁷⁵ Ислом тараққиёт банки ҳисботлари ва маълумотлари асосида ҳисобланган.

2008 йилда ИТБ томонидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг 35,8% и давлат секторига, 30,9% и транспорт ва алоқа тизимиға, 12,5% и саноат ва табиий ресурслар секторига, 11,3% и қишлоқ хўжалиги тармоғига, 5,8% и ижтимоий соҳага ва 3,8% и молиявий хизматларга тўғри қелган.

Ўзбекистон ИТБга 2003 йил 3 сентябрда аъзо бўлган булиб, ушбу банк томонидан 2003 – 2009 йиллар мобайнида умумий қиймати 150 млн. долларга тенг молиявий хизматлар кўрсатилган.

Бундан ташқари, ИТБ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзсаноатқурилишбанки ва Ипотека банки орқали 2007 – 2009 йилларда ИТБ билан ҳамкорлик дастурлари доирасида умумий қиймати 24,0 млн. долларлик кредит линияларини амалга ошироқда (3.3.10-жадвал).

3.3.10-жадвал

ИТБнинг Ўзбекистондаги кредит линиялари

Лойиҳа номи	Ҳажми, млн. долл.	Лойиҳанинг ҳуқуқий асоси
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки		
ИТБнинг иккинчи молия линияси	20,0	ИТБ билан ҳамкорлик Дастури 2007 – 2009 йил.
Ўзсаноатқурилишбанки		
ИТБнинг глобал молия линияси	1,0	2007 йил 7 сентябрда имзоланган Глобал шартнома
Ипотека банки		
ИТБнинг глобал молия линияси	3,0	2007 йил 3 июляда имзоланган Глобал шартнома

3.4. Хорижий инвестицияларни кафолатловчи ва тартибга солувчи махсус халқаро ташкилотлар

Хорижий инвестицияларни тартибга солувчи халқаро молия ташкилотларидан ташқари ушбу инвестицияларни кафолатловчи ва тартибга солувчи маҳсус халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлик (ИКХА), Инвестицион даъволарни тартибга солиш бўйича халқаро марказ (ИДТСХМ) ва Хорижий инвесторларга маслаҳат бериш агентлиги шулар жумласидандир.

ИКХА 1988 йилда Умумжаҳон банкининг шоҳобчаси сифатида ташкил этилган, аммо у молиявий жиҳатдан мустақилдир. Агентлик ихтисослаштирилган ташкилот сифатида БМТ тизимиға киради. ХТТБ президенти ИКХАнинг ҳам президенти ҳисобланади.

Агентликнинг асосий вазифаси хорижий инвесторларни нотижорат характердаги рисклар (валюта маблағларини ўтказиб юбориш, экспроприация ёки уруш) билан боғлиқ йўқотишлардан кафолатлаш орқали аъзо-мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида инвестициялар оқимини оширишга кўмаклашишдир. Бундан ташқари, ИКХА аъзо-мамлакатларга капитал оқимини ошириш учун қулай муҳит яратиш борасида маслаҳатлар бериш ва ахборот базасини яратиш билан ҳам шуғулланади.

ИКХАнинг мақсадлари кўйидагилардан иборат:

Капитални бошқа мамлакатларда жойлаштиришни нотижорат хатарлардан аъзо-мамлакатлар томонидан қўшма қайта сугурталаш ёрдамида кафолатлаш; ривожланаётган мамлакатларга ва улар орасида инвестициялар оқимини ортириш мақсадида зарурый ёрдамчи тадбирларни амалга ошириш; аъзо-мамлакатларда (айниқса, ривожланаётган мамлакатларда) инвестицияларни ишлаб чиқариш мақсадларига сарфланишини рағбатлантириш.

ИКХА мамлакатларга инвестицион имкониятлар тўғрисидаги ахборотларни тарқатиш ва инвестициялашга кўмаклашувчи ташкилий-техник шароитларни яратиш борасида техник ёрдам кўрсатади. ИКХА ўз ходимлари ва юрист-маслаҳатчилари штатига эга бўлиб, молиявий ва ҳукуқий жиҳатдан Умумжаҳон банкига қарам эмас, лекин баъзида унинг хизматларидан фойдаланади. Агентлик ривожланаётган мамлакатларда ҳукуматларга хусусий инвестицияларни жалб этиши борасида маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва инвестицион имкониятлар тўғрисида ахборотлар тарқатиш билан ҳам шуғулланади.

ИКХАнинг функциялари:

- қўшма сугурталаш ёки қайта сугурталаш йўли билан бошқа сугурталовчиларнинг имкониятларини кенгайтириш;
- инвестиция сиёсати пассив бўлган мамлакатларда инвестицияларни сугурталаш;
- расмий тан олинган сугурталовчилар хизматларидан фойдаланиш имкони бўлмаган инвесторларга хизмат кўрсатиш;
- кўп миллатли синдиқатларнинг бирига кирувчи, турли миллатга мансуб инвесторларга кафолатлар бериш, бу эса ўз ўрнида сугурта шартномаларини тузишга ва даъволарни ҳал этиш учун қулай шарт-шароит яратади.

Инвесторлар Умумжаҳон банки кафолатлари, сиёсий рисклардан ИКХА сугуртаси ва Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан акционер капиталга қўшма инвестициялаш ёрдамида ўз

рискларини минимумга тусиришади ва ривожланаётган ҳамда бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларга инвестицияларни амалга ошириш учун оптимал шароитга эга бўладилар.

ИКХАнинг мақсадига мос келувчи инвестицион лойиҳалар иқтисодиётнинг ривожланишига ёрдам бериши, молиявий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам, экологик хавфсиз ҳамда қабул қиливчи мамлакатнинг меҳнат бўйича стандартларига ва бошқаларга мос келиши зарур.

ИКХА ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини тараққий эттириш мақсадида аъзо-мамлакатлардан инвестицияларни жалб этиш имкониятига эга.

ИКХА таркибига кирувчи **Инвестицион маркетинг хизматлари департаменти** (ИМХД) агентликка аъзо бўлган ривожланаётган ва ўтиш даври мамлакатларига қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қўллаб-куvvатлайди. ИМХДнинг мақсади – ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва камбағалик билан курашиш учун жалб этилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини таъминлашга ёрдамлашишдан иборат. ИМХД томонидан хизматлар кўрсатиш асосан уч йўналишда амалга оширилади:

- институционал имкониятларни шакллантириш;
- ахборотларни тарқатиши;
- инвестицияларни рағбатлантириш.

Бундан ташқари, ИКХА инвестицион имкониятлар, бизнес олиб бориш қоидалари ва бизнес фаолияти бўйича ҳамкорлар тўғрисидаги ахборотларни IPA ахборот тармоғи орқали тарғиб этади.

ИКХАнинг асосий молиявий манбалари қуйидагилардан иборат: ИКХА Конвенциясида саноати ривожланган мамлакатлар ўз улушларининг 1% ини конвертиранадиган валютада қўшишлари назарда тутилган. Яна ҳар бир мамлакат 10%ини очиқ бозорда муомалада бўлмаган фоизсиз қарз мажбуриятлари шаклида киритишади. Қолгани эса резерв валюта ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар аъзолик бадалининг 25% ини ўз миллий валюталарида тўлашлари мумкин. ИКХА қўшма суғурталаш ва қайта суғурталаш йўли билан инвестицияларни суғурталовчилар фаолиятини тўлдиради.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йил ноябрь ойида ИКХАга аъзо бўлди.

Инвестицион дъйваларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ (ИДТСХМ). ИДТСХМ 1965 йилда қабул қилинган *Инвестицион дъйваларни тартибга солиш халқаро Конвенцияси* асосида 1966

йилда ташкил топган бўлиб, у мустақил халқаро ташкилотдир. 1996 йилда унга 134та мамлакат аъзо бўлиб, яна 11та мамлакат аъзоликка даъвогар эди. ИДТСХМ хорижий инвестицияларни қабул қилувчи аъзо-мамлакатлар ҳукуматлари ва давлат органлари билан хорижий (хусусий ва корпоратив) инвесторлар ўртасида вужудга келувчи келишмовчиликларни тартибга солиш, келишириш, арбитраж судларида ишни кўриш механизмларини яратиш орқали халқаро инвестиция фаолиятига кўмаклашади. ИДТСХМ ҳукумат ва хорижий инвесторлар ўртасидаги ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш орқали инвестиция оқимини кўпайтиришга сабабчи бўлади. ИДТСХМ доирасида вужудга келган арбитраж қоидалари халқаро инвестицион келишувлар, инвестициялар тўғрисидаги қонунлар, икки ва кўп томонлама инвестицион шартномаларнинг стандарт элементига айланган. ИДТСХМ тадқиқот ишларини олиб боради, маслаҳатлар беради, арбитраж ва инвестицион ҳукуқ масалалари бўйича материаллар нашр этади.

Хорижий инвесторларга маслаҳат бериш агентлиги – Умумжаҳон банкининг бўлинмаси бўлиб, банкка аъзо-мамлакатлар ҳукуматларини хорижий инвестициялар масалалари бўйича конфиденцијал маслаҳатлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган ташкилотдир.

3.5. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишининг ҳукуқий ва институционал асослари

Республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифа ҳисобланади. Ички кредит манбаларини сафарбар этиш чора-тадбирлари билан биргаликда хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга хизмат қиласидан қулай муҳит яратиш масаласи биз учун ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга.⁷⁶

Мамлакатдаги сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, хорижий инвесторлар ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг кучли кафолати ва кенг имтиёзлар тизими каби омииллар тадбиркорлар учун энг қулай шарт-шароит яратмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш учун муҳим аҳамият касб этувчи хом ашё, материаллар, энергия ресурслари ва юқори малакали ишчи кучи баҳоси қўшни мамлакатларга нисбатан арzon бўлиши хорижий инвестицияларни мамлакатимизга жалб қиласидан.

⁷⁶ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: «Ўзбекистон». 2001. 253-б.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол сиёsat олиб борилмоқда. Миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациясининг таъминланиши ва ислоҳотларни амалга ошириш стратегияси Ўзбекистонда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хорижий капитал иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай асосни шакллантиради.

Республикамизда хорижий инвесторлар учун ҳукуқий кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг қамровли тизими шакллантирилган. Бу тизим «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги, «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш кафолати ва чоралари тўғрисида»ги ва «Қимматли қофозлар бозорида хорижий инвесторлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунларга асосланган. Ушбу қонунлар хорижий инвесторларнинг тенг ҳукуқли ва адолатли шарт-шароитда фаолият олиб боришини таъминлайди. Бундан ташқари, хорижий инвестицияли корхоналар⁷⁷ фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёzlари ва преференцияларни ўз ичига олувчи қўшимча чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар фаолияти 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Хорижий инвесторларнинг ҳукуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан кафолатланади.

Хорижий инвесторлар ҳукуқларини кафолатлашда давлат масъул орган ҳисобланади⁷⁸. Хусусан, Адлия вазирлигига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестицияли корхоналарга нисбатан назорат қилиш органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг инвесторлар ҳукуқларини бузувчи қарорларини тўхтатиб қўйиш, тегишли давлат ва бошқарув органларига бундай қарорларни бекор қилиш борасида таклифлар киритиш ҳукуқи берилган. Бундай ёндашув хорижий инвесторлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

⁷⁷ Хорижий инвестицияли корхоналар деганда акциялари (улушлари, пайлари)нинг ёки устав жамғармасининг камидаги ўғлиз фоизини хорижий инвестициялар ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Бундай таъриф давлат томонидан бериладиган солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёzlарни қўллаш учун ишлатилади.

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳукуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 58-сонли Қарори.

Ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир рағбатлантирувчи чора шундан иборатки, агар мамлакатдаги кейинги қонун хужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиrsa, унда хорижий инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун хужжатларини инвестициялаш вақтдан бошлаб маълум бир муддатга қўллаш кафолатланади. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, хорижий инвесторларга инвестициялаш санасида амал қилган қонун хужжатларини инвестициялаш вақтдан бошлаб ўн йил мобайнида қўллаш кафолати берилади. Хорижий инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун хужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш хукуқига эгадир⁷⁹.

Хорижий инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари унинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси худудида реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган хукуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади⁸⁰. Ушбу қулайлик миллий валютатанизнинг эркин конвертацияланиш имконияти жорий операциялар билан чекланган шароитда хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантирувчи муҳим омил ҳисбланади.

Умуман, хорижий инвесторларга бериладиган асосий кафолатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати қўйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди.

2. Хорижий инвесторларга фаолияти натижасида олинган фойда ва бошқа маблағларни ҳеч бир чекловларсиз чет эл валутасида хорижга ўтказиш кафолатланади. Шунингдек, импорт бўйича олиб кирилаётган хом ашё, бутловчи буюмлар ва замонавий технологиялардан олинган тушумни чет эл валутасига айирбошлиш таъминланади.

3. Чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкини хусусийлаштириш жараённида, шу жумладан, кўчмас мулк олди-сотисида эркин қатнашиши кафолатланади.

4. Хорижий инвестицияли корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиши, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ва кўшма корхо-

⁷⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторларнинг хукуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Конуни, 1998 йил.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Конуни, 2003 йил.

наларнинг устав фондига ҳисса қушиш учун бож тўламасдан мулк олиб киришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва Божхона кодекслари, Президент, фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари орқали хорижий инвесторлар учун имтиёзларнинг кенг тизими яратилган (3.5.1-жадвал).

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият олиб бораётган ва хориждан тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни жалб қўлган корхоналар асосий фаолиятидан даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва ягона солиқни тўлашдан 7 йилгача озод қилинади⁸¹.

Хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини ўзбекистонда яратилган қурай инвестиция муҳити ҳамда мамлакат иқтисодиётига инвестиция сарфлашнинг потенциал имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилишни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини аниқ-пухта мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида 2008 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-927-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ва ўзлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом» ва «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнида лойиҳалар ташаббускорлари ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш Схемаси» берилган бўлиб, унда хорижий инвесторлар фаолиятини бошқариш, уларга кўмак бериш тизими кўрсатиб берилган. Президент қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш бўйича қарорларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишда, ҳар йилги Инвестиция дастурларини, шунингдек, тармоқлар ва мамлакат минтақаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларини тайёрлашда етакчи бўғин ҳисобланади, унинг зиммасига мазкур масалаларни ҳал этишда идоравий мансублигидан қатыи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти юкланди.

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги 3594-сонли Қарори.

Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестицияли корхоналарга бериладиган имтиёзлар

Солиқ, тұлов турлари ва имтиёзлар

Даромад солиги

- қишлоқпәрда қайта очилған хорижий инвестицияли корхоналар фаолияттнинг биринчи йилида даромад солигидан тұлғык озод этилади, иккінчи йил солиқнинг 25%ини, учинчі йил эса 50%ини тұлашади. Савдо-сотиқ ва воситачилик билан шұтууланувчи хорижий инвестицияли корхоналар бундан мұстасно;
- бойца ишлаб чиқарыши корхоналари, шу жумладан, тұғридан-тұгры хорижий инвестицияли корхоналар фаолияттнинг биринчи йилида солиқнинг 25%ини, иккінчи йили эса 50%ини тұлашади;
- агар экспортта ишловчи ёки импортни ўрнини қопловчы тұғридан-тұгры хорижий инвестицияли корхона ишлаб чиқарған маҳсулоттнинг 25%ини болаларға мүлжалланған товарлар ташкил этса, ушбу корхона даромад солигидан 5 йилга озод қилинади. Агар экспортта ишловчи ёки импортни ўрнини қопловчы хорижий инвестицияли корхонаниң асосий капиталда хорижий капиталтнинг улуси 50%дан кам бұлмаса, ушбу корхона даромад солигидан 2 йилга озод қилинади;
- хорижий капиталтнинг улуси 50%дан кам бұлмаган ишлаб чиқарыш корхонаси ўз даромадини тұлғык реинвестация күлса, даромад солигидан тұлғык озод қилинади.

Күшилган қымат солиги (КҚС)

- хорижий валюта ҳамда қыматбағ қоғозлар ҳаракатига тегишли бўлган суғурта ва ссуда бериш операциялари;
- ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиши;
- геологияк ва топографик ишлар;
- республикамизда ишлаб чиқарилаётган курилиш материаллари;
- экспорт қилинаёттан товарларни ҳамда хорижий товарларни ортиш ва ташиш бўйича кўрсатадиган хизматлар.

Ер солиги

- Хорижий инвестицияли ишлаб чиқарыш корхоналари ер солигини тұлашдан 2 йилга озод қилинади.

Акциз солиги

- Ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар акциз солигини тұлашдан озод қилинади. Тамаки маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, совун ва бензин ишлаб чиқарувчи корхоналар бундан мұстасно.

Бохжона тұловлары

- Ўзбекистон Республикасига 50 млн. доллардан ортиқ тұғридан-тұгры хорижий инвестиция кириптан юридик шахсларнинг чегарадан олиб үтадиган товарларидан импорт божи ундирилмайды;
- хорижий инвестор ўз зиммасига ишлаб чиқарышни модернизациялаш мажбуриятини олганида чегарадан олиб үтилаёттан технологик ускуналар учун зарур деталлар ва эхтиёт кисмлар бохжона тұловларидан озод қилинади.

Бошка турдагы солиқлар ва мажбурий тұловлар

- экспортта йўналтирилган ва импорт ўрнини қопловчы маҳсулотларни ишлаб чиқараёттан хорижий инвестицияли корхоналар ишлаб чиқарышни ривожлантириш мақсадида солиқ кредитларини олишлари мумкін;
- нефть ва газ конларини аниқлаш ишларини олиб борувчи хорижий корхоналар ҳамма турдаги солиқлар ҳамда тұловлардан озод қилинади. Ушбу корхоналар ускуналар, мөддий-техник ресурслар, хизматларни импорт қылғанда бохжона тұловларидан ҳам озод қилинади;
- нефть ва газ қазиб чиқарувчи күшма корхоналар хорижий корхоналар ёрдамида түзилған бұлса, даромад солигини тұлашдан 7 йилге озод қилинади. Шунингдек, бу корхоналар мүлк солигидан ва хорижий ҳамкорлар үшүннан ундириладиган даромад солигидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органдари, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини тузиш ҳамда кўриб чиқишида қўйидаги чизмага амал қилинмоқда (3.5.1-расм).



3.5.1-расм. Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига хорижий инвестициялар ҳамда кредитларни жалб этиш учун инвестиция таклифларининг ягона базасини шакллантириш, потенциал хорижий инвесторларни излаш, амалга ошириш таклиф этилаётган лойиҳалар тўғрисида уларга зарур ахборотларни етказиш, шунингдек, хорижий инвесторлар ва кредиторлар билан келишилган шартномаларни расмийлаштиришда хўжалик юритувчи субъектларга кўмаклашиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ягона маълумотлар базасига кири-тилган инвестиция таклифларининг амалга оширилиши тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси берган кафолатлар бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш устидан тизимли мониторинг ўрнатиб, қарорлар қабул қилиш учун ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига тегишли ахборотларни тақдим этмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси тармоқ Комплексларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Йқтисодиёт вазирлиги билан биргалиқда хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тасдиқланган тармоқли жадвалларини ижро этиш, лойиҳаолди ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ва экспертиза қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатган.

Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги«Ўзинфоинвест»нинг фаолияти. Республикамиз иқтисодиётига инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган хорижий инвесторларга Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиациялаш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек, инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қуладай шартшароит ва кафолатлар бўйича зарур, керакли ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш мақсадида 2007 йилда Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги – «Ўзинфоинвест» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги ПҚ-578-сонли Қарорига мувофиқ ташкил этилди. Мазкур агентлик хорижий ишбилармон доираларни республикамиздаги мавжуд инвестиция муҳити ҳақида атрофлича ахборот билан таъминлаб қолмасдан, уларга лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳам ҳар томонлама кўмаклашади.

Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошидаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассасадир.

Агентликнинг асосий мақсадлари:

- тўғридан-тўғри хорижий ва ички инвестицияларни жалб этиш жараёнини янада яхшилаш;
- Ўзбекистонда мавжуд инвестиция имкониятларини хорижда кенг ёритиш;
- республикада яратилган инвестиция муҳитининг афзалликлари хорижий ишбилармон доираларига етказиши.

Агентликнинг асосий вазифалари:

- хорижий ишбилиармон доиралар ўртасида ва оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамда ресурс салоҳияти ва ҳамда инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган қулаг шароитлар ҳақида маълумотларни кенг ёритиш;
- хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлаш, уларга истиқболли лойиҳалар ва инвестиция фаолиятининг меъёрий-хуқуқий асослари ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш;
- хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар ўртасида учрашув ва музокараларни ташкил этиш;
- хорижий мамлакатларда реклама тадбирлари ва акциялари ўтказиш орқали республиканинг юқори даражадаги халқаро имиджини шакллантириш ва қўллаб-кувватлаш.

Инвестицияларни жалб этиш: «Ўзинфоинвест» агентлиги 3 та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этади:

1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;
2. Корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш;
3. Ким ошиди савдоларига мулкий мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш.

Агентликнинг фаолияти:

- хорижий инвестицияларни жалб этиш ва инвесторларни Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти соҳасидаги қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишида қатнашиш;
- ташкил этилаётган реклама тадбирлари орқали стратегик аҳамиятга эга бўлган дастурлар ва устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун ТТХИ, ташқи кредитларни жалб этиш;
- потенциал инвесторларга маълум бир иқтисодиётнинг тармоғи ёки республика ҳудудига қўйилмаларни амалга ошириш жозибадорлиги тўғрисидаги ахборотни етказиш;
- устувор инвестицион лойиҳалар портфелини шакллантиришда иштирок этади;
- ТТХИни жалб этиш учун иқтисодиётнинг устувор соҳалари ва энг муҳим ишлаб чиқаришларни рўйхатини тузиш бўйича таклифларни тайёрлайди;
- инвестицион таклифлар маълумотлар базасини яратади ва мунтазам янгилаб боради;
- хорижий мамлакатлар инвестицион муҳитининг таққослама таҳлилини амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси инвестицион муҳитини яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

- хорижий мамлакатлардаги худди шундай агентликлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;
 - Ўзбекистон Республикаси инвестицион имкониятлари ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт имкониятлари бўйича ахборот-реклама маълумотларини чет элдаги оммавий-ахборот воситаларида жойлаштиришни ташкил этади;
 - инвестицион ва бизнес-форумлар, маҳаллий экспорт маҳсулотлари кўргазмаси, «давра сұхбатлари», Ўзбекистон Республикаси худуди ва хорижда семинарлар ва конференциялар ташкил этади;
 - хорижий инвесторларни Ўзбекистон Республикасига ва маҳаллий шерикларни хорижий мамлакатларга ўзаро алмашув ташрифларига кўмаклашади;
 - маҳсус веб-сайтни яратади ва унинг ахборот билан таъминланиш ва мунтазам янгиланишини амалга оширади.
- Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси.** Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим, аввало, етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 2006 йилда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тузилди.
- Мазкур жамғарманинг устав капиталини 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида шакллантирилган эди. 2010 йилнинг 1 январида жамғарманинг устав капитали 3,7 млрд. долларни ташкил этди⁸² ва унинг улушини 2010 йилда 5 млрд. долларга етказиш режалаштирилган.
- Жамғарманинг асосий вазифаси фақат маблағларни жамлаш ҳамда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик муҳим лойиҳаларни молиялаштириш билан чекланмайди, балки хорижий инвесторлар – чет эл компаниялари, банклари, ҳалқаро молия институтлари билан ҳамкорликда ўзаро тенг шартларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида қатор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун 870,9 млн. доллар ажратишни рёжалаштирмақда. Ўзбекистон Президентининг маҳсус қарорига кўра 2010 йилда жамғарма маблағларини жалб этган ҳолда 34 та инвестиция лойиҳаларининг адресли дастури тасдиқланди. Ушбу рўйхатга

⁸² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.–Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 66-б.

энергетика, нефтгаз ва кимё тармоқлари, автомобилсозлик, ирригация ва транспорт инфратузилмасидаги умумий қиймати 8,477 млрд. долларлик лойиҳалар кирган. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган кредитларнинг аксарият қисмини энергетика (337,7 млн. долл.), нефтгаз (169,3 млн. долл.), транспорт инфратузилмаси (147,4 млн. долл.), төғ-кон (121,5 млн. долл.) тармоқлари ва Тошкент вилоятида қурилаётган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарувчи завод қурилиши (45,6 млн. долл.) учун ажратиш режалаштирилган⁸³.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ривожлангани сари унинг истиқболи кенгайиб боради, иқтисодиётимизни модернизация қилиншадиги ўрни ва аҳамияти ҳар томонлама ошади.

Хорижий инвесторлар учун республикада яратилган кафолатлар, имтиёзлар ва рағбатлантириш чоралари Ўзбекистон капитал сарфлаш учун қулай, ҳамкорлик учун ишончли мамлакат эканлигидан далолат беради.

Асосий тушунчалар

Миллий режим – хўжалик юритиши фаолиятининг минимал шароитлари бўлиб, хорижий инвесторлар учун ёмонлашиб кетмаслиги керак.

Халқаро инвестицион шартнома – икки ва кўп томонлама миллий давлатларнинг инвестиция сиёсатларини мувофиқлаштириш ва халқаро инвестициялар соҳасида тартибга солишининг умумий қоидаларини ишлаб чиқишига қаратилган шартномадир.

Икки томонлама инвестицион шартнома – икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида инвестицияларни амалга ошириш мақсадида тузиладиган маҳсус шартномадир.

Минтақавий инвестицион шартнома – бир минтақавий гурӯҳга кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида инвестицияларни амалга ошириш ҳусусида имзоланадиган маҳсус шартномадир.

Кўп томонлама инвестицион шартномалар – манбаатдор мамлакатларнинг инвестицион ҳамкорликда қатнашиши ва аъзоларни кенг миқёсда қамраб олишини кўзда тутувчи шартномадир.

Халқаро инвестиция сиёсати - халқаро инвестиция оқимлари ҳаракатини эркинлаштиришга қаратилган халқаро тартибга солиш чора-тадбирлари тизимиdir.

Халқаро валюта-молия ташкилотлари – жаҳон валюта тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва капитал айланишини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ташкилотлар.

⁸³ Экономическое обозрение. № 11, 2009. С.9.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) – 1945 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади аъзо-мамлакатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш, тўлов балансини тартибга солиш ва валюта курсини барқарорлаштириш учун қарз бериш ҳисобланади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) – 1946 йилда ташкил этилган мақсади аъзо-мамлакатлар иқтисодиётини қайта куришга ва ривожланишига капитал қўйилмалар бериш, хусусий хорижий инвестицияларни рағбатлантириш орқали қўмаклашиш, тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз беришдан иборат.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) – 1991 йилда ташкил топган. ЕТТБ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ёрдам бериш мақсадида тузилган.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) – 1966 йилда ташкил топган бўлиб, мақсади қитъанинг ривожланаётган мамлакатларига иқтисодий ривожланишда қўмаклашиши, худудий ҳамкорликни рағбатлантириш, аъзо-мамлакатларга техник ёрдам қўрсатиш ва уларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштиришдан иборат.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) – 1975 йилда ташкил топган бўлиб, мақсади аъзо-мамлакатларнинг ривожланиш лойиҳаларини, ташқи савдони кредитлаш ва савдо ҳамда саноат компаниялари капиталларини инвестициялашдан иборат.

Инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлик (ИКХА) – 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси хорижий инвесторларни нотижорат характердаги рисклар билан боғлиқ йўқотишлардан кафолатлаш орқали аъзо-мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида инвестициялар оқимини оциришга қўмаклашишдир.

Инвестицион дъзволарни тартибга солиш бўйича халқаро марказ (ИДТСХМ) – 1966 йилда ташкил топган бўлиб, мақсади хорижий инвестицияларни қабул қилувчи аъзо-мамлакатлар хукуматлари, давлат органлари билан хорижий инвесторлар ўртасида вужудга келувчи келишмовчиликларни тартибга солиш, келиштириш, арбитраж судларида ишни кўриб чиқиш механизmlарини яратиш орқали халқаро инвестиция фаолиятига қўмаклашдир.

Инвестицион маркетинг хизматлари департаменти (ИМХД) – агентликка аъзо бўлган ривожланаётган ва ўтиш мамлакатлари иқтисодиётига йўналтирилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қўллаб-куvvatлайди. ИМХДнинг мақсади – ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ўсишни рағбатлантириш

ва камбағаллікка қарши курашиш учун жалб этилаётган тұғридан-тұғри инвестициялар оқимининг барқарорлыгини таъминлашға ёрдамлашишдір.

Хорижий инвесторларға маслағат бериш агентлигі – Умумжағон банкининг бұлинмаси бұлиб, аъзо-мамлакатлар хукumatларини хорижий инвестициялар масалалари бўйича конфиденциал маслағатлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган ташкилотdir.

Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш «Ўзинфонвест» агентлиги – 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади хорижий ишбилиармон доираларни республикамиздаги мавжуд инвестиция муҳити ҳақида атрофлича ахборот билан таъминлаш, уларга лойиҳаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашишдан иборатdir.

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим, етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашишдіr.

Назорат саволлари:

1. Хорижий инвестицияларни тартибга солиш зарурияти нималардан иборат?
2. Хорижий инвестициялар қандай усуllар ёрдамида тартибга солинади?
3. Халқаро инвестицион шартномаларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Хорижий инвестицияларни миллий даражада тартибга солишининг асосий хусусиятларини аниқланг?
5. Халқаро инвестиция сиёсати нима ва унинг қандай дастларни мавжуд?
6. Хорижий инвестициялар ҳаракатини тартибга солувчи қандай молиявий ташкилотларни биласиз?
7. Хорижий инвестициялар ҳаракатини тартибга солувчи қандай минтақавий молиявий ташкилотларни биласиз?
8. Хорижий инвестицияларни кафолатловчи ва тартибга солувчи маҳсус халқаро ташкилотлар қандай вазифаларни бажаради?
9. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишда қандай имтиёзлар мавжуд?
10. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг институционал асослари нималардан иборат?

IV БОБ. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ ҲАРАКАТИДА ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ ҮРНИ

4.1. Халқаро корпорацияларнинг вужудга келиши сабаблари ва функциялари. ТМКнинг таснифланиши

Барқарор суръатларда ривожланаётган трансмиллийлашув жараёни замонавий жаҳон иқтисодиётининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Ушбу жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи халқаро корпорациялардир. Халқаро корпорациялар савдо, инвестициялашва замонавий технологияларни элтувчилар сифатида жаҳон иқтисодиётининг асосий субъектларига айланишиди.

Халқаро иқтисодий глобаллашувнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи халқаро корпорациялар ҳисобланади. Халқаро корпорациялар ички корпоратив меҳнат тақсимотини анъанавий меҳнат тақсимотининг халқаро даражасига олиб чиқишиган. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни штаб-квартираси қабул қилувчи мамлакатдан ташқарида бўлган фирмалар томонидан назорат қилинадиган ва бошқариладиган халқаро ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ. Халқаро корпорацияларнинг умумий назоратида бўлган ушбу фаолият жаҳон ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг тахминан 25 фоизини ташкил қиласди. Ушбу ишлаб чиқаришнинг 1/3 қисми қабул қилувчи мамлакатларда жойлашган.

Жаҳон иқтисодиёти амалиёти кўрсатишича, ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни халқаро корпорацияларни ташкил қилиши моделларига таянади.

Халқаро корпорацияларнинг вужудга келиши ТТХИ билан боғлиқдир. Жаҳон амалиётида ТМКга турли мамлакатларда ТТХИни амалга оширадиган йирик корпорациянинг таркибий-ташкилий шакли сифатида қаралади. Хорижий корхонанинг ташкил этилиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялаш фаолияти натижаси бўлиб, унда инвестор-норезидент капиталнинг 50% дан кам бўлган қисмига эгалик қиласди. Шульба фирмада унинг улуши 50% дан ошади, хорижий филиал эса тўлиқ унга тегишли бўлади.

Иқтисодий адабиётда халқаро корпорацияларнинг иккӣ хил шакли фарқланади: трансмиллий ва кўпмиллатли корпорациялар (4.1.1-расм).

Халқаро корпорацияларнинг шакллари

Трансмиллий корпорациялар – бош компания бир мамлакат капиталига тегишли бўлиб, филиаллари эса дунё бўйлаб тарқалиб кетган компаниялар.

Кўпмиллатли корпорациялар – бош компания икки ва ундан ортиқ мамлакат капиталига тегишли бўлиб, хорижий бўлимлари турли мамлакатларда жойлашган корпорациялар

4.1.1-расм

Фарб иқтисодий адабиётида халқаро монополистик уошмаларнинг кўпмиллатли, халқаро, трансмиллий ва глобал турлари фарқланади.

Россиялик иқтисодчилар, одатда, қуидаги тавсифларни берадилар: ТМК – бу хорижий активларга эга бўлган миллий монополиялардир. Уларнинг ишлаб чиқариш ва савдо сотиқ фаолияти миллий давлат чегарасидан чиқиб кетади. АҚШда корпорация деб, ҳиссадорлик жамиятларига айтилади. Замонавий ТМКнинг кўпчилиги Америка компанияларининг экспансияси туфайли вужудга келганлиги сабабли, бу атама жаҳон мамлакатлари иқтисодиётига кириб келди.

ТМКнинг ҳукукий режими ташкил топган филиаллар ва шульба корхоналари орқали турли давлатларда фаолият юритишни назарда тутади. Бу компаниялар нисбатан мустақил бўлган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотиш, илмий-тадқиқот, искеъмолчиларга хизмат кўрсатиш хизматларига эгадирлар. Умуман, улар ягона ишлаб чиқариш-сотиш мажмууни ташкил этиб, бу мажмууда ҳиссадорлик капиталга фақат таъсисчи давлат эгалик қиласиди. Шунингдек, филиал ва шульба корхоналари қўшма корхоналар бўлиши ва уларда миллий капитал устунлик қилиши ҳам мумкин.

Кўпмиллатли корпорациялар – ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот ишлари асосида бир неча давлат миллий корпорацияларини бирлаштирувчи халқаро корпорациялардир. Бунга 1907 йилдан бўён фаолият кўрсатиб келаётган Англия – Голландиянинг «Рояль-Датч Шелл» концернини мисол қилиш мумкин. Ушбу компаниянинг ҳозирги кундаги капитали 60:40 нисбатда тақсимланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг ТМК бўйича комиссияси халқаро компанияга қуидагича тавсиф беради:

— юридик шакли ва фаолият соҳасидан қатъи назар, икки ёки ундан ортиқ мамлакатларда хўжалик субъектларига эга бўлган;

— битта бошқарув маркази орқали умумий стратегияни амалга ошириш ва мувофиқлаштирилган сиёsat юритишга имкон берувчи қарорлар қабул қилиш тизими доирасида иш олиб борадиган;

— мулкчилик орқали бир-бирига боғланган алоҳида хўжалик субъекти сифатида, бунда хўжалик субъектларидан биттаси ёки ундан кўпроги бошқаларининг фаолиятига билимлар, ресурслар ва масъулиятни бошқалар билан баҳам кўриш орқали жиддий таъсир кўрсата олади.

Жаҳон амалиётида халқаро корпорациялар дейилганда жаҳон товар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорларига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи йирик компаниялар тушунилади. Уларга қуидагилар киради:

— йиллик сотиши ҳажми 1 млрд. доллардан кам бўлмаслиги;

— умумий молиявий айланма маблағларининг бешдан бир қисмидан учдан бир қисмигача хориждаги операциялар улушига тўғри келиши;

— хориждаги активлар улуши 25% дан кам бўлмаслиги;

— камида олтита мамлакатда филиалларга эга бўлишлиги.

Шундай қилиб, халқаро корпорацияларнинг асосий хусусияти тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш жараёнидир.

XIX аср охирида вужудга келган халқаро корпорациялар эволюцион ривожланишнинг узун йўлини босиб ўтди, бу жараёнда уларнинг шакллари ва фаолият соҳалари устуворликлари, ички корпоратив тузилма ва стратегияси ўзгариб борди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида корпоратив бирлашмаларнинг ўзаро ташкилий-хўжалик алоқалари асосида трансмиллий молия-саноат гурӯхлари (МСГ)ни барпо этишининг турли шакллари мавжуд.

МСГ жаҳон иқтисодиётини халқаро ишлаб чиқаришига айлантириб, барча йўналишлар бўйича илмий-техника тараққиётининг жадал ривожланишини таъминлади. Улар таркибига маҳсулотнинг техник даражаси ва сифати, ишлаб чиқариш самарадорлиги, менежмент шаклларининг такомиллашуви, корхоналарни бошқариш каби йўналишларни киритиш мумкин. МСГ ўнлаб мамлакатларда ўз шульба корхоналари ва филиаллари орқали ишлаб

чиқиладиган ягона илмий-ишлаб чиқариш ҳамда молия стратегияси бўйича фаолият олиб борадилар. МСГ улкан илмий-ишлаб чиқариш ва бозор салоҳиятига эга бўлиб, жаҳон иқтисодиётининг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлайдилар. ТМК тарихан қисқа вақт ичидаги «янги индустрисал мамлакатлар»нинг жадал суръатларда ривожланишида муҳим омил бўлди. Халқаро корпорациялар шаклланган даврдан бошлаб ўз ривожланиш стратегияларига эга бўлиб, куйидаги белгилар улар учун хосдир:

- ишлаб чиқаришни хорижий хом ашё билан таъминлаш;
- ўз филиаллари ёрдамида хорижий бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллаш;
- ишлаб чиқаришни харажатлар нисбатан паст бўлган мамлакатларда жойлаштириш;
- ишлаб чиқариш, савдо ва молия фаолиятини диверсификациациялаш.

Халқаро корпорациялар фаолият олиб бораётган мамлакатларида умумий тартибдаги ва мультимиллийлаштириш билан боғлиқ рақобат афзалликларини қўлга киритиши усусларидан фойдаланишади (4.1.1-жадвал).

ТМКнинг маҳсулотни бир вақтнинг ўзида бир нечта мамлакатлардаги филиалларида ишлаб чиқариш сабабларини аниқлаш учун унинг ҳудудий жиҳатини ажратиб кўрсатиш зарур. Ҳудудий жиҳат корпорациянинг арzon хом ашё ва иш кучидан фойдаланиш, маҳсулотни ташиш ва сақлаш харажатларини қисқартириш, божхона ва солиқ тўсиқларини четлаб ўтишга интилиши билан боғлиқдир. Интернационал жиҳат эса бир нечта мамлакатларда ўз филиалларига эга корпорация ўз нисбий устунлигидан фойдаланиши билан боғлиқ ҳисобланади. Иқтисодий мустақил бир неча корпорациядан кўра, маҳсулотни битта корпорация томонидан қатор мамлакатларда ишлаб чиқариш афзалроқ. Шунингдек, ТМК солиқларни қисқартириш мақсадида ҳисботни бошқариши ва унга тегишли бўлган технология устидан назоратни ўрнатиши мумкин. Ушбу имконият тўлиқ назорат қилинадиган филиаллар ёрдамида амалга оширилади.

ТМКлар куйидаги хусусиятлари билан бошқа компаниялардан фарқланади:

- 1) халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчилари эканлиги;
- 2) халқаро ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиб, қўшимча имкониятларга эга бўлиши;
- 3) глобал ишлаб чиқариш кучлари ва ресурсларидан фойдаланиши;

Халқаро корпорациялар томонидан рақобат афзаликларини қўлга киритиш усуллари⁸⁴

Афзалик	Тасвиф
I. Умумий тартибдаги рақобат афзаликлари	
Ўз технологиясига эга бўлиш	Ноу-хау ёки фирмага тегиши махсулотни ишлаб чиқариш, жараён ёки бошқарув технологиси, уни бошқа фирмалар фақат НИОКР ёки унинг эгасидан олини мумкин
Маркага ёки савдо белгисига асосланган «гудвиль»	Сифат, хизматларга нисбатан тажриба асосида орттирилган обўй-эътибор
Ишлаб чиқариш кўламлари бўйича иқтисод қилиш	Катта кўламларда ишлаб чиқариш махсулот бирлиги қўйматини пасайтиради
Ишлаб чиқариш диапазони бўйича иқтисод қилиш	Бир нечта ишлаб чиқариш турлари «бир том остида» бирлашиши ҳисобига харажатлар камаяди
Харидлар кўламлари бўйича иқтисод	Харидларни катта ҳажмларда амалга ошириш ҳисобига хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар қўйматининг камайиши
— молиялаштиришда	Йирик фирмалар учун анча паст ставкаларда молиялаштиришдан фойдаланиши
— сотувларда	Хом ашё ва маҳсулотни катта партияларда юклаш маҳсулот бирлигини ташини қўйматини пасайтиради
— рекламада	Бир нечта бозорлардаги сотувлар рекламанинг муайян «бозорлараро» ихтисослашишига имкон беради
Давлат ҳомийлиги	Давлат бошқаруви остида бозорга эркин ёки преференциал кириши
Ходимлар менежменти	Банд бўлғанларнинг гуруҳи фаолиятини рагбатлантириш ва меҳнат унумдорлигини мақбуллаштириш кўнікамлари
II. Мультимиллийлаштириш билан боғлиқ рақобат афзаликлари	
Маркетингнинг мультимилий имкониятлари	Бир нечта мамлакатлардаги бозорларни билиш ва улардан фойдаланиши
Мультимилий таъминот манбалари	Бир нечта мамлакатлардаги хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлардан эркин фойдаланиши, бу ятона манбага нисбатан харажатларни анча пасайтиради
Мультимилий диверсификация	Бир нечта мамлакатларда операциялар олиб бориш «мамлакат қалтислиги»ни ва бизнес қалтислигини пасайтиради
Бир нечта мамлакатларнинг менежментдаги тажрибаси	Бир нечта мамлакатлар тажрибаси асосида шаклланган операцияларни бошқариш кўнікамлари рақобатчилар олдида нисбий афзаликларни беради
Агломерация бўйича иқтисод	Бошқа фирмалар билан ҳудудий ишлаб чиқариш кооперацияси натижасидаги агломерация бўйича иқтисод қилиш

⁸⁴ Вахабов А.В. Модели развития финансово-промышленных групп в мировой экономике и возможности его использования в Узбекистане. / «Молия-саноат гурухларини ташкил этиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – М.: МГЭИ, 2008. 18-б.

- 4) оммавий истеъмолчилар учун ишлаши;
- 5) капитални базавий мамлакатда юз бераётган жараёнларга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириши;
- 6) юқори технологияли ва фан сифимкорлиги юқори бўлган тармоқларда фаолият олиб бориши.

Ушбу тармоқлар ривожланиши катта ҳажмдаги капитал қўйилмалар ва юқори малакали мутахассисларни талаб этади.

Шу билан бирга ТМКнинг ривожланиши қўйидаги қарама-қарши тенденцияларга эга:

- улар ўртасида рақобатнинг кескинлашуви;
- ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши.

ТМК ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари қўйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

1) халқаро кооперация – дастлаб, ривожланаётган мамлакатларнинг қазиб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқларида намоён бўлган бўлса, кейинчалик юқори технологияларни талаб қилувчи, илмий-техника тараққиёти ютуқлари кенг қўлланиладиган соҳаларда амалга оширила бошланди;

2) стратегик альянслар – жаҳон бозоридаги глобал иқтисодий масалаларни биргаликда ҳал этиш мақсадида тузиладиган фирмалараро иттифоқ бўлиб, ушбу иттифоқ мазкур фирмаларнинг бошқа соҳаларда рақобатлашувига тўсқинлик қилмайди. Стратегик альянслар технологик тадқиқотларни олиб бориш, қўшма ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва маҳсулотни сотишда ҳамкорлик қилиш мақсадида барпо этилади;

3) стратегик оиласлар – ўзаро рақобатда бўлган корпорацияларнинг халқаро бозорларда бир-бирини тўлдирувчи стратегияни амалга ошириш мақсадидаги бирлашувидир;

4) стратегик тизимлар - турли тармоқлардаги (ишлаб чиқариш корхоналари, савдо фирмалари, банклар) корхоналарнинг узоқ муддатли ҳамкорлигига асосланган бирлашма бўлиб, мақсади ахборотлар, персонал ва технологиялар алмашишдан иборатдир;

5) халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар. Халқаро рақобатнинг кучайиб бориши натижасида XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб ТМК иштирокида фирмаларнинг бирлашиш ва қўшиб олиш жараёни кучайди. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби саноат тармоқларида тўлиқ кувват билан ишламаётган корхоналарнинг қўпайиши, ТМК даромадининг пасайиши, молия соҳасидаги ўзгаришлар оқибатида молиялаштиришнинг янги манбалари ва воситаларининг вужудга келиши ҳисобланади. Жумладан, 2008 йилда трансчегаравий бирлашган ва қўшиб олинган компа-

нияларнинг қиймати 673 млрд. долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич жаҳон молия инқизозининг таъсирида 2007 йилга (1 171 млрд. долл.) нисбатан 34,7% га қисқарган. 2008 йилда халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар сонининг 80% дан ортиғи ривожланган мамлакатлар TMKra тўғри келади⁸⁵. Ушбу жараён асосан банк, сугурта, фармацевтика ва телекоммуникация соҳаларида юз бермоқда;

6) TMKnинг халқаро чатишиб кетиши деганда корпорацияларнинг қимматбаҳо қофозларни шерикчилик асосида бошқариши тушунилади. Халқаро чатишиб кетишлиар асосан автомобилсозлик тармоқларида юз беради.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб TMK жаҳон бозорларини эгаллаш учун фаол ҳаракат бошладилар. Ушбу жараённинг ривожланишига халқаро иқтисодий алоқаларнинг эркинлашуви, янги мустақил мамлакатларнинг вужудга келиши, жаҳон истеъмол бозорида талабнинг ўсиши каби омиллар жиддий таъсир кўрсатди. TMKnинг ҳажми ва сонининг жадал суръатлар билан ўсиши уларнинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги салмоғи ва аҳамиятининг кескин ошишига олиб келди.

4.2. Ҳозирги замон TMKnинг ҳусусиятлари. Трансмиллийлашув индекси

TMK жаҳон хўжалигининг муҳим иштирокчиларига айланиб бормоқдалар. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг ташки иқтисодий алоқалари бевосита TMK фаолиятига борлиқдир. Ушбу мамлакатлар экспортгид милий корпорациялар ва уларнинг хориждаги филиаллари ўртасидаги савдо алоқалари улуши юқори кўрсаткичга эга. Масалан, XX асрнинг 80 – йилларида фирма ичидаги савдо улуши АҚШ экспортининг 14 – 20% ини, Япония экспортининг 23 – 28% ини ва ГФР экспортининг 24 – 28% ини ташкил этган (4.2.1-жадвал).

ЮНКТАД маълумотларига кўра 2008 йилда 82000 та TMK қайд этилган бўлиб, филиалларининг сони 810 000 тани ташкил этган. TMK жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. TMK филиаллари орқали амалга оширилган экспортнинг ҳажми дунё экспортининг 1/3 қисмини ташкил этади ва уларда 77 млн. киши ишлайди. Ушбу кўрсаткич Германия иқтисодиётида банд бўлганлар сонидан икки баравар кўпdir.

⁸⁵ UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009. P. 210.

ТМК ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари⁸⁶

Кўрсаткичлар	Жорий баҳолардаги қиймати, млрд. долл.				2008 йилда 1982 йилга нисбатан, марта ҳисобида
	1982 й.	1990 й.	2007 й.	2008 й.	
Четта чиқарилган ТТХИнинг умумий ҳажми	579	1 786	16 227	16 206	30,0
Четта чиқарилган ТТХИдан олинган даромад	46	120	1 252	1 273	27,7
Трансчегаравий бирлашиш ва қўшиб олишлар сони	...	112	1 031	673	0,7*
Хорижий филиаллардаги сотиш ҳажми	2 530	6 026	31 764	30 311	12,0
Хорижий филиалларнинг ялпи маҳсулоти	623	1 477	6 295	6 020	9,7
Хорижий филиаллардаги жами активлар ҳажми	2 036	5 938	73 457	69 771	34,3
Хорижий филиаллардаги экспорт ҳажми	635	1 498	5 775	6 664	10,5
Хорижий филиаллардаги ишловчи ишчилар сони (минг киши)	19 864	24 476	80 396	77 386	3,9

* 1990 йилга нисбатан ҳисобланган.

Халқаро ишлаб чиқариш деганда, ТМКнинг хорижий филиаллари томонидан сотилган маҳсулот тушунилади. Ушбу сотувларнинг аксарият қисмини филиаллар ишлаб чиқарадилар ва улар бош корпорациялар ишлаб чиқарган маҳсулотларни ҳам қайта сотиш билан шугууландилар. 1982 йилда ТМКнинг хорижий филиалларидағи сотиш ҳажми 2,5 трлн. долларни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2008 йилга келиб 30,3 трлн. долларга тенг бўлган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизоризи таъсирида ТМКнинг хорижий филиалларидағи сотиш ҳажми ўтган даврга нисбатан 4,6% га қисқарган.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг асосини ТТХИ ташкил этади. Агар 1982 йилда ТМК томонидан четта чиқарилган ТТХИнинг умумий ҳажми 579 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб ушбу кўрсаткич 16,2 трлн. долларга тенг бўлган.

⁸⁶ UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009 маълумотлари асосида ҳисобланган. Р. 18.

ТМК томонидан мамлакатлар иқтисодиётидан четта чиқарилган ТТХИдан олинган даромадлар ҳажми эса мутаносиб равища 46 млрд. доллардан 1,3 трлн. долларгача ортган.

2006 – 2008 йилларда биринчи 100 та ТМКнинг жами хорижий активлар миқдори, сотиш ҳажми ва ишчилар сонидаги улуши мос равища 9, 16 ва 11% ни ташкил этган (4.2.2-жадвал). Ушбу ТМКнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 2008 йилда 4% га тенг бўлган ва ушбу кўрсаткич 2000 йилдан бўён ўзгармай келмоқда.

XXI аср бошларида жаҳон иқтисодиётида трансмиллийлашиш жараёни чуқурлашиб бормоқда. У ёки бу компаниянинг хориждаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга жалб этилганлик даражаси трансмиллийлашув индекси (ТМИ) орқали аниқланади (4.2.3-жадвал). У компаниянинг хориждаги ва ўз мамлакатидаги хўжалик фаолиятининг кўрсаткичларини қиёсий таққослаш йўли билан аниқланади. ЮНКТАД ушбу кўрсаткични компаниянинг жами активларида хорижий активларнинг улуши, жами сотиш ҳажмида хориждаги сотув ҳажмининг улуши, жами ходимлар сонида хориждаги ходимлар сонининг улуши кўрсаткичларининг йигиндиси сифатида баҳолайди.

4.2.2-жадвал

100 та ТМК ривожланишининг асосий кўрсаткичлари⁸⁷

	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2008 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариш, % хисобида
Активлар ҳажми, млрд. долл				
Жами	9 239	10 702	10 687	115,6
Шу жумладан, хорижда	5 245	6 116	6 094	116,2
Хориждаги активларнинг жами активлардаги улуши, %	57	57	57	100,0
Сотиш ҳажми, млрд. долл				
Жами	7 088	8 078	8 518	120,2
Шу жумладан, хорижда	4 078	4 936	5 208	127,7
Хориждаги сотиш ҳажмининг жами сотиш ҳажмидаги улуши, %	58	61	61	105,2
Ишчилар сони, минг киши				
Жами	15 388	14 870	15 302	99,4
Шу жумладан, хорижда	8 582	8 440	8 898	103,7
Хориждаги ишчилар сонининг жами ишчилар сонидаги улуши, %	56	57	58	103,6

⁸⁷ Ўша манба, Р. 19.

Жаҳондаги 100 та ТМКнинг трансмиллийлашув индекси бўйича географик таркиби⁸⁸

Худуд	ТМИ		ТМК сони
	2006 й.	2007 й.	
Дунё бўйича ўртача	61,6	62,4	100
АҚШ	57,8	57,1	20
Япония	52,1	53,9	10
ЕИ-27	64,2	66,4	57
шу жумладан:			
Франция	63,8	63,6	14
Германия	54,8	56,5	13
Буюк Британия	72,8	47,1	15

1998 йилда жаҳондаги 100 та етакчи ТМКда ТМИ ўртача 53,9%, 2006 йилда 64,2%, 2007 йилда эса 62,4% ни ташкил этган. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич анча юқори бўлиб, шу жумладан, Европа Иттифоқи-27 (ЕИ-27) мамлакатларида 66,4% га тенг.

Ривожланаётган мамлакатларда ТМКнинг ТМИ нисбатан пастроқ бўлса-да, уларнинг таркибида ҳам юқори трансмиллийлашув индексига эга ТМК мавжуд. Масалан, 2008 йилда Гонконг/Хитой «Hutchison Whampoa Ltd.» компаниясининг ТМИ 82,8% га тенг бўлган.

ТМИнинг тармоқ таркибида телекоммуникация (70,3%), озиқ-овқат, тамаки саноати (68,1%) ва фармацевтика саноати (63,6%) корпорациялари етакчилик қилишади (4.2.4-жадвал). Масалан, телекоммуникация соҳасига ихтисослашган «Vodafone Group Plc» компаниясининг (Буюк Британия) ТМИ даражаси – 88,6% га тенг.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози молия бозорларига таъсир ўтказиб, кўпчилик мамлакатларда ликвидлик муаммосини келтириб чиқарди. Инқирознинг микро-макро оқибатлари ТМКнинг хорижга капитал чиқариш имкониятларига сезиларли таъсир ўтказгани йўқ. ТМК аксарият тармоқларда инвестицияларни молиялаштириш бўйича юқори ликвидликка эга бўлганликлари сабаблари, инқироз уларнинг юқори фойда нормасига жиддий таъсир кўрсатмади. АҚШ иқтисодиётидаги пасайишнинг макроиқтисодий даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ва жаҳон молия бозорларига салбий таъсир кўрсатиши туфайли ушбу мамлакатларда инвестиция оқимининг

⁸⁸ Ўша манба. Р. 19.

қисқариши кутилмоқда. Бошқа томондан эса ушбу жараёнга ривожланыптын мөмкүнлігіндең орташа мөндеріндең барқарор иқтисодий үсіш суръатлары ижобий таъсир күрсатиши мүмкін.

4.2.4-жадвал

Жаҳондаги 100 та ТМКнинг трансмиллийлашув индекси бүйича тармоқ таркиби⁸⁹

	Дунёдаги биринчи 100 та ТМК		Ривожланған мамлакатлардаги биринчи 100 та ТМК	
	2007 й.	ТМИ	2007 й.	ТМИ
Машинасозлик	13	56,0	3	39,3
Екілғи энергетика	10	56,2	9	24,0
Электр ва электроника маҳсулотлари	9	57,7	19	59,9
Озик-овқат, тамаки	9	68,1	7	60,5
Фармацевтика	9	63,6	1	50,4
Коммунал хизматлар	8	55,5	2	41,6
Телекоммуникация	8	70,3	7	47,7
Жами	100	62,4	100	54,4

ТМКнинг фаолиятини таҳлил этишнинг муҳим йұналиши «FT 500» рейтинги ҳисобланади. Масалан, «FT 500» рейтингига кўра 2009 йилнинг I кварталида 500 та ТМКнинг 181 таси АҚШга тегишли бўлиб, ТМКнинг капиталлашув даражасида уларнинг улуши 39,4% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич бүйича Хитой ТМКнинг улуши Буюк Британия, Япония, Франция, Германия, Канада каби мамлакатларнинг ТМКни ортда қолдириб, 8,8% га тенг бўлган (4.2.5-жадвал).

«FT 500» рейтингига кўра жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ТМК фаолиятига жиддий таъсир кўрсатган. Таҳлиллар кўрсатишича, ТМКнинг капиталлашув даражаси⁹⁰ 2003 йилдан 2008 йилгача 12,6 млрд. доллардан 26,8 млрд. долларгача ошган, аммо молиявий инқироз натижасида бу кўрсаткич 2009 йилда 15,6 млрд. долларгача пасайиб кетди. 100 млрд. доллардан ортиқ қийматта эга компаниялар сони ҳам ушбу даврда 36 тадан 62 тагача ўстган ва инқироз туфайли 2009 йилнинг биринчи кварталига келиб 26 тага тушиб қолган (4.2.1-расм.)

⁸⁹ Ўша манба. Р. 19.

⁹⁰ Компаниялар капиталлашиш (акциялар сонини унинг баҳосига кўпайтириш) даражаси бүйича амалга оширилган рўйхатта акцияларининг камида 15% и эркин муомалада бўлган компаниялар киритилиди.

**«FT 500» рейтингига кириувчи ТМКнинг
капиталлашув даражаси, 2009 й*⁹¹**

Ўрни	Мамлакат	Компаниялар сони	Капиталлашиш даражаси, млрд. долл.	Улуси, % ҳисобида
1.	АҚШ	181	6 154,0	39,4
2.	Хитой	27	1 367,9	8,8
3.	Буюк Британия	32	1 160,2	7,4
4.	Япония	49	1 110,7	7,3
5.	Франция	23	796,7	7,1
6.	Германия	20	617,5	5,1
7.	Канада	27	526,6	4,0
8.	Швейцария	10	515,6	3,4
9.	Гонконг	16	439,2	3,3
10.	Испания	13	359,0	2,8
11.	Австралия	14	354,5	2,3
12.	Бразилия	9	348,1	2,3
13.	Италия	7	223,5	1,4
14.	Россия	6	220,2	1,4
15.	Хиндистон	10	210,0	1,3
Бошқа мамлакатлар		56	148,0	2,7
Жами		500	14 551,7	100

* Рейтинг маълумотлари I квартал охирига нисбатан ҳисобланган.



*Рейтинг маълумотлари I квартал охирига нисбатан ҳисобланган

4.2.1-расм. «FT 500» рейтингига кириувчи ТМКнинг капиталлашув даражаси ва қиймати 100 млрд. долл.дан ортиқ қийматта эга компаниялар сонининг ўзгариши⁹²

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ТМБ фаолиятига жиддий таъсир ўтказди ва уларнинг акциялари нархи 2007 йилдан бошлаб пасая бошлади. ТМБдан фарқли нефть ва газ соҳасида фаолият юритувчи ТМКнинг капиталлашиш даражаси WTI маркали нефть нархининг энг юқори даражага чиқиши туфайли оша бошлади. Аммо «FT 500» рейтинги маълумотларига кўра инвесторларнинг инқироздан кўрқиб кетишлари натижасида акцияларни сотиб юборишлари 2009 йилнинг I кварталида нефть ва газ соҳасидаги ТМК капиталлашиш даражасининг 38,4% га (2,4 трлн. долларга) пасайишига олиб келди. Шунга қарамасдан ушбу ТМК рейтингда ТМБни ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

«FT 500» рейтингида нефть ва газ соҳасидаги ТМК сони биттага ошибб, 44 тани ташкил этган бўлса, ТМБ сони 15 тага қисқариб, 56 тага тенглашди (4.2.6-жадвал). Банк секторининг капиталлашиш даражаси икки бараварга қисқариб, 1,937 трлн. долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 1,98 трлн. долларга, ТМБ сони эса 65 тага тенг бўлган. 2009 йилда «FT 500» рўйхатига миллийлаштирилган Бельгия – Голландия банки «Fortis» (2008 йилда 133-ўринни эгаллаган), Буюк Британиянинг «HBOS» (2008 йилда 200-ўрин) банки («Lloyds TSB» банки томонидан сотиб олинган) ва «ВТБ» (2008 йилда 200-ўрин) банклари кирмай қолди.

Шунингдек, маҳсус молиявий хизматлар кўрсатишга ихтиослашган компанияларнинг капиталлашиш даражаси ҳам 48,3% га (335,16 млрд. долл.) пасайган. Жумладан, «Lehman Brothers» инвестиция банки банкротга учради, «Bank of America» компаниясини «Merrill Lynch» компанияси сотиб олди, «Fannie Mae» ипотека агентлигини эса АҚШ хукумати қутқариб қолди. «FT 500» рейтингидаги энг катта йўқотиш «AIG» сугурта компаниясининг 2008 йил сентябрда миллийлаштирилиши ҳисобланади. Ушбу компания 2007 йилда рейтингда 51-ўринни эгаллаган ва қиймати 109,09 млрд. долларни ташкил этган.

«FT 500» рейтингидаги етакчилар «ExxonMobil» ва «PetroChina» компаниялар ҳисобланишади. Россиянинг «Газпром» компанияси 2008 йилда 300 млрд. долларлик капиталлашиш даражаси билан рўйхатда 4-ўринни эгаллаган бўлса, 2009 йилга келиб 36-ўринга тушиб кетди (91,5 млрд. долл.). Россия компанияларининг сони 13 тадан 6 тага қисқарган ва ўзгаришнинг деярли барчаси хом ашё секторига тааллуқлидир: тўртта нефть ва газ соҳаси компаниялари, «Норильский никель» компанияси ва Сбербанк.

«Норильский никель» ва «Сбербанк» рейтингда энг күп ўрин йүүкотган (тегишлича – 289 ва – 283 пунктгача) компаниялар ҳисобланишиди. «Новатэк», «МТС», «Вымпелком», «Северсталь» ва «НЛМК» компаниялари глобал рўйхатни тарк этишди.

4.2.6-жадвал «FT 500» рейтингидаги ўзаришлар⁹³

Компаниялар	Мамлакатлар	2008 йилдаги ўрни	2009 йилдаги ўрни	Ўзгириш
Рейтинги ортган компаниялар				
Schering Plough	АҚШ	394	103	291
Newmont Mining	АҚШ	483	208	275
Union Fenosa	Испания	460	203	257
Chubu Electric Power	Япония	491	285	206
Thomson Reuters	Канада/Британия	428	223	205
MasterCard	АҚШ	494	299	195
CITIC Securities	Хитой	369	174	195
Shin-Etsu Chemical	Япония	412	219	193
CLP Holdings	Гонконг	480	298	182
Amazon.com	АҚШ	301	126	175
Рейтинги пасайган компаниялар				
ING	Нидерландия	77	442	-365
Citigroup	АҚШ	53	358	-305
Норильский никель	Россия	141	430	-289
Сбербанк	Россия	91	374	-283
Anglo Platinum	ЖАР	246	422	-176
Volvo	Жанубий Корея	278	446	-168
Deutsche Post	Германия	228	387	-159
Barclays	Буюк Британия	119	277	-158
American Express	АҚШ	155	313	-158
Sun Life Financial	Канада	344	499	-155

Глобал рўйхатда Хитой компанияларининг сони 25 тадан 27 тагача, жаҳондаги улуши эса 7,3% дан 8,8% га ортган. «Industrial & Commercial Bank of China» жаҳондаги энг йирик банк, «China Mobile» компанияси эса энг йирик технологик компания бўлиб қолмоқда.

Агар 1999 йилда жаҳоннинг энг йирик 10 та ТМК рўйхатида биронта Хитой компанияси мавжуд бўлмагани ҳолда, 2009 йилга келиб уларнинг сони тўрттани ташкил этган (4.2.7-жадвал).

⁹³ www.vedomosti.ru

Жаҳоннинг 10 та ТМК рўйхати⁹⁴

Компаниялар	1999 й.		2009 й.		Капиталла-шиш даражаси, млрд. долл.
	Мамлакатлар	Капиталла-шиш	Компаниялар	Мамлакатлар	
Microsoft	АҚШ	602,4	Exxon Mobil	АҚШ	322,8
General Electric	АҚШ	507,2	Industrial and Commercial Bank	Хитой	267,0
NTT DoCoMo	Япония	368,4	Microsoft	АҚШ	262,8
Cisco Systems	АҚШ	366,5	Petrochina	Хитой	216,9
Wall Mart Stores	АҚШ	307,9	Wall Mart Stores	АҚШ	201,0
Exxon Mobil	АҚШ	278,9	BHP Billiton	Буюк Британия/Австралия	200,5
Intel	АҚШ	275,0	HSBG	Буюк Британия	192,2
Nippon Telegraph & Telephone	Япония	272,6	China Construction Bank	Хитой	191,6
Lucent	АҚШ	235,1	Google	АҚШ	188,4
Nokia	Финляндия	208,2	China Mobile	Хитой	184,4

Хитой компаниялари капиталлашиш даражаси бўйича Буюк Британияни ортда қолдирди. Таҳлиллар кўрсатишича, 2009 йилдаги глобал рўйхатда Буюк Британиянинг биронта янги компанияси пайдо бўлмади.

«FT 500» рейтингининг тармоқ таркиби таҳлиллари кўрсатишича, чакана савдо компаниялари 15-ўриндан 9-ўринга, электроэнергетика хизматларини кўрсатувчи компаниялар 8-ўриндан 6-ўринга кўтарилган, уларнинг жами капиталиашишдаги улуши мос равиша 2,2% дан 3,6% гача ва 3,3% дан 4,2 %гача ортган.

Тоғ-кон саноати ва металлургия тармоқлари компаниялари рўйхатда ўз ӯринларини йўқотишган. Жумладан, тоғ-кон саноати компаниялари 6-ўриндан 10-ўринга, металлургия тармоғи компа-

⁹⁴ Овчаренко М. Америка сдулась /Ведомости, №242 (2512), 22.12.2009.

ниялари эса 13-ўриндан 19-ўринга тушиб, уларнинг капиталлашиш даражаси мос равищда 943,9 млрд. доллардан 436,9 млрд. долларга ва 641,6 млрд. доллардан 262,3 млрд. долларгача қисқарган. Биринчи ўнликни юқори технологик тармоқлар – компьютерлар ишлаб чиқарувчи, дастурий таъминот ишлаб чиқувчи ва алоқа компаниялари ташкил этишди.

Демак, замонавий ТМКнинг афзаликлари технологик, бошқарув персоналиниңг юқори малакаси ва капитал ресурсларининг улкан ҳажмлари билан белгиланади. Ушбу афзаликларнинг мавжудлиги ТМК учун хорижда ўз филиалларини очишларини рағбатлантиради. Жаҳон иқтисодиётининг эркинлашуви ва глобаллашуви ушбу жараённи жадаллаштиради.

4.3. Трансмиллий банклар

Трансмиллий корпорацияларнинг халқаро бизнесдаги асосий ҳамкорлари трансмиллий банклар (ТМБ) ҳисобланади. ТМБ ривожланган мамлакатларда трансмиллий корпорациялар билан бир қаторда узоқ ва мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтишди.

ТМБ деганда жаҳон ссуда капитали ва молия-кредит хизматлари бозорида фаол қатнашиш имконини берувчи капиталга эга йирик банклар тушунилади. ТМБ трансмиллий компаниялар сингари ўз фаолиятларида қарорлар қабул қилувчи ягона марказга эга, кўпсонли филиаллар, бўлимлар ҳамда ваколатхоналар тармогини шакллантириш ва ривожланишига ҳаракат қилишади (4.3.1-расм).

Трансмиллий банкларнинг ривожланиши бир неча босқичларга бўлинади.

Биринчи босқич – XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлиридан бошлиб биринчи жаҳон урушигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич – биринчи жаҳон урушининг охиридан иккинчи жаҳон урушига қадар даврни қамраб олади. Жаҳон урушлари даврида халқаро молиявий фаолият секинлашган ва қисқарган.

Учинчи босқич – иккинчи жаҳон урушидан XX асрнинг 70-йилларигача бўлган давр. Бу даврда урушдан кейинги иқтисодиётни тиклаш, мустамлакачилик тизимининг барбод бўлиши ва ривожланаётган мамлакатлар билан янги иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилиши янги халқаро банк таркибининг шаклланишини тақозо этган.

Тұртқынчи босқыч – XX асрнинг 80 – 90-йилларини ўз ичига олади. Бу босқычда жағонда ТМК жадал суръатлар билан ривожланди. Бу эса ТМК-та молиявий хизмат күрсатыш ва жағон молия бозорларыда үсіб бораёттан талабни қондириш учун кенг тармоқлы трансмиллий банкларга бўлган эҳтиёжни янада ошириди.

Трансмиллий банкларнинг ривожланишидаги бешинчи босқыч XXI асрнинг бошидан бошланади. Ҳозирда Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиё ва Евросиёда ҳудудий интеграция жараёнлари кучайиб бормоқда. ТМК ва ТМБ фаолияти таъсирида жағон ҳўжалик алоқаларининг глобаллашув жараёни чукурлашиб бормоқда. Бундай шароитда ТМК ва бошқа ҳалқаро бизнес қатнашчиларини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун жуда катта ҳажмдаги капитал тўплаш зарур бўлади.

ТМБ

Жағон молия бозорлари
фаолиятининг
институциональ асоси

Жағон бозорида валюта ва кредит операцияларини назорат қилувчи кенг миқёсли хорижий филиаллар, бўлимлар, ваколатхоналар, агентликларга эга универсал типдаги молия-кредит мажмуалари

Моҳияти: ҳалқаро ссуда капитали ҳаракатида асосий воситачилар

Вужудга келиш сабаблари:

1. Банк ва саноат капиталининг концентрациялашуви ва марказлашуви.
2. Глобал молия бозорларининг шаклланиши ва молиявий воситачилика эҳтиёж.

Мезоний хусусиятлари: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

Хусусиятлари:

1. Ҳалқаро операцияларнинг юқори улуши.
2. Географик нуқтаи назардан глобаллашганлик.
3. Тақдим этаёттан хизматларнинг универсаллiği.
4. Кам даражада товар айирбошлашга, кўпроқ даражада капитал айирбошлашга хизмат кўрсатиши.

Асосий мижозлари:

1. Трансмиллий корпорациялар.
2. Хорижий ваколатхоналар ва давлат институтлари.
3. Ҳалқаро ташкилотлар.

4.3.1-расм. Трансмиллий банклар (ТНБ)

XXI асрнинг бошларига келиб жаҳонда учта асосий молиявий худудлар (АҚШ, Фарбий Европа ва Япония) шаклланди ва уларда жаҳоннинг энг йирик трансмиллий банклари фаолият олиб боради. Қайд этиб ўтилган худудларда қуидаги молиявий марказлар пайдо бўлди:

– АҚШда – Нью-Йорк;

– Фарбий Европада – Лондон (Буюк Британия), Париж (Франция), Цюрих (Швейцария), Люксембург, Франкфурт (Германия);

– Японияда – Токио.

Бундан ташқари, халқаро даражада тан олинган молиявий марказлар ҳам мавжуд: Чикаго (АҚШ), Базел (Швейцария), Амстердам (Нидерландия), Вена (Австрия), Гонконг (Хитой), Тайвань, Сингапур, Сеул (Корея Республикаси), Сидней (Австралия), Кейптаун (ЖАР), Сан-Пауло (Бразилия), Ар-Риёд (Саудия Арабистони) ва бошқалар.

XXI асрнинг бошларига келиб жаҳонда йигирмага яқин йирик молиявий марказлар шаклланди ва уларда ривожланган мамлакатларнинг мингдан ортиқ филиаллари ҳамда бўлимларига эга трансмиллий банклари фаолият олиб боради. Мазкур банклар халқаро бизнесни молиялаштиришнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилишади.

Даврий иқтисодий нашрларда жаҳоннинг йирик ТМБ рўйхати эълон қилиб борилади (жаҳон ва Европанинг 50, 100, 500 ёки 1000 та банклари ва ҳ.к.). Куйида активлар ҳажмининг камайиб бориш тартибида 10 та ТМБ рўйхати келтирилган (4.3.1-жадвал).

XXI аср бошида юқорида санаб ўтилган худудий молиявий марказлардан ташкил топган жаҳон молия бозори мингдан ортиқ ТМБ фаолиятини қамраб олди. Биринчи элликта ТМБнинг келиб чиқиши мамлакатлари географиясини таҳдил қилинса, улар орасида АҚШ ТМБ сони жиҳатдан етакчилик қилишади. ТМБнинг жами активлари 2008 йилда 53,8 трлн. долларни ташкил этган бўлиб, унинг таркибида энг юқори улуш Буюк Британия ТМБга тегишли – 19,2% (4.3.2-жадвал).

Трансмиллий банкларнинг халқаро фаолияти қуидаги хусусиятлари билан ажralиб туради:

– ТМБ – молиявий ресурс эгалари ҳамда инвесторлар ўртасидаги асосий ва йирик воситачилар эканлиги;

– ТМБ – молиявий ресурсларнинг эгаларидан қарз олувчиларга қараб ҳаракатланиш шаклларини белгиловчи ва каналларини тақсимловчилар ҳисобланиши;

10 та ТМБнинг жами активлар ҳажмининг камайиб бориши бўйича гурӯхланиши, 2008 й⁹⁵

Ўрни		ТМБ	Мамла-катлар	Актив-лар ҳажми, млрд долл.	Ходим-лар сони, минг киши	Филиалар сони	
2007 й.	2008 й.					Жами	Хорижда
1	1	Citigroup Inc.	АҚШ	1938,5	322,8	1020	723
3	2	Allianz SE	Германия	1367,1	182,9	823	612
10	3	ABN AMRO holding NV	Нидерландия	953,9	69,7	945	703
4	4	Generali Spa	Италия	550,0	84,0	396	342
7	5	HSBC Holdings PLC	Буюк Британия	2527,5	331,5	1048	683
11	6	Societe Generale	Франция	1616,6	160,4	526	345
6	7	Zurich Financial Services	Швейцария	327,9	57,6	393	383
5	8	UBS AG	Швейцария	1926,2	77,8	465	432
9	9	Unicredito Italiano Spa	Италия	1495,9	174,5	1111	1052
8	10	Axa	Франция	963,3	109,3	575	464

– ТМБ – халқаро молия бозорларида қайтаришлилик, муддатлилик ва фоизлар тұлаш шартларида әрқин пул маблағларини жалб этиш ҳамда жойлаштириш, халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширувчи универсал молия ташкилотлари саналиши;

– ТМБ – йирик ҳажмдаги инвестция маблағларининг келиб чиқиши ва тақдим этилиши нүқтаи назаридан ишончли манба эканликлари.

Замонавий ТМБ миллий банклардан хорижда кенг тармоқли филиалларига әгалиги билан ажralиб туради. Бу эса уларга ТМК ва йирик инвесторларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини тезкорлик билан қондириш имконини беради.

⁹⁵ UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009. P. 234.

**Жаҳоннинг энг йирик 50 та трансмиллий банклари таркиби,
2008 й.⁹⁶**

	ТМБ сони	Активлар ҳажми, млрд. долл.	Жами актив- лардаги улуши, %	Ходимлар сони, минг кипп	Филиаллар сони	
					Жами	Хориждаги филиаллар сони
АҚШ	8	7689,8	14,3	1088,3	3535	2054
Буюк Британия	6	10308,7	19,2	810,3	3588	1678
Франция	5	8709,6	16,2	554	2498	1630
Германия	4	5426,5	10,1	309,3	2264	1537
Швейцария	4	3602,3	6,7	194,8	1337	1240
Швеция	3	1285,4	2,4	66,1	388	295
Япония	3	4167,2	7,7	145,4	311	175
Италия	3	2955,3	5,5	366,9	1725	1521
Бельгия	3	1572,5	2,9	98	973	736
Нидерландия	3	3270,1	6,1	225,6	2412	1436
Канада	3	1319	2,5	166,3	350	286
Испания	2	2277,9	4,2	283	660	402
Дания	1	680,1	1,2	23,6	73	50
Ирландия	1	277,7	0,5	16	197	101
Норвегия	1	263,6	0,5	14,1	33	32
Жами	50	53805,7	100,0	4 361,7	20344	13173

4.4. Молия-саноат гурӯҳлари (МСГ)

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш катта ҳажмдаги капитал қўйилмаларни талаб этади. Мазкур вазифани ҳал этишда тижорат банклари сезиларли роль ўйнаши мумкин. Дунё амалиётининг кўрсатишича, инвестиция жараёнларида банкларнинг ролини ошириш йўлларидан бири – саноат ва молия капиталини бирлаштириш имконини берувчи МСГни ташкил этиш ҳисобланади (4.4.1-расм).

МСГни ташкил этишнинг асосий хусусиятлари фаолиятининг узоқ муддатлилиги, бошқарув тизимининг эгилувчанлиги ва ҳамкорлик алоқаларининг мувофиқлашганлигига намоён бўлади.

Йирик МСГнинг маҳсулот сотиш ҳажми дунёнинг кўплаб мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти ҳажмидан ошиб кетади.

⁹⁶ UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009.. маълумотлари асосида ҳисобланган. Р. 234

Дунёнинг йирик икки юзта ТМКнинг маҳсулот сотиши ҳажми АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Хитой, Бразилия, Канада ва Испаниядан ташқари барча мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидан кўпдир. Охириги 25 йил ичидаги ушбу кўрсаткич ишчилар сони бор-йўғи 14% кўпайгани ҳолда деярли тўрт бараварга ошган⁹⁷.



4.4.1-расм. Молия-саноат гурухлари (МСГ)

МСГнинг ривожланиши жараёнини таҳлил этиш корпорациялар босиб ўтадиган бир нечта босқичларни ажратиш имконини беради (4.4.1-жадвал).

⁹⁷ Кудаков А. Особенности формирования финансово-промышленных корпоративных структур и их влияние на экономику страны. //БВВ, №29 (1034), 10.04.2008. С. 11.

МСГнинг ривожланиш босқичлари

Босқичлар	I	Банк иштирокисиз саноат-савдо гуруҳини шакллантириш
	II	Мустақил банк иштирокида корпоратив таркибни шакллантириш
	III	Ички банкка эта корпоратив таркибни шакллантириш
	IV	Бошқарув банкига эта корпоратив таркибни шакллантириш
	V	Ривожланган молия гуруҳига эта корпоратив таркибни шакллантириш

Биринчи босқичда корпорация таркибиға фақат саноат ва савдо корхоналари киради ва унинг таркибида молиявий бирликлар қатнашмайди. Одатда, бундай корпорациялар бир неча саноат корхоналарининг бирлашуви ёки йирик корхоналарнинг бўлинниб кетиши натижасида юзага келади. Ушбу босқичда корпорацияларнинг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжи катта бўлмайди ва молиявий воситачилар томонидан кўрсатилидиган асосий хизматлардангина фойдаланилади.

Иккинчи босқичда корпорация ягона хўжалик юритувчи субъект сифатида битта банк билан яқин алоқалар ўрнатади. Ушбу банк корпорациянинг молиявий хизматларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлашни ўзига олади, аммо расмий корпорация таркибиға кирмайди.

Учинчи босқичда банк корпорация таркибиға киритилади. Дастреб ташқи молиявий воситачилар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар ҳажмининг ортиши натижасида, уларнинг бир қисмини корпорация ичida амалга ошириш йўлга кўйилади. Ушбу босқичда корпорация банк ташкил этиши ёки уни сотиб олиши мумкин.

Тўртинчи босқичда банк корпорация таркибининг филиалидан бош компаниясига айланади ва молиявий хизматлар билан боғлиқ барча вазифаларни бажара бошлайди. Чунки корпорациянинг молиявий бошқарувини банк орқали амалга ошириш самаралироқ ҳисобланади.

Бешинчи босқичда корпорация ичida молия гуруҳи шаклланади. Молия гуруҳининг таркибиға банклардан ташқари сууруга ва инвестиция компаниялари, пенсия ва инвестиция фондлари, молиявий хизматлар кўрсатувчи молиявий ташкилотлар ҳам киритилиши мумкин. Корпорациянинг барча молиявий эҳтиёжлари унинг таркибиға кирган молиявий ташкилотлар ёрдамида қондирилади. Одатда, молия гуруҳларининг

шаклланиши бирлашиш ва құшиб олишлар йүли билан амалға оширилади. МСГ ушбу босқичда нафақат миллий, балки жағон иқтисодиётіга таъсир этувчи йирик корпорация шаклига зәг бўлади.

Жағон иқтисодиёти амалиётида трансмиллий МСГнинг америка, япон, корейс ва немис моделлари ажратилади.

МСГнинг америка модели юқори даражада ривожланган капиталлар бозори асосида яратилганлиги ва молиявий дастакларнинг кенг миқёсли турларига зәалиги билан ажралиб туради. АҚШда МСГнинг банк холдинги ва ишлаб чиқариш-технологик комплекс турлари кенг тарқалган.

МСГни ташкил этишнинг **япон модели** кейретсуларга асосланади ва улар қуйидаги хусусиятларга зәга:

- компанияни ташкил этишнинг тармоқли тизимига зәалиги;
- фирмалар ўртасидаги алоқаларни амалға ошириш мижозлар ва етказиб берувчиларнинг ўзаро ишонч муносабатларига асосланиши ёки бу тизимда қатнашиши орқали юз бериши;
- мижозлар эҳтиёжига тезда мослашиши;
- саноат бирлашмаларининг вертикал интеграциялашиш принципи бўйича тузилганлиги;
- компания асосини банк ташкил этиши.

Япония саноат мажмуаси «Мицубиси», «Мицуи», «Сумитомо», «Даичи Кангин», «Фуе», «Санва» МСГдан ташкил топган ва уларнинг ҳиссасиға мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 14 – 15% и тўғри келади. Улар мамлакат саноат активларининг 50% ини назорат қиласилилар.

МСГни ташкил этишнинг **корейс модели** эса чеболларга асосланади. Чеболларнинг бошқа МСГдан фарқли хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- оилавий капиталга асосланиши;
- ягона маъмурий ва молиявий назоратта зәалиги;
- юқори даражада диверсификациялашганлиги.

Корейс чеболларида бошқарув оилавий уруғ-аймоқлар томонидан амалға оширилади ва акционер капиталда уларнинг улуши 50% дан ортиқ бўлади.

МСГни ташкил этишнинг **немис модели** банкларнинг саноат билан мустаҳкам алоқага зәалиги, горизонтал молия-саноат гурӯхларини ташкил этиши, йирик банклар томонидан яратилиши, МСГ асосини бир нечта банклар, саноат, сугурта ва транспорт монополиялари ташкил этиши билан ажралиб туради.

Германияда МСГ фаолиятини мувофиқлаштириш қуйидаги амалга оширилади:

- мувофиқлаштирувчи вазифасини молия-кредит институтлари бажаришади;
- гурух ичидаги интеграциялашув ва ўзаро кесишувчи акционерликнинг мавжудлиги;
- амалдорларнинг унчалик катта бўлмаган гуруҳи мазкур гуруҳга киравчи турли компанияларни бошқариш аъзолари ҳисобланishiади.

МСГни ташкил этиш ташаббусига боғлиқ ҳолда қуйидаги гуруҳлаш мумкин: банк, саноат ва савдо. Банк МСГ гуруҳ аъзоларининг интеграциялашуви ва молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш бўйича самарали ҳисобланади. Бундай МСГ Германия, Франция, Италия, Япония, Корея, Испания, Швеция, Швейцарияда фаолият олиб боришади.

МСГда тижорат банклари билан бирга сугурта, лизинг компаниялари, инвестицион фондлар ва бошқа молия институтлари иштирок этадилар, улар ўз фаолияти хусусиятларига кўра, узоқ муддатли молия ресурсларини жалб қиласидар. Банклар ташаббуси ва иштирокидаги МСГда аъзолар ўртасида молия ресурслари самарали қайта тақсимланади. Бундай МСГ Япония, Жанубий Корея, Германия ва бошқа давлатларда фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам республикамизда банклар иштирокидаги МСГ ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда.

4.5. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларининг вужудга келиши зарурити, ривожланиш омиллари ва шакллари

Республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, юқори илмий сифимли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш йирик ҳажмда инвестицияларни талаб қиласиди. Мазкур масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида МСГни тузиш лозим. МСГда молия капитали билан саноат капитали бирлашиб, нафақат инвестиция жараёнларининг фаоллашишига, балки иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади.

Жаҳон амалиётига кўра, МСГни ташкил этиш қатор афзалликларга эга:

- инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун молия капитали билан саноат капитали бирлашади ва натижада молия ресурсларининг айланиши тезлашади;
- миллий компанияларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлиги ошади;

- гуруҳ аъзоларининг ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қулай имконият яратилади, бу иқтисодиётда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни қисқартиради;
 - янги техника ва технологияларни яратиш учун молия ресурсларни жамлаш имконияти туғилади;
 - гуруҳ аъзоларининг депозитлари, ҳисобвараклари ва бошқа активлари концентрациялашуви натижасида тиҷорат банкларининг ресурс базаси кенгаяди;
 - гуруҳ аъзолари бўлмиш молия институтлари корхоналарнинг ва аксинча, корхоналар молия институтларининг бошқарувида иштирок этиб, корпоратив бошқарувнинг сифати ошади;
 - гуруҳ аъзолари бўлмиш қарздорлар бошқарувида иштирок этиши туфайли тиҷорат банкларининг уларни кредитлашларида риск даражаси пасаяди ва ҳоказо.
 - Утиш иқтисодиёти шароитида МСГнинг пайдо бўлиш сабаблари қўйидагилардан иборат:
 - технологик ва кооперацион алоқаларни ўрнатиш зарурятининг мавжудлиги;
 - иқтисодиётнинг мезодаражасида барқарорлаштирувчи субъектни яратиш зарурияти;
 - капиталнинг концертациялашувининг халқаро тажрибасидан банк тизими ва хусусийлаштириш ёрдамида фойдаланиш зарурияти.
- Россияда молия-саноат гуруҳлари реестрига 35 та молия-саноат гуруҳлари киритилган, жумладан, «Уральские заводы» (Ижевск), «Сокол» (Воронеж), «Нижегородские автомобили» (Нижний Новгород), «Магнитогорская сталь» (Магнитогорск) ва бошқалар. Мазкур гуруҳлар қўйидаги миқдорий қўрсаткичлар орқали тавсифланади:
- ишчилар сони бўйича: 10 000 кишигача – 30%, 10 000 дан 100 000 кишигача – 59%, 10 000 кишидан юқори – 11%.
 - консолидациялашган капитал ҳажми бўйича: 1,0 млн. рублгача – 44%, 1 млн. рублдан 10 млн. рублгача – 42%, 10 млн. рублдан 50 млн. рублгача – 14%.
 - тармоқлар сони бўйича: 3 тагача – 51%, 3 тадан 5 тагача – 30%, 5 тадан юқори – 19%⁹⁸.
- Ўзбекистонда саноат ва молия капиталининг интеграциялашувини кенгайтириш шакли сифатида банк МСГни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Банк МСГ таркибига қўйидаги корхона ва тацкилотларни жалб этиш зарур:

⁹⁸ Нешитой А.С. Инвестиции: учебник. 7-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2008. С. 382.

- банк акционери ҳисобланган корхона ва ташкилотлар;
 - акциялар пакетининг асосий қисми банк ихтиёрида бўлган корхона ва ташкилотлар;
- ўз молиявий ҳолатини барқарорлаштириш учун инвестиция қўйилмаларига муҳтож корхона ва ташкилотлар.

Тижорат банклари иштирокида МСГни ташкил этиш ва у орқали банклар бозорида рақобатни янада ривожлантириш жаҳон амалиётида тез ўсиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти жараёнида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ривожланган давлатларда кенг тарқалиб борган. Жумладан, АҚШ МСГ фаолиятининг асосий қисми биринчи гуруҳ банкларнинг устуворлиги асосида бошқарилади. АҚШдаги 122 та йирик корпорацияларнинг 25,2% ҳал қилувчи овози банклар томонидан берилади, бу ерда суғурта ташкилотларининг улуши 4,3% ни ташкил қиласиди⁹⁹. АҚШда корпорацияларнинг фаолиятини бошқариш, маслаҳатлар бериш ва сиёсатини олиб бориш банклар томонидан амалга оширилади. Банклар орқали ташкил этилган мамлакатлардаги молия-саноат ташкилотларининг бошланғич босқичида молиявий ресурсларга талаб жуда юқори бўлган. Бундан ташқари, саноатда ишлаб чиқариш рентабеллиги юқори бўлмагани учун улар мустақил ривожлана олмаган. Бу эса мамлакатда саноат ташкилотларининг молия-кредит тизимига талаб юқори бўлганини кўрсатади. Саноат ташкилотларининг қўшимча капитали етарли бўлмагани учун акцияларини эмиссия қила олмаган. Мамлакатда фонд бозорининг ривожланиш даражаси паст бўлиши, қўшимча маблағларни жалб қилиш имконини бермаган. Россияда бугунги кунда МСГ сони 100 дан ортиқ бўлиб, уларнинг 90 таси ҳақиқий рўйхатга олинган бўлса, қолган қисмини трансмиллий корхоналар ташкил қиласиди. Россияда МСГнинг кредит қўйилмалари 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 2,5% га ошган¹⁰⁰. Аммо Россияда МСГнинг фаолияти тўлиқ ривожланган, деб айтиш қийин. Чунки, биринчидан, МСГни бирлаштирган корхоналар акцияси гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланмаган ёки маълум бир улушга эгалик хукуқи берилмаган, иккинчидан, ташкил этилган гуруҳлар иқтисодиётнинг маълум бир йўналиши билан чегараланиб қолган,

⁹⁹ Мирзаев Ф.И. Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва унинг банклар бозоридаги рақобатга таъсири. / «Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – М.: МГЭИ, 2008. 145-б.

¹⁰⁰ Ўша маъба.

учинчидан, гурухларни бошқариш чегараси кичик бўлиб, гурух раҳбари салоҳияти аъзолари орасида сезилмай қолмоқда. Россияда ташкил этилаётган МСГни тўрт тоифага ажратиш мумкин. Концептуал, қонун чиқарувчи, умумиқтисодий ва ташкилий тизимли. Концептуал асосда ташкил этилган МСГ давлат томонидан назорат қилинади.

Иккинчи гурух МСГни ташкил этиш ва мустаҳкамлашга қаратилган, умумиқтисодий МСГ ишлаб чиқариш, инвестиция ва молия билан боғлиқ бўлиб, банкларнинг бевосита иштирокини таъминлайди. Мамлакатдаги банклар салоҳиятининг юқори эмаслиги, бу жараёнларда иштирок этишини чегаралаб қўйган. Бу эса реал секторга инвестицияларни жалб этиш имконини бермайди. Россияда қонунларнинг тез-тез ўзгартирилиши МСГнинг фаолиятига кескин таъсир қилмоқда. МСГ фаолияти алоҳида қонун ёки мустаҳкам далолатномалар билан муҳофаза қилинмаган. МДҲ давлатларида ҳамкорликда МСГни ташкил этишнинг энг асосий муаммоси ҳам ушбу давлатларда МСГни ташкил этишдаги ҳуқуқий тамойилларнинг турличалигидadir.

Республикамизда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш имкониятларини таҳдил этадиган бўлсак, йирик саноат корхоналари атрофида кичик гуруҳларни бирлаштириш ҳозирги кунда қўйилган мақсадга эришиш имконини берадими? Албатта, МСГни йирик саноат корхонасида бирлаштириш учун унинг имкониятлари қолган гуруҳ аъзоларига нисбатан юқори бўлишни тақозо этади. Бунинг учун турли соҳаларда фаолият олиб бораётган корхоналар акцияларига эгалик ҳуқуқини қўлга киритиши ва шу асосда савдо уйларини ташкил этиши, ўзининг банкига эга бўлиши зарур бўлади. Бу асосда ташкил этилган МСГ республикамиз иқтисодиётида монополлашув жараёнини юзага келтирса-да, ички муҳитда ракобатнинг кескин кучайишига олиб келади.

Чунки, ички гуруҳ аъзоларининг бевосита ўз маҳсулоти сифатини ошириши ва экспортбоп маҳсулотларни бошқа давлатларга жойлаштириш имконини кенгайтириш учун кураш олиб боришига зарурат туғдиради. Республикаизда йирик стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг давлат томонидан бошқарилиши бу жараённинг маълум маънода иқтисодий инқизорз хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Иккинчи усул, яъни йирик банклар атрофида муҳим саноат корхоналарини бирлаштириш.

Республикамизда банклар орқали МСГни ташкил этиш банклар бозорига бевосита ўз таъсирини ўтказади. Йирик банкларнинг ўз атрофида саноат корхоналарини бирлаштириши

банклар ўртасида монополлашув даражасининг ортишига олиб келиши мумкин. Аммо, шу билан бирга, у жаҳон банклари билан рақобатлашув жараёнини вужудга келтиради. Бу эса банклар орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш имконини оширади. Бироқ юқоридаги таҳдиллар шуни қўрсатмоқдаки, банкларнинг саноат корхоналарини бирлаштирган ҳолда МСГни ташкил этиш учун капиталлари ва йирик саноат гуруҳларидаги акциялар улуши юқори эмас. Бу эса банкларнинг йирик саноат гуруҳлари олдида назорат қилиш имконини чегаралаб қўяди. Республикаизда МСГ босқичма-босқич йирик саноат корхоналари орқали ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса банклар бозорида банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайишига ва уларнинг кредит қўйилмаларини иқтисодиётнинг муҳим йўналишларига жойлаштириш имконини оширади.

Шу билан бирга, республикаизда МСГни ташкил этишда, бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

— тижорат банкларининг ресурс базаси чегараланган бўлиб, бу уларнинг ташкил этиладиган гуруҳ корхоналарига инвестиция қилиш имкониятини камайтиради;

— тижорат банклари капиталлашув даражаси нисбатан пастроқ бўлиб, ушбу ҳолат уларнинг гуруҳ ташкил этиш учун инвестицион фаолиятини чегаралайди;

— республикаиздаги кўпчилик корхоналарда асосий воситаларнинг эскириши юқори бўлиб, уларни янгилаш учун йирик ҳажмда инвестициялар зарур. Бундай ҳажмдаги инвестицияларни тижорат банклари бирданига молиялаштириш имкониятига эга эмас;

— мамлакатимизда йирик банклар сони кам бўлиб, улар иштирокида МСГ ташкил этилса, банк хизматлари бозорида рақобат пасайиши мумкин ва ҳоказо.

Ўзбекистонда МСГнинг шаклланиши ва амал қилишини таъминловчи шарт-шароитларни ташкил этиш бўйича таклифлар қўйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистонда МСГ фаолиятини ташкил этиш учун МСГни яратиш ва амал қилишини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш зарур.

2. МСГнинг ривожланиш концепцияси уларни юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, тўловга қобилиятли, ташки ва ички бозорларда рақобатбардош тармоқларда яратишни кўзда тутиши лозим.

3. МСГ қатнашчиларининг таркиби ва ташкилий-хукуқий шакли корхоналарнинг молиявий ва илмий-тадқиқот салоҳияти, такрор ишлаб чиқариш босқичларини тўлиқ қамраб олишини эътиборга олган ҳолда турли-туман бўлиши зарур.

4. МСГ акционер жамиятлар шаклида таъсис этилиши лозим.

5. МСГ таркибига кирувчи тижорат банкларининг тўлақонли фаолият юритишлари учун уларга МСГ қатнашчиларининг акцияларини сотиб олиш хукуқи берилиши зарур.

6. МСГ монополияга қарши чекловларни эътиборга олган ҳолда ташкил этилиши керак.

Асосий тушунчалар

Халқаро корпорациялар – жаҳон товар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорларига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи йирик компаниялар.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) – бош компания бир мамлакат капиталига тегишли бўлиб, филиаллари эса дунё бўйлаб тарқалиб кетган компаниялар.

Кўпмиллатли корпорациялар (КМК) – бош компания икки ва ундан ортиқ мамлакат капиталига тегишли бўлиб, хорижий бўлимлари турли мамлакатларда жойлашган корпорациялар.

Стратегик альянслар – жаҳон бозоридаги глобал иқтисодий ма-салаларни биргаликда ҳал этиш мақсадида тузиладиган фирмалараро иттифоқ бўлиб, ушбу иттифоқ мазкур фирмаларнинг бошқа соҳаларда рақобатлашувига тўскىнлик қилмайди.

Стратегик оиласалар – ўзаро рақобатда бўлган корпорацияларнинг халқаро бозорларда бир-бирини тўлдирувчи стратегияни амалга ошириш мақсадидаги бирлашуви.

Стратегик тизимлар – турли тармоқлардаги (ишлаб чиқариш корхоналари, савдо фирмалари, банклар) корхоналарнинг узоқ муддатли ҳамкорлигига асосланган бирлашма бўлиб, мақсади ахборотлар, персонал ва технологиялар алмашишдан иборат.

Трансмиллийлашув индекси (ТМИ) – ТМКнинг хориждаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга жалб этилганлик даражасидир.

Трансмиллий банклар (ТМБ) – жаҳон ссуда капитали ва молия-кредит хизматлари бозорида фаол қатнашиш имконини берувчи капиталга эга йирик банклар.

Молия-саноат гурӯҳлари (МСГ) – ўзаро ташкилий-хўжалик алоқалари асосида ташкил этилган корпоратив бирлашмалардир.

Назорат саволлари:

1. ТМК дейилганды нима тушунилади?
2. Трансмиллийлашув индекси нима ва у қандай ҳисобланади?
3. ТМК фаолияти ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига қандай таъсир ўтказади?
4. ТМБ нима ва улар қандай хусусиятларга эга?
5. МСГнинг шаклланиши қандай босқичлардан иборат?
6. Ўзбекистонда МСГни ташкил этиш зарурияти нималардан иборат?

V БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

5.1. Инвестиция сиёсати ва омиллари

Инвестиция сиёсати инвестиция фаолиятининг ўрта ва узоқ муддатли мақсадлари ҳамда уларга эришиш йўлларини белгилаб беради. Инвестиция сиёсати – инвестиция стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизими, инвестицион тактика.

Инвестиция сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, қўйилган мақсадларга эришиш ҳамда иқтисодий сиёсатининг қисқа муддатли ва узоқ истиқбол учун белгиланган вазифаларини бажаришга хизмат қиласди. Инвестиция сиёсатининг таъсирчан воситалари нисбатан чекланганлиги сабабли муайян вазиятларда қайси воситалар самарали, қайсилари самарасиз эканлигини билиш мураккаб ҳисобланади

Инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш иқтисодий фаолиятнинг барча даражаларида амалга оширилиши зарур. Микродаражада – инвестиция сиёсати инновацион фаолиятни амалга ошираётган корхоналар, банклар, фондлар ва уй хўжаликлари учун ишлаб чиқилиши лозим. Мезодарражада (худудлар ва тармоқлар) – иқтисодиёт тармоқлари ва худудларни ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни селектив қўллаб-кувватлаш учун йўналтирилган мақсадли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Макродаражада – давлат инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чекланган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, истиқболли тармоқлар ва худудларни қўллаб-кувватлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш имконини беради.

Давлатнинг ташқи инвестиция сиёсати – бу ташқи инвестицион оқимларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тизимиdir. Ушбу сиёсатининг мақсади инвестиция жараёнларига максимал даражада қулайлик яратувчи шарт-шароитлар тизими шаклидаги қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат бўлиб, уни амалга ошириш иқтисодий салоҳият, ижтимоий, ташкилий-хуқуқий ва молиявий омилларга боғлиқдир (5.1.1-расм).

Жаҳон иқтисодиёти амалиётида инвестиция сиёсатининг учта моделини ажратиш мумкин.

Биринчи моделни шартли равища «америка», иккинчисини – «япон» ва учинчисини – «тайван» модели деб атайдиз. Келтирилаётган тасниф бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасини тизимлаштиришга уринишдир. Мұхими, бу модельарнинг барчаси самарали бўлиб, ушбу илфор тажрибадан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида муносаб инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиши учун чукур ўрганиш зарур.

Давлатнинг ташқи инвестиция сиёсати

Ташқи инвестицион оқимларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тизими

Стратегик мақсади

Инвестиция жараёнларига максимал даражада қулайлик яратувчи шарт-шароитлар тизими шаклидаги қулай инвестиция мұхитини шакллантириш

Асосий тактик мақсадлар

- а) миллий ва хорижий инвесторлар учун бир хил имкониятлар
- б) миллий ва хорижий капитал күйилмалар учун қулай жозибадорлик

Асосий омиллари

- а) иқтисодий салоҳият – ишлаб чиқариши жойлаштиришнинг ресурс, табиий-иктим ва ҳудудий имкониятлари;
- б) бозор мұхити – рақобатнинг ривожланғанлық даражаси, бозор инфраструктураси, инвестицион фаоллик, ички бозор сиғымкорлығы, товар экспорти ва хорижий капиталнинг мавжудлиги;
- в) ижтимоий омиллар – аҳоли турмуш даражаси ва иш ҳақи, аҳолининг хорижий инвесторларга муносабати;
- г) ташкилий – ҳуқуқий омиллар – ҳукуматнинг хорижий инвесторларга муносабати, қонунларга риоя қилиш, ҳуқуқни ҳимоя құлувчи органдарнинг самарадорлығы, ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати учун шарт-шароитлар;
- д) молиявий омиллар – бюджет даромади ва бюджетдан ташқари фонdlар маблаглари билан таъминланғанлық, молия ресурслари ва хорижий валютада кредитлар олиш имконияти, банк фоиз ставкаси, аҳоли жон бошига түғри келувчи жамғармалар миқдори.

5.1.1-расм. Давлатнинг ташқи инвестиция сиёсати

Биринчи моделда асосий эътибор хусусий инвесторлар учун белгиланадиган солиқ имтиёзларига қаратиласди. Иккинчи модельда хусусий лойиҳаларнинг давлат томонидан молиялап-

тирилиши марказий ўринни эгаллайди. Учинчи модел эса давлат мувофиқлаштириш камчиликларини бартараф этиш, хусусий инвесторлар қарорларини мувофиқлаштириш механизмларини яратиш бўйича зарур инфратузилмани яратади ва инсон капиталига сарфланган кўйилмаларни рафбатлантиради. Юқорида қайд этилган инвестиция сиёсати моделлари кенг кўламли дастакларни ўз ичига олади.

Америка моделида давлатнинг инвестиция сиёсатида асосий ўринни солиқ дастаклари эгаллайди. Бундан ташқари, бозор дастаклари ёрдамида нархлар ва фоиз ставкаларини барқарорлаштиришга йўналтирилган изчил либерал макроиктисодий сиёсат амалга оширилади. Ушбу тизим доирасида банкларга иккинчи даражали ўрин ажратилган. Инвестиция ресурсларининг самарали тақсимланишини назорат қилишнинг асосий механизми – бу фонд биржасидир. Айнан ривожланган қимматбаҳо қофозлар бозори ушбу моделни муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланади. Давлат мувофиқлаштириш муаммосини иқтисодиётнинг ҳолати ва ривожланиш прогнозлари тўғрисида сифатли иқтисодий ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш орқали ҳал этишга ҳаракат қиласи. Давлат заруриятга қараб инфратузилмани ривожлантиришга инвестициялар йўналтиради. Ушбу инвестициялар фақаг фавқулодда ҳолатлардагина умуниқтисодий стратегиянинг элементларига айланади (Рузвельтнинг «янги курси»). Модель зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлганда инвестициявий ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлайди.

Япон модели давлат ва хусусий инвесторлар ўртасидаги фаол ҳамкорлик асосида қурилади. Давлат банк соҳасини назорат қиласи ва аҳоли жамғармаларини мустақил жалб этади. Ушбу маблағларни корпорацияларга ҳамкорлик ва ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажариш эвазига имтиёзли шартларда беради. Инфратузилмага сарфланадиган инвестициялар муайян хусусий фирмаларнинг эҳтиёжлари билан бевосита мувофиқлаштириб амалга оширилади. Давлат томонидан ташкил этиладиган маслаҳат кенгашлари мувофиқлаштириш ролини ўз зиммасига олади. Ушбу моделни амалга оширишнинг зарур шарти – кучли хусусий сектор ва самарали аппаратта эга бўлган давлатdir. Ушбу моделнинг афзаллиги катта ҳажмдаги маблағларни самарали инвестицияларга сафарбар этиш имкониятига эгалиги билан белгиланади. Камчилиги эса инвестицияларни режалаштириш жараёнининг сиёсийлаштирилиши ва асосий пул-кредит индикаторларининг кутилмаган ҳолда ўзгариши, шу жумладан, сиёсий доираларнинг коррупцияланиши билан изоҳланади.

Тайван модели эса япон ва америкача моделларнинг қатордастакларини ўзида бирлаштиради. Ушбу модельнинг фарқли жиҳати инвестицион қарорларни мувофиқлаштиришнинг хусусий механизmlарининг давлат томонидан яратилишидан иборат. Модель экспортга ишлайдиган хусусий фирмаларнинг бозор ва инвестицион лойиҳалар салоҳиятини жуда яхши билишига асосланган. Ушбу хусусий фирмалар атрофида таъминотчилар тармоғи шаклланиб, улар ўз режаларини «бош» компания билан мувофиқлаштириб турадилар. Давлатнинг асосий вазифаси ушбу гуруҳларни фаол қўллаб-куватлаш, шунингдек, лойиҳавий-консультатив бюролар, техник хизмат кўрсатиш агентликлари ва илмий лабораториялар орқали барча тармоқ иштирокчиларининг янги юқори технологиялардан фойдаланиши ҳамда уларнинг янги маҳсулот ва инвестициявий режаларни ишлаб чиқишида тенг ҳуқуқли иштирок этишини таъминлашдан иборат. Ушбу модель муваффақиятининг асосий бўғини ва гарови экспорт иштирокчиларининг «тест»идан ўтишдан иборат. Ушбу тестдан муваффақиятли ўтиш эса имтиёзли кредитлар олиш учун кенг йўл очади. Шу билан бирга, инвестициявий сиёсатнинг ушбу тури Умумжаҳон савдо ташкилотининг қоилалари нуқтаи назаридан тобора заифлашиб бормоқда.

Шундай қилиб, иқтисодий ўсишда оқилона инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш етакчи ўрин тутади. Инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратишга хизмат қиладиган қатор институтларни ташкил этиш лозим. Жаҳон иқтисодиётida самарали амал қилувчи модель бозор тизимиға таянади ва миллий иқтисодиётнинг афзалликларидан тўлиқ фойдаланади.

5.2. Инвестиция муҳитини аниқлашнинг жаҳон тажрибаси

Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир.

Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиrrали тушунча бўлиб миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқизоз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўшиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташки қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга.

Жаҳон амалиётида мамлакатнинг инвестиция муҳитини баҳолаш борасида турли ёндашувлар мавжуд. Ушбу ёндашувлар бирбиридан инвестиция муҳитини ташкил этувчи омилларни тўлиқ

ёки қисман қамраб олиши билан фарқ қиласи. Таҳлиллар кўрсатишича, «Стандарт ва Поорс» («Standard & Poor's»), «Модус» («Moody's») ва «Фитч АБКА» («Fitch IBCA») жаҳондаги энг йирик рейтинг агентликлардан ҳисобланади. Ушбу агентликлар эмитентнинг қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлақонли бажара олиш имкониятлари ва эмитентларнинг кредит бера олиш қобилиятига баҳо берадилар. Агентликлар томонидан ишлаб чиқилган ва тузилган рейтинглар мамлакат инвестиция муҳитини маълум даражада баҳолаш имконини беради.

Масалан, «Standard & Poors» услубиятига кўра, узоқ муддатли рейтинг энг юқори «AAA» кўрсаткичидан энг қуий «D» кўрсаткич оралиғида ўзгариб боради. «AA» дан «CCC» кўрсаткичигача бўлган оралиқ рейтинги «мусбат» (+) ёки «манфий» (-) белгилар билан тўлдириб борилиши мумкин ва улар асосий кўрсаткичларга тегишли бўлган оралиқ кўрсаткичлар ҳисобланади. Қарз мажбуриятларини бажариш сифати рейтингнинг қуидаги кўрсаткичлари орқали баҳоланади:

AAA – қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлиқ бажаришнинг энг юқори қобилиятини акс эттиради;

AA – қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлиқ бажаришнинг юқори қобилиятини англатади;

A – қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришнинг нисбатан юқори қобилияти, аммо тижорат, молия ва иқтисодий шароитлардаги салбий ўзгаришлар таъсирини ифодалайди;

BBB – қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришнинг етарли даражадаги қобилияти бўлиб, молия ва иқтисодий шароитлардаги салбий ўзгаришлар таъсирининг юқори даражада сезилишини ифодалайди;

B – молия ва иқтисодий шароитлардаги салбий ўзгаришлар таъсирининг кескин сезилиши ҳамда қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлиқ бажарish имконининг мавжудлигини билдиради;

CCC – эмитентнинг қарз мажбуриятларини бажармаслик эҳтимолининг мавжудлиги бўлиб, қарз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилиши эса кулай тижорат, молиявий ва иқтисодий шарт-шароитлар билан белгиланади;

CC – ҳозирги даврда эмитентнинг қарз мажбуриятларини бажармаслик эҳтимолининг юқори эканлигини ифодалайди;

C – эмитентга нисбатан банкротлик ёки процедураси кўзғатилган ҳолда тўловлар ёки қарз мажбуриятларининг бажарилиши давом этаётганлигини билдиради;

SD – бошқа қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлиқ тўланайтган шароитда ушбу қарз мажбурияти бўйича танланма дефолт мавжудлигини акс эттиради;

D – қарз мажбуриятлари бўйича дефолтни ифодалайди.

«AAA», «AA», «A» ва «BBB» категориялари рейтингни инвестицион класс рейтинглари ҳисобланаб, «BB», «B», «CCC», «CC» ва «C» категориялари рейтингни эса спекулятив классга маълум даражада киради. Кредит рейтингларини ишлаб чиқишининг асосий ташкилий қисми уларнинг ўзгаришини прогнозлаш ҳисобланади. Прогнознинг куйидаги тавсифлари кенг қўлланилади: «ижобий» (рейтингнинг кўтарилиши эҳтимоли), «салбий» (рейтингнинг пасайиши эҳтимоли) ва «барқарор» (рейтингнинг ўзгариши кузатилмайди). Рейтинг агентликлари томонидан рейтинг ўзгариши тенденцияларини аниқлаш мураккаб бўлган ҳолатда «ривожланаётган» прогноз тавсифидан фойдаланилади ва у рейтингнинг кўтарилиши ёки пасайиши эҳтимоли борлигини англатади.

БЕРИ индекси бўйича мамлакат рискини баҳолаш усули (шу номдаги фирма томонидан ишлаб чиқилган)¹⁰¹.

Мазкур усулнинг моҳияти шундаки, обрули экспертларни¹⁰² танлаш асосида ва уларга 5 балли (0 дан 4 баллгача ва уларнинг йиғиндиси 1 га тенг) шкалада 15 та асосий мезонлар бўйича мамлакат рискини баҳолаш таклиф этилади. Ушбу усулда баҳолаш мезонлари ва уларнинг қийматлари куйидагилардан иборат:

1. Сиёсий барқарорлик (0,12).
2. Хорижий инвестицияларга бўлган муносабат (0,06).
3. Миллийлаштирилиши хавфи (0,06), агар мамлакат қонунчилигида мулкни ҳақ тўламасдан экспроприация қилиш кўзда тутилган бўлса, 0 балл қўйилади.
4. Валютанинг девальвация қилиниш эҳтимоли ва даражаси (0,06).
5. Тўлов балансининг ҳолати (0,06).
6. Бизнеснинг бюрократлашиш даражаси (0,04).
7. Иқтисодий ўсиш суръати (0,1).
8. Валютанинг эркин алмашинув даражаси (0,1).
9. Шартнома мажбуриятларини бажариш сони (0,06).
10. Меҳнат унумдорлиги даражаси ва иш ҳақи харажатлари (0,08).

¹⁰¹ Совместные предприятия в практике международных и экономических отношений. – М.: 1990. С. 54.

¹⁰² Одатда, экспертларнинг умумий сони тахминан 100 кишидан иборат бўлади.

11. Юридик ва маркетинг маслаҳатларини олиш, малакали мутахассисларни жалб қилиш имконияти (0,02).

12. Алоқа ва транспортни ташкил қилиш (0,04).

13. Давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатлари (0,04).

14. Қисқа муддатли кредитларни олиш шартлари (0,08).

15. Узоқ муддатли кредитлар, хусусий капитални олиш ва фойдаланиш шартлари (0,08).

Мамлакат рискининг ўртача тортилган бали қуйидаги формула ёрдамида аникланади (БЕРИ индекс):

$$I_{БЕРИ} = \sum_{i=1}^{15} k_i j_i,$$

бу ерда: k_i, j_i — тегишли равишда, i —омилни баҳоловчи мезонларнинг баллардаги қиймати ва вазнли коэффициенти.

Инвестиция мұхитини баҳолаш бүйіча Үмумжақон банки ёндашуви. Үмумжақон банкининг 2005 йилда чол этилған «Хамма учун инвестиция мұхитини қандай шакллантириш мүмкін»¹⁰³ мавзуидаги жағон иқтисодиётининг ривожланиши түғрисидаги йиллик ҳисоботида инвестиция мұхитини баҳолаш бүйіча банк ёндашувининг асосий мазмуни көлтирилған.

Юқорида күриб чиқылған усуулар сингари ушбу ёндашувда ҳам мутахассислар томонидан бериладиган баллар йиғиндисидан фойдаланилади. Үмумжақон банки ёндашувига күра мамлакат инвестиция мұхитига таъсир қылувчы омиллар қуйидагилардан иборат, деб ҳисобланади:

— иқтисодий сиёсат ва хуқуқий-меъёрий амалиётнинг ноанықлиги;

— коррупция даражаси;

— суд тизимининг сифати;

— жиноятычилик даражаси;

— «солиқ юки» ва солиққа тортиш тизими хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;

— молия ресурсларини олиш имконияти ва молиялаштириш қиймати;

— электр билан таъминланғанлик даражаси ва сифати;

— ишчилар малака даражаси ва меңнат қонунчилигининг сифати.

¹⁰³ Доклад о мировом развитии. 2005. Как сделать инвестиционный климат благоприятным для всех / Пер. с англ. – М.: 2005. С. 252 – 254.

Ушбу ёндашув инвестицион жозибадорликни таъминлашнинг институционал омилларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жаҳон банки томонидан таҳлил этиладиган инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар инвестиция риски билан боғлиқ. Ушбу услубиятга мувофиқ мамлакатнинг инвестиция имкониятлари эътиборга олинмайди.

Россия иқтисодий худудларининг инвестиция жозибадорлигини баҳолашда қўлланиладиган «Эксперт» ҳафтаномаси услубияти.

Ушбу услубиятга мувофиқ инвестиция муҳитига таъсир қўйувчи инвестиция рискларининг қўйидаги турлари ажратиб кўрсатилади¹⁰⁴:

- ҳукуқий (инвестициялашнинг ҳукуқий шартларини, алоҳида ишлаб чиқариш омиллари таркибини акс эттиради);
- сиёсий (сиёсий барқарорлик даражасини ҳисобга олади);
- ижтимоий (ижтимоий ҳолат даражаси ҳисобга олинади);
- ноқонуний (минтақада жиноятчилик даражасини ҳисобга олади);
- молиявий (худудий бюджет ва корхоналар молиясининг мувофиқлашганлик даражасини акс эттиради);
- иқтисодий (минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олади);
- экологик (атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини ҳисобга олади).

Россияда ўтказилган рейтинглар натижасига кўра мамлакатдаги инвестиция муҳитининг яхшиланиши устун даражада инвестиция соҳасидаги қабул қилинаётган ҳукуқий ҳужжатлар билан боғлиқ эканлиги аниқланган.

Ўзбекистонда халқаро амалиёт негизида банклар томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозларнинг миллий индивидуал рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг агентлиги ташкил этилган. Ушбу агентлик томонидан 2008 йил мобайнида 21 та тиҷорат банкига турли даражадаги рейтинг баҳолари берилди.

5.3. Тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳитининг ўрни

Хорижий инвестицияларни жалб этувчи мамлакатлар иқтисодиётiga тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар турлича таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат бу турдаги инвестицияларни

¹⁰⁴ Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. 2004. № 45.

иқтисодиётга жалб этишда қулайлик яратувчи омилларнинг турли мамлакатларда бир-биридан фарқланишига олиб келади. Шу билан бирга ушбу омиллар умумий белгиларга ҳам эгадир.

Мамлакатнинг ТТХИ учун жозибадорлигини таъминлаб берувчи омиллар асосида Ж.Даннинг томонидан ишлаб чиқилган ва «эклектик парадигма» номини олган концепция ётади. Ушбу концепция куйидагиларга асосланади:

— мулкчилик ҳуқуқи соҳасидаги қиёсий афзаликлар (хусусан, бошқарув билан боғлиқ ўз технологиялари ёки афзаликларнинг бўлиши);

— мамлакатда маҳаллий афзаликларнинг бўлиши (масалан, ички бозор сифимининг катталиги, ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги, инфратузилманинг ривожланганлиги, ишчи кучи малакаси ва қиймати);

— фирма ички алоқаларидаги максимал афзаликлар, мустақил инвесторлар ва реципиентлар ўртасида рақобатнинг мавжудлиги.

Биринчи ва учинчи шарт фирма хусусиятларини ифодаласа, иккинчи шарт мамлакатдаги инвестиция муҳити билан боғлиқ хусусиятларни акс эттиради. Қабул қилувчи мамлакат фақат биринчи афзаликка эга бўлса, инвестор ички бозорга кириш учун лицензиялаш ёки патентларни сотиш стратегиясини танлайди. Агар биринчи ва учинчи шартлар бажарилса, қабул қилувчи мамлакат учун ТТХИ капитал қўйилмаларнинг энг афзал шакли ҳисобланади ва ушбу ҳолда иккинчи омил ҳам ҳисобга олинади.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, турли мамлакатлар ўртасида миллий иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларда маълум фарқлар мавжуд. Шунинг учун мамлакатнинг инвестиция муҳити куйидаги омиллар ҳаракати асосида шаклланади:

- 1) макроиқтисодий омиллар;
- 2) иқтисодиётни тартибиға солишининг ҳуқуқий режими;
- 3) тадбиркорлик муҳити.

Хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётининг жозибадорлигини белгиловчи муҳим омил мамлакатнинг турли хил табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси ҳисобланади. Шу вақтга қадар ТМК асосан ТТХИ ёрдамида эмас, балки ноакциядорлик шартномалари тузилиш асосида ресурслар қазиб олишда иштирок этиб келмоқда. Шу билан бирга XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида қазиб олиш саноатига йўналтирилган ТТХИнинг ҳажми бироз қисқарди.

ТМК ўртасида ўтказилган сўровномалар кўрсатишича, мамлакатдаги инвестиция муҳитини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири – қабул қилувчи мамлакат ички бозорининг сифими ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич ялпи ички маҳсулот ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадлар билан ўлчанади. Катта сифимга эга бўлган бозор фирмага иқтисодиёт қўлами, сифими афзаликларини амалга ошириш имконини беради.

Макроиктисодий омиллар таркибига реципиент-мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва миллий валюта алмашув курсининг ўзгариши ҳам киради.

Мамлакатнинг ТТХИ учун жозибадорлиги қуладай ва барқарор ҳукуқий режим, хорижий инвесторларга мулкини миллийлаштириш хавфидан кафолатлар берилиши ва унинг ҳукуқларини камситмайдиган режим яратилиши билан белгиланади. Инвестиция муҳитига таъсир қиласидиган учинчи гуруҳ омилларни мамлакатда шаклланган умумий тадбиркорлик муҳити омиллари (солиқ тизими, ишлаб чиқариш харажатлари даражаси, ишчи кучи малакаси даражаси, муносиб инфратузилманинг мавжудлиги, илгор технологиялар ва инновациялардан фойдаланиш имкониятлари) ташкил қиласиди.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида жалб қилинаётган ТТХИга таъсир қилувчи омилларни қўйидагича гурухлаш мумкин:

- сиёсий вазият;
- тадбиркорликка кўмаклашувчи чора-тадбирлар;
- иқтисодий ўсиш суръатлари;
- иқтисодий сиёсат;
- коррупция даражаси.

Ушбу омиллар ТТХИнинг иқтисодиётга жалб этилиши ёки четта чиқиб кетишига сабаб бўлади ва унинг ҳажмига таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай ТМК инвестиция обьектини қўйидаги уч омилдан келиб чиқсан ҳолда аниқлади: а) реципиент-мамлакат юритаётган сиёсат; б) ушбу мамлакатлар ҳукуматларининг инвестицияларни қўллаб-қувватлаш фаолияти; в) мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолати тавсифи (5.3.1-жадвал).

Турли омилларнинг ТТХИ оқимига таъсири инвестицияларнинг асосий мақсади, тури, тармоғи, ташкил этилаётган корхона ҳажми ва инвесторнинг стратегиясига боғлиқ. Турли мақсадлардан келиб чиқиб, инвесторнинг стратегияси ва қабул қилувчи мамлакат кўзлаётган мақсадга боғлиқ ҳолда инвестицияларни жойлаштириш учун турли обьектлар танланади.

**ТТХИ жалб қилишни қўллаб-кувватлайдиган
реципиент-мамлакатлар тавсифи¹⁰⁵**

ТТХИни қабул қилувчи мамлакатларнинг умумий шарт-шароитлари	ТМК мақсадлари бўйича таснифланган ТТХИ тури	Реципиент-мамлакатларнинг иқтисодий тавсифлари
1. Сиёсий муҳит: — иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий барқарорлик; — инвесторнинг келиши ва иш олиб боришини тартибга солувчи қоидалар; — хорижий компания филиалларига бўлган муносабат; — бозорларнинг амал қилиши ва таркиби (ракобат, бирлашиш ва кўшиб олишлар сиёсати); — ТТХИни қўллаб-кувватлаш бўйича халқаро битимлар; — хусусийлаштириш сиёсати; — савдо сиёсати (тариф ва нотариф тўсиқлар). 2. Иқтисодий омиллар: — аниқ механизмлар; — бозор инфратузилмаси; — иқтисодий эркинлик. 3. Бизнесни қўллаб-кувватлаш: — инвестицияларни қўллаб-кувватлаш бўйича чора-тадбирлар; — инвестицияларни рабатлантириш; — коррупцияга қарши кураш ва бошқарув самарадорлиги билан боғлиқ «қўшимча чиқимлар» ва ҳ.к. 3. Ижтимоий соҳа (икки тили мактаблар, турмуш сифати ва ҳ.к.); 4. Инвестицияларга хизмат кўрсатиш	A. Сотиш бозорларини кенгайтириш Б. Табиий ресурслардан (активлардан) фойдаланиш ҳуқуқини кўлга киритиш С. ТТХИ, савдо ва солиқ сиёсати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик Д. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш	— бозор ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад; — бозорнинг ўсиш суръатлари; — минтақавий ва глобал бозорларга чиқиш; — мамлакат истеъмолчилари учун хос бўлган афзаликлар; — бозорлар таркиби; — ҳом-ашё; — малакасиз кам иш ҳақи тўланадиган ишчи кучи; — малакали кадрлар; — технологик, инновацион ва бошқа яратилган активлар (масалан, савдо маркалари), шу жумладан, инсонларда, фирмалар ва уларнинг гурухларида мужассамлашган; — моддий инфратузилма (портлар, йўллар, энергия таъминоти, алоқа); — ресурслар ва актив қийматининг меҳнат унумдорлиги билан биргалиқдаги омили; — бошқа харажатлар, масалан реципиент-мамлакатга кириш / чиқиш бўйича транспорт ва алоқа харажатлари, оралиқ маҳсулотларни сотиб олишга сарфланган харажатлар; — корпорациянинг минтақавий тармоғини яратишга ёрдам берадиган минтақавий интеграцион гурухга аъзолик.

¹⁰⁵ UNCTAD. Word Investment Report. 2004: Trend and Determinants. Table IV.I. P. 36.

ЮНКТАД мутахассислари томонидан тайёрланган 5.3.2-жадвалда ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ТТХИ оқимларини тартибга солиб турувчи ёки рағбатлантирувчи иқтисодий омиллар умумлаштирилган шаклда берилган. Кўрсаткичларнинг уч гуруҳга бўлиниши нисбийдир. Масалан, иккинчи гуруҳ омиллар – «сиёсий омиллар» – ҳақиқатда фақат иқтисодий сабабларни:

5.3.2-жадвал

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ТТХИ оқимига таъсир қилувчи омиллар¹⁰⁶

Омил	Кўмаклашувчи	Жиловловчи
Иқтисодий омиллар		
Иш ҳақи даражаси	13	—
Ишчилар малакаси	12	1
Бозор ҳажми	2	8
Бозорнинг ўсиш суръатлари	2	3
Табиий ресурслар	1	5
Бошқарув малакаси	1	1
Моддий инфратузилма	1	4
Молиявий инфратузилма	1	3
Бозорга чиқиши имкониятлари	—	1
Саноатнинг ҳолати	—	1
Сиёсий омиллар		
Макроиқтисодий барқарорлик	9	1
Сиёсий муҳит	3	2
Валютанинг конвертацияланиши	5	—
Хусусийлаштириш учун қулай стратегия	4	3
Хусусийлаштириш суръатлари	2	2
Маҳаллий фирмаларнинг рақобатга тайёрлиги	3	2
Иқтисодиётни реконструкция қилиш мумкинлиги	3	3
Солиқлар тизими	1	2
Хукуқий барқарорлик, суд тизими	—	5
Мавжуд корхоналарнинг реконструкцияси характери	—	3
Бизнесга кўмаклашиш		
Инвесторларга субъектив яқинлик	11	—
Ахборот	3	5
Мамлакат имижи	1	8
Молиявий рағбатлар	1	8
Бозор рағбатлари	1	3
Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	1	4

106 Ўша манба

макроиқтисодий барқарорлик, валютанинг конвертацияланиши, хусусийлаштириш суръатлари ва бошқаларни акс эттиради. Учинчи гуруҳ омиллари эса «бизнесга кўмаклашиш» қаторсиёсий омилларни, шу жумладан, «сиёсий муҳит» ва «мамлакат имиджи» кабиларни ўзида мужассамлаштириб, реципиент-мамлакат учун хос хусусиятлар бўлиб, уларни таҳлил қилиш, мазкур мамлакат ТГХИнинг оқиб келиши учун тегишли шарт-шароитни яратишни истайдими? деган саволга жавоб беради.

Портфель инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳитини шакллантирувчи омиллар комплекс характерда бўлиб, тадбиркорлик муҳити инвесторнинг стратегияси ва қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётiga хос хусусиятларни қамраб олади. Жаҳон иқтисодиётидаги XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб портфель инвестициялар ҳажмининг нисбатан барқарор суръатларда ўсиши кузатила бошланди. Бу ҳолатни қўйидаги омиллар таъсири билан изоҳлаш мумкин:

- молия бозорларининг глобаллашуви ва эркинлаштирилишида молиявий капитални нисбатан кам ҳаражатлар билан кўчириш имкониятининг яратилиши;

- ривожланаётган бозорларда макроиқтисодий ҳолатнинг барқарорлашуви туфайли портфель инвестицияларнинг ушбу мамлакатлар иқтисодиётiga киритилиши;

- ҳалқаро молия бозорларида фоиз ставкаларининг пасайиши ва ликвидлиликни таъминлашнинг ошиши;

- жамғармаларнинг институционаллашуви ва молиявий активларни профессионал даражада бошқаришнинг ўсиши (кўшма фонdlар, хедж фонdlари ва бошқа инвестиция компаниялар орқали);

- коммуникация ва ахборот технологиялари тармоғининг жадал суръатларда ривожланиши (компанияларга ахборотларни тезкор узатиш имконининг яратилиши).

Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётнинг эркинлашуви ҳамда таркибий ислоҳотларнинг амалга оширилиши хорижий инвесторлар учун молиявий маблагларни жойлаштиришда уларнинг жозибадорлигини оширди.

Портфель инвестициялар учун инвестиция жозибадорлигининг макроиқтисодий омиллари икки гуруҳга бўлинади: иқтисодий ва ҳукуқий.

Иқтисодий омиллар қабул қилувчи иқтисодиётининг умумий ҳолатини акс эттиради. Ушбу омилларга иқтисодий ривожланиш суръатлари, барқарор валюта курси, валюта захиралари даражаси, миллий банк тизимининг ҳолати, облигациялар ва акциялар бозорининг ликвидлилик даражаси, фоиз ставкалари даражаси

каби омилларни киритиш мүмкин. Баъзи омиллар акциядорлик капиталига инвестиция йўналтирадиган компаниялар учун муҳим бўлса, бошқалари эса қатъий белгиланган даромад келтирувчи инвестицияларни амалга оширувчи фирмалар учун аҳамиятлидир. Ўз маблағларини акциядорлик капиталига киритаётган инвестор учун компаниянинг барқарор ўсиш суръатлари ва акциялар ликвидлилиги муҳим аҳамиятга эга. Облигациялар бозорининг ликвидлилик даражаси ва фоиз ставкалари миқдори эса қатъий белгиланган даромад келтирувчи капиталга маблағ сарфлайдиган инвесторлар учун жозибали ҳисобланади.

Портфель инвестицияларини қабул қилувчи мамлакатдаги хукуқий муҳит муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у давлатнинг инвестицияларга бўлган муносабатини белгилаб беради. Портфель инвестицияларни киритишида дивидендлар ва капитални эркин ўтказиши, капиталдан олинадиган даромадларга нисбатан солиқлар миқдори, қимматбаҳо қофозлар бозорини тартибга солиши, низоларни ҳал қилиш механизмларининг самарадорлиги, миллый брокерлар ва васийлар институтининг мавжудлиги, инвестиция хукуқларининг ҳимояланганлик даражаси, бухгалтерия ҳисботининг хусусиятлари, тижорат ва бошқа ахборотларни сақлаш тартиби каби омилларнинг роли юкори бўлиб, тизим қўринишида амал қиласди.

Ўтиш мамлакатлари иқтисодиётига жалб этилаётган тўридан-тўғри ва портфель инвестициялар ўртасидаги нисбатни Россия мисолида таҳлил қиласиз.

Россия иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар таркиби таҳлили кўрсатишича, хорижий инвесторлар Россия худудида ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиши рискини зиммасига олишга тайёр эмас. Шу билан бирга улар Россия банк тизимини кредитлашшига катта маблағлар ажратишмоқда (5.3.3-жадвал). Агар 1995 йилда Россия иқтисодиётига сарфланган жами инвестициялар ҳажмида ТТХИ ҳиссаси 2/3 қисмини ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 1/4 қисмга teng бўлди. Хорижий инвесторлар тадбиркорлик рискини максимал даражада Россия томонига йўналтириб, ўзларининг асосий эътиборларини кам рискли кредит муносабатларига қаратмоқдалар.

Юқоридаги сабабларга кўра Россия банклари миллый инвестицион лойиҳаларни, шу жумладан, узоқ муддат мобайнида қопланадиган лойиҳаларни молиялаштирумадилар. Таҳлиллар кўрсатишича, Россия банкларининг капиталлашиш даражаси паст бўлганлиги учун ҳам 2008 йилга қадар биронта тижорат банки 10 млн. доллардан ошиқ қийматга эга бўлган инвестицион лойиҳани молиялаштирумagan. Шу билан бир қаторда Россия банклари 2008

йилнинг кузига қадар узоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олишни кредитлашибди. Натижада Россияда қуйидагича шакъланган молия схемаси вужудга келди: Россия банклари Farb банкларидан истеъмол кредитлари бериш учун синдициялашган кредитлар олдилар ва шу орқали хориждан Россияга импорт қилинчаётган ёки унинг ҳудудига импорт қилинган эҳтиёт қисмлардан йифилаётган маҳсулотларга бўлган талабнинг ошишига ўз ҳиссаларини қўшилар. Мамлакатда углеводородларнинг жаҳон бозорида ўсиб бораётган баҳоси туфайли олинган валюта тушумлари устун даражада хорижда ишлаб чиқарилган товарларнинг истеъмол талабига айлантирилди.

5.3.3-жадвал

Россия иқтисодиётига жойлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми ва таркибининг ўзгариши (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)¹⁰⁷

	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
ТГХИ	67,7	40,4	24,4	24,8	23,0
Портфель инвестициялар	1,3	1,3	0,8	5,8	3,5
Бошқа инвестициялар	31,0	58,3	74,8	69,4	73,5

Россияда хорижий инвестициялар 1995 йил даражасидаги нисбатда ТГХИга сарфланганида жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзининг оғирлиги россиялик ва хорижий инвесторлар ўтасида тенг тақсимланган бўлар эди. 2008 йилда юқоридаги сабабларга кўра Россиядан четта чиқиб кетган хорижий инвестициялар ҳажми 130 млрд. долларни ва 2009 йилда 53 млрд. долларни ташкил этди.

Ўзбекистонда эса аксинча, илмий асосланган ва яхши ўйланган инвестиция сиёсати туфайли ТГХИнинг жами жалб этилган хорижий инвестициялар таркибида улуши 2000 ва 2008 йилларда 14,4% дан 80,8% га етди¹⁰⁸. Яъни мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестициялар узоқ муддатга жойлаштирилган ТГХИ «узун пуллар» бўлиб, миллий иқтисодиётига жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзининг салбий таъсирини камайтириш ва юмшатишида муҳим омил бўлди.

¹⁰⁷ Алексеев А.В. Кризис как предчувствие. //ЭКО, №3, 2009. С.40.

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

5.4. Инвестицион рисклар ва уларнинг хусусиятлари

Инвестицион риск деганда инвестицион маблағларнинг бир қисми ёки барчасини йўқотиш ҳолати юзага келиши мумкинлиги тушунилади. Иқтисодиёт назарияси «инвестиция» тушунчасига мамлакат ичидағи ёки ундан ташқаридаги турли тармоқларга фойда олиш мақсадида узоқ муддатга давлат (хусусий) капиталининг қўйилиши сифатида таъриф беради.

Инвестицион риск умумий молиявий рискларниң таркибий қисми бўлиб, ўзида молиявий йўқотишлар эҳтимолини ва инвестициялардан даромадларни тўлиқ ололмаслик ёки қўшимча инвестицион харажатларнинг пайдо бўлишини намоён этади. Молия бозорида фаолият юритиш жараёнида инвестор турли хил рискларга учраши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур. Молия бозори дастакларининг кўпсонли рисклар таъсирига тушишидан келиб чиқиб, инвестицион рисклар тизимли ва тизимсиз турларга ажратилади.

Тизимли рисклар – бу бозор фаолиятидан келиб чиқадиган рисклар ҳисобланади. Молия бозори объектив равишда камайтириш имкони бўлмаган даражадаги тизимли рисклар таъсирида бўлади. Тизимли рисклар, асосан, умумий макроиктисодий ҳолатлар билан боғлиқ. Шу сабабдан ривожланаётган мамлакатлар молия бозорларидаги инвестициялаш жараёни ривожланган мамлакатлар молия бозорларидаги инвестициялаш жараёнига нисбатан кўпсонли рисклар билан боғлиқ, деб ҳисобланади. Тизимли рискларга қўйидагилар киради:

Сиёсий рисклар

- экспроприация, мусодара характеристидаги солиқ солиш риски;
- инвестор учун ноқулай иқтисодий сиёсат олиб бориш натижасида (миллий валюта курсининг ўзгариши, фоиз ставкалари ёки инвестициялар даромадлилигининг қисқариши, давлат эҳтиёжлари билан боғлиқ иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни чеклаш билан боғлиқ) келиб чиқсан риск.

Иқтисодий рисклар

- умумий банк инқирози, дефолт риски;
- сузуб юрувчи алмашув курси шароитида миллий валюта курсининг халқаро валюталарга нисбатан ноқулай ўзгариши риски;
- депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг негатив ўзгаришлари туфайли йўқотиш рисклари.

Форс-мажор

- инсонга боғлиқ бўлмаган, енгиб бўлмайдиган, асосан, табиий оғатлар ва геосиёсий характеристидаги шароитлардан келиб чиқадиган рисклар.

Хүкүккүй рисклар

- миллий қонунчиликда, шу жумладан, солиқ солиш тизимидағи ўзгаришлар натижасыда юзага келадиган рисклар;
- қонунчиликни изоҳлашдаги ўзгаришлар натижасыда келиб чиқадиган рисклар. Ривожланаётган мамлакатларда қонунчilik тизими яхши ривожланмаган бўлиб, хусусий ва интеллектуал мулкни ҳимоялашни таъминлайдиган қонунлар ишлаб чиқишмоқда. Шу сабабдан, инвестицияларни тартибга солувчи қонунқоидаларнинг қарама-қарши йўналишда, ўзбошимча талқин этилиши хавфи мавжуд. Шунингдек, маҳаллий, худудий ва умумдавлат қонунчилиги манфаатларининг тўқнашуви ҳавфи мавжуд.

Ривожланаётган мамлакатлар солиқ тизими аста-секин такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Натижада, турли қонун ва тартибларнинг ҳозирги талқини келажакда қарама-қарши томонга ўзгариши мумкин. Инвестицион маблағларнинг эгалари инвестицион қарор қабул қилишда солиқ тизими билан боғлиқ рискларни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Тизимсиз рисклар — инвестициялашнинг алоҳида обьектлари ёки уларнинг бир грухи дучор келиши мумкин бўлган рисклар.

Ушбу рискларни «уникал рисклар» ёки «индивидуал рисклар» деб аташади ва улар аксарият ҳолларда, алоҳида молиявий инструментлар (масалан, аниқ компаниянинг қимматли қофозлари)га хос бўлади. Тизимсиз рискларга қуйидагилар киради:

— нарх риски — нархларнинг нокулай ўзгариши натижасыда келиб чиқадиган рисклар.

— ликвидлик риски — маълум вақтда кутилган нархда активларни сотиш ёки сотиб олишда вужудга келиши мумкин бўлган қийинчилклар (жумладан, етиб бўлмайдиган контрагентлар).

— эмитентнинг банкротлиги риски — қимматбаҳо қофоз эмитентининг тўловга қодир эмаслигининг бошланиш риски. Ушбу ҳолат бундай қимматли қофоз (акция) нархининг кескин тушишига ёки унинг (облигация ва бошқа қарз қофозлари) қарзини тўлашга имкон бўлмаслигига олиб келади. Маблағларни давлат, муниципал ва корпоратив облигацияларига инвестициялашда эмитентнинг ўз мажбуриятлари бўйича дефолти риски мавжуд. Муниципал ва корпоратив облигациялар бўйича дефолт ҳолати беқарор иқтисодиётга эга мамлакатлар билан бир қаторда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ҳам бўлиши мумкин. Бошқарувчи компания энг ишончли қимматбаҳо қофозларни сотиб олиш орқали дефолт рискини камайтиришга ҳаракат қиласди.

Тармоқ рисклари

— Маълум бир тармоқнинг самарасиз фаолияти риски. Ушбу ҳолат тармоқдаги компаниялар фаолиятида ва улар томонидан чиқарилган қимматли қофозларнинг ликвидлиги кўрсаткичлари ва нархларига салбий таъсир кўрсатади. Аксарият ҳолларда ушбу тармоқдаги салбий ҳолат бошқа тармоқдаги боғлиқ компанияларга ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, Россиядаги иқтисодиётнинг қазиб чиқариш тармоқлари (нефть, газ, боксит, минераллар қазиб олиш) энг заиф ҳисобланади, чунки ушбу маҳсулотларнинг нархи жаҳон бозорининг ўзгарувчан конъюнктурасига боғлиқ бўлади.

Инфратузилма рисклари

— Операцион (техник, технологик, кадр) риск – аҳборот, электр ва бошқа тизимларнинг носозлиги, мос эмаслиги, қимматли қофозлар бозори инфратузилмасининг мукаммал эмаслиги билан, операцияларни амалга ошириш технологияси, бошқарув тартиби, ҳисоб ва назорат, «инсон омили» таъсирида ташқи ҳодисалар таъсири билан боғлиқ хатолар туфайли келиб чиқадиган бевосита ва билвосита йўқотишлар риски.

— Пай фондларига хизмат кўрсатаётган ташкилотларнинг қарзларни тўлай олмаслик ёки ҳалол бўлмаган фаолияти риски:

- маҳсус депозитарийнинг;
- маҳсус регистраторнинг;
- компания бошқарувчисининг
- баҳоловчининг
- аудиторнинг.

Умумий ҳолатда инвестицион рискнинг иқтисодий табиати турли белгилар асосида таснифланиши мумкин.


5.5. Ўзбекистонда инвестиция сиёсати

Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг мақсади хўжалик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил қилиш асосида мамлакатнинг инвестиция салоҳиятини оширишдан иборат. Оқилюна инвестиция сиёсати, биринчи навбатда, инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиши ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилиши лозим. Инвестиция сиёсати миллий ва хорижий инвесторларнинг хўжалик фаолиятини юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиши керак. Бунда

корхоналар ва аҳолининг инвестиция фаолигини рафбатлантириши ҳамда республика иқтисодиётiga хорижий капитални кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Ўзбекистонда инвестиция сиёсати ислоҳотларнинг дастлабки босқичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган эди. Шу мақсадда Давлат инвестиция дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ушбу дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодий ривожланиш суръатларини барқарорлашибди имконини берди (5.5.1-расм).

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида амалга оширилаётган инвестиция сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ва стратегик мақсадларини белгилаш, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятдаги роли ва ўрнини аниқлаш имконини берди.



5.5.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши динамикаси (утган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)¹⁰⁹

Бозор муносабатларига ўтиш даврида мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган асосий тармоқларни ривожлантириш устувор ўйналиш деб белгиланди. Маблағлар, биринчи навбатда машинасозлик, ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари, рангли металлургия, кимё саноати каби соҳаларга йўналтирилди, янги самарали тармоқ — автромобилсозликка асос солинди. Асосий тармоқлар

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

билин бир қаторда, республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган – ишлаб чиқариш комплекслари, енгил ва озиқ-овқат саноатлари ривожланди. Маклакатнинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун транспорт ва телекоммуникация тизимлари шакллантирилмоқда ва улар ички алоқаларни ривожлантириш билан бирга яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам таъминламоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, инвестиция сиёсатининг макродаражадаги бош мақсади қайта ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мамлакат молдий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, умумиқтисодий тараққиётига эришишга (ялпи ички маҳсулот, ҳажмининг ўсиши, янги иш жойлари миқдорини кўпайтириш киритилган маблағлар самарадорлигини ошириш)га қаратилган инвестиция жараёнларининг давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-куватланишининг таъсирчан тизимини яратишдир. Микродаражада у хўжалик субъектлари томонидан фойда (даромад) олиници мақсадига бўйсундирилган.

Мазкур мақсадга мувофиқ давлат инвестиция сиёсатининг асосий вазифаларини куйидагича таърифлаш мумкин:

- инвестиция фаолиятини жонлантириш учун қулай шартшароитлар яратиш;
- таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган мақсадли йўналтирилган сиёсат юритиш;
- маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳони бозоридаги рақобат-бардошлигини таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида устувор тармоқларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш;
- инвестиция лойиҳаларининг танлов асосида давлат томонидан молиялаштирилишини амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида «очиқ» иқтисодиёт сиёсатини олиб бориш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- курилиш материаллари ва пудрат ишлари бозорини ривожлантириш.

Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркибида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди (5.5.1-жадвал).

Таҳлиллар кўрсатишича, саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 14,2% дан 2009 йилда 24,0% гача ошиган. Умуман, 2000 – 2009 йилларда саноат тармоғи ва хизмат соҳалари барқарор суръатларда ривожланиб, уларнинг ЯИМдаги

улуши кескин ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ЯИМдаги улуди эса 18,0% га қадар пасайган. Шу билан бирга мамлакат ЯИМ таркибининг такомиллашиб, унда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари улушининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англатади. Шунингдек, ЯИМ таркибидағи соф соликлар ҳиссанинг 7,0% га қадар қисқарганлиги мамлакатимиздаги солик юкиниңг пасайиб бораётганлигини кўрсатади.

5.5. 1-жадвал


**Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркиби
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)¹¹⁰**

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Жами	100,0									
Саноат	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	20,7	22,1	24,0	22,3	24,0
Қишлоқ хўжалиги	30,1	30,0	30,1	28,6	26,4	25,0	24,0	21,7	19,4	18,0
Қурилиш	6,0	5,8	4,9	4,5	4,8	4,9	5,1	5,5	5,6	7,0
Хизматлар соҳаси	37,2	38,2	37,9	37,4	37,2	38,4	39,5	39,4	43,3	44,0
Соф соликлар	12,5	11,9	12,6	13,7	14,1	11,0	11,1	9,5	9,3	7,0

Мамлакатимиздаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошиб, унинг ўсиш суръати 2009 йилда 124,8% ни ташкил этди ва 2010 йилда 122,1% ни ташкил этиши кутилоқда (5.5.2-расм).

Инвестиция сиёсатини амалга ошириш воситалари ва усуллари инвестицияларнинг турли йўналишларда сарфланиши ва жойлаштирилишини рағбатлантиради. Инвестиция қўйилмаларининг амалдаги самарадорлиги олинган фойдага асосланиб баҳоланади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг миқдори ва ўсиш суръатлари иқтисодиётта йўналтирилаётган инвестицияларнинг миқдори ва таркибига боғлиқ. Таҳлил этилаётган даврда ялпи ички маҳсулотнинг капитал сигимкорлигини акс эттирувчи ICOR самарадорлиги кўрсаткичи 2000 йилда 6,6 га тенг бўлган ҳолда, 2009 йилда 3,2 ни ташкил этди. Жаҳон банки маълумотларига кўра ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 2,4 га тенг (5.5.2-жадвал).

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.



5.5.2-расм. Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг йиллар давомида үсиш динамикасы (фоиз ҳисобида)¹¹¹

5.5.2-жадвал

Инвестицион соһадаги макроиктисодий күрсаткышлар динамикасы¹¹²

Күрсаткышлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
ЯИМда инвестицияларнинг улуши	22,9	24,2	19,3	19,3	20,3	20,8	19,5	19,4	23,0	26,1
ЯИМ күшімчалардың үсишінинг капитал сиямкорлығы, ICOR ¹¹³	6,6	5,4	6,4	4,3	2,5	2,9	2,8	2,1	2,6	3,2

¹¹¹ Узбекистон Республикаси Давлат статистика құмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹¹² Узбекистон Республикаси Давлат статистика құмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹¹³ ЯИМнинг (күшилган қыймат бүйіча) капитал сиямкорлығининг күшімчалардың үсиш суръати күйидеги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$ICOR = \frac{I}{\Delta ЯИМ}$$
, бу ерда: I – ЯИМда капитал қўйилмаларнинг улуши (%); $\Delta ЯИМ$ – ЯИМнинг ўтган йилга нисбатан күшімчалардың үсиш суръати (%)

ICOR коэффициентини ҳисоблаш методига асосланиб, даромад ўсишининг капиталга нисбати кўрсаткичи ўтган йилги ялпи инвестицияларнинг (ЯИМга нисбатан фоизда) жорий йилдаги ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбати сифатида аниқланади. Бошқача сўз билан айтганда, ўтган йилги инвестициялар ҳажми жорий йилдаги ЯИМнинг ўсишида ўз натижасини беради. Тадқиқ этилаётган ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётiga киритилган ўртacha 3,2 сўмлик инвестициялар ЯИМнинг қўшимча 1 сўмлик ўсишини таъминлаган. Жаҳон амалиётида иқтисодий ўсишнинг ижобий суръатини таъминлаш учун бу кўрсаткичнинг нисбати 3:1 ҳисобланади.

Республикада амалга оширилаётган инвестиция сиёсати тармоқ жиҳатдан Ўзбекистоннинг нисбий иқтисодий афзалликларини рўёбга чиқаришга қаратилган ва мавжуд илмий-техникавий салоҳиятни максимал даражада ишга солиш, иқтисодиётда экспортта йўналтирилган ва импорт ўрнини қопловчи ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш, самарацорлигини ошириш ва уларни янада чуқурроқ қайта ишлаш каби йўналишларни ўз ичига олган.

5.6. Ўзбекистондаги инвестиция муҳити

Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-хукуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидан иборат. Инвестиция муҳити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртacha иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сифими, товарларни ташки бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиқقا тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бўён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисми давлатнинг қонунчилик базасидир. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қарор топган нисбатан қисқа давр мобайнида инвестиция соҳасида ишончли меъёрий-хукуқий база яратилди.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-кувватлаш тизими кўп сонли қонунчилик-хукуқий ва меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, куйидагиларни ўз ичига олади: қонунлар ва мамлакат

Президентининг фармонлари; қарорлари; республика ҳукумати қарорлари ва дастурлари; ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникикавий ривожланишнинг комплекс ва давлат дастурлари; ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар; вазирлик ва идораларнинг низомлари, йўриқномалари, стандартлари, қоидалари ва ҳоказ; ҳудудий бўғинлар ва хўжалик субъектлари доирасида амал қўладиган низомлар ҳамда уставлар ва ҳоказолар.

Мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантирадиган омиллар комплекси қўйидаги чизмада келтирилган (5.6.1-жадвал).

Иктиносидётдаги инвестиция муҳити, биринчи навбатда, мамлакатдаги иктиносидий барқарорлик билан белгиланади. Мамлакатдаги иктиносидий аҳволни таърифлайлигидан асосий кўрсаткичлар (ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши суръатлари, ташқи иктиносидий алоқаларнинг ривожланиши даражаси ва ҳоказолар) айни вақтда етарлича барқарор динамикага эга ва қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда салмоқли кафолат ҳисобланади.

Инвестиция қабул қилувчи мамлакат ички бозори сифимининг катталиги хорижий инвесторлар учун муҳим омил ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистоннинг ички бозори истеъмол товарлари билан ҳали тўлиқ тўйинтирилмаган, шу боис аҳоли ялпи тарабининг сезиларли қисми импорт ҳисобига қондирилади.

Капитални ташқаридан жалб қилишга ёрдам берадиган омил хорижий тадбиркорларга инвестициялаш учун қулай муҳитни шакллантиришга кўмаклашадиган рағбатлар тизимини таклиф қилишидир. Республика қонунчилиги томонидан мустақил йилларида қабул қилинган имтиёзлар ва рағбатлар етарли миқдорда бўлиб, инвесторлар фаолиятининг ҳамма жиҳатларини қамраб олган.

Ўзбекистон юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган етарлича ривожланган саноат ва илмий-техникикавий салоҳиятга эга. Республикада кўп тармоқли саноат салоҳияти мавжудлиги туфайли автомобиллар, самолётлар, трансформаторлар ва аккумуляторлар, турли электротехника буюмлари, электроника, лифтлар, гидронасослар, тракторлар, пахта териш комбайнларининг янги модификациялари каби илмий тараққиётга асосланган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишга эришилди.

Республиканинг хорижий инвесторлар учун юқори жозибадорлигининг яна бир муҳим омили бой ресурс базасининг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитининг яратилгани боис қисқа мuddатда йирик хорижий инвесторлар билан кенг қўламли инвестициялар бўйича шартномалар имзоланган. Ушбу шартномалар асосида автомобилсозлик,

нефть-кимё, электроника тармоқлари вужудга келди. темир йўл вагонлари ишлаб чиқарадиган ва вертолётларни таъмирлайдиган, техник ойна, ип-газлама, турли хил тикувчилик буюмлари ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар барпо этилди.

5.6. 1-жадвал

Мамлакатнинг инвестиция муҳити ва уни келтириб чиқарадиган омиллар

Омиллар	Мазмуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта-пул тизими барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сиғимининг катталиги, инфляция дараражаси, ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари.
Хуқуқий база	Янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқарадиган фармонлар, қарорлар, низомлар, йўриқномаларнинг мавжудлиги.
Табиий хом ашё ресурслари	Минериал, хом ашё, ёқилиғи-энергетика ва сув ресурслари заҳиралари, қишлоқ хўжалиги хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмлари.
Меҳнат ресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик дараражаси хизматчилар даромади дараражаси, кадрларнинг малака дараражаси.
Ишлаб чиқаришнинг техник базаси	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш дараражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби, асосий фондларининг эскириши дараражаси.
Илмий-техника салоҳияти	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари. Инвестиция таваккалчилик дараражаси. Ишлаб чиқаришнинг техник жихозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва ИТГКИ соҳасини ривожлантириш ҳолати, маҳсулотнинг фан сиғимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш.
Молия-кредит тизими	Солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик дараражаси. Нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати.
Инфратузилма	Банк тизими ривожланиши ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, сугурта соҳаси тармоғининг ишончлилиги.
Экологик вазият	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш дараражаси, радиацион фон, зарарли чиқиндишлар.

Энергетика, қора ва рангли металлургия, ёнилғи ва тұқымачилик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари каби иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини техник модернизациялаш амалга оширилди. Хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши гүшт-суг маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни қайта ишлашнинг моддий-техника базасини кескин янгилашта берди.

Маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, қайта ишловчи тармоқларнинг мамлакат саноат мажмуасидаги улушкини күпайтириш экспортнинг янги тузилмасини шакллантиради, унда салмоқли үрин тайёр буюмлар ва чуқур қайта ишлаш даражасига етказилган маҳсулотлар эгаллаган.


Инвестиция муҳитини шакллантиришда инфратузилма бўғинларининг ривожланганлик даражаси, яъни хорижий капиталнинг оқиб келишига хизмат қилувчи, қўллаб-куватловчи ташкилотларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият қасб этади.

Мамлакатимиздаги инвестиция жараёнларининг такомиллашиб бораётганлигини намоён этувчи яна бир жиҳат – давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, «... ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлади»¹¹⁴. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси шуни кўрсатадики, агар 2005 йилда давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағларнинг 36,2%ни республика бюджети, 63,8% и маҳаллий бюджет ҳисобига таъминланган бўлса, 2009 йилда бу нисбат тегишли равишда 35,5% ва 64,5% ни ташкил этади (5.6.1-расм). Бу эса инвестиция жараёнларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг иштироки ва роли кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

2009 йилда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари бўйича муҳим ишлаб чиқариш обьектларининг барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилди. «Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг

¹¹⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. 19-б.

303 таси мұвафаққиятлы яқунланды. Республикаизда жами 22 та иирик ишлаб чиқарып объекті, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди.



5.6.1-расм. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикасы (млрд. сұм)¹¹⁵

2009 йилда «Фаргонаазот» ва «Максам-Чирчик» корхоналарида аммиак агрегатларини реконструкция қилиш, Наманган шаҳрида енгил автомобиллар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқарадиган завод, Бухоро шаҳрида «ДЭУ текстиль» тұқымачилек комплекси қурилиши каби стратегик лойиҳалар ниҳоясига етказилди».

Фаргона водийсіни электр энергияси билан мунтазам таъминлаш имконини берадиган, «Янги Ангрен – Ўзбекистон» ЛЭП-500 электр узатыш линияси, Қамчиқ довони орқали ўтадиган узунлиғи 165 километрлик «Оҳангарон – Пунгон» магистраль газ қувури, «Ғузор – Сурхон» юқори вольтли электр узатыш линияларини қуриш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакатда ягона электр ва газ тармоғи тизими яқунланди¹¹⁶.

2009 йилда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида ушбу соҳага жами 2,5 млрд. доллар миқдорида капитал маблағлар йўналтирилди. Бу ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажмининг 27,8% ини ташкил этади.

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹¹⁶ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёті ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 43 – 44-б.

Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, айниқса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий обьектлар – болалар бөгчалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари ва ақадемик лицейлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт ҳамда маданият иншоотлари ва бошқаларнинг барпо этилиши пировардидаги ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига жиддий таъсир кўрсатади.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2009 йилда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган натижалар мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг янада яхшиланганинидан, бу эса, ўз навбатида иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятининг кентайтганлигидан дарак беради.

Асосий тушунчалар

Инвестиция сиёсати – инвестиция фаолиятини жонлантириш, иқтисодиётни юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида иқтисодий субъектлар учун қулай хўжалик юритиш шароитларини яратишга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуидир.

Давлатнинг ташқи инвестиция сиёсати – бу ташқи инвестицион оқимларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тизимиdir.

Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндишидир.

БЕРИ индекси – инвестициялаш борасидаги қўшма лойиҳаларни ва қўшма корхоналарни ташкил этишдаги рискларни ҳисобга олишида хорижий инвесторлар фойдаланадиган индексидир.

Инвестицион риск – инвестицион маблағларнинг бир қисми ёки барчасини йўқотиш ҳолатининг юзага келиши мумкинлигини ифода этувчи рискидир.

Тизимли рисклар – бозорнинг фаолиятидан келиб чиқадиган рисклардир.

Сиёсий рисклар – экспроприация, мусодара характеристидаги солиқ солиш, инвестор учун нокулай иқтисодий сиёсат олиб бориши натижасида келиб чиқадиган рисклардир.

Иқтисодий рисклар — умумий банк инқизорзи, дефолт риски, сузиг юрувчи алмашув курси шароитида миллий валюта курсининг халқаро валюталарга нисбатан нокулай ўзгариши, депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг негатив ўзгаришлари туфайли йўқотиш билан боғлиқ рисклардир.

Форс-мажор - инсонга боғлиқ бўлмаган, енгиб бўлмайдиган, асосан, табиий оғатлар ва геосиёсий характердаги шароитлардан келиб чиқадиган рисклар.

Ҳукуқий рисклар - миллий қонунчилик, солиқ солиш тизими, қонунчиликни изоҳлашдаги ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган рисклар.

Тизимсиз рисклар — инвестициялашни алоҳида объектлари ёки уларни бир гурӯҳи дучор бўлиши мумкин бўлган рисклардир.

Нарх риски — нархларнинг нокулай ўзгариши натижасида келиб чиқадиган рисклар.

Ликвидлик риски — маълум вақтда кутилган нарҳда активларни сотиш ёки сотиб олишида вужудга келиши мумкин бўлган қийинчилклардир.

Эмитентнинг банкротлиги риски — қимматбаҳо қоғоз эмитентининг тўловга қодир эмаслигининг бошланиши риски.

Тармоқ риски — маълум бир тармоқнинг самарасиз фаолияти риски.

Инфратузилма рисклари — ахборот, электр ва бошқа тизимларнинг носозлиги, мос эмаслиги, қимматбаҳо қоғозлар бозори инфратузилмасининг мукаммал эмаслиги, операцияларни амалга ошириш технологияси, бошқарув тартиби, ҳисоб, назорат, «инсон омили» ва ташқи ҳодисалар таъсиридаги йўқотишлар билан боғлиқ рисклар.

Назорат саволлари:

1. Инвестиция сиёсати нима?
2. Давлатнинг ташқи инвестиция сиёсати нима ва у қандай омиллар таъсирида шаклланади?
3. Инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг қандай моделлари мавжуд?
4. Инвестиция муҳити нима ва у қандай омиллар таъсирида шаклланади?
5. Инвестиция муҳитини баҳолашнинг қандай усуллари мавжуд?
6. Тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳитининг ўрни қандай?

7. Инвестицион рисклар нима ва уларнинг қандай турлари мавжуд?

8. Тизимли рисклар нима ва уларнинг қандай турлари мавжуд?

9. Тизимсиз рисклар нима ва улар қандай турларга бўлинади?

10. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг муҳим хусусиятлари ва устувор йўналишлари нималардан иборат?


11. Ўзбекистонда инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи омиллар нималардан иборат?

VI БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ЭРКИН ИҚТISODIЙ ЗОНАЛАРНИНГ ЎРНИ

6.1. Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) тушунчаси, келиб чиқиши ва ташкил этишдаги ёндашувлар

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ва жаҳон хўжалик тизимиға чуқурроқ интеграциялашиш ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда жаҳонда ЭИЗнинг 30 га яқин турлари мавжуд.

Эркин иқтисодий зоналар – шундай географик ҳудудки, унда мамлакатда қабул қилинган хўжалик фаолияти тартибиға қараганда имтиёзли солиқ тӯлаш тартиби жорий этилади. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу ҳудудда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви камайтирилади ва бу миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган маълум имтиёзлар тизими жорий этилади (6.1.1-расм).




6.1.1-расм. Эркин иқтисодий зоналарнинг моҳияти

Иқтисодий адабиётда биринчи марта эркин иқтисодий зонага 1973 йил 18 майда Киото конвенциясида расмий таъриф берилган. Унда айтилишича, бир мамлакат ҳудудида ташкил қилинганд ЭИЗга киритилган маҳсулот мамлакат божхона ҳудудидан ташқарида ҳисобланиб, одатдаги божхона текширувидан ўtkазилмайди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакат ҳудудининг алоҳида қисмидаги иқтисодий эркинлик бутунлай эмас, балки қиёсий ҳисобланади.

Ушбу ҳудуд эркинлиги унга киритилган маҳсулот божхона тўловлари, импортга нисбатан иқтисодий сиёsat чораларидан озод қилиниши билан белгиланади ва ЭИЗга ташқаридан келтирилган маҳсулотлар декларация қилинмайди. Бироқ, шу билан бирга, қонунлар маҳсулот эгалари ва инвесторларни иқтисодий тартиблардан озод қилмай, уни енгиллаширади.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тарихида икки хил ёндашув мавжуд: ҳудудий ва функционал (6.1.2-расм). Ёндашувларнинг асосида ягона преференциал (имтиёзли) ҳўжалик тартиби ётган бўлса-да, уларни бир-биридан фарқлайдиган тафовутлар мавжуд.

Биринчи ёндашувга кўра, имтиёзлар тартибидан ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар фойдаланади. Иккинчи ёндашувга кўра эса, маълум турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар учун уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар, имтиёзлар яратилади. Қайд этиб ўтилган икки ёндашувдан бирини танлаш мазкур эркин иқтисодий зонани ташкил этишдан кўзланган мақсаднинг қандайлигига боелиқ. Ҳудудий ёндашув аксарият ҳолларда маълум минтақанинг ривожланиш муаммосини ҳал қилса, функционал ёндашув эса иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ёки алоҳида устувор соҳани ривожлантиришга қаратилган бўлади.



6.1.2-расм. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишининг ҳудудий ва функционал турлари

Функционал ёндашув эгилувчанроқ бўлиб, «нуқта ҳудудлар» деб аталмиш ҳудудларни ташкил этиш имконини беради. Ушбу ёндашув инвесторлар учун нисбатан қулай бўлиб, уларнинг мамлакат ҳудудининг қаерида бўлиши чегараланмаган. Жаҳон амалиётида ҳудудий ёндашув кўпроқ қўлланилмоқда.

Умуман, эркин иқтисодий зоналарни жорий этишдан мақсад куйидагилар ҳисобланади:

- миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш;
- миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашув даражасини ошириш;
- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- самарали аҳоли бандлигини таъминлаш;
- муайян ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини ошириш асосида бутун мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш;
- ёпиқ турдаги иқтисодиётдан очиқ турдаги иқтисодиётга ўтиш;
- ҳудуднинг инновациявий имкониятларини ошириш.

6.2. ЭИЗнинг мақсади, вазифалари ва турлари

Жаҳон амалиётидан маълумки, ЭИЗ тури мақсадларга эришиш учун ташкил этилади (6.2.1-расм).

Биринчидан, ЭИЗ ташкил этишдан мақсад миллий иқтисодиётнинг ҳалқаро меҳнат тақсимоти жараёнинг чуқур интеграциялашувини таъминлаш ҳисобланади. Рақобатбардош экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали валюта тушумларини кўпайтиришга эришилади. Агар мамлакат қандайдир сабабларга кўра хорижий тадбиркорлик капитали учун иқтисодиётнинг эркинлашувини таъминлай олмаса, унда эркин иқтисодий зона ташкил этиши орқали хорижий инвесторларга қулай инвестиция муҳитини яратиши мумкин.

Иккинчидан, ЭИЗ биринчи навбатда импорт ўрнини қопловчи маҳсулот ишлаб чиқариш, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш учун ташкил этилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун ҳудудда хорижий капитал ёрдамида импорт ўрнини қопловчи ишлаб чиқариш барпо этилади.

Учинчидан, ЭИЗни маҳсус ташкил этишда ҳалқаро меҳнат тақсимотига товар ишлаб чиқариш тармоқлари билан биргаликда туризм, маданият ва санатория-курорт соҳаларининг интеграциялашуви ҳам кўзда тутилади.

Эркин иқтисодий зоналар эволюцияси



6.2.1-расм. Эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиш босқычлари

Тұртингидан, ЭИЗ ишлаб чиқаришга хорижий технологиялар ва миллий илмий-техник янгиликларини татбиқ этиш орқали бутун миллий иқтисодиётда ундан фойдаланишни назарда тутади.

Бешинчидан, ривожланаёттан мамлакатлар учун малакали кадрлар тайёрлаш ва ұқитиши назарда тутади.

Олтингидан, маҳсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш бирор ҳудуд ёки соҳанинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш күзда тутади. Мисол учун АҚШ ва Буюк Британияда маҳсус иқтисодий ҳудудлар XX асрнинг 80-йилларида иқтисодий турғунлик ҳолатидаги ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ташкил этилған. Ушбу ҳудудларда ишбилиар моноларга мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан молиявий имтиёзлар ва хұжалик фаолияти әркинлиги берилади. Ушбу дастурлар хорижий капитални жалб этишни рағбатлантириш учун маҳсус йұналтирилған. Шу мақсадда қолоқ ҳудудларни ривожланған ҳудудларга айлантиришда асосий әътибор хорижий капитални жалб этишга қаратиласы.

Еттинчидан, айрим мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудуд иқтисодиётни модернизация қилишнинг минтақавий усули сифатида қаралади.

Махсус иқтисодий зоналар ўзининг умумий мақсадларига кўра ўхшаш, бироқ, уларнинг функциялари хилма-хил ҳисобланади. Махсус иқтисодий зоналарнинг турли-туманлиги, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиши қатор омилларга боғлиқ.

Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий зоналар хўжалик фаолиятининг ихтисослашувига кўра қуидаги турларга ажратилади: эркин савдо зоналари, саноат-ишлаб чиқариш зоналари, илмий-технологик (технопарклар, технополислар), оффшор марказлар, иқтисодий-экологик ва тор соҳага ихтисослашган зоналар (туристик) ва комплекс зоналар (6.2.2-расм).



**6.2.2-расм. Эркин иқтисодий зоналарнинг хўжалик фаолияти
ихтисослашувига кўра гурӯҳланиши**

Эркин иқтисодий зоналарнинг биринчи шакли **эркин савдо зонаси** (ЭСЗ) ҳисобланади. Бу дентиз порти ёки аэропортда жойлашган, ёки унга яқин чегараланган ҳудуд бўлиб, миллий божхона ҳудудидан ташқарида бўлади. Бу ерда сақлаш, саралаш ва қадоқлаш операциялари амалга оширилади. Эркин савдо зоналарида маҳсулотлар намойиши ва кейинчалик сотилиши ҳам кўзда тутилади. Бунда маҳсулот фақат ултуржи савдо шаклида сотиласди. Чакана савдо фақат дентиз ва ҳаво кемалари экипажи ва йўловчиларига сотиласди, бошка ҳолларда эса тақиқланади. Бундай зоналар катта инвестициялар талаб қилмайди ва тезда харажатни қоплайди.

Экспорт-ишлаб чиқариш зоналари. Экспорт-ишлаб чиқариш зоналари миллий божхона ҳудуди доирасидаги анклавлар сифатида тавсифланади. Мазкур ҳудудлар, одатда, халқаро портларга яқин жойлаштирилди ва асбоб-ускуналар, йигиш учун зарур эҳтиёт қисмлар ва материаллар ҳудудга иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда олиб кирилади. Импорт қилинаётган маҳсулот экспорт-ишлаб чиқариш зонасида қайта ишланади ва қабул қилувчи томоннинг божхона аралашувисиз экспорт қилинади. Божхона божини тўлаш фақат маҳсулот қабул қилувчи мамлакатнинг миллий божхона ҳудудига кириб борсагина амалга оширилади.

Экспорт-ишлаб чиқариш зонаси ҳукуматнинг алоҳида қарорлари асосида ташкил этилади. Ушбу қарорда ҳудудни бошқаришни шакллантириш масалалари, қўшимча имтиёзларни жорий этиш ҳамда бошқа ташкилий масалалар акс эттирилади.

Экспорт-ишлаб чиқариш зонасини ташкил этиш логистика, коммунал ва ижтимоий инфратузилмани яратиш, ҳудуд чегараларини ўраб олиш ва божхона назоратини таъминлаш билан боғлиқ бўлган катта миқдордаги молиявий харажатларни талаб этади. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ўртacha катталиктаги экспорт-ишлаб чиқариш зонасини ташкил ва ривожлантириш учун 50 млн. АҚШ доллари миқдорида харажат талаб этилади. Бунда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига товарларни контрабандада йўли билан олиб кириш хавфи саноат типидаги эркин божхона зонасига нисбатан сезиларли даражада камаяди.

Илмий-технологик зоналар. Илмий-технологик зоналарни (ИТЗ) эркин иқтисодий зоналарнинг алоҳида гуруҳига киритиш мумкин. Иқтисодий адабиётда улар технологик парклар, технополислар, илмий парклар, технологик марказлар, ишбилиармонлик марказлари деб аталади. Бу ҳудудларнинг ажралиб турадиган томони шундаки, мазкур ҳудудда илмий ва технологик

ишлиб чиқариш фаолияти йирик илмий-тадқиқот марказлари ва университетлар атрофида жойлашган фан сиғимкорлиги юқори бўлган, илм кўп талаб қиласидаги фирмалар шаклида бирлашади. Бундай худудларни ташкил этишдан мақсад саноатга материаллар, юқори малакали меҳнат ресурслари, янги замонавий технологияларни етказиб беришини мувофиқлаштириш ҳисобланади. Илмий технологик зоналар учун тоифага бўлинади:

1. Инновацион марказ – бу иқтисодий таркиби унча катта бўлмаган ҳудуд доирасида кичик, янги ташкил этилган компаниялар учун мўлжалланган.

2. Илмий парклар – бу етарлича катта ҳудуд бўлиб, унда турли ўлчам ва ривожланиш босқичидаги фан сиғимкорлиги юқори, илм кўп талаб қиласидаги фирмалар жойлашган бўлади. Улар унчалик катта бўлмаган ишлиб чиқариши маҳаллий илмий-тадқиқот марказларининг илмий-технологик изланишлари асосида йўлга кўйиш имконини беради.

3. Тадқиқот парки – бу таркиб доирасида илмий-техник янгиликлар техник тимсол босқичигача ишлиб чиқилади. Бундай паркларда саноат компаниялари, илмий-тадқиқот ва конструкторлик тажриба идоралари бирлашади.

Илмий-технологик зоналарнинг самарадорлигини белгиловчи мезон – бу янги технология, юқори малакали мутахассислар ва тадбиркорларни бир жойга тўплаш, уларни ўқув-тадқиқот ва тижорат ташкилотлари тармоқлари орқали қўллаб-куватловчи маҳаллий муҳитнинг яратилишидир.

Эркин иқтисодий зоналар орасида **оффшор зоналар** алоҳида гуруҳни ташкил этади. Уларнинг ЭИЗлардан фарқи шундаки, унда рўйхатдан ўтган корхона ҳеч қандай ишлиб чиқариш фаолияти билан шугулана олмайди. Оффшор юрисдикциянинг асосий белгиси солиқка тортишдаги имтиёзлар ҳисобланади.

Комплекс эркин иқтисодий зоналар. Амалиётда бир функцияни бажаришга ихтисослашган ҳудуд мавжуд эмас. Энг кўп тарқалган худудларга савдо, божхона, саноат, тадқиқот функцияларини бажаравчи комплекс худудлар киради. Улар турли функцияларни бажарадилар ва инвесторларнинг турли хил иқтисодий фаолият билан шугулланишларига имкон берадилар. Шу сабабли уларни ташкил этишда устувор функцияларни белгилаб олиш лозим. Айнан шу каби худудларда (шаҳар, туман, вилоятларни қамраб олувчи) янги маъмурӣ-худудий бирлик ташкил этилиши мумкин.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ЭИЗни барпо этишдаги асосий афзаллик хорижий инвесторлар учун яратиладиган имтиёзлар ва уларнинг катта ҳудудларни эгалламаслиги ҳисобла-

нади. ЭИЗда асосан божхона, солиқ ва молиявий фаолият билан боғлиқ имтиёзлар қўлланилади. ЭИЗ ўажми жиҳатдан ўртача 0,01 кв² км. дан 330 кв. км. гача бўлган ҳудудларни қамраб олиши мумкин (6.2.1-жадвал).

6.2. I-жадвал

Жаҳон амалиётида қўлланиладиган маҳсус иқтисодий зоналарнинг моделлари: ҳажми ва имтиёзлари таркиби¹¹⁷

Эркин зоналарнинг турлари	Майдони (кв. км)	Божхона чегараларининг мавжудлиги	Базавий имтиёзлар *	Асосий минтақалар/мамлакатлар
Эркин савдо зоналари	3 – 5 гача	Мажбурий	Божхона имтиёзлари	Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда йирик транспорт тутунлари
Саноат-ишлаб чиқариш зоналари:				
а) «нүктали»	1 – 2 гача	Йўқ	Божхона имтиёзлари	Бразилия, Мексика, Пуэрто-Рико, Филиппин, Кариб ҳавзаси
б) саноат парклари	0,1 – 0,5 1 – 20	Мажбурий эмас	Божхона имтиёзлари	Жануби-Шарқий Осиё, Мексика
Савдо-ишлаб чиқариш	1 – 4	Мажбурий	Божхона имтиёзлари	АҚШ
Кичик бизнес зоналари	0,01 – 3	Йўқ	Молиявий, солиқ имтиёзлари	Хиндистон, Яқин Шарқ, Аргентина, Франция
Илмий-технологик (илмий-ишлаб чиқариш)	2 – 20	Мажбурий эмас	Солиқ имтиёзлари	Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари
Оффшор молия марказлари	0,05 – 0,1	Йўқ	Солиқ имтиёзлари	Кариб ҳавзаси, Гонконг, Сингапур
Комплекс:				
а) маҳсус иқтисодий	16 – 330	Мажбурий	Солиқ, божхона, молия	Хитой
б) «Манаус» зонасига ўхшаш алоҳида режимга эга ҳудудлар	80 дан юқори	Ҳудуд қисмлари учун мажбурий	Солиқ, божхона, молия	Бразилия («Манаус»), Аргентина («Оловли ер»)
в) алоҳида иқтисодий зоналар	Маъмурӣ-ҳудудий тузилмалар доирасида (шахар, туман)	Алоҳида зонада жойлашган кичик (локал) ҳудудлар учун мажбурий	Солиқ, божхона, молия	Россия (Калининград вилояті)

* Маъмурӣ имтиёзлар барча турдаги зоналар учун базавий ҳисобланади.

¹¹⁷ Смородинская Н. Организация СЭЗ в Российской Федерации. Анализ политico-правовой базы и возможных перспектив. Информационно-аналитические материалы ЦБ РФ, – М.: 1996, выпуск №3. С.35.

Худуд чегаралари ва фаолият юритиш тартибига қараб эркин иқтисодий зоналар икки турға бұлғанади: анклав (ёпік) ва интеграцион. Анклав ЭИЗда ишлаб чиқарылған барча маҳсулот экспортта чиқарышта йұналтирилған бўлиб, мақсади эркин алмашиналигидан валютада даромад олишга қаратилған бўлади.

Интеграцион зоналар — миллӣ ва жаҳон иқтисодиёти билан узвий боғланған бўлиб, эркин фаолият юритиш тартибига эга. Халқаро меҳнат тақсимотига кенг жалб қилинган, бозор иқтисодиёти ривожланған мамлакатлар учун хос бўлган ҳудуд ҳисобланади.

6.3. ЭИЗни ташкил этиш ва бошқаришининг хориж тажрибаси

ЭИЗлар XX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодиётда энг кўзга кўринган институционал инновациялардан бири сифатида қайд этилган. Ўтган асрнинг 90-йилларида фақат мономиллий экспорт ишлаб чиқарыш ҳудудларининг ўзи 500 дан ортиқ эди.

Ўзининг жозибадорлиги билан ажralиб турувчи бу ҳудудларни ташкил этиш тажрибасини дунё мамлакатлари мисолида кўриб чиқиш ва ўрганиш мустақил республикамиизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар учун фойдалидир.

Саноати ривожланған мамлакатларда ЭИЗлар халқаро меҳнат тақсимотига кенг миқёсда жалб этилган. Бу хусусият мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ва характеристига боғлиқ. Чунки бу мамлакатлар иқтисодиётининг интеграциялашув даражаси жуда юқори ҳисобланади. Ривожланған мамлакатларда ЭИЗларнинг барча турлари мавжуд бўлиб, эркин савдо ҳудуди ҳамда эркин илмий-техник зоналар нисбатан кенг тарқалған ва ривожланған.

Саноати ривожланған мамлакатларда ЭИЗларнинг пайдо бўлиши 1934 йили АҚШда автомобилларни ишлаб чиқарыш борасида божхона ҳаражатларини пасайтириш орқали савдо фаолиятини рағбатлантириш мақсадида барпо этилган ташки савдо зонаси (Foreign Trade Zones) билан боғлиқ. ЭИЗлар омборлар, доклар, аэропортлар шаклида ташкил этилган. Ҳудудда экспорт учун ишлаб чиқарышга мўлжалланған товарлар божхона божларисиз импорт қилинади. АҚШ ички бозори учун ишлаб чиқарылған товарлар учун эса барча турдаги божхона тўловлари жорий қилинади.

Мутахассислар ташки савдо зоналарининг икки турини ажратиб кўрсатищади: умумий (УМСЗ) ва маҳсус (ММСЗ) мақсадлар учун мўлжалланған субзоналар.

УМСЗ АҚШ божхона хизмати назоратида бўлади ва қонунан божхона ҳудудидан ташқарида фаолият кўрсатадилар. Улар, одатда, омборхоналар, доклар, саноат парклари ва аэропортлар яқинида жойлашган бўлади. Компаниялар ўз фаолиятларини ММСЗ ҳудуди ичидаги доимий ёки вақтингчалик олиб боришлари мумкин. Улар бажарадиган операциялар таркибига ишлаб чиқариш фаолияти ҳам кириши мумкин. Аммо бундай фаолият кўпроқ УМСЗда амалга оширилади. ММСЗ алоҳида компанияларга (одатда, йирик ишлаб чиқарувчилар), яъни УМСЗ шароитига мослаша олмаган компанияларга имконият яратиб беради. Ҳозирги даврда АҚШда 200 дан ортиқ УМСЗ ва ММСЗлар фаолият кўрсатмоқда.

Эркин савдо зоналари Фарбий Европанинг деярли барча мамлакатларида мавжуд. Масалан, Германияда олтига порт-шаҳар эркин портлар ҳисобланади (Бремен, Бремерхафен, Куксхафен, Этден, Киль ва Гамбург). Бу портларда товарларни юклаш, тушириш, қайта юклаш, сақлаш, саралаш, ўраб-жойлаш ва сотиши амалга оширилади.

Иқтисодий жиҳатдан тарақкий этган мамлакатларда илмий-технологик зоналар алоҳида ўрин тутади. АҚШда ушбу турдаги зоналар илмий парклар сифатида фаолият кўрсатади. АҚШда 1973 йилдаёқ 84 та илмий-технологик зоналар мавжуд эди. Фақат Силикон водийсининг ўзида жаҳон компьютерлар ва ҳисоблаш техникаси воситаларини ишлаб чиқаришнинг 20% и амалга ошади. Яқин даврларда АҚШда яна мингга яқин илмий-технологик зоналар барпо этиш кўзда тутилган.

Ривожланаётган мамлакатлардаги ЭИЗни ташкил этиш тажрибасига кўра, бу мамлакатларда кўпроқ экспорт-ишлаб чиқариш ҳудудлари тарқалганилигини кўриш мумкин. Бу нарса ЭИЗнинг ривожланаётган мамлакатда бажараётган вазифаларидан келиб чиқади: мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш; иқтисодиётнинг юқори даражада саноатлашувига эришиш; мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоти, жаҳон хўжалиги, халқаро саводдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва ҳоказо.

Кўпинча, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг асосий концепцияси сифатида ЭИЗларни барпо этиш қабул қилинади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бундай стратегия ўзини оқлади. Ривожланган мамлакатларда барпо этилган экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари кўпроқ ички бозор учун ишласа, ривожланаётган малакатлардаги бундай ҳудудлар фаолияти ташқи бозор учун йўналтирилган бўлади.

Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлардаги ЭИЗлар жалб қилинаётган капитал таркибига кўра ҳам фарқ қиласди. Агар ривожланган мамлакатларда бу капитал кўпроқ миллий хусусий капиталдан ташкил топса, ривожланаётган мамлакатларда ушбу капитал кўпроқ хорижий хусусий капиталдан иборатдир.

Ривожланаётган мамлакатлардаги ЭИЗлар қилаётган харажатлар таркиби тахминан қўйидагича: бевосита давлат қўйилмалари – 2 – 3%, маҳаллий бюджетдан молиялаштириш – 12 – 15%, имтиёзли давлат кредитлари – 30 – 35%, тижорат таркиби ва хорижий инвесторлар томонидан молиялаштириш – 47 – 56%. Бу ерда ривожланаётган мамлакатлар ЭИЗларига хос хусусият келиб чиқади – ЭИЗлар орқали давлат томонидан хорижий инвесторлар учун қулай преференциал инвестиция муҳити яратилади. Ушбу мамлакатларда миллий хусусий инвесторлар учун турли чегаралар қўйилади. Уларнинг аксарият қисмига миллий инвесторларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг камида 90% ини экспортга чиқариш шарти билан капитал қўйишга рухсат берилади.

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар, хусусан, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ЭИЗни барпо этиш XX асрнинг 80-йилларидан бошланган. Бу ерда асосий мақсад марказлашган – режали миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти томон очиқлигини ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали кучайтириш бўлган. Ушбу мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим: миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатборошлигини ошириш; товарлар ва хизматлар экспортидан ҳамда хорижий инвестициялардан келадиган валюта оқимини кўпайтириш; импорт харажатларини камайтириш; янги турдаги маҳсулот ҳамда хизматларни ўзлаштириш ва бошқалар.

Санаб ўтилган мақсад ва вазифалар ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда ЭИЗни барпо этиш ҳамда уларни бошқаришда ўзига хос хусусиятларнинг шаклланишига олиб келди. Ушбу мамлакатлардаги ЭИЗни барпо этишнинг умумийлиги уларнинг «анклавлиги»дир. ЭИЗга хос хусусият эса худуднинг ташки иқтисодий режимини белгилашда юзага келади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, асосан, эркин тадбиркорлик зоналари ташкил этилади. Бизнинг фикримизча, улар экспорт – ишлаб чиқариш зоналарига тўғри келади. Уларга хос хусусият корхоналарнинг хизматлар экспорти, миллий ва хорижий хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлашдан иборатлигидадир. Бу зоналар давлатники (Руминия, Венгрия, Болгария), акционер (Польша) ва аралаш (Венгрия) бўлиши

мумкин. Уларга ажратилган ҳудудла тегишли инфратузилма яратилади, уни миллий иқтисодий субъектлар ижарага олишади ва хўжалик фаолиятини амалга оширишади.

ЭИЗларни ташкил этиш ва бошқаришда **Хитой тажрибаси** алоҳида ўрин тутади. Хитой тажрибаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ва ривожланаётган мамлакатлар ичидаги мувоффақиятли ҳисобланади. Мамлакатда ЭИЗни ташкил этиш ташаббуси 1979 йилда ХКП МК томонидан илгари сурилган ва дунё мамлакатлари билан илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга асосланган очик ташкил иқтисодий сиёсат олиб бориш кўзда тутилган.

Иқтисодий очиқлик дengiz соҳили, мамлакатнинг ички қитъа ва чегарага туташ районлари, Янцзи дарёси ҳавзаси орқали амалга оширилди. Хорижий инвестициялар асосан маҳсус ташкил этилган комплекс иқтисодий ҳудудлар орқали кириб келади.

Хитойда ЭИЗларни ташкил этиш ва бошқариш сиёсати миллий иқтисодиётга хорижий капитални жалб этиш сиёсати билан мос келди. Хитойда ЭИЗни ташкил этиш эволюциясини уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич – 1978 – 1982 йиллар. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳукуқий ва институционал асослари яратилди. Мазкур босқичда дастлабки маҳсус иқтисодий зоналар – Гуандун (Шэнжен, Чжухай, Шантоу) ва Фуцзянь вилоятларида (Сямъян) ташкил этилди.

Иккинчи босқич – 1983 – 1989 йиллар. Бу босқич хорижий инвесторлар билан шартномавий ҳукуқий асосдаги ҳамкорликнинг такомиллашуви, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ундан фойдаланишдаги давлат сиёсатининг эркинлаштирилиши билан ажралиб туради.

Учинчи босқич – 1990 йилдан ҳозирга қадар. 1990 йилда Шанхай шаҳри яқинида янги очик район Пудун барпо этилди. Бу район иқтисодий ва ҳукуқий тартибига кўра эркин иқтисодий зонага тўлиқ мос келади. Пудун районини ташкил этишдан мақсад Шанхай шаҳрини модернизация қилиш ва Янцзи дарёси ҳавзаси миintaқасини ривожлантириш эди. 1990 йилда унинг ҳудудида биринчи эркин савдо зonasи – «Вейгацио» ташкил этилди. Ушбу зона экспорт ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланади. Бу ердаги хорижий инвестициялар иштирокидаги 202 та корхонанинг 140 таси тўлиқ хорижий корхона ҳисобланади. Унинг ташкил этилишини мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига очилишини таъминлашдаги янги босқич сифатида баҳолаш мумкин.

Махсус иқтисодий зоналар экспорт, ишлаб чиқариш, савдо, илмий-ишлаб чиқариш вазифаларини бажаради. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири алоҳида фарқларга эга. Бу фарқлар солиқ ва божхона тартибida ўз аксини топади. Хитойдаги махсус иқтисодий зоналарнинг ўзига хослиги шундаки, ҳудуддаги корхонанинг ишлаб чиқариши ташқи бозорга йўналтирилган ҳисобланади. Маҳсулотларни ички бозорга сотиш ЭИЗ бошқарув органининг рухсати билан амалга оширилади ва улардан одатдаги тартибда божхона тўловлари ундирилади.

Хитойда ЭИЗни бошқариш масалалари бутунлай вилоят даражасига туширилган. ЭИЗларнинг маҳаллий органлари ташқи иқтисодий фаолият ва хўжалик сиёсати соҳасида кенг ваколатларга эга. Мисол учун, Гуандун ва Фунчжен вилоятларида маҳаллий органлар ЭИЗларни бошқариш масалалари ҳақида алоҳида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Хозирги кунда Хитойда ташкил этилган махсус иқтисодий зоналарнинг таркиби қўйидагича:

1. Умуммиллий миқёсдаги махсус иқтисодий зоналар – бешта.
2. Эркин денгиз портлари – ўн тўртта.
3. Янцзи дарёсида жойлашган очиқ портлар – олтига.
4. Хитой вилоятларининг марказлари бўлган очиқ шаҳарлар – ўн учта.
5. Иқтисодий ва техник ривожланиш зоналари – ўн тўртта.
6. Чегара ёнида жойлашган иқтисодий ҳамкорлик зоналари – учта.
7. Техник парклар – элликта.
8. Туризм ривожланган умуммиллий зоналар – ўн битта.

Хитойда ЭИЗ учун қўйидаги иқтисодий имтиёзлар яратилган:

- фойдадан олинадиган солиқ миқдори камайтирилади;
- 20 млн. доллар хорижий капитал қўйилган обьектлар, юқори меҳнат ва технологик сифимкорлигига эга ишлаб чиқариш учун фойда солиғи 15% ни ташкил этади;
- маҳсулотининг 70% и экспортга чиқариладиган ва юқори технологияли корхоналар учун 10 – 12% ли солиқлар жорий қилинади;
- хорижий ишбилармонлар дивиденди ва даромадига 10% солиқ солинади.

Кўйидаги ҳолларда божхона тўловлари ундирилмайди:

- ишлаб чиқариш ва бошқарув учун инвестиция қилинган курилиш материаллари, деталлар ва ускуналардан;
- хорижий капитал иштирокидаги корхона экспортидан;

— офис жиҳозлари ва транспорт воситаларидан (ЭИЗдаги хорижий корхоналар, ташкилотлар ва ваколатхоналарда ишлатиладиган).

Хитойда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш учун катта ҳажмдаги капитал қўйилмалар талаб этилди ва ушбу қўйилмалар босқичма-босқич амалга оширилди. 1995 йилда ёқ ушбу ҳудудларга асосий капиталга сарфланган капитал қўйилмаларнинг 56,3% и йўналтирилди. Агар Хитойда инвестициялар ЯИМга нисбатан юқори суръатларда ўсганлигини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда экспортга йўналтирилган стратегиянинг нақадар мақсадли амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб экспорт ишлаб чиқариш зоналарига йўналтирилган давлат ва хусусий инвестициялар улуши жами инвестициялар ҳажмининг ярмидан ошиб кетди. Узоқ йиллар мобайнида жами хорижий инвестицияларнинг 70% дан ортиқ қисми ушбу ҳудудларга йўналтирилди. 2005 йилга келиб ЭИЗнинг жами хорижий инвестициялардаги улуши 85% гача етгани ҳолда, хорижий инвестицияли корхоналарнинг 83% и ушбу ҳудудларда жойлаштирилди (6.3.1-жадвал).

6.3.1-жадвал

Хитой ЭИЗнинг инвестициялар ва хорижий инвестицияли корхоналарнинг умумий сонидаги улуши, фоиз ҳисобида¹¹⁸

Худудлар	Асосий капиталга сарфланган миллий инвестициялар			Хорижий инвестициялар			Хорижий инвестицияли корхоналар		
	1995 й.	2000 й.	2005 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.
Чжуцзян дарёси дельтаси (Гуандун)	11,6	9,6	7,9	22,2	28,0	16,5	25,5	24,5	22,6
Фуцзянь	3,4	3,4	2,8	8,6	8,5	3,2	7,1	7,9	6,9
Чанцзян дарёси дельтаси (Шанхай, Цзянсу, Чжэцзян)	24,2	20,6	20,5	20,0	27,7	34,6	20,8	21,6	31,3
Бохай қўлтиги зонаси (Пекин, Тяньцинь, Ляонин)	10,6	9,6	9,6	8,9	12,0	16,0	12,7	15,6	14,8
Шаньдун	6,5	7,7	10,5	5,7	7,4	14,3	7,7	6,1	7,8
Бешта худуд бўйича жами	56,3	50,9	51,3	65,4	83,6	84,6	73,8	75,7	83,4

¹¹⁸ Гельбрасс В. Цена экономических успехов Китая. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2007. С.29.

ЭИЗлар аста-секинлик билан Хитой иқтисодий ривожланишининг асосий омилига айланиб борди. Масалан, 2000 йилда мамлакат ЯИМнинг 56% и ЭИЗда яратилган бўлса, 2005 йилга келиб ушбу кўрсаткич 58% дан ошиб кетди.

Таҳлиллар кўрсатишича, 1995 – 2005 йилларда экспорт ишлаб чиқаришга ихтисослашган худудлар улуши Хитой ташқи савдоси ва экспортида мунтазам равишда ортиб борди ва ушбу кўрсаткич 1995 йилда 84% га тенг бўлган бўлса, 2005 йилга келиб 90% дан ошиб кетди (6.3.2-жадвал).

6.3.2-жадвал

ЭИЗларнинг Хитой ташқи савдо айланмасидаги улуши, фоиз ҳисобида¹¹⁹

Худудлар	1995 й.		2000 й.		2005 й.	
	Айланма	Экспорт	Айланма	Экспорт	Айланма	Экспорт
Чжуцзян да-рёси дельтаси (Гуандун)	38,6	39,7	37,0	37,5	30,9	31,6
Фуцзянь	5,4	5,4	4,8	5,5	4,0	4,7
Чаницзян да-рёси дельтаси (Шанхай, Цзянсу, Чжэцзян)	20,2	21,2	28,5	28,7	38,3	38,5
Бохай кўлтиги зонаси (Пекин, Тяньцинь, Ляонин)	13,9	11,8	12,9	10,4	10,9	9,0
Шаньдун	5,9	6,1	6,0	6,5	6,3	6,3
Бешта худуд бўйича жами	84,0	84,2	89,2	88,6	90,4	90,7

Ууман, Хитой эркин иқтисодий зоналарига хос қўйидаги хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ЭИЗни босқичмабосқич барпо этиш; хорижий инвестициялардан кенг фойдаланиш; улардаги тармоқларни яратишдаги муҳим устуворлик – саноат ишлаб чиқаришини шакллантириш; зоналарнинг экспорт-ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги; ишлаб чиқаришга импорт хом ашёсини жалб этиш; солиқ тизимининг ҳудудлар бўйича уларнинг ривожланиш хусусиятларига кўра табақалашганлиги;

¹¹⁹ Ўша манба.

ЭИЗнинг маҳаллий ва марказий ҳукумат органлари билан биргаликда бошқарилиши; бозор муносабатларининг социалистик муносабатлар билан уйгуналашганлиги.

6.4. Оффшор зоналарнинг географик таркиби ва гурухланиши

«Оффшор» атамаси илк бор 1950 йилларнинг охирида АҚШда қўлланила бошланган. «Оффшор» («off shore») инглизча сўз бўлиб, қирғодан ташқарида, деган маънони англатади. Оффшор зона эса муайян давлатнинг иқтисодий жиҳатдан эркин ҳудудидир. Бу ҳудудда юридик мақомга эга шахсларга нисбатан солиқ имтиёзлари яратилади, бухгалтерия ҳисоботи ва аудит бўйича талаблар камайтирилади, божхона тўловлари ва савдо чекловлари қисман ёки бутунлай олиб ташланади.

У ёки бу ҳудудни оффшор зонага айлантириш учун унда солиқ қонунчилиги бўйича эркинликлар ва норезидент компаниияларни рўйхатга олишда имтиёзли шарт-шароитлар яратилиши, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик таъминланиши, халқаро телекоммуникация ва транспорт тармоқлари ривожланган бўлиши, ҳудудда сиёсий танглик ва давлат тўнтарилиши хавфи, эҳтимоли бўлмаслиги лозим (6.4.1-расм).

Ҳозирги кунда мавжуд оффшор зоналарни қўйидаги уч гурухга бўлиш мумкин:

- классик оффшор зоналар. Бу ҳудудларда корхоналар солиқлар ва молиявий ҳисботлардан озод этилган бўлади. (Сейшель ороллари, Белиз, Доминика, Панама каби ҳудудлар);
- солиқ юки паст бўлган оффшор зоналар;
- корхоналарни рўйхатдан ўtkазиш, бизнесни юритиш ва солиқ тўлови бўйича айрим имтиёзларга эга оффшор зоналар.


Британиянинг Виргин ороллари, Сейшель ороли, Белиз, Доминика, Невис, Гибралтар, Панама, Багама ороллари, Гонконг, Кипр, Буюк Британия, АҚШ ва бошқалар дунёга танилган оффшор ҳудудлар ҳисобланishiadi.

Оффшор зоналарнинг географик таркибини ўрганиш уларни қўйидаги гурухларга ажратиш имконини беради:

1. Юқори иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлмаган, аммо сиёсий жиҳатдан барқарор бўлган ороллар, кичик давлатлар (Багам ороллари, Британиянинг Виргин ороллари, Вануату, Сейшель ороллари). Одатда, бу давлатлар оффшор компанияларнинг ҳисббот беришлари бўйича ҳеч қандай талаб қўймайдилар. Уларнинг ягона талаби мамлакат бюджетига тўланадиган йиллик йигимларни тўлаш ҳисобланади.

2. Оффшор компаниялардан ташқари, мамлакат резидентларига тегишли бўлмаган ушбу худудда хўжалик фаолиятини юритувчи оддий оффшор компаниялар ҳам мавжуд бўлган давлатлар.

Оффшор зона – хорижий компанияларга нисбатан мавжуд қонунчилликка мувофиқ имтиёзли солиқ режими ўрнатилган миллӣ ҳудуд ёки унинг бир қисми



Оффшор зоналарнинг мувафақият омиллари

- солиқса тортиш режими;
- солиқлардан озод қилиш ва имтиёзлар тақдим этиш механизми;
- валюта чекловларинининг мавжудлиги;
- конфиденциалликни таъминлаш;
- ҳисобот тақдим этиш хусусиятлари;
- сиёсий рисклар;
- оффшор зонада иш олиб бориш ва ташкил этиш бўйича хизматларни таъминловчиларнинг малакаси;
- мамлакат оффшор зonasининг репутацияси;
- компанияни таъсис этиш ва кўллаб-кувватлаш бўйича харажатлар;
- фаолият соҳаларига рухсат;
- икки томонлама солиқса тортишнинг олдини олиш мақсадида компанияларни ҳалқаро келишувларда рўйхатдан ўтказиш.

6.4.1-расм. Жаҳон иқтисодиётида оффшор зоналар

Албатта, корхонанинг иқтисодий манфаати ушбу мамлакатга қаратилган бўлса, у солиқлардан озод этилмайди. Компания ҳеч кандай хўжалик фаолиятини юритмаганлигини исботлаш учун, бу мамлакатлар ҳисобот ва аудит текшируви ўтказилишини талаб этадилар. Ушбу давлатларда ҳукумат томонидан қаттиқ назорат ўрнатиш бўлиб, уларнинг нуфузи баландроқдир.

3. Умуман, оффшор саналмайдиган мамлакатлар. Бу мамлакатларга АҚШ, Буюк Британия, Канада ва бошқалар киради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, оффшор зоналарнинг ижобий жиҳатлари жаҳон амалиёти учун анъанавий ва янги ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Шу билан бирга оффшор зоналарнинг ўзига хос салбий жиҳатлари ҳам мавжуд:

- хорижий инвестициялар ҳажмига нисбатан оффшор ҳудудни ташкил этиш учун катта миқдорда ўзини оқламайдиган маблағларнинг сарфланиши;

- ҳудудларда жойлашган фирмаларнинг ички бозорни ҳалқаро стандартларга жавоб бермайдиган товарлар демпинги майдони сифатида ишлатишга уринишлари;

- оффшор ҳудудни яратиш орқали сиёсий ва миллий-маданий муаммоларни ечишга уринишларнинг оқланмаслиги;

- ҳудуднинг келажакдаги фаолияти тўғрисида иқтисодий аниқ прогнозларнинг мавжуд эмаслиги;

- ҳудуддаги ҳамма субъектлар фаолияти ва амалга ошираётган операцияларига нисбатан имтиёзларнинг асосиз қўлланилиши.

Оффшор зоналарда оффшор компанияларни ташкил этишда маълум қийинчиликлар ва муаммолар мавжуд бўлишига қарамасдан, хорижий оффшор компания фаолиятининг асосини соликقا тортиш бўйича имтиёзларни жорий этиш уларнинг жозибадорлигини янада оширмоқда. Оффшор зонада фаолият юритаётган компаниялар ва уларнинг операциялари турли хил. Ҳалқаро бизнесда вазифасига кўра оффшор компанияларнинг стандарт турлари имтиёзли солиқ ҳукуқи бўйича мураккаблашади. Уларнинг қўйидаги асосий турларини фарқлаш мумкин:

1. Савдо-воситачилик фирмалари:

- экспорт-импорт фирмалари;
- дистрибутор ва сотиб олувчи компаниялар.

2. Холдинг типидаги компаниялар:

- оператив-холдинг компаниялар;
- инвестиция компаниялари;
- кемага эгалик қилувчи компаниялар;
- кўчмас мулкка эгалик қилувчи компаниялар;
- саноат мулки объектларига эгалик қилувчи компаниялар.

3. Молиявий ихтисослашган компаниялар:

- оффшор банклар;
- молиявий воситачилик компаниялари;
- сугурта сектори корхонаси;

- умумий сугурта компанияси;
- қайта сугурталовчи компаниялар.

Оффшор компаниялар иштирокидаги операциялар тизими ўзгармайды. Улардан асосийлари экспорт-импорт, экспорт ва импорт операциялари ҳисобланади.

Оффшор компаниялар қуидаги хусусиятларга эга:

- оффшор компания рўйхатдан ўтган ҳудудга нисбатан норезидент бўлиши керак. Оффшор компаниянинг ҳамма турдаги тижорат операциялари у рўйхатдан ўтган мамлакат ташқарисида амалга оширилиши лозим;
- оффшор компания солиқлардан қисман ёки бутунлай озод қилинади ва бюджетга йиллик йифимларнигина тўлайди;
- компанияни рўйхатга олиш ва бошқариш тизими анча соддалаштирилган. Уни бошқариш котиблик компанияси орқали амалга оширилади;
- валюта назорати, молиявий ҳисбототга бўлган талаблар деярли йўқ. Аудиторлик текширувларини ўtkазиш талаб этилмайди;
- оффшор фирмага эгалик қилиш аноним равишда, маҳфилик кафолати асосида амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркор оффшор компанияга асос солиб, ўз маҳаллий фирмаси солиқлари миқдорини қонуний асосда сезиларли даражада камайтиради. Маҳаллий фирманинг оффшор компания билан биргаликда фаолият юритиши натижасида даромад солиги тўланмайди ва ижтимоий тўловлар сезиларли даражада камайтирилади.

Оффшор компаниялар турли хил мақсадларда ташкил этилиши мумкин:

Ҳисоб рақам очиш учун восита. Агар тадбиркор хорижда валюта банк ҳисоб рақамини очмоқчи бўлса, у оффшор компанияни рўйхатдан ўтказиб, чет эл банкида компания номига ҳисоб рақам очиши, бундай ҳисоб рақамни чет эллик ҳамкорлар билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиши мумкин;

Экспорт-импорт операцияларидан тушган фойдани жойлаштириш. Битимдан тушган фойданинг асосий қисми солиқقا тортиш даражаси юқори бўлган жойда эмас, балки оффшор ҳудудда жойлаштирилади. Бунинг учун операциялар занжирида биргина воситачи, яъни оффшор компания бўлиши кифоя.

Бартер. Бўш пул маблағларига эга бўлмаган, аммо бозорда талаб этилаётган товарга эга бўлган иккита фирма ўртасидаги бартер операцияларини амалга оширишда оффшор компаниянинг воситачи ролини бажариши жуда қулай. Бу ҳолда оффшор компания бартер битимидан даромад олади.

Холдинг-компания. Айтайлик, тадбиркор маҳаллий «А» фирманинг акциялар пакетини сотиб олмоқчи. Аммо у номининг акциядорлар реестрида рўйхатдан ўтишини ва тадбиркорга тўланадиган дивиденdlарнинг солиқقا тортилишини истамаяпти. Агар у акцияларни сотиб юбориш истагини билдиrsa, даромади ҳам солиқقا тортилади. Бу муаммоларнинг барчасини «В» оффшор компаниясини рўйхатдан ўтказиб ҳал килиши мумкин. «В» компания «А» фирманинг акцияларини тўғридан-тўғри ёки воситачи «С» инвестицион компания орқали сотиб олади. Охирги ҳолда «В» ва «С» компаниялар ўртасида шартнома тузилади. Унга асосан «С» компания ўз номидан, аммо «В» компания ҳисобидан «А» фирманинг акцияларини сотиб олади. «В» компания оладиган дивиденdlар оффшор зонага жойлаштирилади. Оффшор зонада эса даромад солиқقا тортилмайди.

Оффшор компаниялар маҳаллий солиқлардан бутунлай озод этилади. Улар рўйхатдан ўтаётганда бир марталик рўйхатдан ўтиш ва ийллик бадални тўлайдилар, холос. Оффшор тартибда фаолият юритаётган компанияларга хос бошқа бир белги – оффшор компаниянинг рўйхатдан ўтган мамлакат ҳудудида тижорат операциялари билан шуғулланишининг ман этилганлигидир. Бу компанияга қонун доирасидаги солиқ мажбуриятлари ва ҳаддан ташқари юқори божхона тарифлари, валюта назорати, экспорт-импорт квоталаридан озод бўлиш усулларидан фойдаланиш имконини беради. Оффшор зоналардаги имтиёзли тартиб, валюта чекловларининг йўқлиги, фойданни эркин олиб чиқиб кетиш, божхона божлари ва хорижий инвесторлар учун йиғимларнинг пастлиги, низом капитали даражасининг пастлиги (одатда, шунчаки декларация қилинади, аммо бадал тўланмайди) ва бошқалар ҳисобланади.

Оффшор зоналар фаолиятининг жаҳон тажрибаси кўрса-тишича, оффшор компаниялар фаолиятини тартибга солища мамлакатлар ўртасида баъзи йўналишлар бўйича фарқлар ва қарама-қаршиликларнинг ҳам мавжудлигини қўриш мумкин. Шунга қарамасдан, бу зоналардаги асосий хусусият солиқقا тортишдаги имтиёзлар билан боғлиқдир (6.4.1-жадвал).

Оффшор жозибадорлигининг муҳим омили бу тартибининг барқарорлиги ҳисобланаби, одатда, оффшор компаниялар рўйхатдан ўтгандан бошлаб 15 – 25 йил мобайнида инвестор оффшор зонадаги ноҳушликлардан кафолатланган бўлади.

**Жаҳондаги баъзи оффшор зоналардаги имтиёзлар
ва улар ўртасидаги фарқлар**

	Лихтенштейн	Малта	Дубай	Багам ороллари
Компания статуси	Холдинг компаниялар	Носавдо оффшор компаниялари (NTOC) Савдо оффшор компаниялари (TOC)	«Джебел Али» эркин зонасидаги компания	Халқаро тадбиркорлик компаниялари
Корпорация солиги	Йўқ	NTOC – йўқ TOC – 5%	Йўқ	Йўқ
Капитални кўпайтириш учун солиқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Мерос солиги	0,5 – 18%	Озод этилган	Йўқ	Йўқ
Капиталга йиллик соликлар	0,05 – 0,1	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Даромад турлари бўйича соликлар:				
– дивиденdlар	4%	Озод этилган	Йўқ	Йўқ
– фоизлар	4%	Озод этилган	Йўқ	Йўқ
– роялти	Йўқ	Озод этилган	Йўқ	Йўқ
Жисмоний щахсларга даромад солиги	17,82%гача	Мальтада яшовчи хорижликлар учун 15%	Йўқ	Йўқ
Валюта назорати	Йўқ	Озод этилган	Йўқ	Озод этилган
Молиявий хибоботларни зълон қилиш мажбурияти	Талаб этилмайди	NTOC – озод этилган TOC – ҳа	Йўқ	Йўқ
Акциядорлар номининг ошкор этилиши	Талаб этилмайди	NTOC – ҳа TOC – йўқ	Ҳа	Йўқ

6.5. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва ривожланиш истиқболлари

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари қўйида-гилардан иборат: иқтисодиётда фаол таркибий силжишларнинг амалга оширилиши; экспорт сиёсатида хом ашё экспортидан

босқичма-босқич юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортига ўтиш; иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг давом этаёттанилиги ва иқтисодиётда давлат аралашувининг қисқариши; молия секторининг ривожланиши; «ilmga асосланган иқтисодиётни» шакллантириш учун инсон капиалига инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши; инновацион ривожланиши институтларининг яратилиши ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш. Иқтисодий ўсиш стратегияси экспортни кенгайтиришга асосланган иқтисодиётдан инвестицияларни жалб этишга асосланган иқтисодиётта ўтишни назарда тутади.

Қайд этиб ўтилган мақсадга эришиш йўлида дунё мамлакатлари иқтисодиётни ислоҳ этишнинг турли шаклларига мурожаат этишади. Иқтисодиётнинг ноанъянавий моделларини ривожлантириш механизмларидан бири иқтисодиётда эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолият юритишидир (6.5.1-расм).



6.5.1-расм. ЭИЗни яратиш концепцияси ва амал қилиши

Ўзбекистонда ЭИЗни ташкил этиш иқтисодиётни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта қуриш жараёнидаги қўйидаги муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- худудларни ривожлантириш;
- янги ишчи ўринларини яратиш;
- иқтисодиётнинг ноанъанавий тармоқларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш жараёнига илмий ишланмаларни жорий этиш;
- хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида рақобат бардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эса амалдаги Қонуннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартиби, уларнинг турлари, мазкур зоналар иштирокчиларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш механизмини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунида «...Эркин ишлаб чиқариш зоналари мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида олинган худудда тадбиркорликни рагбатлантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий-иқтисодий мустақиллик ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун ўша худудда жойлашган корхоналарни ижарага олиш, кооператив, қўшма ва чет эл корхоналарини қуриш ва уларни эксплуатация қилиш эвазига эришилади», деб таъкидланади¹²⁰.

Навоий аэропорти базасида эркин индустрисал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор — Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайли олдимиизда катта истиқболлар очилади.

¹²⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель

Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилишини ундан нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан бөглайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратади¹²¹.

Эркин индустрисал-иқтисодий зона – бу мамлакатимиз иқтисадиётiga хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларини фаол жалб этишининг муҳим омилидир. Навоий республикамида саноат соҳасида улкан салоҳиятта эга вилоят. Бу ҳудудда 20 тадан ортиқ йирик саноат корхоналари фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони вилоят, хусусан, Навоий шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфраструктузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларни жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида янги имкониятларни очиб беради. Ушбу ҳужжатда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича куляй шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоягининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижитмоий инфраструктузилмасини ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилган.

Ўзбекистонда эркин индустрисал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилояти бежиз танланмаган. Сабаби, бу ерда мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатларига экспорт қилинмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда Қизилкум минтақасида нодир қимматбаҳо металлар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётганлиги, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилаётгани бу воҳанинг улкан миқёсдаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан бораётганидан далолат беради.

121 Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. 51 – 52-6.

Бундан ташқари, Навоий шаҳри аэропортила тўлиқ реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада ҳалқаро андозаларга мос 4 километрдан кўпроқ учиш-қўниш йўлаги қуриб битказилиб, замонавий бошқариш тизими бунёд этилди, мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражадаги, оғирлиқдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учириш имкониятлари яратилди. Ушбу аэропортдаги қитъалараро интермодал логистика маркази эса Ҳамдустлик давлатларида ягона бўлиб, бу ерда юкларни тезкорлик билан тушириш, ортиш, тақсимлаш, маҳсус омборларга жойлаштириш мумкин. Осиёдан Европага, Европадан Осиёга жўнатила-диган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллӣ авиакомпанияси Корея Республикасидан лизинг асосида 2 та «A 300 – 600 Ф» русумли юк самолётини харид қилиб, уларни логистика ихтиёрига берди. Пировардида марказнинг салоҳияти юксалиб, унинг учун жаҳондаги барча юк бозорларига йўл очилди. Чунки янги ҳаво кемасининг ҳар бири 40 тоннагача юк билан 7 минг километр масофани тўхтамасдан босиб ўта олади. Кўриниб турибдики, Навоий аэропортида ҳалқаро қатновни амалга оширадиган барча замонавий самолётларга тезкор, юқори сифатли техник ва сервис хизмати кўрсатиш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Бундан ташқари, қулай географик жойлашув юкларни Ўзбекистон орқали ташишда вақт ва ташиш харажатларини иқтисод қилиш имконини янада оширади. Жумладан, юклар Жануби-Шарқий Осиёдан Европага Дубай орқали эмас, балки Навоий орқали ташилса, масофа 1000 километрга, вақт эса 1,5 соатга қисқаради ва ҳар бир самолётдан 15 тонна ёқилғи тежаб қолинади. Яна бир ижобий ҳолат – бу «Навоий» ЭИИЗнинг Европани Хитой билан боғлайдиган қисқа ҳалқаро «Е 40» автомагистралига ва Марказий Осиё, МДҲ, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Форс кўрфази мамлакатлари билан боғлайдиган темир йўлларга яқинлигидир. Юкларни автомобилларда Навоий орқали Хитой – Европа йўналиши бўйича ташиш, Россия – Хитой йўналишига қараганда масофанинг 1000 километрга қисқаришига ва ҳар бир автомобилдан 800 долларгача транспорт харажатларининг тежалишига олиб келади¹²².

Президент фармонида унинг фаолияти 30 йилга мўлжаллангани, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкинлиги, зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар замонавий хорижий

¹²² Салимова Г. СИЭЗ «Навои»: Уникальность. Развитие. Беспрецедентность. / Биржа, 24.10.09.

техника ва асбоб-ускуналар, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдек долзарб йўналишларда иш олиб бориши, бунда ишлаб чиқарувчиларга алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари қўлланиши, уларга қатор имтиёзлар берилиши белгиланганлиги бу қизиқишга сабаб бўлмоқда.

Президент фармонида «Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат деб белгилаб қўйилган.

«Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонасида рўйхатдан утган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми қўйидагича бўлган тақдирда ер солиги, мулк солиги, даромад солиги, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги, ягона солиқ тўлови (кинич корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимими ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади:

– 3 миллион евродан 10 миллион европача – 7 йилга;

– 10 миллион евродан 30 миллион европача – 10 йилга.

Кейинги 5 йил давомида фойда солиги ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;

– 30 миллион евродан ортик бўлганда – 15 йилга.

10 йил давомида фойда солиги ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

Бундан ташқари, «Навоий» ЭИИЗда рўйхатта олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йигимлардан ташқари) озод қилинади.

Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун хужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йигимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечикирилиши мумкин.

«Навоий» ЭИИЗда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуидагилар рухсат этилади:

— улар ўртасида тузилган шартномалар ҳамда контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ худудида хорижий валютада амалга ошириш;

— Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

— экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаши ҳамда ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш.

«Навоий» ЭИИЗни яратиш концепцияси қуидаги тўртта блок – хабни синергия қилишга асосланади: транспорт-логистика, индустрисал, инновацион, туристик ва маданий-рекреацион. Лойиҳани уч босқичда амалга ошириш режалаштирилган ва ҳар бир босқичда 500 гектаргача майдон ўзлаштирилади.

2009 йилда «Навоий» ЭИИЗда хорижий, шу жумладан, кореялик инвесторлар билан умумий инвестиция ҳажми 187 млн. долларлик саноат корхоналарини яратиш бўйича 19 та шартнома имзоланган. Мазкур корхоналарнинг тўлиқ қувват билан ишга тушиши натижасида ҳар йили 375,5 млн. долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва 175,3 млн. долларлик маҳсулот экспортга чиқарилади. 2010 йилда худудда умумий ҳажми 10 млрд. долларлик 50 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Кейинги 2 – 3 йил ичида «Навоий» ЭИИЗда 5,5 млрд. доллардан кам бўлмаган инвестицияларни жалб этиш орқали 100 – 120 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар доирасида яратилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати 7,5 – 8 млрд. долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 5 млрд. долларгача экспорт қилиш имконини беради¹²³.

2009 йилда «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишалар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди¹²⁴.

¹²³ Шарипова А. Создание благоприятной среды для иностранных инвесторов. /Банковские ведомости, № 42, 29.10.2009. С. 2.

¹²⁴ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон» 2010. 46-б.

Умуман, «Навоий» ЭИИЗнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун ҳозирда қуйидаги омиллар мавжуд:

- турли хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва уларни 30% дан кам бўлмаган маҳаллийлаштириш даражасида чуқур қайта ишлаш имконияти;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан боелик иирик бозорларнинг мавжудлиги;
- транспорт инфратузилмасининг ривожланганини;
- катта инсон салоҳиятининг мавжудлиги;
- ҳудудда юқори технологияларни жалб этиш орқали диверсификацияланган экологик тоза саноат базасини шакллантириш имконияти.

Асосий тушучалар

Эркин иқтисодий зоналар – шундай географик ҳудудки, уларда мамлакатда қабул қилинган нормал хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тұлаш тартиби жорий этилади.

Эркин савдо зonasи – бу денгиз порти ёки аэропортда жойлашган, ёки унга яқын чегараланган ҳудуд, у миллий божхона ҳудудидан ташқарида бўлиб, бу ерда сақлаш, саралаш ва қадоқлаш операциялари амалга оширилади.

Экспорт-ишлаб чиқариш зоналари – миллий божхона ҳудуди доирасидаги анклавлар сифатида тавсифланади. Мазкур ҳудудлар, одатда, халқаро портларга яқын жойлаштирилган бўлиб, асбобускуналар, йиғиш учун зарур эҳтиёт қисмлар ва материаллар иқтисодий сиёsat чоралари қўлланилмаган ҳолда олиб кирилади. Импорт қилинаётган маҳсулотлар экспорт-ишлаб чиқариш зонасида қайта ишланади ва қабул қилувчи томоннинг божхона аралашувисиз экспорт қилинади.

Илмий-технологик зоналар – ушбу ҳудудда илмий ва технологик ишлаб чиқариш фаолияти иирик илмий-тадқиқот марказлари ва университетлар атрофида жойлашган, фан сиғимкорлиги юқори бўлган, илм кўп талаб қиласиган фирмалар шаклида бирлашади ва улар технологик парклар, технополислар, илмий парклар, технологик марказлар, ишбилармонлик марказлари, дебномланади.

Инновацион марказ – иқтисодий таркиби унча катта бўлмаган кичик, янги ташкил этилган компаниялар учун мўлжалланган муайян ҳудуддир.

Илмий парклар — турли ўлчам ва ривожланиш босқичидаги фан сиғимкорлиги юқори, илм кўп талаб қиласидиган фирмалар жойлашган муайян ҳудуддир.

Тадқиқот парки — илмий-техника ютуқларини техник намуна босқичигача ишлаб чиқариладиган саноат компаниялари, илмий-тадқиқот ва конструкторлик тажриба идораларини ўз ичига оловчи ҳудуддир.

Комплекс эркин иқтисодий зоналар — савдо, божхона, саноат, тадқиқот функцияларини бажарувчи ва инвесторларнинг турли хил иқтисодий фаолият билан шурулланишиларига имкон берадиган комплекс ҳудудлардир.

Интеграцион зоналар — миллий, жаҳон иқтисодиёти билан узвий боғланган, эркин фаолият юритиш ҳуқуқига эга, ҳалқаро меҳнат тақсимотига кенг жалб қилинган ва бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган ҳудуд ҳисобланади.

Оффшор зона — юридик шахсларга нисбатан солиқ имтиёзлари яратилган, бухгалтерия ҳисботи ва аудит бўйича талаблар юмшатилган, божхона тўловлари ва савдо чекловлари қисман ёки бутунлай олиб ташланган маълум давлатнинг эркин иқтисодий ҳудудидир.

Назорат саволлари

1. Эркин иқтисодий зона нима ва уни шакллантириши зарурити нималардан иборат?
2. ЭИЗни ташкил этишдаги функционал ва ҳудудий ёндашуввлар ўртасида қандай фарқлар мавжуд?
3. ЭИЗнинг хусусиятлари нималардан иборат?
4. ЭИЗнинг турлари ва улар ўртасидаги фарқларни тушунишиб беринг?
5. Оффшор зоналарнинг бошқа ЭИЗдан фарқлари нималардан иборат?
6. Оффшор зоналарнинг қандай турлари мавжуд?
7. «Навоий» ЭИИЗни ташкил этиш шарт-шароитлари, хусусиятлари ва амалга ошириш босқичлари нималардан иборат?

VII БОБ. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ

7.1. Лизинг бошқа турдаги хорижий инвестицияларнинг шакли сифатида

Халқаро валюта фонди «қолған турдаги инвестициялар» гурухини ажратадыки, уларга халқаро қарзлар ва банк депозитлари киритилади. Ушбу гурух инвестициялар тұғридан-тұғри ва портфель инвестициялар шаклида учраб туради. Жағон амалиётининг күрсатишича, савдо-іқтисодий алоқалар негизида инвестициялар билан боелиқ турли хил операциялар амалга оширилади. Улар үртасида турли-туман сервис, маркетинг, бошқарув, технологик ва бошқа шартномалар имзоланади. Ушбу шартномалар инвестицион ҳуқуқий асосни юзага келтиради, бироқ юқоридаги таснифга тұғри келмайды. Мазкур шартномалар хорижий инвесторларга мулкчилік ҳуқуқини бермаса-да, доимий даромад олиш ҳуқуқини беради. Ушбу турдаги шартномалар хорижий инвестиция фаолиятининг кичик бизнесга тортилиши нұқтаи назаридан мұхимдір. Бунда томонларнинг савдо шериклари мақомидан савдо-инвестицион шериклар мақоми даражасига айланышы рўй беради. Амалий ўзгаришлар капитал ҳаракати туфайли содир бўлади.

Бошқа турдаги инвестиция фаолиятига XXI аср бошларидан жадал суръатларда ривожланиб бораётган лизинг ҳам киради. Замонавий іқтисодий адабиётда ва амалиётда лизингнинг турли хил таърифлари мавжуд.

Лизинг – сотиб олиш асосида мол-мulkни вақтингчалик фойдаланишга ва кейинчалик узоқ муддатли ижарага бериш билан боелиқ мол-мulk муносабатлари мажмуси. Лизинг сотиб олинадиган техника ва асбоб-ускуналарни кредитлашнинг бир тури бўлиб, анъанавий банк ссудаси, кредитнинг муқобил шаклидир. Лизингда асбоб-ускуналарни сотиб олиш қатор масалаларни, шу жумладан, ижара, сугурта, кафолатлаш ва бошқаларни амалга оширишни кўзда тутади.

Лизинг – ижара муносабатларининг бир тури бўлиб, бунда лизинг берувчи ўз ҳисобидан ишлаб чиқарувчи (сотувчи)дан лизинг обьектини харид қилиш мақсадида, у билан лизинг олувчининг топшириқномасига кўра, шартнома тузиш мажбуриятини олиши, лизинг олувчи эса, лизинг обьектидан

фойдаланиш эвазига лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олишини мужассамловчи, мол-мulkning сотиб олинишини молиялаштириш бўйича ижара муносабатлари шаклидир.

Лизинг — мол-мulkни мижозга вақти-вақти билан пул тўлаб туриш эвазига маълум бир муддатга бериш.

Лизинг — юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида, вақтинчалик ишлатиш учун маълум тўлов эвазига мол-мulkни сотиб олиш мақсадида бўш ёки жалб қилинган инвестицияларни йўналтириш бўйича тадбиркорлик фаолияти тури.

Лизинг — ижара муддати мобайнида ижарага берувчи мол-мulkка нисбатан ҳукуқларини сақлаб қолган ҳолда, ижарага олевчи учун ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадларида сотиб олинган мол-мulk ижарасининг тури.

«Халқаро молиявий лизинг тўғрисида»ги Конвенцияда молиявий лизингнинг таърифи қўйидагича келтирилган: молиявий лизинг келишувларида, бир томондан, лизинг берувчи, иккинчи томондан, лизинг олевчи билдирган тасниф ва шартлар асосида, учинчи томондан, мол етказиб берувчи билан етказиб бериш тўғрисида келишувга кўра, лизинг берувчи ишлаб чиқариш воситаларини ёки бошқа ускуналарни сотиб олади ва лизинг олевчи билан лизинг келишуви тузиш асосида, унга лизинг тўловлари тўлаб туриш эвазига, ускуналардан фойдаланиш ҳукуқини беради.

Шундай қилиб, Халқаро конвенцияга асосан лизинг шартномасининг ўзига хос ҳусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- мижоз лизинг ускуналарини етказиб берувчиларни мустақил равишда аниқлайди;

- ускуналар тузилган ёки энди тузиладиган ва сотувчига маълум бўлган лизинг шартномаси асосида харид қилинади;

- лизинг ускуналарининг лизинг шартномаси асосида ҳисобланган тўла ёки катта қисми қийматининг амортизациясини ҳисобга олган ҳолда, даврий тўловлар амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда лизингга бериш қўйидаги шартлар асосида амалга оширилади: мол-мulkning харид қилишга сарфланган маблағларининг қайтарилиши, лизинг ҳизматларининг тўловлилиги, лизинг операциясининг муайян муддатга мўлжалланганлиги, лизинг тўловларининг кафолатланганлиги.

Лизинг тушунчаси. Конунчиликда лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланниб, унда бир томон (лизинг берувчи) иккинчи томоннинг (лизинг олевчининг)

топширигига биноан учинчи томондан (сотувчидан) лизинг шартномасида келишилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда маълум ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатта беради.

Лизинг, ижарага олинаётган мулкни топшириш, шартноманинг тижорат асосида эканлиги, ижарага олувчи мулкка вақтингчалик эгалик қилиши ва ундан фойдаланиши каби ижарага хос умумий хусусиятлар билан бирга, лизингнинг ўзигагина хос бўлган шартнома, уч томон (лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчи) қатнашиши шарти билан тузилган шартнома муносабатлари мажмуи мавжудлиги ва лизинг берувчи томонидан лизинг предметини лизингга топшириш мақсадида маҳсус сотиб олиниши каби хусусиятларга эга. Шунингдек, мавжуд қонунчиликда лизинг шартномасининг энг кам муддати 12 ой қилиб белгиланган. Шу билан бир қаторда, қонунчиликда лизинг шартномасининг максимал муддатлари чекланмаган.

Лизинг фаолияти. Қонунчиликда лизинг фаолияти, лизинг берувчи ўз маблағлари ва (ёки)жалб этилган маблағлар ҳисобидан лизинг объектини сотиб олиши ва уни лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига бериши борасидаги инвестиция фаолиятининг бир тури деб белгиланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда лизинг (молиявий ижара), биринчидан, инвестицион фаолиятнинг бир тури сифатида белгиланиб, лизингнинг иқтисодий моҳиятини тўғри акс эттиради. Лизинг кредитлар ҳисобидан молиялаштириш ва корхоналарнинг капитал қўйилмаларини молиялаштиришнинг муҳим услуги ҳам ҳисобланади. Иккинчидан, лизинг берувчилар лизинг операцияларини молиялаштириш учун ўз маблағлари билан бир қаторда жалб қилинган маблағлардан ҳам фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Молиявий лизинг — мол-мулкни сотиб олиш ва кейинчалик уни маълум тўлов эвазига вақтингча эгалик қилиш ҳамда фойдаланишга топшириш билан боғлиқ равишда вужудга келувчи мулкий ва иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Классик лизинг уч томон: лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи иштирок этишини назарда тутади. Амалда лизинг операциясининг мазмуни қуйидагилардан иборат: Лизинг олиши мўлжаллаган шахс, ўзининг молиявий маблағлари йўқлиги ёки этишмаслиги сабабли лизинг компаниясига лизинг битими тузиш мақсадида мурожаат этади. Ушбу битимга мувофиқ, лизинг олувчи ўзи учун зарур бўлган мулкка эга бўлган сотувчини

танлайди, лизинг берувчи эса уни ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олади ва лизинг олувчига маълум бир муддатга лизинг шартномасида белгиланган тұлов асосида фойдаланишига беради. Шартнома муддати тугагандан сұнг, унинг шартларидан келиб чиқсан ҳолда, лизинг предмети лизинг берувчи томонидан қайтариб олинади ёки лизинг олувчининг мулки бўлиб ҳисобланади.

Лизинг муносабатлари таркибида мол-мулкни вақтинчалик фойдаланишига бериш асосий үрин тутади. Шунинг учун лизинг муносабатлари тизимида асосий эътибор лизинг шартномасининг бажарилишига қаратиласди.

Иқтисодий жиҳатдан таҳлил этилганда, лизинг кредит муносабатлари ва инвестицияларга ұшашыдир. Зоро, кредит муносабатлари уч тамойилга асосланади: муддатлилик (кредит маълум муддатга берилади), маблағларнинг қайтарилиши (белгиланган муддатда қайтариш) ва тұлов (күрсатилған хизматлар өвазига қақ олинади). Бироқ, шартнома иштирокчилари пул маблағлари билан әмас, балки мол-мулк (асосий капитал) билан иш юритадилар. Шу муносабат билан айрим ҳолларда лизинг асосий воситаларга қўйилған кредит сифатида туркумланади, шаклига қўра эса у инвестицион молиялаштиришга яқиндир.

Лизинг шартномасини амалга ошириш учун лизинг берувчи ўзининг бўш маблағларига старли даражада эга бўлиши ёки унинг «арzon» пулларни жалб қилиш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Бизнинг мамлакатимизда банклар, кредит муассасалари ёки молиявий тузилмалар иштирокида ташкил этилган лизинг компаниялари шундай объектлар сифатида хизмат қилишлари мумкин.

Лизингнинг жаҳонда тан олинган икки тури – молиявий лизинг ва операцион лизинг мавжуд. Икки лизинг турининг фарқланиши асосида асбоб-ускуналардан фойдаланиш муддати, лизинг мулкининг нобуд бўлиши ва бузилиши каби қалтисликларнинг тақсимланиши ётади.

Оператив лизингда шартнома муддати лизинг предметининг меъёрий хизмат қилиш муддатидан камроқ бўлиб, шу сабабли лизинг тұловлари мулк қийматини қопламайди. Бу хатарни камайтириш мақсадида, лизинг берувчи ўз мулкининг қийматини қоплаш учун мулкни бир неча марта фойдаланишига беради, бироқ бу ускунага талаб бўлмагани учун лизинг берувчи мулки қийматининг қопланмаслик хавфи ошиб боради. Шу сабабли, бошқа шароитлар ўзгармаган ҳолларда оператив лизинг тұловлари молиявий лизинг тұловларига нисбатан юқорироқ бўлади.

Ижаранинг узоқ муддатлилиги, мулкнинг тўла қийматини ёки аксарият қисмини амортизация қилиш молиявий лизинг учун хосдир. Шартнома муддати мобайнида лизинг берувчи лизинг тўловлари асосида мулк қийматини қоплади ва лизинг битимидан фойда кўради.

Лизингнинг ўзига хос афзалликлари ва нуқсонлари. Жаҳон амалиётида лизингнинг кенг тарқалишининг сабаби, оддий ссудага нисбатан унинг қуидаги афзалликларга эга бўлганлиги ҳисобланади:

Оддий, узоқ муддатли кредитдан фойдаланиб, ускуналар сотиб олиш учун корхона ўз маблағлари ҳисобидан аванс шаклида 15% дан кам бўлмаган тўловларни амалга ошириши керак. Лизингда шартнома мол-мулк (асбоб-ускуна)нинг тўла қиймати микдорида тузилади. Лизинг тўловлари эса, одатда, ускуналар етказиб берилгандан сўнг ёки маълум бир муддат ўтгандан кейин амалга оширилади.

Кичик ва ўрта корхоналар учун лизинг шартномасини тузиш кредит олишга нисбатан енгилроқ кечади. Айрим лизинг компаниялари лизинг олувчидан баъзи ҳолларда ҳеч қандай кафолат ҳам талаб қиласайди, чунки ускуналарнинг ўзи кафолат вазифасини ўтайди. Лизинг олувчи лизинг шартларини бажармаган тақдирда, лизинг компанияси мол-мулкини қайтариб олади.

Лизинг битимлари кредитга нисбатан ўзгарувчан бўлиб, сотиб олувчига молиялаштиришнинг қулай схемасини ишлаб чиқиши имконини беради. Кредит ҳамма вақт белгиланган муддатда ва ҳажмдаги тўловларни амалга оширишни тақозо этади. Лизинг тўловлари томонлар келишувига биноан, ойма-ой, чоракма-чорак ва ҳ.к. бўлиши, тўлов суммалари ҳам бир-биридан фарқланиши мумкин. Лизинг тўловлари ставкаси қатъий белгиланган ёки ўзгарувчан бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда лизинг тўловлари лизингга олинган асбоб-ускуналарда ишлаб чиқарилган товарлар сотувидан тушган тушумлар орқали қопланади ёки корхона лизинг берувчига хизмат кўрсатиши звазига қопланishi мумкин. Лизинг тўловлари ишлаб чиқариш ҳаражатларига киритилади ва шу орқали лизинг олувчининг солиқда тортиладиган даромадлар базаси камайтирилади.

Лизинг олувчи доимий равища ўзининг асбоб-ускуналарини янгилашиб туриши мумкин. Мулкнинг эскиришидан келиб чикувчи қалтисликлар тўлалигича лизинг берувчи зиммасида бўлади.

Ижарага олингани мулкни ҳисобга олиш афзалликлари. Лизинг келишувларидан келиб чиқадиган ўз молиявий мажбуриятларини эълон қилиш, шунингдек, лизинг мол-мулкини ҳисобга олиш ва

амортизацияси корхонанинг баланси бўйича амалга оширилиши лозим. Баланс тузилган санада мажбуриятлар бўйича рақамли ахборот Лизевропнинг лизинг битимларини ҳисобга олиш бўйича асосий тамойиллари бўлиб балансга илова кўринишида тайёрланиши мумкин. Бунда қуидагиларни акс эттириш лозим: жорий молиявий йилдаги лизинг тўловларининг суммасини; шартнома давридаги ижара тўловларининг умумий суммасини ва уларнинг баланс тузилган санадаги баҳосини. Кўпгина мамлакатларда қонунчилик томонидан корхоналарнинг ўз ва қарзга олинадиган маблағлари бир-бирига нисбатан аниқ мутаносибликда бўлиши белгилантган. Зоро, лизинг битимиға биноан, мол-мулк лизинг берувчининг балансида ҳисобга олинади, яъни лизинг олувчи ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини мутаносибликни бузмасдан кенгайтириши мумкин.

Халқаро лизинг операцияларда лизинг олувчи лизинг берувчи давлатнинг солиқ имтиёзларига эга бўлиб, шу йўл орқали тўловлар камаяди ҳамда лизинг берувчилар ва уларнинг вакиллари томонидан қўшимча хизматлар кўрсатилиди (масалан, техник хизмат ва ижарага олинган асбоб-ускуналарни таъмирлаш, фойдаланиши учун маслаҳатлар, ноу-хаунинг олиниши, эҳтиёт қисмларни етказиб бериш ва ҳ.к.).

Халқаро валюта фонди давлатларнинг қарздорликларини ҳисоблаганде лизинг шартномалари қийматини ҳисобга олмайди, яъни алоҳида давлатлар учун Фонд томонидан ўрнатиладиган кредит қарздорлиги лимитини ошириш эҳтимоли мавжуд бўлади.

Лизинг муносабатларининг асосий қатнашчилари учун вужудга келадиган афзалликлар қуидагилардан иборат:

Лизинг олувчи субъектлар учун:

- эскираётган техника, ускуна ва жиҳозларни энг замонавийлари билан алмаштириш имкониятлари туғилади;
- бир вақтнинг ўзида мулкни сотиб олиш ва молиялаштириш масаласи ҳал этилади;
- сотиб олинаётган ускунанинг умумий қийматини бир вақтнинг ўзида тўлаш муаммосидан озод бўлади;
- лизингнинг оператив тури татбиқ этилганда, мулкка солинадиган соликдан озод этилади;
- замонавий технологияни ишлатишдан олинадиган фойданинг келиши тезлашади;
- ускуна қиймати, уни «Даромадга қараб буромад» тамойили асосида ишлатишдан ҳосил бўлган маблағлар ҳисобига тўланади;
- фойда солигига тортиладиган солиқ базаси ҳисобланадиганда лизинг тўловлари айриб ташланади.

Лизинг берувчилар учун:

- тақдим этилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва эски мижозларни сақлаб қолиш;
- янги мижозларни жалб этиш;
- ўзининг бўш маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча фойда олиш;
- мижоз тўлов қобилиятига эга бўлмагандан заарни камайтириш. Мулк шаклида инвестиция амалга оширилганда пул шаклидаги кредитдан фарқли ўлароқ, маблағларнинг қайтиб келмаслик қалтислиги камаяди, чунки лизинг берувчи лизингга топширилган мулкка эталик қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Лизингта бериладиган ускуналарнинг сотувчиси учун:

- маҳсулот сотиш бозорининг кенгайиши. Инвестицияларнинг чекланган миқдорда молиялаштирилиши аксарият ҳолларда корхоналарга технологик базаларини ўз вақтида янгилашларига имкон бермайди.

Давлат учун:

- инвестиция кўйилмаларидан мақсадли фойдаланишини кафолатлаш;
- фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш;
- анъанавий молиялашга қўшимча равишда маблағларни асосий фондларга жойлаштириш;
- кичик ва ўрга тадбиркорлик соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг ривожланишини рафбатлантириш;
- қўшимча маъмурий органларни ташкил этмаган ҳолда, фақат иқтисодий услублар билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун инвестицияларни амалга ошириш;
- ускуналар импорти бўйича бир давлат субъектлари томонидан имзоланган халқаро лизинг шартномаларининг умумий суммаси давлатнинг ташқи қарзларини ҳисоблашда акс эттирилмайди, ушбу ҳолат эса халқаро молия институтларига, шу жумладан, Халқаро валюта фондида ўзининг ижобий кредит рейтингини сақлаш имкониятини беради.

Лизингнинг салбий томонлари қўйидагилардан иборат:

Лизинг схемасидан асосий воситаларни янгилашни молиялаштиришда фойдаланиб, корхона даромад солиғи тўлашда таннархдан лизинг тўловини чегириб ташланиши ҳисобига маблағларни тежайди, лекин жалб қилинган қарзнинг лизинг компанияси банк кредитига ўз фоизларини қўшиши натижасида қимматлашиши сабабли, ташкилот харажатлари юқори бўлиши мумкин.

Одатда, лизинг олувчи учун лизинг қиймати оддий сотиб олиш баҳосидан ёки банк кредитидан юқорироқ бўлади. Жалб қилинган маблаглар қиймати лизинг компанияси учун корхонага нисбатан арzonроқ бўлган тақдирдагина лизинг фойдали ҳисобланади.

Лизинг турлари ва унинг таснифи. Амалиётда лизинг турларини аниқлашда қуйидаги белгилардан фойдаланилади:

- шартнома қатнашчиларининг сони;
- мол-мулкнинг тури;
- бозор сектори;
- лизинг тўловларининг шакли;
- мажбуриятлар ҳажми (хизмат қўрсатиш ҳажми);
- мол-мулкдан фойдаланиш муддати ва унга боғлик амортизация шартлари.

Лизинг операциясининг қатнашчилари (субъектлари) сонига қараб шартномалар қуйидаги турларга бўлинади:

— лизинг берувчи ва мол-мулк сотувчиси лизинг операциясида битта шахс сифатида қатнашувчи иккиёклама лизинг шартномалари (бевосита лизинг);

— мол-мулкни лизингта берувчи ва молиявий воситачи сифатида қатнашувчи лизинг компанияси билан кўпёклама лизинг шартномалари (бильвосита лизинг). Бундай шартноманинг класик вариантида уч томон: сотувчи — лизинг берувчи — лизинг олувчи қатнашади.

Лизинг мол-мулкнинг шаклига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

— кўчар мулк лизинги (ишловчи машиналар ва саноат тармоқлари учун асбоб-ускуналар, ҳисобловчи машина ва ташкилий-техника, транспорт воситалари ва ҳ.к.);

— кўчмас мулк шаклидаги лизинг (ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари).

Лизинг операциялари ўтказиладиган бозор секторига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

— ички лизинг, бунда шартнома қатнашчилари битта давлат резидентларидан иборат бўлади.

— ташки (халқаро) лизинг, бунда лизинг берувчи ва лизинг олувчилар турли давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари даридрлар. Мулк сотувчиси ўша давлатларнинг бирида ёки бошقا давлатда бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, халқаро лизинг импорт ва экспорт лизингларига бўлинади. Бундай турдаги лизинг операцияларида лизинг олувчи импорт лизингида ва шунга мувофиқ равишда лизинг

берувчи экспорт лизингида қатнашадилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун импорт лизинг характерлидир.

Лизинг тўловларининг шаклига мувофиқ лизинг қўйидаги турларга бўлинади:

— тўловлар пул шаклида амалга ошириладиган пуллик лизинг;

— лизинг олувчи лизинг берувчи билан ижарага берилган ускуналар асосида, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки муқобил хизматлар кўрсатиш орқали ҳисоблашадиган компенсацион тўловли (ёки компенсацион) лизинг;

— тўловларнинг бир қисми пул кўринишида, қолган қисми эса товар ва хизматлар кўринишида амалга ошириладиган аралаш лизинг.

Кўрсатиладиган хизматларнинг кўлами жиҳатидан лизинг соғ ва тўла хизмат кўрсатиладиган турларга бўлинади.

Соф лизинг — ижарага олинган мулкка кўрсатиладиган барча хизматлар лизинг олувчи зиммасига юклатиладиган муносабатлар. Шунинг учун ушбу ҳолатда ускуналарга хизмат кўрсатиш харажатлари лизинг тўловлари ҳисобига киритилмайди.

Тўла хизмат кўрсатиладиган лизинг — лизинг мулкига техник хизмат кўрсатиш, уни таъмирлаш, суурта қилиш ва бошқа операцияларни бажариш лизинг берувчи зиммасида бўлишини назарда тутади. Ушбу хизматлардан ташқари, лизинг олувчининг истагига кўра, лизинг берувчи субъект бир қатор хизмат турлари, шу жумладан, кадрлар тайёрлаш, маркетинг, хом ашё етказиб бериш ва ҳоказолар билан боғлиқ мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозори ривожланиш босқичида эканлиги ҳамда лизинг обьектларига сифатли техник хизматларни кўрсагадиган лизинг компанияларининг йўқлиги амалда соғ лизингнинг кенг қўлланилишини тақозо этади.

Мол-мулкдан фойдаланиш муддати ва у билан боғлиқ амортизация шартлари асосида лизинг қўйидагиларга бўлинади:

— шартноманинг муддати мулк хизмат қилиши меъёрий муддатига teng бўлиб, лизинг берувчига лизинг мулкининг тўла қиймати тўланадиган, яъни ускуна хизмат муддати мобайнидаги тўла амортизацияси ҳисобга олинадиган лизинг;

— шартнома муддати мулкнинг хизмат қилиш меъёрий муддатидан камроқ бўлади ва лизинг мулки қийматининг маълум қисми қопланади, бироқ, ускуналар қиймати тўла қопланмайдиган ва амортизацияланмайдиган лизинг.

Шартнома муддати ҳамда қопланиш даражаси белгилари молиявий ва оператив лизингни бир-биридан фарқлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Молиявий лизинг – мулкни сотиб олиб, вақтингчалик эгалик қилишга ҳамда давомийлигига кўра, ундан фойдаланишнинг тўла ва амортизациясига яқинлашувчи муддатларга ёки мулк қийматининг катта қисмига тенг бўлган баҳода топшириш бўйича операцияни ўзида мужассам этади. Лизинг шартномаси амал қилаётган муддат мобайнида лизинг берувчи лизинг тўловлари воситасида мулкнинг тўла қийматини ўзига қайтирибина қолмай, балки ушбу операциядан фойда олади. Бунда лизинг обьектига хизмат кўрсатиш ҳамда уни суғурталаш билан боғлиқ барча мажбуриятлар лизинг олувчи зиммасига юклатилади.

Молиявий лизингда лизинг шартномаси қуидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

- лизинг шартномаси муддати лизинг обьектининг хизмат муддатидан 80 фоиздан ортиқ бўлади ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг обьектининг қолдиқ қиймати унинг бошлангич қийматининг 20 фоизидан озини ташкил этади;

- лизинг олувчи лизинг обьектини қатъий белгиланган нарҳда ёки лизинг шартномаси муддати тугаганда аниқланадиган нарҳда сотиб олиш ҳукуқига эга;

- лизинг шартномаси давридаги тўловларнинг умумий суммаси лизинг обьекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлади.

Молиявий лизингни тавсифловчи муҳим ўзига хос белгилар қуидагилардан иборат:

- муносабатларнинг янги субъекти – мол-мулк сотувчиси-нинг мавжудлиги;

- лизинг берувчи мулкни ўзи фойдаланиши учун эмас, балки маҳсус лизингта бериш учун сотиб олади;

- мол-мулкни ва унинг сотувчисини мустақил аниқлаш ва танлаш ҳукуқи лизинг олувчида бўлади;

- мулк сотувчисига мулкни лизингга бериш мақсадида сотиб олинаётганлиги маълум қилинади;

- мулк бевосита лизинг олувчига етказилиб, унга фойдаланиш учун топширилади;

- лизинг олувчи томонидан мулкнинг сифати, бутлиги, кафолатли таъмирлаш ҳақидаги шикоятлари бевосита мулк сотувчисига йўлланади;

- мулкни фойдаланишга топшириш бўйича олди-берди далолатномаси имзолангандан кейин мулкнинг нобуд бўлиши ва шикастланиши қалтислиги лизинг олувчининг зиммасига ўтади.

Молиявий лизингнинг айрим турларини ажратиш мумкин.

Классик молиявий лизинг уч томонлама муносабатлар ва мулкнинг тўла қиймати қопланиши билан характерланади. Лизинг олувчининг аризасига биноан лизинг берувчи ускунани сотиб олиб, ижарага бериш асосида молиявий харажатларини қоплайди ва лизинг тўловлари орқали фойда кўради.

Қайтариладиган лизинг икки томонлама лизинг келишувиning бир туридир. Унинг моҳияти қўйидагилардан иборат. Ускунага эга бўлган корхона ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун маблағ етишмовчилиги сабабли, ускуналарини лизинг компаниясига сотади ва яна ўзи ушбу ускуналарни лизинг шартномаси асосида олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Шундай қилиб, корхона айланма маблағларини тўлдиришга йўналтириши мумкин бўлган пул маблағларига эга бўлади. Шартнома шундай тузиладики, унга кўра корхона шартнома муддати тугаши билан ускуналарни қайта сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Лизинг лойиҳалари қайтариладиган лизинг шаклида ҳам амалга оширилади. Бунда лизинг берувчи компания лизинг олувчи ташкилотдан мулкни сотиб олиб, уни қайтадан лизинг олувчи ташкилотта лизинг шартномаси асосида беради, лизинг олувчи вақтингчалик бўш маблағларга эга бўлади.

Корхонанинг даромадлилик даражаси паст бўлган, жадал амортизация ва даромад солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлмаган шароитда ушбу турдаги лизинг операциясига мурожаат қилиш мумкин. Корхона ушбу операцияда иштирок этади, лизинг компанияси эса солиқ имтиёзларига эга бўлади. Ўз навбатида, корхона лизинг компанияси учун лизинг тўловлари фоизини камайтириш имкониятига эга бўлади.

Сўнгги вақтда ускуна ишлаб чиқарувчilari ва лизинг компаниялари ўртасида битимларнинг имзоланиши кузатилмоқда. Битимлар асосида лизинг компанияси ишлаб чиқарувчи мижозларга ўзининг маҳсулотини лизинг бўйича молиялашни таклиф қиласди. Шундай қилиб, лизинг компанияси сотувчининг савдо тизимидан фойдаланади, сотувчи эса ўз маҳсулотини сотиш чегараларини кенгайтиради. Бундай келишув «сотувдаги ёрдам» номини олиб, одатда, улар паст қийматта эга асбоб-ускуналарга нисбатан кўлланилади.

Бундай схема бўйича бутун корхоналарни ҳам лизингга топшириш мумкин, бунда сотувчи ва лизинг олувчи битта юридик шахс ҳисобланади.

Бу хилдаги лизинг операциялари, аввало, молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналар учун құл келиши мүмкін. Бундай корхоналар бир вақтнинг ўзіда ускуналарни сотиб, молиявий маблағтарға зәға бўладилар ҳамда лизинг шартномасини тузиб, ўз ускуналаридан фойдаланадилар.

Левередж (кредитли, улушли, алоҳида) лизинг – қўшимча маблағларни жалб қилувчи лизинг тури бўлиб, кўп каналли молиялаштиришдан иборат бўлганлиги туфайли лизингнинг энг мураккаб турларидан ҳисобланади ва катта қийматли лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилади.

Ушбу турдаги лизингнинг ўзига хос ҳусусияти шулардан иборатки, унда лизинг берувчи ускунани сотиб олаётганда ускуна қийматининг тўла қийматини эмас, балки маълум қисмини тўлайди. Ускуна қийматининг қолган қисми эса бир ёки бир нечта кредиторлардан ссуда олиб тўлаш ҳисобига қоплайди. Айни чоғда, лизинг компанияси мулкнинг тўла қийматини соликқа тортилиши билан боғлиқ барча имтиёзлардан фойдаланишни давом эттиради.

Миллий молия-кредит муносабатларига хос бўлмаган маълум шартлар асосида лизинг берувчи ссудани олиши ушбу турдаги лизингнинг муҳим ўзига хос ҳусусиятидан бири ҳисобланади. Кредит лизинг берувчининг активларига даъво қилиш хуқуқисиз берилади. Шу сабабли лизинг берувчи қарз қоплангунга қадар мулкни гаров сифатида кредиторлар фойдасига расмийлаштиради ва ссуда қоплаш учун уларга лизинг тўловларининг маълум қисмини олиш хуқуқини беради.

Баъзи ҳолларда лизинг лойиҳаларини молиялаштириш учун лизинг компаниялари ўз маблағлари етишмаганлиги сабабли ссуда оладилар, яъни лойиҳани қўшимча маблағларни жалб қилиш ёрдамида молиялаштирадилар. Ҳисоб-китобларга қаранганд, жаҳондаги 85% дан кўпроқ лизинг битимлари қўшимча маблағлар эвазига амалга оширилади. Лизинг берувчи бир ёки бир нечта кредитордан лизингга берилаётган активларнинг 80% миқдорини узоқ муддатли ссуда сифатида жалб қиласи. Бу ҳолда лизинг тўловлари ва ускуна ссуда қайтарилишининг таъминоти бўлади.

Шундай қилиб, битим бўйича асосий қалтислик, кредиторларга, яъни банклар, суғурта компаниялари, инвестицион фонdlар каби молиявий ташкилотларга ўтиб, фақат лизинг тўловлари ва лизингга бериладиган мулк ссуда қайтарилишининг кафолати бўлиб ҳисобланади.

Фарбда лизинг операцияларининг 85%дан ортиги левередж лизинг асосида амалга оширилади. Бизнинг назаримизда Ўзбекистонда лизинг бизнеси ривожланиш босқичида эканлиги ва лизинг компанияларида капитал етишмовчилити шароитида левередж лизинг ўзига хос кўринишларда кенг тарқалиши мумкин.

Лизинг ёрдамида сотувни ташкил этиш — мол-мулкни етказиб берувчи сотувчи ва лизинг компанияси ўртасида тузиладиган маҳсус битим асосида сотишини англатади. Бундай битимлар турли хил шаклларга эга. Оддий кўринишда лизинг компаниясининг номи, манзили, телефони ва лизинг шартлари сотувчиларнинг реклама материалларида кўрсатилади ҳамда лизинг бўйича мулкдан фойдаланувчи билан боғлиқ барча масалаларни бевосита лизинг компанияси ҳал этади. Аммо аксарият ҳолатларда лизинг компанияси ва мулкни етказиб берувчи ўртасидаги келишув лизинг компанияси номидан бевосита сотувчи билан лизинг шартномаси тузиш имкониятини назарда тутади. Бундай ҳолларда шартномада воситачи вақтингчалик тўлов қобилиятига эга бўлмаса ёки банкротликка учраса, сотувчининг мол-мулкни лизинг компаниясидан қайта сотиб олиши лозимлиги белгилаб қўйилади.

Кўшимча лизинг (сублизинг). Кўпинча лизинг тўғридан-тўғри эмас, балки воситачилар ёрдамида амалга оширилади. Одатда, асосий лизинг берувчи, воситачи мавжуд лизинг компанияси орқали ускуналарни лизинг олувчига ижарага беради. Воситачи вақтингчалик тўлов қобилиятига эга бўлмаса ёки у банкротликка учраган тақдирда, лизинг тўловлари асосий лизинг берувчига тўланishi лозимлиги шартномада белгилаб қўйилади. Ушбу турдаги битимлар «сублизинг» деб аталади.

Воситачи иштирокидаги аксарият лизинг операциялари қўшимча лизинг (сублизинг) асосида амалга оширилади.

Асосий лизинг берувчи лизинг тўловларини олишда имтиёзли ҳукуқларга эга бўлади. Шартнома шартларига биноан, учинчи шахс банкротликка учраса, асосий лизинг тўловлари лизинг берувчига тўланади. Бу хил операциялар сублизинг деб юритилади. Бундан ташқари, «сублизинг» схемасидан холдинг, концернларга кирувчи ташкилотларни қайта техник куроллантиришда фойдаланиш мумкин. Кўпинча бош корхоналар ўзларининг шуъба корхоналарини ускуналар сотиб олиш учун ажратиладиган пул маблағларидан тўғри фойдалана олишига тўла ишонч ҳосил қиласмасликлари мумкин ва шу сабабдан, уларни бевосита молиялаштиришни истамайдилар. Бунда бош корхона шуъба корхоналарининг аризаларига

биноан, керакли ускуналарни сотиб олиб, буюртмачиларга етказиб бериш мақсадида лизинг компаниясини ташкил этади. Келажакда у лизинг тўловларини ўз вақтида тўланишини назорат қилиб турали, уларни тўплаб, асосий лизинг берувчига етказилишини таъминлайди, ускуналарнинг тўғри ишлатилиши устидан назорат ўрнатади, келишувда белгиланган бўлса, техник хизматлар ҳам кўрсатади.

Халқаро миқёсда «дабл-диппинг» номини олган (double dipping), сублизинг келишувларини қўллаш асосида икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг солиқ тизимида мавжуд имтиёзлар комбинациясига эришилади. Масалан, 80-йиллар бошларида ушбу схема асосида АҚШга Буюк Британиядан самолётлар олинган эди. Ушбу шартноманинг самарали бўлиши Буюк Британияда лизинг берувчи мулк ҳуқуқига эга бўлса ва АҚШда эса лизинг олувчи эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлса, солиқ имтиёзларидан фойда кўпроқ бўлиши билан боғлиқ бўлган. Ушбу ўзига хос томонлар ҳисобга олинган ҳолда лизинг келишуви қўйидагича ташкил этилди.

Буюк Британиядаги лизинг компанияси самолётларни сотиб олади (мулкдорлик ҳуқуқи) ва уларни лизинг асосида Америка лизинг компаниясида тақдим этади (эгалик қилиш ҳуқуқи). У эса, ўз навбатида, самолётларни маҳаллий авиакомпанияларга лизинг шарти билан таклиф этади. Бундай турдаги битимлар турли давлатлар ўртасида тузилиши мумкин. Худди шундай схема асосида 80-йилларда «Pan America» ўзининг аэробусларини Франция ва АҚШ ўртасидаги «дабл дип» бўйича молиялаштирган.

Кўпинча лизинг компаниялари солиқдан ютиш мақсадида ўз филиалларини имтиёзли солиқقا тортиш жойлари (оффшор худудлар)да очадилар.

Оператив лизинг – ускуна (мулкий ҳуқуқлар) ни меъёрий хизмат давридан кам муддатга берилиши. Шу муносабат билан бир шартнома бўйича лизинг тўловлари мулкнинг тўла қийматини қоплай олмайди. Лизинг берувчи мулкни бир неча маротаба ижарага беришга мажбур бўлади ва мулкка талаб бўлмаган тақдирда, унинг лизинг обьекти қолдиқ қийматини қоплаш бўйича қалтислиги ортиб боради. Шунинг учун ҳам оператив лизинг ставкаси молиявий лизингдагига нисбатан юқори бўлади.

Оператив лизингнинг ўзига хос қўйидаги белгилари мавжуд:

- шартнома муддати мулкнинг хизмат қилиши муддатидан камроқ бўлиб, оқибатда лизинг берувчи мулк қийматини битта шартнома тушумларидан қоплай олмайди;
- мол-мулк қўп маротаба лизингга берилади;

— лизингга ариза бўйича олингган мол-мулк эмас, балки лизинг компаниясида мавжуд бўлган мулк берилади. Бошқача қилиб айтганда, лизинг компанияси мулкни сотиб олар экан, ундан ким фойдаланишини аниқ билмайди. Шу сабабли оператив лизингга ихтисослашган лизинг компаниялари лизинг мулки — янги мулк ҳамда фойдаланишдаги мулк бозорларининг конъюнктурасини яхши билишлари керак;

— лизинг битими икки томонлама характеристега эга бўлади (лизинг берувчи — лизинг оловучи);

— техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва суфурта қилдириш каби мажбуриятлар лизинг компанияси зиммасида ётади;

— агар мулк кутилмаган ҳолатлар туфайли фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса, лизинг оловучи шартномани бекор қилиши мумкин;

— мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, йўқолиши, бузилиши каби қалтисликлар лизинг берувчининг зиммасида бўлади;

— оператив лизингда молиявий лизингга қараганда лизинг тўловлари юқорироқ бўлади, чунки лизинг берувчи, масалан, қайта лизингга бериш учун мижоз топилмаслиги ёки мулкнинг бузилиши, нобуд бўлиши билан боғлиқ қўшимча қалтисликларни ҳисобга олиши лозим;

— шартнома муддати тугагандан кейин мол-мулк, одатда, лизинг берувчига қайтарилади. Лизинг оловучи ўз хоҳишига кўра янги шартлар асосида шартнома муддатини узайтириши ва ҳатто мулкни сотиб олиши мумкин.

Оператив лизинг транспорт, курилиш, қишлоқ хўжалиги соҳалари ва бошқа саноат тармоқларида кенг қўлланилади. Оператив лизинг бўйича шартнома муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг маҳсус молиявий лизингта тегишли 587 — 599-бандларининг 6-параграфидан ташқари, «Мол-мулк ижараси» 34-боб, 535 — 599 бандлари билан ҳамда 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Ижара» ҳақидаги Қонун (26.05.2000 йилда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) билан тартибга солиб турилади. Шундай қилиб, оператив лизинг барчага маълум бўлган ижарадир.

7.2. Халқаро лизинг муносабатларининг ривожланиши

Халқаро лизинг — лизингнинг алоҳида бир тури бўлиб, бунда томонларнинг ҳеч бўлмагандан бирортаси бошқа мамлакатга тегишли ёки томонларнинг бири хорижий фирма билан қўшма капиталга эга бўлади. Халқаро лизингнинг қуйидаги турлари мавжуд: тўғридан-тўғри экспорт ва импорт, транзит (бильвосита), тўғри бўлмаган.

Тұғридан-тұғри халқаро лизингда битим бүйича барча операциялар турли мамлакатларнинг юридик шахслари бўлган тижорат ташкилотлари ўртасида амалга оширилади.

Транзит (биливосита) лизингда бир мамлакатдаги лизинг берувчи бошқа мамлакатдан кредит олади ёки зарур бўлган ускуналарни сотиб олади ва учинчи бир мамлакатдаги ижарачига етказиб беради.

Тұғри бўлмаган лизингда лизинг фирмаси ва истеъмолчи бир мамлакатта тегишли бўлган ҳолда лизинг фирмаси бошқа мамлакатда жойлашган бўлади.

Халқаро лизинг бизнеси ички лизингга нисбатан кеч ривожлана бошлади. Халқаро лизинг операцияларининг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир этган: кўтчилик мамлакатларда кредит олиш шартларининг оғирлиги, банклар томонидан фоиз ставкаларининг оширилиши, минтақавий молиявий инқирозлар, баъзи мамлакатлар солиқ тизимининг бекарорлиги ва бошқалар.

Халқаро лизинг операцияларини амалга оширишдаги қийинчиликлар нафақат миллый мамлакат, балки ҳамкор мамлакат ҳукуматининг валюта, божхона ва бошқаларни тартибга солиш қоидалари таъсири остида бўлишидан иборат.

Лизинг операцияларидан фойдаланиладиган аксарият давлатларда лизинг компаниялари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва лизинг бизнесини ривожлантириш мақсадида миллый лизинг уюшмаларини ташкил этгандар.

Учта қитъада миллый лизинг уюшмалари халқаро миқёсдаги форум, учрашувларда иштирок этиш, чет эл тажрибасини ўрганиш, халқаро лизинг ташкилотлари билан мулоқот юритиш ҳамда доимий равишда ахборот алмашиш мақсадида ўзларининг минтақавий ташкилотларини таъсис этгандар.

Халқаро лизинг ташкилотларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аъзо мамлакатларнинг қонунчилигини ўрганиш ва қиёсий таққослаш;
- барча хуқуқий, солиқ, молиявий масалаларни ҳал этиш;
- лизинг битимларининг шартлари тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиш;
- лизинг фирмаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш.

Таҳдиллар кўрсатишича, лизинг операциялари ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланаб бормокда. XXI аср бошларида ривожланган мамлакатлардаги инвестицияларнинг 20 – 25% и лизинг операцияларига тўғри келади.

АҚШда асбоб-ускуналар лизингининг ҳажми йилига 75 млрд. доллардан 315 млрд. долларгача етади ва ушбу кўрсаткич реал ЯИМга нисбатан 1 – 3% ни ташкил этади. АҚШ иқтисодиёти лизинг операцияларисиз ҳар йили 209 млрд. доллар йўқотиши мумкин. АҚШда бизнеснинг 80% и лизингдан фойдаланади ва йилига 3 млн. дан 6 млн. гача янги ишчи ўринлари яратилади. Масалан, 2003 йилда АҚШ ҳиссасига жаҳон лизинг операцияларининг 52% и тўғри келган, асбоб-ускуналарга йўналтирилган инвестицияларнинг 25 – 30% и лизинг шаклида амалга оширилган ва йиллик лизинг айланмасининг миқдори 208 млрд. долларга тенг бўлган¹²⁵.

АҚШда лизингга тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралиб, унда буюртмачи эҳтиёжи учун вақтинча мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи мулкдордан ижараочига берилади ва унинг натижасида лизинг фирмаси маълум миқдорда даромад олади. Лизинг операцияси жараёнида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи вақтинча бир юридик шахсдан иккинчи юридик шахсга ўтказилади. Лизинг операцияларининг муваффақиятли амалга оширилиши иқтисодий ва ижтимоий масалаларнинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилмоқда. Янги иш жойларининг пайдо бўлиши ва уларга аҳоли кенг қатламларининг, шу жумладан, оддий хизматчилар, ҳайдовчилар, ҳукуқшунослар, муҳосиблар, малакали ходимлар, ўқитувчилар, референтлар, таржимонлар, тарбиячилар ва ҳоказо мутахассисликларнинг жалб қилиниши, юқоридаги фикрларнинг исботидир. Оммавий ахборот воситаларида америкаликларнинг барчаси шахсий компьютерларга эга, деган фикр кенг тарқалган. Аслида эса ушбу компьютерларнинг 90% и ижарага олинган.¹²⁶ Мамлакатда лизинг операциялари туфайли хизмат муддати тутагандан сўнг ускуна ижараочига сотилмайди, агар хизмат муддати 80% амортизация муддатидан ошиб кетган ҳолда, олди-сотди операцияси, деб ҳисобланиб, лизинг учун белгиланган имтиёзлардан маҳрум қилинади.


АҚШда лизингнинг барқарор суръатларда ривожланишининг муҳим сабабларидан бири инвестицияларга бериладиган солиқ имтиёзлари ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, инвестициялар йиғиндинсисининг 10% гача қисми солиқ йиғиндинсисидан чиқариб ташланади.

¹²⁵ «The Economic Contribution of the Equipment Leasing Industry to the U.S. Economy» Global Insight.

¹²⁶ Вилкова Н. Международный финансовый лизинг. // Экономика и жизнь, №20, 1996. С.17.

Европада халқаро лизинг операциялари турли лизинг уюшмалари орқали амалга оширилади. Улар орасида эни йиритги Европа миллий лизинг ассоциациялари федерацияси «Лизюрон» ҳисобланади. Ушбу федерация 1972 йилда ташкил этилган булиб, ҳозирда 30 та мамлакатнинг лизинг компанияларини бирлаштиради. Европа лизинг бозорининг 95% и «Лизюрон» ҳиссасига туғри келади ва 1994 – 2008 йиллар мобайнида амалга оширган лизинг битимлари ҳажми 4,7 мартаға оштган. Ушбу ассоциация аъзолари барча турдаги активларни (автомобиллар, асбоб-ускуналар ва күчмас-мұлк) тұлов муддатини узайтириш орқали сотишига асосланған молиявий ва оператив лизинг билан хизматларини таклиф этишади. Шунингдек, улар автомобиллар, вагонлар ва юқ автомашиналарини ижрага бериш билан шуғулланадилар.


Таҳлиллар күрсатишича, 2008 йилда «Лизюрон» аъзолари умумий ҳажми 330,1 млрд. евро миқдорида лизинг операцияларини амалга оширишган булиб, ушбу күрсаткич 2007 йилга нисбатан 5,1% га пасайған. Шунға қарамасдан Европада жами лизинг активлари портфели 2007 йилга нисбатан 4,3% га оши, 2008 йилда 770,9 млрд. еврони ташкил этган (7.2.1-расм).



7.2.1-расм. «Лизюрон» аъзоларининг лизинг битимлари ва лизинг портфели ҳажмининг үзгариши, млрд. евро ҳисобида¹²⁷

2008 йилда «Лизюрон» лизинг битимларининг 38%и йүлевчи автомобиллар, 22%и машина ва саноат асбоб-ускуналари, 20%и тижорат транспорты, 8%и кемалар, поездлар ва самолётлар, 7%и инновацион технологиялар, бизнес асбоб-ускуналари ва 5%и бошқа активлар лизингига түғри келган (7.2.2-расм).

¹²⁷ www.leaseurope.org/uploads/Leaseurope_FactsFigures_2008.pdf



7.2.2-расм. 2008 йилда «Лизюрон» лизинг битимларининг активлар бүйича тақсимланиши, жамига нисбатан фойзда¹²⁸

Хар қандай тадбиркорлик фаолияти сингари лизинг шартномалари ишончли ҳуқуқий асосга эга булиши керак. Яқин вақтларгача күргина ривожланган мамлакатлarda мавжуд қонунчилликка күра машина ва ускуналар ижараси умумий нормалар асосида бошқарилар, томонлар муносабатини билдирувчи технологик аниқликлар мавжуд эмас эди. ХХI аср бұсағасида бир қатор хорижий мамлакатлардаги фуқаролик ҳуқуқларида лизинг ва унинг турларига ҳуқуқий аниқлик берилгандар, улардан бир қанчаси бүйича эса тегишли қонуний ҳужжатлар қабул қилингандар.

Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий таъминланғанлық дара-жаси бүйича мамлакатлар учттаруға бўлинади:

1. Лизинг шартномаларини бошқарувчи маҳсус қонунлар мавжуд мамлакатлар гурухи (Франция, Бельгия, Италия).
2. Маҳсус қонуний ҳужжатлар амал қилаётган мамлакатлар («Умумий ҳуқуқ» мамлакатлари: Англия, Австралия, Янги Зеландия).
3. Амалда маҳсус қонунчилиги мавжуд бўлмаган мамлакатлар: (АҚШ, Германия). Биринчи гуруҳ мамлакатларидаги мавжуд қонунчиллик учун характерли хусусият, лизинг муносабатлари нафақат асосий ҳамкорлар (лизинг олувчи ва лизинг берувчи) ўртасида бошқарилади, балки лизинг компанияси билан етказиб берувчи ўртасида ҳам бошқарилади.

Биринчи қонунчилликка күра, лизинг келишувларида қуйидаги ҳолатлар албатта кўрсатилиши керак: ускуналарнинг аксарияти кейинчалик ижарага топширилиши ва улар фақат профессионал мақсадларда ишлатилиши лозим. Унда яна сотиб олиш ва баҳо ҳуқуқи шарт-шароитлари ҳам кўрсатилади, яъни келишув

¹²⁸ Ўша манба.

муддати тугагандан сўнг қайтариб олиниши мумкин. Шу билан бирга риск ва масъулият бўйича муаммолар фуқаролик ва савдо хукуқларига оид умумий нормалар орқали амалга оширилади.

Иккинчи грух мамлакатлари қонунчилигига кўра лизинг келишувлари вақтингачалик ишлатишга бериладиган буюмнинг қиймати ва лизинг келишувлари субъектларига боғлиқ равинда бошқарилади.

Учинчи грух мамлакатларида махсус қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги. Масалан, АҚШда яқин вақтларгача лизингта бўлган муносабатни белгиловчи асосий восита солиқ ва амортизация имтиёзлари эди. Улар солиққа тортиш масалаларига бағишлиланган қонуний хужжатларда белгилаб берилган. Бу мамлакатларда лизинг келишувларида умумий фуқаролик ва савдо хукуқлари кенг қўлланилади.

Утиш иқтисодиёти ҳисобланган МДҲ мамлакатларида лизинг бозорининг шаклланиши ва ривожланиши қатор хусусиятларга эга. Ушбу мамлакатларда дастлабки лизинг компаниялари банклар томонидан таъсис этилган. Лизинг компаниялари ривожланиш даврида асосан банкнинг корпоратив мижозларига хизмат кўрсатишган.

Россияда лизинг бозори жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, 2006 – 2008 йилларда Россияда имзоланган лизинг битимлари ҳажми 80,2% га, лизинг компанияларининг умумий портфели 2,8 марта, лизинг тўловлари ҳажми эса 3 марта ортган. 2008 йилда лизингнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 1,7% ни ташкил этган (7.2.1-жадвал).

7.2.1-жадвал

Россия лизинг бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари¹²⁹

	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Лизинг битимларининг ҳажми, млрд. руб.	399,6	997,5	720,0
Лизинг битимлари ҳажмининг ўсиш суръатлари, %	83,8	149,6	-27,8
Лизинг тўловлари ҳажми, млрд. руб.	136,0	294,0	402,8
Мол-мулкни молиялаштириш ҳажми, млрд. руб.	201,1	537,0	442,0
Лизинг компанияларининг умумий портфели, трлн. руб.	0,5	1,2	1,4
Россия ЯИМнинг номинал ҳажми, трлн. руб.	26,9	33,1	41,7
Лизингнинг ЯИМдаги улуши, %	1,5	3,0	1,7

¹²⁹ Велиева И., Романовский Р., Самиев П. Каникулы в коме. // Эксперт, № 47, 2009. С. 89.

Қозғистонда лизинг муносабатларининг шаклнанини күн жиҳатдан Россияга ұхшаш. Ҳозирда Қозғистонда 15 та лизинг компанияси фаолият юритмоқда, уларнинг аксарияти банклар хузурида фаолият юритиб, иккитаси эса давлат лизинг компаниясидир. Давлат лизинг компаниялари қишлоқ хұжалиги тармоғыда фаолият юритувчи хұжалик субъектларни лизинг асосида молиялаш билан шүгүлланадилар. Құпчилик банклар хузурида ташкил этилган лизинг компаниялари үз фаолиятларини 2002 – 2003 йилларда бошлаганлар. Қозғистонда фаолият юритаётган қыйидаги лизинг компанияларини ажратиб құрсатиш мүмкін: «Альянс Лизинг», «АТФ Лизинг», «БТА Лизинг», «Нуринвест», «Агромашлизинг», «Центрлизинг», «Темир лизинг», «Астана Финанс», «Казагрофинанс» ва бошқалар. Ушбу компаниялар үзларининг таъсисчилари бұлмиш банклар томонидан молиялаштирилған. Еврона тараққиёт ва тикланиш банки (ЕТТБ) билан икки томонлама импорт-экспорт агентлиги лизинг компанияларини құллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун кредит линияларини ажраттан. Құпгина банкларнинг лизинг компаниялари 40 мингдан 350 минг долларгача миқдордаги лизинг операцияларини амалға ошироқталар. Шуни таъқидлаш жоизки, баъзи лизинг компаниялари 2 – 4 млн. долларгача бұлған лизинг лойиҳаларини молиялаштирадилар. Лизинг компанияларининг фоиз ставкаларининг ўртача йиллик даражаси 22% атроғыда белгиланды. Ушбу компанияларнинг асосий мижозлари ёқылғи-энергетика саноати, металлургия, тиженет, транспорт, қишлоқ хұжалиги соҳаларыда фаолият юритадилар.

Қозғистон лизинг компаниялари россиялик мол етказиб берувчилар билан асосан сублизинг схемаси буйича иш олиб борадилар. Яъни Қозғистон лизинг компанияси Россия лизинг компаниясидан ускуналарни олади ва Қозғистондаги охирги фойдаланувчига ускуналарни етказиб беради. Ҳозирги кунда Қозғистонда лизинг компаниялари таъсис этилишига қизиқишининг ошиб бориши лизинг бозорининг демонополизация қилинишига ҳамда лизинг асосий молиявий восита бўлишига асос яратади. Қозғистонда лизинг муносабатларини тартибга солиб турувчи дастлабки меъерий хужжат 1995 йил 25 декабрда Қозғистон ҳукумати томонидан қабул қилинган қарор ҳисобланиб, у асосан агросаноат соҳасидаги лизинг муносабатларини белгилаш мақсадида жорий этилган эди.

Ўзбекистон, Россия ва бошқа МДХ давлатларидан фарқли равища Қозғистон Фуқаролик кодексида (ФК) ер участкалари лизинг обьекти бўлиши мүмкін. Чунки Қозғистонда ер хұжалик

субъектлари тасарруфыда булиб, олди-согди обьекти саналади. Ушбу меъёр Қозоғистонда кўчмас мулк муносабатларининг жадал ривожланишига туртки булиб хизмат қилади.

Лизинг меъёрий таъминланишининг кейинги босқичи 2000 йил 5 июлда Қозоғистонда қабул қилинган «Молиявий лизинг ҳақида»ги Конун билан боғлиқ. Натижада кўпчилик банклар лизингта муҳим молиявий инструмент сифатида қарай бошладилар ва ўзларининг шуъба лизинг компанияларини таъсис эта бошладилар. Ушбу қонунда лизинг ва сублизинг тушунчалари, лизинг оловчи, лизинг берувчи ва лизинг обьектини етказиб берувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лизинг субъектларининг масъулияtlари, лизинг шартномасига ўзгартеришлар киритилиши ва бекор қилинишининг қоидалари тұлалигича ёритиб берилган.

Шартноманинг энг кам муддати лизинг обьектиниң амортизацияси муддатига боғлиқлиги маълум даражада Қозоғистонда лизинг ривожига түсқинлик қилди. Ҳусусан, «Лизинг түғрисида»ги Қонунда лизинг шартномасининг муддати амортизация муддатига мослаштирилиши ёки лизинг тұловлари лизинг обьектиниң 80% дан кам бўлмаслиги ёки ортиқ булиши лозимлиги кўрсатилган.

Лизинг секторининг ривожланиши кўп жиҳатдан иқтисодий омилларга, солиқ, божхона ва валюта соҳаларидағи мавжуд меъёрий ҳужжатларга боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда Қозоғистонда лизингда бўлганидек кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини амалга оширишига түсқинлик қилувчи омиллар мавжуд. Масалан, Қозоғистон солиқ қонунчилигига лизинг обьектиниң жадал амортизацияси учун солиқ имтиёzlари мавжуд эмас, бу эса мулкни сотиб олишнинг бошқа шаклларига нисбатан лизингнинг иқтисодий самарасини камайтиради. Жадал амортизацияниң лизинг соҳасида қўлланилиши лизинг хизматлари бозорининг ривожланишига олиб келади. Масалан, Европа ва АҚШда лизинг айнан шу сабабли юқори самарали молиявий восита сифатида қаралади. Лизинг битимларини тузишдаги яна бир муаммо бу ҚҚСнинг икки маротаба тұланишидир. Бу эса лизинг оловчи учун лизинг обьекти қийматининг 32% га үсишига олиб келади ва мамлакатда кичик ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланишига жиddий түсқинлик қилади.

Қозоғистонда бошқа кўпчилик бозор иқтисодиётiga үтиш давлатларида бўлгани каби, лизинг тадбиркорлик фаолиятини ва инвестицияларни жалб қилувчи асосий механизм сифатида шаклланмоқда. Лизинг фаолияти учун оптималь шароитларнинг

яратилиши эса, ўз навбатида, бошқа мамлакатларда бўлганидек, иқтисодий ўсиш ва лизинг ёрдамида инвестициялар ҳажмининг ошишига олиб келади.

7.3. Лизинг муносабатлари ҳуқуқий асосларининг таомиллашуви

Замонавий лизинг ХХ асрнинг 50-йиллари бошларида АҚШда вужудга келиб, 60-йилларнинг бошларида Европада тарқала бошилади. Шу муносабат билан лизинг ҳусусий ҳуқуқни унификациялаш Ҳалқаро институти қошида 1974 йилда ҳалқаро лизинг бўйича унификациялашган қоидаларни ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Бунда 1988 йил 28 майда Оттава шаҳрида (Канада) қабул қилинган ва 1995 йил 1 майдан кучга кирган БМТ Конвенцияси қоидалари ҳамда ушбу Конвенцияга аъзо бўлган ва бўлмаган давлатлар қонунчилигини инобатга олиш асосий муаммолардан бири эди. Бу борада Республика Олий мажлисининг 2000 йил 26 майдаги қарори асосида Ўзбекистоннинг ҳусусий ҳуқуқни бир хиллаштириш бўйича БМТ Ҳалқаро институтининг «Ҳалқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисида»ги (Оттава, 1988 йил 28 май) конвенциясига қўшилиши лизингга оид қонунчилигимизни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш ҳамда ҳалқаро лизинг операцияларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон ҳалқаро молиявий лизинг тўғрисида УНИДРУА Конвенциясини имзолади ва тасдиқлади. Ушбу Конвенция 2001 йининг 1 февралидан кучга кирган бўлиб, ҳалқаро лизинг операцияларини мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бир қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш меъёрлари 1996 йил қабул қилинган (1997 йилнинг 1 мартаидан кучга киритилган ва саккиз маротаба ўзгартиришлар киритилган) Фуқаролик кодекси (ФК) ва 1999 йилнинг 14 апрелида қабул қилинган, 2002 йилнинг 13 декабрида ўзгартиришлар киритилиб, 2003 йилнинг 8 февралидан кучга кирган «Лизинг тўғрисида»ги Қонун асосида амалга оширилади.

ФКнинг 34-боби «Лизинг (молиявий ижара)» деб номланиб, лизинг соҳасида ҳуқуқий муносабатларни мувофиқлаштириш баён этилган. Ушбу бобда лизинг, обьекти ва субъектлари ҳақида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сублизинг ва лизинг тўловлари ҳақида тущунчалар берилган. Бобда жалб қилинган мулк шартномаларининг муддатидан олдин бекор қилиниши курсатиб берилган.

1999 йил 14 апрелда эса Олий Мажлис қарори билан Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида» ги Қонуни кучга кирди. Мазкур мөъёрий-хукуқий хужжат лизинг бўйича Олий Мажлис томонидан қабул қилинган биринчи маҳсус давлат хужжати бўлиб, унда лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби ва шартлари, унда интироқ этадиган субъектларининг хукуқ ва мажбуриятлари, лизинг объектининг таърифи ва лизинг фаолиятини белгиловчи мөъёrlар аниқ белгиланган эди.

Мамлакатда лизинг муносабатларини ривожлантиришда Ўзбекистон Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 7 майда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қоидалари муҳим рол ўйнали. Ушбу хужжат тижорат банкларининг лизинг бозорида фаолият юритиш мөъёrlарини аниқлаб, банк мижозлари бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектларига банклар томонидан лизинг хизматларини бажаришнинг хукуқий асосларини яратди.

Лизинг бўйича мөъёрий-хукуқий базани янада такомилластириш мақсадида мамлакатда хукуқий ислоҳотлар давом эттирилди. 2002 йил 28 августдаги Республика Президентининг «Лизинг тимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 3122-сонли Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси айрим қонуний хужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ ЎзР Фуқаролик ва Солиқ кодексига, ЎзР «Лизинг тўғрисида»ги ва «Божхона тарифлари тўғрисида»ги қонунларига 40 га яқин ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

2003 йил 16 июндаги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 260-сонли «Валюта курсларини янада унификациялаш ва валюта бозорини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори лизинг операцияларини амалга оширишда валюта ҳисобига лизинг объектиларини импорт қилиш шарт-шароитларини енгиллаштириди ҳамда халқаро лизинг операцияларининг ривожлашишiga кенг имкониятлар яратди.

2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парлamenti томонидан Хўжалик Процессуал кодексига ўзгаришларнинг қабул қилиниши натижасида, лизинг олувчи шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганда лизинг объекти лизинг берувчи томонидан талаб қилиб олинишининг соддалаштирилган механизми яратилди. Таклиф этилган ўзгаришлар лизинг берувчи томонидан нафақат ўз опрацияларининг ҳажмини оширишга, балки таъминот учун етарли активлари

бўлмаган кичик бизнес вакилларининг лизинг бўйича ускуналар олишларига қулайлик яратди. Бу эса мамлакатда лизинг ривожланишини рағбатлантиришда муҳим дастак бўлиб хизмат қиласди.

7.4. Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозори

Лизинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатимиз учун нисбатан янги молиявий дастакни ўзида мужассам этади.

XX аср 90-йилларининг биринчи ярмида бозор ислоҳотлари натижасида банк, кредит муассасалари ва корхоналар кўпгина молиявий дастаклардан фойдалана бошладилар. Айни шу йилларда лизинг тузилмаларини фаол ташкил этиш, иқтисодиётнинг ушбу соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бошланди.

Айни шу даврда «Ўзбеклизинг Интернейшнл» АЖ (1995 й.), Осиё – Евropa траст компанияси (ОЕТК) (1996 й.), «Барака» Универсал Лизинг Компанияси (1996 й.), «Ўзкейсагролизинг» ҚҚ (1997 й.), «Ўзавиализинг» Акциядорлик лизинг компанияси (1997 й.) каби лизинг бозорида самарали фаолият юритаётган миллий ва қўшма корхоналар ташкил этилди. Бу лизинг тузилмаларни шакллантиришда хориж тажрибасидан самарали фойдаланилди.

«Ўзбеклизинг Интернейшнл» АЖ Ўзбекистон лизинг бозоридаги дастлабки лизинг компанияларидан бири бўлиб, компания 1995 йил 5 январь куни Ўзбекистон ҳукуматининг Қарорига мувофиқ ташкил этилган ва низом жамғармаси 4 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Компания таъсисчилари ЎзРТИФ Миллий банки (35%), Малайзиянинг «Малаян бэнкинг Берхард» банки (35%), Халқаро Молия Корпорацияси (15%) ҳамда Евropa тикланиш ва тараққиёт банк (15%) ларидан иборат (7.4.1-жадвал).

Ушбу компаниянинг мақсади, Ўзбекистоннинг устувор иқтисолидий тармоқларига унинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида замонавий технологияларни жалб этиш ҳамда мамлакатдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларга кенг кўламли хизматларни кўрсатишдан иборат. Компанияда лизинг сўмда амалга ошириладиган лойиҳалар учун лизинг муддати 3 йилгача, валютадаги лойиҳалар учун эса 5 йилгача деб белгиланган. Ушбу компания 1995 – 2004 йилларга қадар 12 млн. доллар миқдоридаги 50 дан ортиқ лойиҳани амалга оширган, шу жумладан, 2004 йилда компания томонидан 3454,7 млн. доллар миқдоридаги 17 та лойиҳа амалга оширилди.

**Асосий капиталга жойлаштирилган инвестицияларда
лизинг улуши¹³⁰**

	Лизингга берилган активларнинг таниархи, млн.долл.	Асосий капиталга йўналтирилган ички инвестицияларда ички лизинг улуши, %	ЯИМга нисбатан лизинг улуши, %
2003	37,9	2,7	0,4
2004	43,4	2,4	0,4
2005	81,5	3,7	0,6
2006	107,6	4,2	0,6
2007	169,7	3,9	0,8
2008	266,2	4,2	1,0


Таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатимизда 2008 йилда асосий капиталга сарфланган инвестициялар ҳажми 8,48 трлн.сўмни (6,4 млрд. долл.) ва ушбу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан қўшимча ўсиши 28,3% ни ташкил этди.

Асосий капиталга жойлаштирилган инвестициялар таркибида маҳаллий манбалар ҳисобига амалга оширилаётган лизингнинг улуши 2007 йилдаги 3,9% дан 2008 йилда 4,2% гача ортди ва мутаносиб равишда ЯИМ таркибидаги лизингни улуши 0,2% дан 1,0% гача кўтарилди.

2008 йилда лизингга берилган мулк ҳажми 2007 йилдагига нисбатан 96,5 млн. долларга кўпайди ва 266,2 млн.долларни ташкил этди (аввалиги йилга нисбатан ўсиш 56,9% ни ташкил этди), бу эса лизинг операцияларининг барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлаётганини тасдиқлади (7.4.1-расм).

Лизингга берилган мулк ҳажмининг ўзгариш тенденцияси лизинг бозорида иштирокчиларнинг кўпайиши кўринишида содир бўлиб, кўпайиш лизинг компанияларидан ташқари бошқа ташкилотлар ҳисобига ҳам содир бўлмоқда. 2007 йилда лизинг бозорида 49 та лизинг берувчи субъект фаолият юритган бўлса, 2008 йилда уларнинг умумий сони 64 тани ташкил этиб, шу жумладан, 29 таси – лизинг компаниялари, 20 таси – банклар ва 12 таси лизинг асосий фаолият тури ҳисобланмаган компаниялардан иборат бўлди.

¹³⁰ Leasing in Central Asia and Azerbaijan. IFC. 2007. p. 32. ва Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане. По итогам 2008 года. Международная Финансовая Корпорация, Ассоциация лизингодателей Узбекистана, Рейтинговое Агентство Prime Rating, Ташкент – 2009, С. 3.



7.4.1-расм. Лизинг бозори иштирокчилари улушининг ўзгариши¹³¹

2008 йилда лизинг бозорининг 63,2% и лизинг компанияларига тегишли бўлди. Лизинг бозорининг барқарор ўсиши бозорда яна 12 та янги лизинг компанияларнинг пайдо булиши билан боғлиқ. 2008 йилда мамлакатда 4 395 та лизинг битими имзоланиб, лизингга берилган мол-мулк ҳажми 97,8% ўсида ва 168,3 млн. долларига тенг бўлди. Лизинг компаниялари портфели 2008 йилда ўтган йилга нисбатан 75,3%га ўсида ва 321,6 млн. долларга етди. Кечиктирилган тўловлар эса 2008 йил якунлари бўйича 1,1% ни ташкил этди.

Лизингга берилган мол-мулк ҳажмида банк секторининг улуси ўтган йилга нисбатан 12,1 пунктга қисқариб, 35,2% ни ташкил этди. 2008 йилда банклар 1 344 та лизинг битимини имзолашди ва 93,6 млн. долларга тенг қийматдаги мол-мулк лизингга берилди ва ушбу кўрсаткичнинг ўсиши 16,7% ни ташкил этди (7.4.2-жадвал). Банкларнинг лизинг портфели 2008 йилда 293,2 млн. долларни ташкил этди, бу эса бозорнинг барча иштирокчилари портфели умумий ҳажмининг 47,3% ига тенг бўлди.

¹³¹ Leasing in Central Asia and Azerbaijan. IFC. 2007. p.33. ва Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане. По итогам 2008 года. Международная Финансовая Корпорация, Ассоциация лизингодателей Узбекистана, Рейтингиное Агентство Prime Rating, Ташкент – 2009, С. 4.

Лизинг битимлари портфели динамикаси¹³²

	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Лизинг берувчилар сони	21	23	28	33	42	64
Йил давомилаги имзоланган битимлар:						
— сони	2817	2810	4078	5630	5107	5970
— мол-мулк қиймати, млн. долл.	37,9	43,4	81,5	107,6	169,7	266,2
Йил якунидаги лизинг портфели						
— сони	7022	8985	13068	17693	21012	23830
— мол-мулк қиймати, млн. долл.	60,1	87,8	133,9	201,0	266,4	619,2
Кечиктирилган тұловлар білән битимлар (йил якунида)						
— сони	170	36	279		524	475
— мол-мулк қиймати, млн. долл.	1,3	2,0	2,0	маълум от йүк	2,5	3,7

2008 йилда лизингга берилған мол-мулк таркиби таҳлиллари күрсатишича, унда қишлоқ хұжалиги техникаси катта үрин әгалаганини таъкидлаш лозим. Лизингга берилған қишлоқ хұжалик техникасининг қиймат күриниши 101,1 млн. долларни ташкил этди ва унинг лизинг базоридаги улуши 38% га teng бўлди. Қишлоқ хұжалиги техникасини лизингта берувчи компаниялар «Пахта лизинг» ва «Ўзқишлоқхұжмализинг» ҳисобланган ҳолда, банклар ўртасида «Микрокредитбанк» ва «Халқ банки» катта улушга эга бўлди (7.4.3-жадвал).

Лизингга бериләстган асосий воситалар турларининг таҳлили күрсатишича, лизинг олувчилар томонидан пассажир автотранспорти катта тараба әгалигини қайд этиш мумкин. Шу турдаги мулк бўйича операциялар ҳажми 2008 йилда 46,6 млн. долларни ёки базорнинг 18% ини ташкил этди. Лизинг олувчиларнинг эътиборини ўзига жиљдий жалб этувчи яна бир соҳа кўчмас мулк ва мол-мулк комплекси ҳисобланади. Бу турдаги асосий воситаларнинг лизингга берилған мол-мулкнинг умумий ҳажмидаги улуши ўтган йилга нисбатан 5 пункта ортиб, 14% га етди. 2008 йилда ишлаб чиқарини воситаларнинг улуши 2 пунктта пасайиб, 15% ни ташкил

¹³² Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане. По итогам 2008 года. Международная Финансовая Корпорация, Ассоциация лизингодателей Узбекистана, Рейтинговое Агентство Prime Rating, Ташкент – 2009, С. 5.

Этди. Ишлаб чиқарип ускуналари таркибида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш улуши 10% дан 8% гача пасайди ва енгил саноат учун ускуналар улуши 4% дан 3% гача камайди.

7.4.3-жадвал

Лизингга берилган мол-мулк турларининг ўзгариши¹³³

Ускуналар/мол-мулк тури	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.	
	битим сони	млн. долл.						
Енгил саноат учун	4	2,2	38	5,6	91	6,4	50	6,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	34	4,0	27	2,6	51	3,8	98	6,7
Курилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш	62	10,6	49	5,9	117	17,8	171	22,2
Қишлоқ хўжалик техникаси	3 422	46,1	5 022	61,3	3 815	61,1	3 921	101,1
Юқ ташиш автотранспорти	10	0,9	24	1,7	57	6,4	237	17,7
Пассажир ташиш автотранспорти	242	5,5	274	7,1	701	29,4	1 027	46,6
Кўчмас мулк, мол-мулк комплекси	38	2,4	49	8,9	67	16,0	98	36,2
Бошқалар	266	9,8	147	14,5	208	28,8	368	28,9
Жами	4 078	81,5	5 630	107,6	5 107	169,7	5 970	266,2

Банкларнинг лизингга берган мол-мулк турлари таркибида лизинг операциялари улуши 2008 йилда сезиларли ўзгарди. Жумладан, ушбу даврда энг катта улуш кўчмас мулкка тегишилдири – 35% (2007 йилда – 17%). Шунингдек, ишлаб чиқариш ускуналарининг улуши 19% дан ошиб 22% га етди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик техникасининг улуши 27% дан 19,5% гача пасайди.

Лизинг компанияларининг операциялари таркибида қишлоқ хўжалиги техникасининг улуши 2007 йилга нисбатан 45% дан 48,5% гача ортган, юқ ташиш автотранспорти улуши эса 4% дан 7% гача ошганлиги кузатилди. Лизинг компаниялар томонидан лизингга берилган мол-мулк таркибининг бундай тарзда ўзгаришини пассажир автотранспорти ҳажмининг 28% дан 21% гача ва ишлаб чиқариш ускуналари ҳажмининг 16% дан 12% гача пасайланлиги орқали тушунтириш мумкин. 2008 йилда имзолangan битимларнинг 66% и қишлоқ хўжалик техникасига ва 17% и пассажир автотранспорти ҳиссасига тўғри келади.

¹³³ Уша маъба.

Таҳлиллар кўрсатинича, лизинг битимлари муддати Ўзбекистонда ўтган йилга нисбатан қисқариб, ўртача 2,4 йилни ташкил этмоқда (2007 йилда – 3 йил). Лизинг битимларининг ўртача ҳажми ўтган йилга нисбатан 11,4 минг долларга ўсиб, 44,6 минг долларга етди. Унбу кўрсаткич лизинг берувчилар ўртасида кескин ўзгариб туради. «Asaka-Trans-Leasing», «Узавиализинг» каби лизинг компаниялар, «Алп Жамол», «Асака», «Ипак Йўли», «Credit Standard», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Трастбанк» каби банклар амалга оширадиган лизинг операцияларининг ўртача қиймати 245 минг долларни ташкил этди.

Лизинг компаниялари операцияларни асосан ўз маблағлари ҳисобига молиялаштиришади. 2008 йил якунларига кўра 41% лизинг компаниялари кредитлардан фойдаланишмаган. Лизинг компаниялари томонидан 2008 йилда лизингга берилган мол-мулкнинг умумий қийматида олинган кредитлар суммасининг улуши ўтган йилдагига нисбатан 6 пунктта камайиб, 15% ни ташкил этди, жалб этилган кредитлар бўйича қарзлар қолдиги эса 17,5% ни ташкил этди. Таҳлиллар кўрсатишича, банклар ва бошқа лизинг берувчилар фақат ўзларининг маблағларидан фойдаланадилар.

Лизинг компаниялари ва банкларнинг фоиз ставкалари кескин фарқ қилмайди. Ставкалар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасига боғлиқ (2008 йилда 2007 йилдаги каби 14% ни ташкил этди). Унинг қиймати лизинг операциси қайси валютада амалга оширилаётганига ҳам боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, фақат 47% гина лизинг берувчилар битимларни миллий валюта ва эркин конвертерланадиган валютада амалга оширилар. Миллий валютадаги битимлар бўйича фоиз ставкалари 14% дан 25% гача бўлган оралиқда бўлди. Эркин конвертерланадиган валютада амалга ошириладиган битимлар¹³⁴ бўйича фоиз ставкалари 12% дан 22% гача оралиқда бўлди.

Лизинг олувчиларга бўлган талабларни ўрганиб чиқиб, лизинг берувчиларнинг мулк шаклларига нисбатан алоҳида талаблари йўқлигини таъкидлаш мумкин. Лекин банклар лизингни асосан юридик шахсларга ва ўзларининг мижозларига тақдим этадилар.


Аванс тўловларининг ҳажми, лизинг обьекти қийматидан ўртача 20%ни ташкил этади.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, лизинг операцияларининг республика ҳудудлари бўйича тақсимоти нотекис амалга оширилган. Имзоланган битимларнинг асосий ҳажми Тошкент шаҳрида

¹³⁴ Лизинг предмети импорт қилинади ва унинг қиймати эркин конвертерланадиган валютада ўлчанади, лизинг тўловлари эса Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

амалга оширилган бўлиб, аввалги йилга нисбатан унбу кўрсаткич 43% дан 31% гача кескин қисқарган (7.4.2-расм).

29 та лизинг компаниялардан фақат 5 таси республиканинг барча ҳудудларида лизинг битимларини амалга оширадилар. Уларга «Ўзқишлоқхўжалмашлизинг», «Ўзавтосаноат лизинг», «Пахта лизинг», «Қурилиш лизинг» ва «Альфа лизинг» каби компаниялар киради. Банкларнинг филиал тармоқлари битимларнинг ҳудудий тақсимланишига ижобий таъсир кўрсатди, аммо 2008 йилда 20 та банкдан фақат 3 таси тахминан бутун республикани қамраб олди: «Асакабанк», «Ипотекабанк» ва «Микрокредитбанк».



7.4.2-расм. 2008 йилда битимларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (лизингта берилган мол-мулкнинг қиймати бўйича жамига нисбатан фоиз ҳисобида)¹³⁵

Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорининг таҳлили асосида қуйидаги тенденциялар аниқланди:

— Лизинг хизматларига ўсиб бораётган юқори талаб бозор муносабатларининг ривожланиш омили бўлиб, бозорда янги иштирокчиларнинг, лизинг компаниялар ва асосий фаолияти лизинг ҳисобланмаган ташкилотларнинг — кредит иттифоқларининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, рақобатчилик муҳитининг кенгайини, яъни тақдим этилаётган хизматлар сифатининг ошишига олиб келади.

¹³⁵ Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане. По итогам 2008 года. Международная Финансовая Корпорация, Ассоциация лизингодателей Узбекистана, Рейтинговое Агентство Prime Rating, Ташкент – 2009, С. 8.

— Лизинг хизматлари бозорига тижорат банклари экспансияси ошиб бормоқда. Улар бир ёки бир неча лизинг компанииларини ташкил этиб, банк профилига хос бўлмаган бизнес билан шуғуланишмоқда. Шу йўл билан банклар лизинг каби узоқ муддатли кредитларга бўлган талабни қондиришга ҳаракат қилишади. Чунки банклар асосан ўзларининг маблағларини қисқа муддатли лойиҳаларга сарфлашни афзал кўрадилар.

— Ишлаб чиқаришнинг тури тармоқлари ва хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган лизингга бериладиган мол-мulk турларининг диверсификациялашуви бутун иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатни лизингнинг умумий ҳажмида қишилоқ хўжалик техникаси улушининг пасайиб бориши кўрсатмоқда. Ҳозирда пассажир ва юк ташиш транспорти, озиқ-овқат ва енгил саноат ускуналарига лизинг ҳажмининг ўсиб бориши кузатилмоқда.

Асосий тушунчалар

Лизинг — ижарага берувчи мол-мulkка эгалик ҳуқуқларини сақлаб қолган ҳолда, ижара муддати мобайнинда ижарага оловчи учун ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида сотиб олинган мол-мulk ижараси туридир.

Молиявий лизинг — мол-мulkни сотиб олиш ва кейинчалик уни маълум тўлов эвазига вақтинча эгалик қилинига ва фойдаланишига топшириш билан боғлиқ равишда вужудга келувчи мулкий ва иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Операцион лизинг - шартнома муддати лизинг предметининг меъёрий хизмат қилиш муддатидан камроқ бўлган ва лизинг тўловлари мулк қийматини қопламайдиган лизингдир.

Соф лизинг — ижарага олинган мулкка кўрсатиладиган барча хизматлар лизинг оловчи зиммасига юклатиладиган муносабатлардан иборат бўлиб, ускуналарга хизмат кўрсатиш харажатлари лизинг тўловлари ҳисобига киритилмайди.

Тўла хизмат кўрсатиладиган лизинг — лизинг мулкига техник хизмат кўрсатиш, уни таъмирлаш, суғурта қилиш ва бошқа операцияларни бажариш лизинг берувчи зиммасида бўлишини назарда тутадиган шартномадир.

Классик лизинг — лизинг берувчи, лизинг оловчи ва сотувчи иштирок этишини назарда тутувчи лизинг.

Қайтариладиган лизинг — икки томонлама лизинг келишувининг бир тури бўлиб, унга кўра корхона шартнома муддати тугаши билан ускуналарни қайта сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Левередж (кредитли, улушли, алоҳида) лизинг – кўн каналли молиялаштиришга асосланган ва қўшимча маблағларни жалб қилувчи лизинг тури бўлиб, катта қийматли лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилади.

Оператив лизинг – ускуна (мулкий ҳуқуқлар)ни меъёрий хизмат давридан кам муддатга берилиши.

Халқаро лизинг – томонларнинг ҳеч бўлмаганда бирортаси (ёки ҳаммаси) бошқа мамлакатга тегишли бўлади ёки томонларнинг бири хорижий фирма билан қўшма капиталга эга бўлган лизинг туридир.

Тўғридан-тўғри халқаро лизинг – шартнома доирасидаги барча операциялар турли мамлакатларнинг юридик шахслари бўлган тижорат ташкилотлари ўртасида амалга ошириладиган лизинг.

Транзит (бильвосита) лизинг – бир мамлакатдаги лизинг берувчининг бошқа мамлакатдан кредит олиши ёки зарур бўлган ускуналарни сотиб олиши ва учинчى бир мамлакатдаги ижарачига етказиб беришини назарда тутадиган лизингдир.

Тўғри бўлмаган лизинг – лизинг фирмаси ва истеъмолчи бир мамлакатга тегишли бўлган ҳолда, лизинг фирмаси бошқа мамлакатда жойлашганлигини билдирувчи лизингдир.

Назорат саволлари:

1. Лизинг мазмунини тушунтириб беринг?
2. Лизингнинг белгиларини санаб беринг?
3. Лизингнинг афзаллик ва камчилик томонлари нималардан иборат?
4. Лизингнинг обьекти ва субъектларига таъриф беринг?
5. Лизингнинг қандай турлари мавжуд?
6. Молиявий ва оператив лизингнинг фарқлари ва афзаликлари нималардан иборат?
7. Халқаро лизинг ташкилотларидан қайсилирини биласиз?
8. Хорижда лизингнинг шаклланиши ва ривожланишига тавсиф беринг?
9. Марказий Осиё мамлакатларида лизинг муносабатларининг ўзига хослиги ва ривожланиш тенденциялари нималардан иборат?
10. Ўзбекистонда лизинг муносабатлари ривожланишининг ҳуқуқий асосларини тушунтириб беринг?
11. Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозори таркиби, ҳолати ва ривожланиш тенденциялари нималардан иборат?

VIII БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

8.1. Иқтисодиётни модернизациялашнинг моҳияти ва ҳаракатлантирувчи кучлари

Мамлакатни модернизациялаш учун дастлаб мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, саноатнинг ҳозирги ҳолатини чуқур ва конкрет баҳолаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади – мамлакат иқтисодиётининг янгилаши, фан сиймкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялашга иқтисодий вазифа сифатида ёндашиш зарур ва иқтисодиётдаги номутаносибликларнинг заиф жойларини аниқлаб, модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш учун тарақкӣӣ этган мамлакатлар иқтисодиёти ва экспорти таркибини чуқур таҳлил қилиш ва қандай иқтисодиёт турини куришимизни аниқлаб олишимиз лозим. Ана шундан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётида қайси тармоқлар етакчи бўлиши керак, қандай куч ва ресурсларга асосланиши – қандай натижаларга эришиши мумкинлигини аниқ белгилаб олиш лозим. Модернизациялаш мақсадига мамлакат иқтисодиёт таркибини ва ривожланиш ҳолатини чуқур таҳлил қилмасдан ва эришиши кўзда тутилган намуналар билан қиёсий таққослашсиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама модернизациялашни амалга оширишга қаратилган стратегияни ишлаб чиқишимиз лозим.

«Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди»¹³⁶.

¹³⁶ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон». 2010. 43-б.

Модернизация инглиз лексиконидаги *modern* (латинчада *modernus*) сўзидан олинган бўлиб, 1500 йилдан буен «замонавий, қадимий бўлмаган, бутунги кунда пайдо бўлган» деган, маънioni англалиб келмоқда. Ушбу тушунча Ренессанс даврида ўқимишли кишилар томонидан Фарбнинг Ўрта аср қоронғилигидан чиқиш йўли сифатида тилга олинган. Модерн тушунчаси англанган тараққиёт билан боғлиқ қарама-қарши тушунча ҳисобланади.

Модернизация – жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий институтлари ва иқтисодий асосининг ҳар томонлама янгиланишини билдиради. Модернизация бу аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш, мамлакатимизни дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлига ўтказиш воситасидир.

«2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқизорзга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатdir»¹³⁷.

Иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Шу билан бирга, ушбу жараённи ҳаракатлантирувчи тармоқлар турли мамлакатларда умумий, ўхшаш жиҳатларга ҳам эга.

Модернизация жараёнини ҳаракатлантирувчи тармоқлар – бу аграр (ишли кучидан фойдаланиш) ёки ресурс (зарур инвестициялар) тармоқлар асосида шакллантирилган оммавий ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат тармоқлариидир. Биринчи ҳолатда, Farbий Европа мамлакатлари ва АҚШ (XIX аср), Корея Республикаси, Хитой ва Малайзияни (XX аср), иккинчи ҳолатда Форс кўрфази мамлакатлари – Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ва Катарни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Россия эса модернизациялашнинг устувор тармоқлари сифатида самарали ва янги ёқилғи турлари, медицина технологиялари ва фармацевтика, ядро энергетикаси, информацион технологиялар, космос ва телекоммуникацияларни белгилаб олди¹³⁸.

Шундай қилиб, иқтисодиётни модернизациялаш ғояси энергетика ёқилғи, хом ашё, ярим фабрикатлар ишлаб чиқариш соҳасидаги етакчилик ғояси билан мос келмас экан.

¹³⁷ Ўша манба. 55-б.

¹³⁸ Дворкович А. Элита плюс общество. // Ведомости, 21.10.2010.

Таҳдиллар кўрсатишича, иқтисодиёт тармоқларини молернизациялашга қўйидаги хусусиятлар хос бўлиши зарур:

- тармоқлар оммавий ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши лозим;
- тармоқлар хом ашёга тўлиқ боғлиқ бўлмаслиги, яъни юқори қўшилган қиймат улушига эга бўлиши керак;
- янги технологияларни қўллаш ва уларга бўлган талабни қўллаб-куватлаш зарур;
- меҳнат сифимкорлиги юқори бўлиши ва ушбу тармоқларни ривожлантиришдан манфаатдор ишчилар гуруҳи шакллантирилиши лозим;
- модернизация учун асос бўлган тармоқлар, биринчи навбатда, жаҳон бозорига ва ундан кейингина ички бозорга йўналтирилган бўлиши лозим.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, Осиё мамлакатларида кемасозлик, автомобилсозлик, кейинги босқичларда аудио ва видео техникалар ишлаб чиқариш, компьютер ва ахборотлар индустрияси тармоқлари иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳаракатлантирувчи тармоқлари сифатида ривожлантирилган. Ушбу тармоқларнинг ривожланиши Farbda эришилган илгор технологияларни ўзлаштиришни талаб этади. Масалан, Японияда 1960 – 1970 йилларда технологиялар импорти уларнинг экспортидан саккиз баравар кўп бўлган. Ушбу тармоқлар қисқа мuddатда оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берган. Жумладан, Корея Республикасида 2000 йилда умумий тоннажи 12,2 млн. тоннага teng (жаҳон тоннажининг 54% и) савдо кемаларини ишлаб чиқарган. 1990 йилларнинг охирида жаҳонда мобиль телефонлар ишлаб чиқаришнинг 34% и Малайзия ҳиссасига тўғри келган. 2000 йилда жаҳон компьютерлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 39% и, телевизорларнинг 42% и, орттехника ваофис ускуналарининг 50% дан ортиги Хитойда ишлаб чиқарилган. Ушбу тармоқлар «миқёс таъсири» натижасидаги авзаликлар туфайли ҳеч қачон ички бозорга йўналтирилмаган. Масалан, Корея Республикасида 1967 йили мамлакатда 165 000 та автомобиль мавжуд бўлгани ҳолда, 300 000 та автомобиль ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод курилган. Иқтисодий ўсишнинг етакчи ишлаб чиқариш тармоқларида хом ашё ва энергия сарфи тайёр маҳсулот қийматининг 10 – 12% идан (электроника) 22 – 25% гача (кемасозлик) ташкил этган¹³⁹. Иқтисодиётни модернизациялаш туфайли яратилган янги тармоқларда модернизация жараёнини давом эттиришдан манфаатдор оммавий ишчи синфи

¹³⁹ Иноземцев В. Локомотивы роста. //Ведомости, 20.04.2009.

пайдо бўлди. Масалан, 1990 йилларнинг охирида Малайзияда ишчиларнинг 14% и электроника саноатида, Кореяда ишчиларнинг 11% и кемасозлик ва автомобилсозлик саноатида, Хитойда ишчиларнинг 10% и оргтехника ишлаб чиқаришда банд бўлган. Охирги 25 – 30 йил ичида Осиё мамлакатлари иқтисодиётини «модернизациялаш локомотивлари» жаҳон иқтисодиётидаги реал воқеликка айланди.

Охирги 10 йилликда Осиё ва Лотин Америкасидаги қатор мамлакатлар модернизациялаш жараёнларини юқори технологияни экспорт қилувчи ҳудудларга айлантириди. Юқори технологиянинг қиймати ишлаб чиқариш миқёси кенгайиб борган сари арzonлашди ва улар саноат маҳсулотларини экспорт қилишга нисбатан самарали бўлиб қолди. Натижада ривожланган мамлакатларда ўта мураккаб ва капитал сифимкорлиги юқори бўлган микрочип ва фармоцевтика маҳсулотлари ҳам модернизациялашни ҳаракатлантирувчи тармоқларга айланди.

Модернизацион ўзгаришлар миллий иқтисодиётда қўйидаги муаммоларни ҳал этиш имконини беради:

- иқтисодиётда жадал суръатларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- аҳоли турмуш даражасини ошириш;
- жаҳон иқтисодиётидаги муносабиб ўрин эгаллаш.

8.2. Иқтисодиётни модернизациялаш моделлари ва йўллари

Жаҳон амалиётида иқтисодиётни модернизациялашнинг қўйидаги уч модели фарқланади:

- инқилобий;
- табиий;
- қувиб етадиган модернизация.

Табиий ва қувиб етадиган модернизацияларни модели ўртасидаги фарқ нимадан иборат? Улар ўртасидаги асосий фарқ давлатнинг тутадиган ўрнидан иборат. Табиий модернизациялаш сценариялари, ривожланиш вариантлари ва тизимининг ўзига хос хусусияти, унинг умумий эгилувчанлигининг юқорилиги билан белгиланади. Қувиб етадиган модернизациялашда давлатнинг етакчи ўрин тутиши ягона тўғри ривожланиш йуналишини танлашда хатоликка йўл қўйиш эҳтимолини ва ҳаракатлантирувчи кучлар кескинлигини ошириб, тизимли рисклар ва иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишини кучайтиради. Ушбу даврда иқтисодий ривожланиш учун маъмурий давлат эмас, балки катта ҳамкор талаб этилади.

Инқилобий модернизация модели қолоқ мамлакатларда содир бўлади, чунки бошقا йўл билан тарақкий этган мамлакатларга стиб бўлмайди.

Жаҳон амалиёти қўрсатишича, мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнининг яхшиланишида энг мувоффақиятли йўл табиий модернизациялаш ҳисобланади. Табиий модернизациялаш деганда шундай модернизациялаш тушуниладики, унда модернизациялаш жараёнлари мамлакат ресурсларига асосланган ҳолда бутун жамият манфаатларини қондириш учун табиий равишида амалга оширилади. Ушбу модернизациялашга АҚШнинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги жадал суръатларда ривожланишини, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германия, Франция, Япониянинг модернизацияланишини, Ирландиянинг XXI аср бўсагасида янги модернизацияланишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётини модернизациялаш амалиёти босқичларини чуқур таҳлил қилиш табиий модернизациялаш модели учун қуидаги белгилар хос эканлигини аниқлаш имконини берди:

Биринчидан, модернизациялаш ёки уни амалга ошираётган авлоднинг мақсадини аниқ белгилаб олиш лозим. Масалан, америкача модернизациялаш ўз олдига эркин жамият қуриш вазифасини қўйган эди. Шу билан бир қаторда, Германия ва Япониядаги Иккинчи жаҳон урушидан кейинги модернизациялашнинг мақсади идеологик жиҳатдан урушда мағлуб бўлишдан сўнг тикланиш қобилиятига эга эканлигини исботлаб қўрсатиш эди.

Иккинчидан, миллатнинг ҳамма қатламларининг, бирлашуви. Россия мутахассисларининг фикрича¹⁴⁰, модернизация жараёнида фаол қатнашувчи аҳолини қуидаги беш табақага бўлиш мумкин: а) миллат гоясини элтувчи сиёсатчилар; б) ресурсларни самарали тақсимлаш гоясини элтувчи тадбиркорлар; в) мамлакат тараққиёти истиқболини олдиндан кўра билувчи, башоратловчилар; г) модернизацияни ташкил этувчи хизматчилар; д) жамият хавфсизлигини кафолатловчи кучли институтлар.

Юқоридаги аҳолининг турли қатламларининг бирлашуви миллатнинг самарали модернизациялаш сиёсатини амалга ошириш имконини беради.

Агар аҳолининг турли қатламлари ўртасида келишмовчиликлар, ихтилофлар бўлса, бирлик бўлмагани ҳолда ҳам инқилобий модернизациялаш учун шарт-шароитлар вужудга

¹⁴⁰ Стать нацией, которая чего-то стоит. // Эксперт, № 1 (28-12), 2009. С. 48.

келади. Ҳозирда Россияда модернизациялаш сиёсатини амалга оширишдаги асосий муаммо миллатнинг фаол қатламлари ҳисобланган технократ зиёлилар ва хусусий тадбиркорларнинг ушбу сиёсатни амалга оширишга етарли даражада жалб этилмаганлиги ҳисобланади.

Учинчидан, ўз кучига суюнин ва ишониш. Модернизациялашнинг ушбу белгиси америкалик иқтисодчи М.Портернинг «ташқи технология ва товарлар бозорининг барқарор ва самарали ривожланиши учун ушбу товарлар ва хизматлар катта сигимли ички бозорга эга бўлиши лозим, яъни янги товарлар мамлакат ички бозорида харидорни топгандан сунг миллат қатламларининг бирдамлиги, жисслиги автоматик тарзда кучайди ва мамлакатда йирик, замонавий компаниялар пайдо бўлиб, ушбу жараённинг негизига айланади» деган, фоясига асосланади. Модернизациялаш жараёнинг кучайиши ва чуқурлашувида мамлакатнинг кучли молия тизими муҳим роль ўйнайди. АҚШда модернизациялаш жараёнида Федерал Резерв тизими (ФРТ) ва Японияда ўзига хос кучли, самарали молия-саноат тизими яратилди. Мустақил молия тизимининг яратилиши ҳамда модернизациялаш туфайли иқтисодиёт самарадорлигининг кескин ўсиши мамлакат миллий валютаси харид қобилиятини оширади ва жаҳон молия бозоридаги мавқенини кучайтиради.

Мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш стратегиясини аниқ белгилаб олиш лозим. Табиий модернизациялаш мамлакатнинг пухта, яхши ўйланган ривожланиш хатти-ҳаракати бўлиб, миллатни ортиқча жалб этишни кескинлаштириш талаб этилмайди ва пировард натижада мамлакат халқаро меҳнат тақсимотида ўзи учун қулай, муҳим ўринни эгаллайди.

Кувиб етадиган модернизациялаш моделининг муҳим белгиси давлатнинг жамиятда гипертрофлашган роль ўйнашидан иборатdir. Ушбу модельда ривожланаётган мамлакатларда жамиятни жорий бошқариш билан чукур, моҳиятнан иқтисодий модернизациялаш манфаатлари қарама-қарши туради. Ушбу ҳолатни Эронда XX аср охирида амалга оширилган модернизациялаш сиёсатида кузатиш мумкин. Кувиб етадиган модернизациялашни амалга ошириш Шарқий Осиё мамлакатларида муваффақиятли содир бўлган. Корея Республикаси, Тайвань, Хитой иқтисодий қолоқликни бартараф этмоқдалар. Ушбу мамлакатлар муваффақиятининг муҳим сабабларидан бири щундаки, улар ўзларининг асосий кучларини хорижий мамлакатлар тажриба ва ёндашувларини кўр-кўрона кўчириб олишга эмас, балки ўз иқтисодиётининг тараққий этган мамлакатлар хўжалигига табиий кўшилишига эътибор қаратдилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Япония, Корея Республикаси ва Тайвань миллий капиталнинг ривожланишида хорижий капитални жалб этинга нисбатан устуворлик бердилар. Унбу мамлакатларда давлат маблаглари ҳисобига корхоналар курилди ва хусусий компанияларга берилди. Корея Республикасида марказлашув даражаси юқори бўлиб, 1961 йилда банк тизими национализация қилинди. Корея Япониядан фарқли ўлароқ, устувор тармоқларни белгилаб олди ва уларга давлат ёрдамини кўрсатди.

Корея иқтисодиётини модернизациялашда ишлаб чиқарилган маҳсулот миллий ички бозор катта бўлмагани учун экспортга йўналтирилди. Экспорт давлат томонидан солиқ имтиёзлари, субсидиялаш, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватланди. Япония урушдан кейин кичик ва ўрта корхоналарни модернизациялашга устуворлик берган бўлса, Корея мамлакат ресурслари оз бўлганлиги учун йирик компаниялар ва молия гурухларини (чеболлар) қўллаб-қувватлашга асосий ургу берди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда Шарқий Осиё мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялаш учун хос қўйидаги белгиларни ажратиш мумкин:

— Япония, Корея Республикаси, Тайванда иқтисодиётни модернизациялаш асосида ер ислоҳоти ётди;

— ривожланган молия (банк) тизимининг яратилганлиги. Унбу мамлакатларда шаклланган молия-саноат гурухлари таркибига қонун йўли билан тижорат банклари киритилмади ва улар хусусийлаштирилди;

— режалаштириш ва табиий бозор ривожланишининг натижаси бўлган ўзига хос саноат сиёсати амалга оширилди.

Ўтиш мамлакатлари иқтисодиётини модернизациялашда Хитой тажрибаси эътиборга моликдир. Хитой иқтисодиётини модернизациялаш қўйидаги тамойилларга асосланди¹⁴¹:

1. Давлат тасарруфидаги корхоналарни сақлаб қолиш ва юқори технологик тараққиётни белгиловчи янги корхоналарни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш. Масалан, Хитойда 1997 – 2008 йилларда анъанавий тармоқлар ҳисобланган нефть қазиб чиқариш 27%, пўлат эритиш 3,3 марта ўсган ҳолда, илгор, фан сифимкорлиги юқори бўлган тармоқлар бўлмиш автомобиллар – 9,1 марта, компьютерлар ва орттехника – 13,8 марта, мобиЛЬ телефонлар ишлаб чиқариш 23 мартага кўпайди.

2. Хитой иқтисодиётини модернизациялаш тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияни жалб этишга асосланган. 2008 йилга келиб мамлакатда жамланган (Гонконгни

¹⁴¹ Ипомеев В. Учиться у Китая // Ведомости, 19.12.2009.

күшиб ҳисоблаганда) ТТХИ ҳажми 964 млрд. долларга стди. Мамлакатда яратилган 132 та йирик саноат компанияларининг ишлаб чиқариш қувватлари жаҳондаги 200 та энг катта трансмиллий саноат компаниялари таркибига кириб, уларнинг ҳиссасига 2007 йилда саноат ишлаб чиқарышнинг 30,9% и тўғри келди.

3. Хитойликлар Farb технологиясини ўрганиб, мамлакатда инновацион нусха кўчиришининг стратегиясини амалга оширилдилар. Мамлакатда электротехника маҳсулотлари, ускуналари ва автомобиллар ишлаб чиқарувчи Farb корхоналари пайдо бўлганидан 3 – 5 йил ўтиб худди шундай товарлар ишлаб чиқарувчи хитой корхоналари вужудга келди. Масалан, 2000 – 2002 йилларда Хитойда Farb мамлакатларининг автомобиль йигувчи заводлари йилига 1,7 млн. дона машина йигиб чиқарган бўлса, 2008 йилда 13 та шундай заводлар 2,1 млн. дона автомашина ишлаб чиқарган ҳолда Хитой заводлари 7,3 млн. дона автомашина ишлаб чиқардилар.

4. Мамлакатда ўз товарларини жаҳон бозорига олиб чиқишни кўллаб-қувватлаш орқали модернизация самарадорлиги оширилди. Охири 10 йил мобайнида Хитойда саноат маҳсулотлари экспорти 7,4 марта ўсади. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳамма нарса, шу жумладан, ички ва ташқи сиёsat маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспортга йўналтиришни кўллаб-қувватлашга қаратилди. Экспортёrlарни кредитлаш механизми яратилди.

5. 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Хитойдаги модернизациялаш лойиҳаларининг етакчи элементи инфратузилмани ривожлантиришдан иборат бўлди. 1995 – 2008 йилларда Хитойдаги автомобиль йўллари узунлиги 3,1 марта, темир йўллар узунлиги 40% га, электроэнергия ишлаб чиқариш миқдори 2,8 марта кўпайди. Сўнгги 5 йилда 3,1 млрд. кв. метр уй-жой қурилди. Мамлакатга жаҳондаги 50 та энг йирик дengиз портининг 17 таси, 50 та энг йирик аэропортларнинг 6 таси тўғри келади ҳамда дунё савдо флотининг 11% и тегишилди.

6. Давлат иқтисодиёт билан бирга институт сифатида ҳам ўзини модернизациялаштириди. Бошқарув аппаратида ишловчилар малакаси, касбий маҳорати тубдан янгиланди, коррупция ва пораҳурликда айланган кўплаб давлат хизматчилари жазоланди ва истеъфога чиқарилди.

Хитойдаги иқтисодий мўъжиза сабаби эса иқтисодий ислочотларни амалга ошириш йилларида инвестиция нормаси ва экспортнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиши, кучли протекционизм сиёsatини амалга ошириш билан боғлиқdir.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг айриммларила модернизациялаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни таҳдид қилиш алоҳида қизиқиш уйғотали¹⁴². 2009 йилда Россияда миллий элита томонидан модернизацияланган идеологияси ишлаб чиқилди.

Россия иқтисодиётини модернизацияланган икки муҳим компонентни ўз ичига олади: а) мамлакат ичида инновацион ва технологик кашфиётлар, янгиликларни яратиш; б) иқтисодиётнинг реал секторида фойдаланиш учун юқори технология ва ускуналарни самарали импорт қилиш. Мамлакатда инновацион фаолият ривожлана борган сари инновацияни импорт қилиндан ички ишлаб чиқаришга ўтиш керак. Технологиянинг йирик истеъмолчисидан, технология сотиладиган бозордан жаҳон бозорига глобал юқори технология етказиб берувчи мамлакатга айланиш зарур.

Россия ҳукуматининг фикрича, иқтисодиётни модернизациялаш ғояси қуийдаги беш устувор йўналишларга эга:

- самарали ёқилғи ва янги турдаги ёқилғини ишлаб чиқариш;
- медицина технологиялари ва фармацевтика;
- ядро энергетикаси;
- информацион технология;
- космос ва телекоммуникация.

Модернизациялаш дастурининг пировард самараси устун даражада жамият элитасининг инновацион ўзгаришлар жараёнига реал жалб этилишига боғлиқ. Ушбу сиёsatнинг мувафақияти давлатнинг бизнес ва жамият билан ҳамкорлиги даражасига боғлиқ.

Россиядаги модернизациялашнинг мақсади аҳолининг ижодий ва тадбиркорлик қобилиятини тўлиқ намоён этувчи, ҳамма учун баравар имконият яратувчи иқтисодий муҳитни яратиш, рақобатбардош, диверсификациялашган иқтисодиётни яратишdir.

Россияни модернизациялаш — бу мамлакатни янги индустрлаштиришдан иборат бўлиб, асосий фондларни тубдан янгилаш, харажатларни оптималлаштириш, замонавий технология ва бошқарувни фаол жорий этиш асосида уни дунёдаги

¹⁴² Дворкович А. Элита плюс общество // Ведомости, 21.01.2010.; Иноземцев В. Национальная особенность // Ведомости, 16.11.2009.; Иноземцев В. Где мы находимся. //Ведомости, 11.01.2010.; Иноземцев В. Локомотивы роста // Ведомости, 20.04.2009.; Иноземцев В., Титов В., Явлинский Г. Компас для реформ // Ведомости, 08.02.2010.

Энг йирик саноат маҳсулотини экспорт қилувчи 10 та мамлакат қаторига қўшишни таъминлашдан иборатdir. Модернизацияларни мувафаққиятини белгилаб берувчи кўрсаткич сифатида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташки бозордаги рақобатбардошлик даражаси хизмат қилиши лозим. Шундай қилиб, мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиш стратегияси инновацион ривожланиш ва модернизацияларнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Давлатнинг инновацион сиёсати – бу ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, илмий тадқиқотлар, ишланмалар, тажриба-конструкторлик ишлари ёки бошқа илмий-техник ютуқлардан фойдаланиб яратилган янги, такомиллашган маҳсулот, юқори технологик жараёнларнинг иқтисодиётга жорий этилиши билан боғлиқ инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рагбатлантиришга қаратилган сиёсатdir.

Инновацион сиёсатни шакллантаришда энг муҳими устувор йўналишларни аниқлаб олиш зарур ва ушбу ҳолат инновацион сиёсатнинг қўйилаги моделларини ажратиш имконини беради (8.2.1-жадвал):

1. Умуммиллий аҳамиятга эга илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган инновацион сиёсат модели.

2. Илмий-техник билимларни оммалаштиришга йўналтирилган инновацион сиёсат модели.

Мамлакатларни амалга ошираётган инновацион сиёсатига қараб қўйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Фонда етакчиликни сақлаб қолишига интилаётган мамлакатлар. Одатда, ушбу мамлакатларда инновацион циклнинг ҳамма босқичларини қамраб олуви чирик миқёсли мақсадли лойиҳалар амалга оширилади (АҚШ, Буюк Британия, Франция).

2. Қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт таркибини оптималаштиришга йўналтирилган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария).

3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳондаги илмий-техник тараққиёт ютуқларини қабул қилишни таъминлаш, турли секторларнинг фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш йўли орқали янгиликларни рагбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Корея Республикаси).

Мамлакатнинг инновацион фаоллик даражаси мамлакатда қабул қилинган инновацион стратегия ва унинг кўрсаткичлари орқали белгиланади. Инновацион стратегия – бу технологиялар ва бошқарув технологияларида янгиликларни иқтисодий ри-

вожланиш йұналишларига мұвоғиқ равишида тәнлаш ұмма амал-га оныриш тизимини үзгартыриш жараёнларини белгилаб берувчи қоюда ва нормалар йигиндисидир.

8.2. I-жадвал

Давлат инновацион сиёсатининг асосий йұналишлари¹⁴³

Инновацион сиёсат йұналишлари	Хусусиятлари	Мамлакатлар
Миллий инновацион тизим таркибини оптималлаштириш	Инновация соңасыда давлат бошқаруя ғана режалаштириш тизимини оптималлаштириш	Япония, Норвегия, Хиндистон, Чили
	Фан ва инновацион соңаны давлат томонидан молиялаштиришни оптималлаштириш	АҚШ, Франция, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция, Тайвань, Австралия
	Фундаменталь тәдқиқоттарни ривожлантириш	Буюк Британия, Швеция, Словения
Мамлакат ичидә бизнес ғана (университетлар) ўртасидаги инновацион коопeraçãoцияны разбатлантириш	Университетлар ғана корпорацияларни симметрик яқынлаштиришни разбатлантириш	АҚШ, Финляндия
	Фан ва инновацион соңага йирик давлат құйылмалары ғана хусусий миллий капиталны жақынлаштириш	Ирландия, Финляндия
	Хусусий секторнинг инновацион фаолигини хорижий капиталдан инновацион соңага жақынлаштириш	Буюк Британия, Ирландия, Хитой, Корея Республикасы, Малайзия, Хиндистон, Ирландия
	Илмий секторнинг инновацион ташаббусини разбатлантириш	Германия, Япония, янги Зеландия, Дания
Халқаро инновацион тармоққа интеграциялашиш	Комплекс интеграциялашиш	Финляндия, Ирландия, Нидерландия, Хитой
	Технологик ихтисослашиш	Корея Республикасы, Малайзия, Сингапур, Тайвань, Хиндистон
Ички инновацион тармоқтарни йүргізу	Инновацион соңада алоқаларни үрнатыш үчүн қулагай шартшароитлар яратыш	АҚШ, Норвегия, Ирландия
	Миллий ҳудудлар ташаббусини разбатлантириш	Франция, Германия, Финляндия
Миллий инновацион тизимни шакллантириш	Фаннинг давлат секторини реструктуризациялаш	Болгария, Польша, Литва
	Фан ғана таълиминнинг интеграциялашынни разбатлантириш	Латвия, Эстония, Чехия
	Кичик ғана урта бизнесни инновацион соңага жақынлаштириш	Руминия, Чехия, Словакия, Латвия, Эстония, Турция, Чили
	Юқори технологиялар соңасыда экспортнинг устувор йұналишларини ашиқлаш	Чехия, Руминия, Чили, Турция

¹⁴³ Экономика: учеб./А.И.Архипов (и др.); под.ред. А.И.Архипова, А.К.Большакова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во ПроПроспект, 2006. С. 70 – 71.

Иқтисодиётта янгиликларни жорий этиш, фан сифимкорлиги юқори маҳсулотларни ишлаб чиқарин ва экспорт қилинида мувафақиятта эришган мамлакатлар тажрибасини таҳлил этиш инновацион ривожланиши стратегиясининг қуидаги турларини ажратиш имконини беради.

Күчириб үтказиш стратегияси – мавжуд хорижий илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш ва ушбу соҳадаги янгиликларни иқтисодиётта күчириб үтказиш билан боғлиқ стратегия. Ушбу стратегия биринчи навбатда Япония томонидан Иккинчи жаҳон урушидан кейин қўлланилган.

Ўзлаштириш стратегиясининг мазмуни шундан иборатки, унда мамлакат арzon ишчи кучи ва йўқотилаётган илмий-техник салоҳиятининг бир қисмидан фойдаланган ҳолда тарақкий этган мамлакатларда аввал ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Кейинчалик мамлакат мустақил илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имконини берувчи илмий-техник салоҳиятни ривожлантиради ҳамда фаол инновацион фаолиятни таъминлайди. Ушбу стратегия Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёнинг қатор мамлакатларида қабул қилинганди.

Яратиш стратегияси – тарақкий этган мамлакатлар, аввалимбон, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Францияда қўлланилади. Ушбу стратегия мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланиш, хорижлик олимлар ва конструкторларни жалб этиш, университетларнинг фундаменталь фанлари ва фирмаларнинг амалий фанларини интеграциялаштириш орқали мунтазам равишда янги маҳсулотлар, юқори технологиялар яратишни кўзда тутади. Яратилган маҳсулотлар ва юқори технологиялар ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳага жорий этилади, яъни мунтазам равишда инновациялар яратиб, ривожлантирилиб борилади.

Инновацион жараёнларнинг ривожланиши тенденциялари қуидагилардан иборат (8.2.2-жадвал):

1. Жаҳон хўжалигига ТМКлар инновацион ролининг ортиб бориши.

2. Инновацион фаолиятнинг инвестиция ресурслари ва миллий иқтисодиёт ҳамда алоҳида хўжалик субъектлари рақобатбардошлиги билан ўзаро алоқадарлигининг ортиши.

3. Давлатнинг тартибга солиши ролининг кучайиши.

Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инновацион салоҳиятни шакллантирувчи институционал мұхит ривожланган мамлакатларга нисбатан кам ривожланганлiği учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардош эмас. Шунинг учун

ТМКнинг инновацион имкониятларидан фойдаланишига асосланган инновация сиёсати рақобат ва иқтисодий ривожланиши нуқтаи назаридан салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

8.2.2-жадвал

Инновацион жараёнларнинг ривожланиши тенденциялари¹⁴⁴

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг сифат кўрсаткичларини шакллантирувчи тенденциялар	Жаҳон хўжалиги ривожланишининг миқдор кўрсаткичларини шакллантирувчи тенденциялар
<ul style="list-style-type: none">- жаҳон технологик ривожлапшишини асослашга йўналтирилган инновацион оқимлар концентрацияшувининг кучайиши;- инновацион фаолиятнинг инвестиция ресурслари ва рақобатбардошлик билан ўзаро алоқадарлигининг кучайиши;- инновацияларнинг хизматлар секторига кириб боришининг кучайиши;- халқаро инновация операцияларининг ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ўсишига нисбатан жадал суръатларда ривожланиши;- инновацион маҳсулотнинг фан ва технологик сифимкорлигининг ортиши.	<ul style="list-style-type: none">- халқаро институтларнинг инновацион жараёнларни ривожлантириш омили сифатидаги таъсирининг ортиши;- хўжалик лойиҳаларини амалга ошириш жараённада инновация ва инвестиция бозорларининг кенгайиши;- ТМК инновацион ролининг ортиши;- жаҳон инвестиция жараёнларида инновация компонентлари ривожланишининг кучайиши;- инновацион оқимларнинг географик таркибида «Шимол – Жануб» йўналишининг кучайиши;- давлатнинг тартибга солиш ролининг кучайиши.

Макродаражада инвестициялар келиб чиқишидан қатъий назар, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барча тармоқларнинг мувозанатли ривожлантириш ижтимоий соҳани ривожлантириш атроф-муҳитни муҳофаза этишини таъминловчи дастаклар ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилувчи мамлакатлар учун ушбу инвестицияларни оқилона жалб этиш ва фойдаланиш қўйидаги ижобий оқибатларни юзага келтиради:

- бошқарув инновацияларига эга бўлиш – маркетингни ташкил этиш ва бошқарувнинг ижобий тажрибасига эришиш;

¹⁴⁴ Инновационный тип развития экономики: Учебник. / Под общ. ред. А.Н.Фоломьева. – М.: Изд-во РАГС, 2008. С. 662.

- иқтисодий таҳдилни амалга ошириш, ҳисоб-китоб, ҳисобга олиш ва назорат қилиши учун замонавий усул ҳамда услубиятларни олиш;
- технологик инновацияларга эга бўлиш — қурилиш, саноат ишлаб чиқарини, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш технологияларини ўзлаштириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш (экологик инновациялар — экологик хавфсизликнинг замонавий восита-ларини жалб этиш).

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида модернизация ўзгаришлиари қуйидаги муаммоларни ҳал этишини таъминлайди:

- иқтисодиёт таркибини чуқур янгилаш;
- аҳоли турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш;
- мамлакат иқтисодиётининг ҳалқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон иқтисодиётидаги муносаб ўрин эгаллаш.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялаш сиёсатини амалга оширишда қуйидаги характеристики хатоларга йўл қўймаслик лозим:

- «тиклаш» ва «комон қолиш»га урғу бермаслик;
- бозор ва демократияни ижтимоий адолатга нисбатан қарама-қарши қўймаслик;
- давлат ва бозорни бир-бирига нисбатан қарама-қарши қўймаслик;
- жамиятнинг алоҳида битта ижтимоий гуруҳига (камба-ғаллар, тадбиркорлар ва бошқалар) устувор эътибор бермаслик;
- иқтисодий сиёсатни миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичлари билан боғлиқ равишда шакулланмаслик.

Модернизация дастури мамлакатнинг жаҳондаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини тиклаш, ислоҳотларнинг ижтимоий характеристларини минималлаштириш ва молиявий инқизороз хавфини пасайтириш имконини беради.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларига устун даражада юқори жамғариш нормаси, яъни ЯИМда юқори инвестициялар улуши эвазига эришилади.

Ривожланишнинг бу тоифаси қувиб *етадиган модернизация* номини олган. Қувиб етадиган модернизациялашнинг асосий масаласи — миллий хусусиятлар ва замонавий цивилизация тараққиётининг умумий қонуниятлари нисбатидир. Юқори натижаларга эришган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, миллий хусусиятларнинг сақлаб қолиниши ва мөҳирона фойдаланилиши модернизацияда муҳим роль ўйнайди.

Модернизациялар сиёсати мұваффақияттнинг мұхим шарты бозор ва демократик институттарнинг шақылланшының ҳисобланады.

Жағон амалиётининг күрсатишича, модернизациялашга иккі йүл билан әришиш мүмкін. Биринчisi – бу давлаттнинг иқтисодиётті тартибға солишағы юқори ваколатинин тикланиши, мильтий иқтисодиётті хорижий рақобатдан ұмома қилиш ва иқтисодиёт ривожланишининг устувор йұналишларыда ресурсларни жамлаш. Иккінчisi – бу бозор механизмларининг ҳар томоннама ривожланиши ва бозор иқтисодиётіга мос давлаттың шақыллантириш мақсадыда мамлакат иқтисодиётини жағон хұжалигига интеграциялашувины таъминлаш.

Биринчи йүл үзининг жозибадорлығы билан бирга айрим камчиликтарға ҳам зәға:

- ресурсларни давлат томонидан тақсимлаш бозор механизмиға нисбатан самаrasиз ҳисобланады;

- замонавий иқтисодиёт қарапатчан ва үзгарувланлиги билан ажralиб туради. У қарорларни тез қабул қилишни, яғни ваколат ва жавобгарлықнинг марказлаштирилмаслыгини тақозо этади.

Жағон тажрибаси күрсатишича, ҳозирғи шароитта фақаттана бозор механизмлари модернизацияни амалға ошириши мүмкін, у юқоридан буйруқ орқали кирилтмайды, чунки модернизациялаш устун даражада иқтисодий субъектлар инновация фаолияттнинг натижаси ҳисобланады. Ушбу ҳолатни жағоннинг түрли мамлакаттарда «иқтисодий әркінлик индекслари» ёрдамида амалға ошириладын маңсус таҳлиллар тасдиқлайды. Ушбу индекслар иқтисодиётті давлат томонидан тартибға солиш даражасини харakterlайды ва тадбиркорларға тушаёттган солиқ юкиннинг умумлашған күрсаткичлары, ички бозорни хорижий рақобатдан протекционистик ұмома қилиш индикаторларини ифодалайды. Аксарият ҳолларда иқтисодий әркінлик индекслари юқори бұлған мамлакатлар юқори иқтисодий ривожланиш күрсаткичларига еришадилар.

Иқтисодиётті модернизациялашда саноат сиёсати мұхим үрин тутади. Саноат сиёсати – бу ишлаб чиқаришнинг үсишига, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқыш ва жорий этишге, иқтисодиёттнинг тармоқ таркибини яхшилашға ва тайёр маңсулот экспортини ривожлантаришга қаратылған давлаттнинг узок муддатли чора-тадбирлар мажмудидир.

Саноат сиёсати моделларидан көнг тарқалған иккі турини ажратиб күрсатиш мүмкін. Биринчisi – Еуропа модели ҳисобланиб, унда асосий ургу таркибий сиёсатта берилади. Бунда истиқболли тармоқтарни ривожлантариш ва заарар келтирувчи

тармоқларни тұгатыннан орқали мавжуд таркибнинг аста-секин яхшиланиши назарда тутилади. Ушбу модель Фарбий Европаның йирик мамлакатлари иқтисодиёти таркибининг юқори диверсификацияланишуви билан харakterланади.

Саноат сиёсатининг иккінчи модели – «Шарқий Осиё» модели деб аталиб, юқори технологиялы тармоқларни құллаб-куватлашыга йұналтирилған. Саноат сиёсатининг ушбу модели асосида иқтисодий үсішнинг, биринчі навбатда, фан-техника ютуқлары ва юқори технологияларни ўзлаштиришга (инновацияларга) бөглиқлігінде жүргізу етади.

Саноат сиёсатини амалға ошириш механизмида қойидаги воситалардан фойдаланылады:

- тұгридан-тұгри давлат инвестициялари;
- субсидиялар;
- солиқ ва бошқа молиявий дастаклар.

Саноат сиёсатида амалға ошириш воситалари үргасыда қойидаги жиҳатлар мұхым ажамият касб этади:

- ишлаб чиқарыш самарадорлығини ошириш ва компанияның инновацион фаолигини рагбатлантирувчи рақобатчилик мұхитини яратиши;
- янги маңсулоттар ва юқори технологияларнинг яратилиши, ўзлаштирилиши ва тарқалишини таъминловчы кенг ташкилий-иқтисодий тармоқни шакллантириш.

8.3. Иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқып йұналишлари

Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси қойидаги мұхим элементлардан ташкил топади¹⁴⁵:

1. Farb технологияларини ўзлаштириш. Ривожланаёттан мамлакатлар ривожланған мамлакатларға нисбатан ягона афзаллікка – улар яратған институтлар, технологиялар ва хұжалик юритиши үсууларини ўзлаштириш имкониятига әгадирлар. Farb мамлакатлари иқтисодий инқизорзининг салбий натижаларини навбатдаги технологик янгиликтер өрдамидағына енгіб ўтишлари мүмкін. Бунинг учун эса маълум вақт ва ресурслар талаб этилади. Ривожланаёттан мамлакатлар учун эса ривожланған мамлакатлар томонидан яратылған самарали янги технологияларни иқтисодиётта кенг миқеңда жорий этиш имконияти пайдо болуди.

¹⁴⁵ Полтерович В. Гипотеза об инновационной паузе и стратегия модернизации. // Вопросы экономики, №6, 2009. С. 19 – 23.

2. Мамлакатнинг янги технологияларни ўзлаштириш имкониятининг ортиши. Янги технологияларни ўзлаштириш сиёсатининг мувафақияти янги ташки инфомациянинг аҳамиятини тушуна олиш, ўзлаштириш ва ундан бизнес мақсадида фойдаланиш қобилияти билан белгиланади. Ушбу қобилият етиш олуучи ривожланиш ва кейинчалик инновацион ривожланишга ўтишда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур масалани ҳал этиш қўйидаги дастаклар ёрдамида амалга оширилади:

- янги технология ҳамда асбоб-ускуналар импортини тартибга солиш, лицензиялар сотиб олиш ва тариф сиёсати;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини, қўшма корхоналарни шакллантириш жараёнини тартибга солиш;
- аутсорсингни рағбатлантириш;
- жаҳон бозорилаги рақобат натижасида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усуулларини ўзлаштириш;
- хорижлик мутахассислар билан ўзаро алоқаларни жадаллаштириш: хорижда ўқитиш ва малака ошириш, хорижлик ўқитувчиларни таклиф этиш, биргаликда илмий-тадқиқотлар олиб бориш;
- «ақл оқишининг» четта чиқиб кетишини тұхтатиш, Фарбда таълим олган ёки тажриба орттирганларни мамлакатга қайтариш;
- патентлар сотиб олиш, юқори технологиялар, трансферт марказларини молиялаштиришни бевосита давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати;
- йирик фирмаларда илмий-тадқиқот бўлимларини ривожлантиришни рағбатлантириш.

Миллий иқтисодиётнинг инновацион имкониятларини юқори даражага етказишида санаб ўтилган дастаклар етарли эмас. Бу ерда фундаментал фанлар, илғор гояларни фандан амалиётта узатиши билан боғлиқ инфратузилма ва инновацияларни қўллаб-қувватловчи ихтисослашган бозор институтлари (венчур фондлар ва илмий инкубаторлар) алоҳида роль ўйнайди. Иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўли фонд бозорининг самарали фаолияти ва кичик корхоналарнинг юқори фаолигини тақозо этади.

3. Баланслашган «очиқлик сиёсати». Миллий иқтисодиёт учун жаҳон бозорига жалб этилганлик муҳим аҳамият касб этади. «Очиқликнинг» рационал даражаси ва тавсифини танлаш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаб бериши мумкин.

Очиқ иқтисодиёт – бу ташқи иқтисодий алоқалари ривожланган, миллий иқтисодиётнинг нисбий устунликларига таяниб, жаҳон хўжалиги тизимиға интеграциялашиб борувчи иқтисодиётдир. Очиқ иқтисодиёт, одатда, миллий иқтисодиётга нисбатан қўлланилади.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг очиқлик даражаси қатор кўрсаткичлар орқали аниқланади:

- экспорт квотаси;
- импорт квотаси;
- ташқи савдо квотаси;
- импорт эластиклиги коэффициенти;
- экспорт эластиклиги коэффициенти;
- экспорт ва импорт таркиби;

иқтисодиётта сарфланаётган инвестициялар таркибida хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси ва четга чиқарилган капиталнинг жами капитал ҳажмидаги улуши. Агар ички инвестицияларда хориждан келган маблағлар улуши қанча катта бўлса ва капитал ташқарига қанча кўп чиқса, иқтисодиёт шунчалик очик бўлади;

— меҳнат ресурслари таркибida хориждан келган ва хорижга чиқиб кетган ишчи кучи ҳиссаси. Ушбу кўрсаткич қанча катта бўлса, иқтисодиёт шунча очик бўлади.

Иқтисодиётнинг очиқлик даражасига таъсир этувчи омиллар кўйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасининг юқорилиги;
- иқтисодиёт таркибida қайта ишлаш ва юқори технологияли тармоқларнинг улуши;
- мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ҳажми;
- мамлакатнинг табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси.

Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлашиб, очиқлик даражаси ортиб, жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб бормоқда. 2009 йилда Ўзбекистонда экспорт квотаси 36,8% га, импорт квотаси 29,3% га ва ташқи савдо квотаси 66,0% га teng бўлди¹⁴⁶.

4. Ички бозорга йўналтирилганлик. Ушбу сиёsat иқтисодиётнинг ёпиқлигини англатмайди — Farb билан алоқаларни кенгайтирмасдан ва ташқи савдони рағбатлантирмасдан илгор технологияларни самарали ўзлаштириш мумкин эмас. «Жаҳон молиявий-иктисодий инқизори шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ... мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни ривожлантириш масалалари алоҳида ўрин тутади»¹⁴⁷.

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹⁴⁷ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 37-б.

5. Олтин валюта захираларининг ўрнини қайта кўриб чиқин. Таҳдиллар кўрсатишича, барқарор иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари шароитида катта миқдордаги олтин валюта захиралари ҳам мамлакатдан капитал чиқиб кетинининг олдини ола олмайди. Масалан, Россияда хўжалик субъектлари эҳтиёжини, талабини қондирувчи етарли мақсадларда кредитлар ажратилмаган, натижада давлат ва хусусий секторнинг жами қарзи мамлакатнинг халқаро олтин-валюта захиралари миқдорига тахминан тенглашиб қолди. Farb банкларига фоизлар захирада сақланыётган қимматбаҳо қоғозларнинг даромадлилигидан юқориоқ ставкаларда тўланган. Ушбу муаммонинг асосини валютага талабни юзага келтирувчи самарали модернизация лойиҳаларининг етари эмаслиги ташкил этади.

6. Банк тизимининг самарадорлигини ошириш. Инновацияларга асосланган иқтисодиётда фонд бозорининг асосий функцияларидан бири – бу рискларни хежрлаш ҳисобланади. Ўзлаштириш йўли орқали йирик ҳажмдаги модернизация лойиҳаларини амалга оширишда рисклар минимал бўлади. Аммо ноқулай инвестиция муҳити шароитида кредиторнинг қарздор билан бевосита ишлаши талаб этилади. Бунинг учун кредитлашнинг ривожланган банк тизими зарур бўлади. Ўзбекистонда инқирозға қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида «... молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгти икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равинда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди»¹⁴⁸.

7. Солиқ сиёсати чоралари. Жаҳон бозорларида хом ашё нархининг пасайиши шароитида аҳолининг жамғаришга бўлган эҳтиёжи ортиб боради. Жамғармаларни кўпайтириш учун на мойишкорона истеъмолни чеклашга қаратилган оммавий компания ва иқтисодий чоралар зарур. Уларга жисмоний шахсларнинг даромади ва мол-мулкига прогрессив солиқ жорий этиш, қимматбаҳо буюмларни сотишдан ундириладиган солиқларни, хориждан олиб келишда эса импорт тарифларини ошириш каби чораларни киритиш мумкин. Шунингдек, жамғариш жараёнига пенсия маблағларининг жамғарилган қисмига нисбатан давлат мукофотларининг жорий этилиши ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

148 Ўша манба. 35-б.

8. Ипотекани ривожлантириш. Ипотекани кредитлари аҳолинин жамғарыш жараёни ва иқтисодий ўсиш суръатларига сезиларли таъсир кўрсатади.

9. Фирмаларни эмас, балки лойиҳаларни яратиш ва қўллаб-куватлани: иқтисодий ўсишини интерактив бошқарни тизими. Иқтисодий назария иқтисодиётга давлат аралашувининг тўгри эканлигини тасдиқловчи қатор асосларга эга. Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жамият фаровонлигини молиялаштириш, жамиятдаги қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал этиш, бозор муносабатларини шакллантиришдаги муваффақиятсизликларни бартараф этишга йўналтирилган иқтисодий сиёsat шулар жумласидандир.

«Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди. Бу маблағ уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқарини техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди»¹⁴⁹.

Иқтисодиётни модернизациялашдаги яна бир муҳим жиҳат, ушбу масалага селектив ёндашув даражасидир. Селектив ёндашув сиёsatи кенг имкониятлар тугдирари ва нисбатан катта ҳажмдаги ахборотлар, юқори сифатли бошқарувни талаб этади. Жумладан, Россияда қабул қилинган инқирозга қарши чораларнинг аксарият қисми ижтимоий (ишилизик даражасининг ўсишига йўл қўймаслик) мақсадларга, кутилмаган салбий (бир фирманинг банкрот бўлиши бошқаларининг ҳам банкрот бўлишига олиб келиши мумкинлиги) оқибатларни юмшатишга, иқтисодий агентлар ўртасида ишончсизликнинг олдини олиш учун иқтисодиётни пуллаар билан тўйинтириш ва кредитлар бўйича ставкаларни пасайтиришга йўналтирилган. Натижада иқтисодий ёрдам аниқ банклар ёки рўйхат қилинган фирмаларга кўрсатилиши ёки инфратузилмавий лойиҳаларга берилиши мумкин. Аниқ муассасаларга бевосита кўрсатиласидиган ёрдам инқирознинг юқори фазасида заруриятга айланади. Одатда, ушбу турдаги чораларнинг натижаларини прогнозлаштириш қийин, улар лоббизм ва коррупцияни рағбатлантиради.

Таҳлиллар кўрсатишича, Россия ҳукумати тармоқлараро модернизация лойиҳаларини яратиш бўйича бирон-бир чоратадбири қабул қилмаган. Ушбу лойиҳаларгина инқироздан тезда чиқиб кетиш ва барқарор иқтисодий ўсишиш эришиш имконини

¹⁴⁹ Ўша манба 41-б.

берали. Охирги 60 йил ичиде ривожланыётган мамлакатлардан ривожланган мамлакаттарга айланган барча мамлакатлар давлатнинг бизнес билан мустаҳкам ўзаро алоқаларига асосланган индикатив режаланитириш дастурларидан фойдаланишган¹⁵⁰.

Узоқ муддатли мақсадлар сифатида кенг миқёсда қўлланиладиган юкори технологияларни жорий этиш зарур. Ушбу технологиялар 5 – 10 йил ичилада ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил этган. Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялари стратегияси давлат бошқарув органлари ва коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилиган чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши зарур.

8.4. Ўтиш мамлакатлари иқтисодиётини эволюцион модернизациялаш принциплари

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида модернизация жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу мамлакатларда турли иқтисодий муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш йўлларини излашмоқда. Ушбу мамлакатларда иқтисодий ривожланишнинг оптимал йўлини аниқлашнинг универсал ва ҳамма учун бирдай самарали стратегияси мавжуд эмас. Жаҳон хўжалигига интеграциялаштаётган ҳар бир мамлакат қўйидаги икки вазифани ҳал этиши лозим:

— иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда мувофиқлаштиришнинг универсал механизmlарини жорий этиш ва ривожлантириш;

— иқтисодий субъектлар фаолиятига кучли таъсир ўтказувчи миллий маданий анъаналардан фойдаланиш.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда уларнинг биттасига алоҳида ургу бермаслик зарур, чунки бу ҳолат институционал мувваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Иқтисодиётни модернизациялашда мувозанатлашган қарорлар қабул қилиш зарур.

Демак, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида модернизациялаш жараёнида шаклланадиган мақсад ва унга эришиш шартлари мавжуд бўлиши лозим (8.4.1-жадвал).

Модернизацияга эришишнинг мақсади ва дастакли курсат-кичларини ўзаро таққослаш қўйидаги хуносаларга олиб келади. Энг аввало, модернизацияни амалга ошириш сиёсати қатор босқичлардан иборат бўлиши зарур (8.4.1-расм).

¹⁵⁰ Полтерович В. Гипотеза об инновационной паузе и стратегия модернизации. //Вопросы экономики, № 6, 2009. С. 23.

Модернизация шароитида ўтиш иқтисодиётининг мақсади ва дастакли кўрсаткичлари¹⁵¹

Мақсадли кўрсаткичлар	Дастакли кўрсаткичлар
<p>1. Кулай институционал мұхитни яратиш ва қўллаб-кувватлашда қатнашувчи кучли, самарали ҳукумат.</p> <p>2. Барқарор ривожланған диверсификациялашган ва рақобатбардош иқтисодиёт.</p> <p>3. Тадбиркорлик ташаббусини амалга оширишга кўмаклашувчи институционал мұхит.</p> <p>4. Фуқаролар манфаатини эътиборга олуви ижтимоий-сиёсий усткурма.</p> <p>5. Миллий маданият хусусиятларини акс эттирувчи ва фуқароларнинг бошқа маданиятларга нисбатан толерантлигини таъминловчи норасмий институтларнинг мавжудлиги.</p> <p>6. Иқтисодиёт ва жамиятнинг очиқлиги.</p>	<p>1. Сифатли институционал мұхит.</p> <p>2. Ривожланған ишлаб чиқарип инфратузилмаси.</p> <p>3. Макроиқтисодий барқарорлик.</p> <p>4. Самарали соғлиқни сақлаш ва ўрта маълумот.</p> <p>5. Самарали олий ва олий таълимдан кейинги таълим.</p> <p>6. Самарали товар бозорлари.</p> <p>7. Самарали меҳнат бозори.</p> <p>8. Ривожланған молия бозори.</p> <p>9. Иқтисодиёттнинг замонавий технологияларни қабул қила олиши қобилияти.</p> <p>10. Бозорлар ҳажми.</p> <p>11. Бизнеснинг иқтисодиёт таркибида ривожланған шаклдаги муносабатлари.</p> <p>12. Самарали миллий инновацион тизим.</p>



8.4.1-расм. Модернизация жараёнининг босқичлари¹⁵²

Биринчи босқичда институционал ислоҳотлар амалга оширилади. Ушбу босқичда ижтимоий-иқтисодий ҳаёттнинг тартиб қоидалари келишилади ва ўзгаради. Иккинчи босқичда иқтисодий сиёсатнинг иқтисодий жараёнларга таъсир этишининг

¹⁵¹ Рустамов А. Принципы эволюционной модернизации переходных экономик. //Вопросы экономики, №7, 2009. С. 88.

¹⁵² Ўша маиба.

таъсиричан дастаклари танланади ва жорий этилади. Ушбу дастаклар институционал қайта қуришлар асосини ташкил этади ва миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобат, жаҳон инқирози каби ташқи омиллар таъсирига мослашишига хизмат қиласи. Учинчи босқичда эса ижтимоий сиёсат амалга оширилади. Ушбу босқичда жамиятнинг алоҳида гурӯҳлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни модернизация жараёнларига қўшиш учун шарт-шароитлар шакллантирилади.

Модернизациялашнинг дастак қўрсаткичларини таҳдил этиш, модернизациялаш вазифаларини бажаришда босқичма-босқич, яъни биринчи вазифани ҳал этмасдан кейингисига ўтиб кетмаслик лозим. Бу ҳолат мамлакатнинг чекланган ресурсларини исроф қилиш ва пировард натижаларга эришиш имконини бермайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида модернизация жараёнларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Инқироз таъсирини тегишли модернизация сиёсатини ишлаб чиқишида эътиборга олиш зарур.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўрта ва узоқ муддатда жиддий салбий оқибатларга эга бўлиши, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро молия муносабатларда туб ўзгаришларга олиб келиши ҳамда модернизация жараёнларини мураккаблаштириши мумкин.

Биринчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобализация жараённинг ижобий томонлари билан бирга салбий оқибатларини намоён қилмоқда. Аввалги молиявий инқирозлар аксарият мамлакатларни бюджет ва жорий операциялар счёти камомадини чеклаш, валюта захираларини жамғариш ва миллий фаровонлик фондларини яратиш каби масъулиятли макроиқтисодий сиёсат олиб боришга мажбур қиласи.

Иккинчидан, инқироз даврида ривожланган ва ривожланыётган мамлакатларда тизимли рискларни аниқлаш, уларни бошқариш ва макродаражада пасайтириш чора-тадбирларини кўриш лозим.

Учинчидан, инқироз қатор мамлакатларда бозор иқтисодиёти принципларига нисбатан аҳолининг ишончсизлигини уйғотди. Жумладан, қисқа муддатли дастурни амалга оширишда давлатнинг роли кучайди. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурияти ва самарасиз аралашувини аниқ белгилаб олиш зарур.

Тўртинчидан, инқироз ва инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш тажрибаси иқтисодий ресурсларни самарали қайта тақсимлаш зарурлигини кўрсатди.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида модернизация жараенларини амалга оширишда ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати ва иқтисодий тизимининг ривожланини хусусиятларини эътиборга олиш зарур (8.4.2.-жадвал).

8.4.2-жадвал

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида институционал хусусиятлар ва уларни модернизациялаш усуllibari¹⁵³

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида институционал хусусиятлар	Фарқларни бартараф этишининг модернизация йўли
<ul style="list-style-type: none"> — барча хўжалик юритиш субъектларининг локал, индивидуаллашган институционал муҳитида фаолият юритиши; — иқтисодий қонунларга таъсир этувчи ҳаракатларни йўқقا чиқарувчи муаммоларни (ҳамкорлар, амалдорлар билан) ҳал этишининг персоналлашган амалиётининг ривожланиши; — мавжуд алоқалар янги ҳатнашчиларнинг шаклланган муносабатлар тизимиға кириш имкониятини пасайтиради; <p>Ушбу шароитда ҳаракатлантирувчи куч сифатида марказий ҳукумат роль ўйнайди</p>	<ul style="list-style-type: none"> — ўтиш иқтисодиётига хос тарихий, иқтисодий, институционал ва қадриятлардаги фарқлар кўзда тутилган мақсадга эришиш учун зарур йўналишларни белгилаб олиш имконини беради; — расмий ва норасмий институтларни мувофиқлаштириш вазифаси танланган устувор йўналишларга боғлиқ ҳолда турлича ҳал этилиши мумкин; — тарихий тажрибанинг кўрсатишича, модернизациянинг универсал рецепти йўқ: ҳар бир мамлакатнинг модернизация йўли бетакрор бўлади. Ушбу хусусият модернизациялашни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Таҳлиллар кўрсатишича, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига хос институционал хусусиятлар қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш йўллари тўғрисида холосалар чиқариш имконини беради.

Биринчидан, ўтиш иқтисодиётига хос қарама-қаршиликларни босқичма-босқич бартараф этиш мамлакатнинг рақобат афзалликларини аниқлаш ва ундан самарали фойдаланишдан иборат.

Иккинчидан, агар бундай афзалликлар мавжуд бўлса, Жаҳон иқтисодий форуми тавсияларига мос келувчи умумий схема ишлай бошлайди.

¹⁵³ Ўша манба.

Учинчидан, сифатли институтларнинг босқичма-босқич шакланиши жаҳон инқизотида иқтисодиётда йўқотилган позицияларни қисман қайтариш имконини беради.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида институционал ислоҳотлар қўйидаги тамойилларга асосланади:

- давлат, бизнес ва жамият ўртасида уч томонлама муносабатларни амалга ошириш;
- давлат сектори фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- модернизация жараёнига жалб этилган барча гурӯхлар манфаатларига риоя қилиш;
- институционал қайта ўзгаришларни трансакцион харажатлар даражасининг пасайиши билан уйғун ҳолда олиб бориш.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқизотга қарши чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишлар:

- экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-кувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари;
- мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш бўйича чоралар;
- иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлаш чоралари;
- электро-энергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия сифимини қисқартириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш;
- кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-кувватлашни кучайтириш, аҳоли бандлигига ва янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашиш.

Мамлакатимизда 2010 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг қўйидаги вазифалари устувор вазифалар сифатида белгилаб олинди:

- 2010 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси - бу ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқизотга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиктисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир¹⁵⁴;

¹⁵⁴ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фароёнлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 55-б.

- банк-молия тизимиңинг барқарорлыгини таъминлаш¹⁵⁵;
- мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишини таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгаришиш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга ошириш¹⁵⁶;
- асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш¹⁵⁷;
- қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани жадаллаштириш Даствури ижросини таъминлаш¹⁵⁸;
- аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш¹⁵⁹;
- «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш¹⁶⁰.

Асосий тушунчалар

Модернизация — жамиятнинг ижтимоий-иктисодий институтлари ва иқтисодий асосининг ҳар томонлама янгиланиши, аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш, мамлакатимизни дунёдаги тараққий отган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлига ўтказиш воситасидир.

Модернизация жараёнини ҳаракатлантирувчи тармоқлар — аграр (ишли кучидан фойдаланиш) ёки ресурс (зарур инвестициялар) тармоқлар асосида шакллантирилган оммавий ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат тармоқларидир.

Табиий модернизациялаш деганда модернизациялаш жараёнлари мамлакат ресурсларига асосланган ҳолда бутун жамият манфаатларини қондириш учун табиий равишда амалга оширилиши тушунилади.

Кувиб етадиган модернизациялаш деганда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари устун даражада юқори жамгариш нормаси, яъни ЯИМда юқори инвестициялар улуши эвазига эришилиши кўзда тутилади.

155 Уша манба. 56-б.

156 Уша манба. 59-б.

157 Уша манба. 65-б.

158 Уша манба. 70-б.

159 Уша манба. 73-б.

160 Уша манба. 74-б.

Инқилюбий модернизация — қолоқ мамлакатларда содир бўлади, чунки бошқа йўл билан тараққий этган мамлакатларга етиб бўлмайди.

Очиқ иқтисодиёт — ташқи иқтисодий алоқалари ривожланган, миллий иқтисодиётнинг нисбий афзаликларига таяниб, жаҳон хўжалиги тизимиға интеграциялашиб борувчи иқтисодиёт.

Давлатнинг инновацион сиёсати — илмий тадқиқотлар, ишланмалар, тажриба-констуркторлик ишлари ёки бошқа илмий-техник ютуқлардан фойдаланиб яратилган янги, такомиллашган маҳсулот, юқори технологик жараёнларнинг иқтисодиётга жорий этилиши билан боғлиқ инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар йигиндисидир.

Инновацион стратегия — технологиялар ва бошқарув технологияларидағи янгиликларни иқтисодий ривожланиш йўналишларига мувофиқ равишда танлаш ҳамда амалга ошириш тизимини ўзгартириш жараёнларини белгилаб берувчи қоида ва нормалар йигиндиси.

«Кўчириб ўтказиш» стратегияси — мавжуд хорижий илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш ва ушбу соҳадаги янгиликларни иқтисодиётта кўчириб ўтказиш билан боғлиқ стратегиядир.

«Ўзлаштириш» стратегияси — мамлакат арzon ишчи кучи ва йўқотилаётган илмий-техник салоҳиятининг бир қисмидан фойдаланган ҳолда ривожланган мамлакатларда аввал ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

«Кучайтириш» стратегияси — мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланиш, хорижлик олимлар ва конструкторларни жалб этиш, университетларнинг фундаментал фанлари ва фирмаларнинг амалий фанларини интеграциялаштириш орқали мунтазам равишда янги маҳсулотлар, юқори технологиялар яратишни кўзда тутади.

Саноат сиёсати — ишлаб чиқарishнинг ўсишига, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқиши ва жорий этишига, иқтисодиётнинг тармоқ таркибини яхшилаштиришга тайёр маҳсулот экспортини ривожлантиришга қаратилган давлатнинг узоқ муддатли чора-тадбирлар мажмуи.

Саноат сиёсатининг Фарбий Европа модели — истиқболли тармоқларни ривожлантириш ва зарар келтирувчи тармоқларни тугатиш орқали иқтисодиётнинг мавжуд таркибининг аста-секин яхшиланиб бориши.

Саноат сиёсатининг «Шарқий Осиё» модели — юқори технологияли тармоқларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган булиб, иқтисодий ўсишнинг, биринчи навбатда, фан-техника ютуқлари ва юқори технологияларни ўзлаштиришга (инновацияларга) боғлиқлигига асосланади.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодиётни модернизациялашнинг зарурлигини асосланг?
2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизозидан чиқишида иқтисодиётни модернизациялашнинг ўрни нималардан иборат?
3. Модернизациялашнинг иқтисодиёт таркибида чуқур ўзгаришларни амалга оширишдаги ўрни қандай?
4. Иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Хитой иқтисодиётини модернизациялашнинг принциплари ва ўзига хос хусусиятларини аниқланг?
6. Инновацион сиёсат нима ва унинг қандай моделлари мавжуд?
7. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида модернизациялашни амалга ошириш хусусиятларини белгиланг?
8. Давлат инновация сиёсатининг йўналишларини аниқланг?
9. Инновацион стратегия нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
10. Иқтисодиётни модернизациялашда саноат сиёсатининг тутган ўринини белгиланг?
11. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясининг таркиби ва амалга оширишнинг устувор йўналишларини тавсифлаб беринг?

IX БОБ. УЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

9.1. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишнинг ҳолати ва таркиби

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг муҳим омилларидан бири – иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишдан иборат. Бу борада мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати қуйидаги таймайларга асосланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш;
- хорижий инвесторларга нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатини изчиллик билан олиб бориш;
- хорижий инвестицияларни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариладиган устувор тармоқларга йўналтириш.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг миёсда жалб этиши ўтиш даврининг стратегик ва жорий вазифаларини ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ. Ушбу вазифалар ичida энг муҳимлари – иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизациялаш, юқори технологик рақобатбардош тармоқларни яратиш, илгор хориж технологияси ноу-хау ва бошқарув тажрибаларини жалб этишдир (9.1.1-жадвал).

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимининг жадал суръатларда ўсишини қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда:

1) мамлакатдаги инвестиция муҳитининг барқарорлиги. Йирик инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилиши билан характерланади. Юқоридаги сабабларга кўра инвесторларга, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳити, ишонч керак;

**Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти
ва инвестициялар ўсиш суръатларининг ўзгариши¹⁶¹**

Йиллар	Ялпи ички маҳсулот (млрд. долл.)	Олдинги йилга нисбатан % да	Инвестициялар (млрд. долл.)	Аввалингийилга нисбатан, % ҳисобида
2002	7,4	104,2	1,4	103,8
2003	9,7	104,4	1,9	104,5
2004	12,2	107,7	2,5	105,2
2005	15,2	107,0	2,9	107,0
2006	17,0	107,3	3,3	109,1
2007	22,3	109,5	4,7	122,9
2008	28,1	109,0	6,5	128,3
2009	32,1	108,1	8,2	124,8

2) валюта курсини тартибга солишдаги ижобий ўзгаришлар. Миллий валютанинг диверсификациялашуви, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилинадиган товарларга нисбатан рақобат курашида маълум афзалликни беради;

3) 2008 йилга қадар жаҳон товар бозорларидаги ижобий ҳолатлар ва миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга (олтин, мис, пахта) қулай нарх конъюнктураси йирик миллий экспортёrlарнинг молиявий имкониятларини кенгайтирди ва ўзларининг инвестицион дастурларини молиялаштиришнинг фаоллаштирилишига, кенгайишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро боғлиқ тармоқлар маҳсулотига талабнинг ўсишига сабабчи бўлди ва мультипликатор самарасини ҳаракатга келтириди;

4) давлат молияси ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳолатининг мўътадиллашуви, мамлакатимизга 18 ойлик импорт миқдорига тенг олтин-валюта захираларининг жамланишига, бюджет тақчиллигини бартараф этишга ва 2005 йилдан бошлаб бюджет профицитига чиқишга имкон берди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар таркибида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, 2000 – 2009 йилларда хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар таркибидаги ҳиссаси 23,2% дан 35,4% гача

¹⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумоглари асосида ҳисобланган.

ортди. ТТХИнинг жами инвестициялардаги улуши эса 3,3% дан 30,5% гача, жами хорижий инвестициялардаги ҳиссаси эса 14,4% дан 86,2% га қадар кўнайган (9.1.2-жадвал).

9.1.2-жадвал

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётта жалб қилиш динамикаси¹⁶²

Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Жами инвестициялардаги хорижий инвестициялар улуши, %	23,2	30,9	20,4	24,0	24,5	21,7	19,0	24,5	25,8	35,4
Жами инвестициялар таркибида ТТХИ улуши, %	3,3	5,3	4,7	8,1	10,0	14,9	14,1	20,6	20,9	30,5
Жами хорижий инвестициялар таркибида ТТХИ улуши, %	14,4	17,2	23,2	33,8	40,9	68,5	73,9	84,0	80,8	86,2

Инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 2000 – 2009 йилларда иқтисодиётта йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 2009 йилда 8,2 млрд. доллар миқдорида инвестициялар жалб этилди. Ушу кўрсаткич 2008 йил билан таққослаганда, 24,8% га кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар улуши 26,1% ни ташкил этди.

2002 йилда марказлашган инвестициялар ҳажми умумий инвестицияларнинг 43,6% ини ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,1% ни ташкил этди (9.1.3-жадвал). Бюджет маблаглари ҳисобига амалга оширилаётган инвестициялар улуши 23,5 пунктга камайди. Вазирликлар тизимида соҳани ривожлантириш учун очилган мақсадли фонdlар ҳисобига амалга оширилаётган инвестициялар улушининг кескин ошиши кузатилмоқда. 2002 йилда ушбу манба улуши 1,4% ни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 7,6% га етди. Давлат кафолати остида жалб қилинган инвестициялар ҳажмини 16,8% дан 4,3% гача туширишга эришилди, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши эса 3,9% дан 27,9% гача ортди.

¹⁶² Узбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

**2002 – 2008 йилларда инвестицияларни молиялаштириши
майбалари таркибининг ўзгариши, фоиз ҳисобида¹⁶³**

Т/Р	Майбалар	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
		2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
	Жами инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100	100
1.	Марказлашган инвестициялар шу жумладан	43,6	36,4	31,8	23,4	22,5	20,1	20,0	20,1
1.1.	Бюджет маблаглари	25,5	17,0	14,9	12,7	10,7	9,0	8,9	8,1
1.2.	Бюджетдан ташқари маблаглар	1,4	0,4	2,4	4,7	6,9	6,1	7,6	7,6
1.3.	Давлат кафолати остида олинган кредитлар	16,8	19,1	14,5	6,0	5,0	5,0	3,5	4,3
2.	Марказлашмаган инвестициялар шу жумладан	56,4	63,6	68,2	76,6	77,5	79,9	80,0	79,9
2.1.	Корхоналар маблағлари	38,3	41,9	43,2	48,7	48,3	47,6	43,6	36,3
2.2.	Тижорат банклари маблағлари	2,2	2,6	2,6	2,9	3,4	3,1	7,9	5,2
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	3,9	7,3	10,0	13,2	14,1	17,8	25,8	27,9
2.4.	Аҳоли маблаглари	12,0	11,8	12,4	11,8	11,7	11,3	10,8	10,6

Ушбу жараён ижобий ҳолат ҳисобланиб, иқтисодиёттимизга модернизациялаш лойиҳаларига узоқ муддатли инвестициялар киритилаётганини кўрсатади, жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий оқибатлари таъсирини камайтирувчи ва юмшатувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «... ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда»¹⁶⁴.

Мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицияларда давлат кафолатининг камайиб боришини хорижий инвесторларда республикамизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган

¹⁶³ Узбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹⁶⁴ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаронсонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон». 2010. 37-6.

ишенч ортиб бораётганилиги билан изоҳдаш мумкин. Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизацияланаш шароитида, давлат томонидан иқтисодий манфаатли бўлмаган лойиҳаларни молиялаш тұхтатила бошланди. Ҳукумат томонидан фақат иқтисодий манфаат чегараланган ёки умуман бўлмаган ижтимоий муҳим лойиҳалар кафолатланади. Булар, биринчи навбатда, сув таъминоти, таълим ва соғлиқни сақлаш, транспорт ва алоқа инфраструктураси соҳаларидағи лойиҳалардан иборат.

Хорижий инвестицияларнинг ўсишида ҳалқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларни қайд этиш тартибининг соддалаштирилиши, саноат корхоналарини модернизацияланаш ва техник қайта таъминлаш, солиқ юкининг пасайтирилиши, маҳсулот тақсимлаш түгрисидаги битимнинг құлланиши, шунингдек, хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномаларини тузиш йўли орқали алоҳида имтиёзлар ҳамда преференциялар тақдим қилиш асосий омиллар бўлди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида донор мамлакатлар билан истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаш борасида биргаликдаги ишлар жадаллашди. Бунда, биринчи навбатда, асосий эътибор минтақалараро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, экин ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кадрлар тайёрлашнинг миллий таълим дастурини амалга оширишга күмаклашиш, тиббиёт муассасаларини юқори технологиядаги усқуналар билан жиҳозлаш, молиявий ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш кабиларга қаратилди. Ҳусусан, дунёning қатор давлатлари, биринчи навбатда, бутунги кунда бизда асосий ҳамкор сифатида қаралувчи, иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган, құшма инвестицион лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилаётган ёки күзда тутилаётган Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари барқарор суръатларда ривожланмоқда.

Иқтисодиётта жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичларида иқтисодиётта йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўринни сақлаб қолган ҳолда пасайиш тенденциясига эга. Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришга қаратилган ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар улуши тармоқ эҳтиёжига нисбатан пастроқ даражада сақланиб турибди (9.1.4-жадвал).

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий инвестициялар таркиби,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида¹⁶⁵**

Иқтисодиёт соҳалари	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100
I. Ишлаб чиқариш соҳаси	93,0	90,0	85,0	86,8	82,7	89,5	84,3	92,6	92,5
Саноат	62,4	69,4	69,6	46,1	39,0	46,4	41,3	57,7	57,3
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	4,6	4,9	6,1	4,0	0,7	3,0	5,2	3,7	4,3
Курилиш	—	0,02	0,01	—	—	0,3	1,3	4,8	4,4
Транспорт ва алоқа	24,7	14,2	7,3	32,9	37,8	38,6	30,9	25,3	25,5
Савдо ва умумий овқатланиш, молдий-техника таъминоти	0,1	0,2	0,1	1,0	0,3	0,9	0,8	0,8	0,7
Ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа обьектлари	1,2	1,3	13,5	2,8	4,9	0,2	4,7	0,7	0,3
II. Ноишлаб чиқариш соҳаси	7,0	10,0	15,0	13,2	17,3	10,5	15,7	7,4	7,5

Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириши, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноуҳауларни жорий этиши, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишининг ҳудудий тақрибида нотекислик сақланиб қолмоқда. Инвестицияларни тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустрисал минтақалар – Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ҳамда устувор, стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар молиялаштирилаётган Қашқадарё вилояти ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Сирдарё, Хоразм, Жizzах вилоятларининг улуши оз ҳисобланади (9.1.5-жадвал).

¹⁶⁵ Узбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг минтақавий таркибининг ўзгариши, (%)¹⁶⁶

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Узбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Қорақалпогистон Республикаси	1,7	1,6	2,8	8,4	5,1	6,1	0,5	1,6	0,3
Андижон вилояти	1,1	4,6	4,9	1,8	3,7	2,5	1,1	3,4	5,4
Бухоро вилояти	2,1	1,0	2,9	4,8	4,1	3,8	36,0	11,7	1,4
Жizzах вилояти	3,4	4,4	0,1	1,2	0,7	1,9	0,4	1,1	1,3
Қашқадарё вилояти	25	24,4	16,9	9,5	7,9	17,7	16,7	31,7	35,0
Навоий вилояти	5,8	11,8	3,5	1,4	7,8	0,8	0,5	2,9	0,2
Наманган вилояти	0,9	2,7	3,7	1,6	1,9	1,7	1,1	2,6	1,9
Самарқанд вилояти	3,4	2,4	1,9	3,5	5,2	4,0	1,1	2,2	2,4
Сурхондарё вилояти	1,0	0,3	0,2	2,4	1,6	1,7	0,9	5,0	0,9
Сирдарё вилояти	0,9	1,5	0,4	2,1	1,4	2,3	0,2	0,6	2,9
Тошкент вилояти	8,7	7,4	8,9	10,6	8,1	6,3	3,6	3,4	9,6
Фарғона вилояти	4,5	14	22,8	2,3	2,4	3,1	1,4	4,9	4,1
Хоразм вилояти	1,5	2,7	10,2	3,7	1,4	4,6	1,9	0,8	0,5
Тошкент шаҳри	39,8	21,1	20,8	46,7	45,7	43,7	34,9	28,1	34,1
Тақсимланмаган маблағлар	—	0,1	—	—	3,0	—	—	—	—

Таҳлиллар кўрсатишича, республика ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб килишда қатор муаммолар мавжул:

— инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганилиги — банклар, инвестиция фондлари, сугурта ва лизинг компаниялари фаолиятини раъбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

— тадбиркорларнинг бизнес-кўнимларни, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги — ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фолиятини ривожлантириш;

¹⁶⁶ Узбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

— инвестиция тақлифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги — тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишида тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

— лойиҳа ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ноҳорлиги — инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш тақлиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чукур таҳлил қилиниши;

— маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитига оид маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги — хорижий инвесторларни тўлақонли раввишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес тақлифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил ҳом ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича «Вилоят инвестиция салоҳияти» вэб-порталини ташкил этиш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар (республика ҳудулида ва хорижий мамлакатларда) ўтказиш.

Айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишдаги мавжуд муаммолар:

— ҳом ашё сотиб олишга айланма маблағлар этишмаслиги — корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволини ўрганиб чиқиб, уни молиявий соғломлаштириш, қарзларини реструктуризация қилиш бўйича мувофиқлаштириш ишларини олиб бориш орқали 2010 йил экспорт истиқболини бажаришга амалий ёрдам кўрсатиш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда ҳом ашёнинг этишмаслиги (помидор, ўрик, ва б.) — ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ҳом ашё базаси билан боғлиқ масалаларни лойиҳа ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;

— инфратузилмага оид муаммолар, шу жумладан. Корхоналарнинг электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар мавжуғлиги — экспортёр корхоналарни узлуксиз раввишда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва назоратга олиш;

— технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳалқаро стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги — технологик асбоб-ускуна-

ларни замонавийлантириши мақсадида халқаро күргазма-савдо-ларда иштирок этишини таъминлаш, тежамкор технологияларни танлани ва уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

— корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шугууланувчи ҳодимлар билимининг, малакасининг етарли даражада эмаслиги — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишлиланган ўкув машгулотлари, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишни муентазам йўлга қўйиш лозим.

Иқтисодчи олимлар фикрига кўра, хорижий инвесторларни жалб этишга йўналтирган хусусийлаштириш сиёсати тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириши мумкин. Таҳлиллар кўрсатишича, хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб қилиш мамлакатдаги бизнес юритиш ва инвестициялар учун яратилган инвестицион мухит билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозор ислоҳотларини амалга оширишда муайян ютуқларга эришилган иқтисодиётларда хусусийлаштириш сиёсати воситасида йирик хорижий инвесторларни жалб этиш имконияти бошқаларга нисбатан юқори бўлади. Бундай ҳолда миллий иқтисодиётга маблағ жойлашганилиги билан боғлиқ бозор хатарлари даражаси паст, деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш қатор босқичларда амалга оширилиб, дастлаб кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари хусусий мулкка айлантирилди. Кейинчалик ўрта ҳажмдаги корхона ва объектларга эътибор қаратилиб, сўнгти йилларда йирик корхоналарни хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда.

2007 – 2010 йилларда хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш натижасида 2008 йилда давлат корхоналари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг ижтимоий соҳасидаги 392 та объект мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўзгартирилди (9.1.6-жадвал).

Ушбу объектлар соғлиқни сақлаш (54 та), халқ таълими (38 та), қишлоқ ва сув хўжалиги (23 та), маҳаллий хукумат идоралари қарамогидаги ижтимоий инфраструктура объектлари (171 та) ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидағи корхона ва муассасалардир (103 та).

2003 – 2008 йилларда хусусийлаштирилган объектларнинг аксарият қисмини хусусий шахсларга сотиш (386 та) тенденцияси сақланиб қолди ва 6 та давлат ташкилоти масъулияти чекланган жамиятга (МЧЖ) ўзгартириш орқали хусусийлаштирилди. Ушбу

ташкилотларнинг биронтасида акционерлик жамиятига айлантириш орқали хусусийлаштирилиши кузатилмаган. Ҳозирга келиб хусусийлаштирилиши керак бўлган деярли барча йирик ва ўрта корхоналар нодавлат мулк шаклига ўзгарилиди. Шунинг учун иқтисодиётни модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни аввалги босқичларда давлат корхоналари негизида тузилган хўжалик жамиятларининг устав фондида давлат аралашувини минимал даражага қисқартиришга йўналтирилган.

9.1.6-жадвал

Давлат объектларини хусусийлаштириш курсаткичлари (бирликда)¹⁶⁷

	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Хусусийлаштирилган давлат корхоналарининг (ишлаб чиқариши ва ижтимоий соҳа объектлари) сони	1519	1228	980	673	631	392
Шу жумладан:						
Акционер жамиятларга ўзгарилилган корхоналар сони	75	28	3	9	—	—
Масъулияти чекланган жамиятларга ўзгарилилган корхоналар сони	981	62	75	55	38	6
Хусусий шахсларга сотилган корхоналар сони	396	1038	902	599	593	386
Давлат пакетлари хусусий шахсларга сотилган акционер жамиятлар сони	972	446	117	88	60	27
Устав жамғармасида давлат улуши хусусий шахсларга сотилган масъулияти чекланган жамиятлар сони	124	365	382	119	23	53

2008 йилда инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларга 27 та акционерлик жамиятлари назорат ва чекловчи, акцияларнинг давлат пакетлари 53 та МЧЖнинг устав жамғармасининг улуши сотилган. Бу кўриб чиқилаётган йилда сотилган

¹⁶⁷ Ўзбекистон иқтисодиёти. 2008 йил учун ахборот-таҳлилий бюллетени. – Т.: 2009. 41-б.

мазкур активлар кўрсаткичидан хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган ва ўтган йилги амалга оширилган кўрсаткичлардан анча кам. Устав жамғармасидаги давлат улуши хусусий шахсларга сотилган МЧЖлар бундан истисно.

Акцияларнинг давлат пакетларини ҳамда МЧЖ устав жамғармаларида улушиларни сотиш ҳажмларининг камайиши қўйидаги омилларга боғлиқ;

— Ўзбекистоннинг хўжалик юритувчи жамиятлари инвестицион жозибадорлигининг пасайиши;

— жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози туфайли хорижий инвесторлар учун хусусийлаштирилаётган обьектлар қийматининг юқорилиги.

Қайд этиб ўтилган омиллар таъсири туфайли иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги қатор корхоналарнинг юқори ликвидили давлат пакетларининг савдога қўйилиши вақтинча тўхтатилди.

Хусусийлаштиришнинг ушбу босқичига хос хусусиятлардан бири — давлат мулкининг сотилишига устуворлик берилиши, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари корхоналарининг акциялари, биржадан ташқари бозорда танлов савдолари ҳамда инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан сотиш ҳисобланади. Хусусийлаштиришнинг бу усулларига устуворлик беришнинг сабаби шундаки, янги мулкдорлар нафақат обьектнинг хусусийлаштириш мажбуриятини тўлани, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маълум бир инвестиция суммасини киритиш шартини ҳам қабул қилиб сотиб оладилар. Шу тарзда, 2008 йилда акцияларнинг давлат пакети ва бошқа мулк шаклларини сотиб олувчилар томонидан 34,2 млрд. сўм ва 54,8 млн. доллар миқдорида инвестицион мажбуриятлар қабул қилинган.

Инвесторларга танлов асосида «ноль» сотув қийматида 50 та иқтисодий начор давлат корхоналари ва ижтимоий инфраструктура обьектлари қарзларни ёпиш, хусусийлаштирилаётган обьектни иқтисодий ва молиявий соғломлаштиришга йўналтирилган инвестицион мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан берилган. Сотиб олишга сарфланган харажатлардан ташқари хусусий шахслар олган инвестицион мажбуриятларининг умумий қиймати 15,6 млрд. сўм ва 17,6 млн. долларни ташкил қилди.

2008 йилда Давлат Мулк қўмитасининг маҳсус ҳисобларига хусусийлаштириш ва давлат активларидан фойдаланишдан 130,7 млрд. сўм тушди. Ушбу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 17,2% га кўпdir. Сотилган обьектлар миқдорининг камайишига қарамай, хусусийлаштиришдан тушган тушумларнинг ўсиши, қатор йирик кор-

хоналар, жумладан, «Алгоритм» – 45,5%, «Ташкоммунаул таъминот» – 48,0%, «Сувмаш» – 47% каби акционер жамиятлари акциялар пакетининг хусусий мулкка согилиши натижасида амалга онди.

9.2. Иқтисодиётни модернизациялаш ва техникавий қайта куроллантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига бағишлиланган асарида 2009 – 2014 йилларга мўлжалланган мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш дастурини ишлаб чиқиши тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратди. Ушбу дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги мэрраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топган.

Мазкур кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгги йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози бу жараённи янада жадаллаштиришга туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологиялар, қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма обьектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишига айланди.

«Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш обьекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та обьект фойдаланишга топширилди»¹⁶⁸.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор

¹⁶⁸ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон». 2010. 43-б.

лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида умумий қиймати 42,5 млрд. доллардан зиёд бўлган қарийб 327 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. 2009 – 2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг 73,5% и янги қурилиш, 23,1% и модернизация ва тиклашга, 3,4% и бошқа йўналишларга сарфланади (9.2.1-жадвал).

9.2.1-жадвал

2009 – 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури¹⁶⁹

Инвестицияларнинг йўналиши	Лойиҳаларнинг умумий қиймати	Ўз маблағлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Тижорат банклари кредитлари
Молиялаштириш манбалари белгиланган ва келишилган, амалга ошириладиган ва амалга оширишга тайёрланган инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	15 395	2 795	468	12 132
Модернизация ва тиклаш	6 419	2 922	1 051	2 446
Бошқа йўналишлар	1 160	101	–	1 059
Жами	22 974	5 818	1 519	1 059
Ишлаб чиқиш босқичидаги янги инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	9 580	2 624	942	9 014
Модернизация ва тиклаш	2 409	936	182	1 292
Бошқа йўналишлар	256	–	–	256
Жами	12 245	3 560	1 124	7 561
Дастлабки тарзда ишлаб чиқилаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	6 286			
Модернизация ва тиклаш	1 014			
Жами	7 300			


2009 – 2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг 50,6% и нефть ва газ тармоғи, 13,7% и транспорт ва инфратузилма, 10,6% и энергетика соҳаси, 7,3% и

¹⁶⁹ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва республиканинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар. Барқарор иқтисодий ривожланишининг истиқболдаги устувор йўналишлари ва 2010 йилги макроиқтисодий курсаткичларга эришиш омиллари ҳамда долзарб масалалари //Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг минтақавий семинари материаллари. – Т.: 2010.

киме саноати, 4,54% и төг-кон ва металлургия саноати, 2,7% и машинасозлик соҳаси, 2,3% и қурилиш моллари ишлаб чиқарини, 2,1% и сингил саноат, 1,4% и «Навоий» эркин индустрия-иктисодий зонаси ва 4,9% и бошқа тармоқлар ҳиссасига түгри келади (9.2.1-расм).

Үтиш иктисодиёти мамлакатларида асосий капиталга сарфланыётган инвестицияларнинг технологик таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, Россияда 2006 йилда асосий капиталнинг эскириш даражаси саноатда 45% ни, электроэнергетика соҳасида 60% ни, қазилма бойликларни қазиб олиш секторида 21,9% ни, қайта ишлани саноатида 17% ни ташкил этган. Унбу тармоқлардаги асбоб-ускуналарнинг ўртача хизмат муддати 20 йилдан ошиб кетган ва бу ҳолат асосий капитални янгилани, модернизациялашни тақозо этади.

Россияда 2005 йилдан бошлаб инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш монтаж ишлари, биноларни қуриш 2006 йилгача ўртacha 43,5% ни ташкил этган. Асосий капиталга сарфланыётган инвестиция таркибида машина, ускуна, жиҳозларга сарфланган харажатлар улуши 1995 йилда 29,9% ни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 40,5% гача ортган бўлса, 2007 йилга келиб ушбу курсаткич 37,4% гача пасайғанлигини кузатиш мумкин¹⁷⁰.



9.2.1-расм. 2009 – 2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастири, млн. долл.¹⁷¹

¹⁷⁰ Алексеев А.В., Кузнецова Н.Н. Современные инвестиционные приоритеты в российской промышленности. // ЭКО, № 4, 2009. С. 11, 14, 15.; В. Цветков. Подкрепить инновационное развитие промышленной политикой. // Экономист, № 3, 2009. С. 33, 34.

¹⁷¹ Ўша манба.

Ўзбекистон иқтисодиётига жаіб этилаётган инвестицияларнинг технологик таркиби ижобий ўзгаришилар солир булмоқда. 2000 – 2008 йилларда сарфланаётган инвестицияларнинг технологик таркиби асосий капиталнинг нассив қисми ҳисобланган қурилиш-монтаж ишлари, биноларни қуриш учун сарфланаётган харажатлар улуши 61,0% дан 45,4% га ёки 15,6 пунктта камайған. Шу билан бирга асосий капиталга сарфланаётган инвестиация таркибида машина, ускуна, жиҳозларга сарфланган харажатлар улуши 25,0% дан 42,4% гача, яъни 17,4 пункта ортди (9.2.2-жадвал).

9.2.2.-жадвал

Ўзбекистонда инвестицияларнинг технологик таркиби ўзгариши, жамига нисбатан фоиз ҳисобида¹⁷²

Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Инвестициялар, жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:									
Курилиш-монтаж ишлари	61,0	48,2	53,1	46,5	46,5	48,7	49,6	56,8	45,4
Жиҳозлар, ускуналар, инвентарлар учун харажатлар	25,0	39,5	35,1	41,5	43,6	38,7	38,1	31,7	42,4
Бошқа ишлар ва харажатлар	14,0	12,3	12,3	12,0	10,8	10,8	12,3	11,5	12,2

Ушбу ҳолат иқтисодиётга сарфланаётган инвестицияларнинг асосий фонdlарни замонавийлаштиришга, тўла янгилашга сарфлаш ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

Демак, мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттириши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

9.3. Хорижий инвестицияли корхоналар хорижий инвестицияларни жалб этиш шакли сифатида

Бозор иқтисодиётига ўтиш хўжалик юритишнинг турли мулкчилик шаклларига ўтишни талаб этади. Бугунги кунда хўжалик юритишнинг аралаш мулк шаклига хос бўлган хорижий инвести-

¹⁷² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статитика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

цияли корхоналар ҳам кең фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодиёт соҳа-ларида эриншилаётган ижобий ўзгаришлар хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестицияли корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилинчи инвестиция сиёсатининг асосини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда.

Хорижий инвесторлар иштирокидаги манфаатдор томонлар ўзларига қарашли бўлган ресурслардан биргаликда фойдаланиш учун улар билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этмоқда. Ўзбекистонлик ва хорижий юридик шахслар ҳамда чет эл фуқаролари бундай корхоналарнинг таъсисчилари бўлиши мумкин.

Хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш сабаблари турли-туман бўлиб, уларни ички, ташқи ва стратегик сабабларга бўлиши мумкин (9.3.1-жадвал).

9.3.1-жадвал

Хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш сабаблари¹⁷³

Ички сабаблар	Инвестиция муҳитининг устунликларидан фойдаланиш
	Рискларни тақсимлаш
	Ишлаб чиқариш миқёсида тежаши
	Бошқарувнинг янги усувларини ўрганиш
	Хорижий бозорларга чиқишини жадаллаштириш
Ташқи сабаблар	Шартнома харажатларини камайтириш
	Жаҳон бозорига чиқиш
	Сиёсий кескинликнинг юмшаси
	Миллий ҳукумат талаблари
Стратегик сабаблар	Самарали рақаботни вужудга келтириш
	Мустаҳкам ҳом ашиё базасига эга бўлиш
	Технологиялар трансферти
	Ишлаб чиқариш диверсификацияси
	Мамлакатда узоқ вақт фаолият олиб бориш имконияти

Мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари таркибида хорижий инвестицияли корхоналар улуши ортиб бормоқда. Хусусан, 2009 йилда жами хорижий инвестицияли корхоналар сони 4443 тани ташкил этган бўлиб, жорий йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони 561 тани ташкил этди.

¹⁷³ Кузиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. 62 бет.

Албатта хорижий инвестицияли корхоналар орасида фаолият юритмаётганилари ҳам бор, лекин фаол ишлаб турған корхоналар сонининг тобора ошиб бориши ижобий курсаткич булиб, хорижий инвесторларнинг мамлакат иқтисодиётига қизиқиши ортаётганидан ва умумий бизнес юритиш мұхити яхшиланиб бораётганидан даюлат беради.

Хорижий инвестицияли корхоналар томонидан ишлаб чиқарылган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг амалий ифодасини хорижий инвестицияли корхоналар ишлаб чиқарыш ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбати аста-секин ошиб бораётганида кузатиш мүмкін. Ушбу күрсаткич 1996 – 2000 йилларда үртача 8,8% ни тапкыр этган бўлса, 2004 – 2005 йилларда 16,0% дан ошди, 2007 йил натижалари бўйича эса 20,5% га етди (9.3.2-жадвал).

9.3.2-жадвал

Хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари¹⁷⁴

Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Фаолият юритаётган корхоналар сони, бирлиқда	1795	1958	2087	2209	2412	2627	2919	3579
Ишлаб чиқарылган маҳсулот (иш, хизматлар ҳажми), млрд. сўм	386,7	610,2	1044,2	1437,2	1958,4	2523,9	3849,8	5786,3
Ишчиларнинг үртacha йиллик сони, минг киши	91,1	90,4	94,0	97,8	105,4	111,3	126,5	149,5
Мехнатга ҳақ тұлаш харажатлари, млрд. сўм	24,7	44,3	63,9	86,3	109,5	139,1	208,2	338,9

Хорижий инвестицияли корхоналарда 2007 йилда 149,5 минг киши иш билан банд бўлган. Бу республикамида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида (қишлоқ хўжалигидан ташқари) иш билан банд бўлганларнинг 1,7% ини ташкил этади. Саноат, савдо

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

ва транспорт ҳамда алоқа соҳаларида хорижий инвестицияни корхоналарда банд бўлғанларнинг улуши нисбатан юқори булиб қолмоқда. Хусусан, уяли ва ҳалқаро алоқа соҳаларида қўнимга корхоналар сони бир мунча юқори бўлғанлиги сабабли, бу ерда хорижий инвестицияни корхоналар алоқа тармоқларида банд бўлғанларнинг 17,5% ини иш билан таъминлаган.

Хорижий инвестицияни корхоналар инчиларининг ойлик маоши маҳаллий корхоналардаги ўртacha маошдан анча юқоридир. 2007 йил якуни бўйича ушбу корхоналарда ўртacha иш ҳақинини республикадаги ўртacha иш ҳақи даражасига нисбати 144% ни ташкил қилди. Бундай ҳолат хорижий инвестицияни корхоналарда ишлаб чиқарин самараюргилиги юқорилигидан далолат беради.

Ишлаб чиқарин ҳажмига кўра саноат тармоқлари улушига хорижий инвестицияни корхоналар маҳсулотининг қарийб 80% и тўғри келади. Фаолият кўрсатаётган хорижий инвестицияни корхоналарнинг энг юқори улуши саноат тармоғига тўғри келади. 2008 йилда жами хорижий инвестицияни корхоналарнинг 48,8 % и саноат тармоғида фаолият юритган (9.3.3-жадвал).

Сўнгги 10 йил мобайнода машинасозлик соҳасининг ишлаб чиқариш ҳажми хорижий инвестицияни корхоналарнинг умумий маҳсулотида 31% дан 39% га кўтарилиди. Бунинг боиси шундан иборатки, республикамизда автомобильсозлик ва унга алоқадор тармоқлар жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Асакадаги автомобиль заводи томонидан ишлаб чиқарилаётган енгил машиналар сони йилдан-йилга ўсиб, 2009 йил натижалари бўйича жами 215 мингдан ортиқ автомобиль ишлаб чиқарилди. 2007 йил октябрда Ўзбекистон ҳукумати ва АҚШнинг йирик компанияси «Женерал Моторз» ўртасида битим имзоланиб, унга кўра «GM Ўзбекистон» корхонаси ташкил этилди. Ушбу қўшма корхонанинг ташкил этилиши республикамизда ишлаб чиқариладиган автомобильларнинг янги турларини жорий этиш, сифатини таъминлаш ва уларни экспорт қилиш имкониятларини янада кенгайтириб, ушбу завод билан узвий ҳамкорликда фаолият юритаётган бошқа бутловчи қисмлар етказиб берувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳам «Женерал Моторз»нинг глобал масштабдаги маркетинг тизимига боғлаш имконини яратади.

Хорижий инвестицияни корхоналар фаолиятига хос бўлған яна бир жиҳат шундан иборатки, улар фаол равишда ташки иқтисодий фаолият билан шугууланиб келишмоқда. Ушбу корхоналарнинг ташки савдо айланмаси 2000 йилда 1,2 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2009 йилда ушбу кўрсаткич ҳажми 7,8 млрд. долларгача ёки 6,5 мартаға ортган. Хорижий инвестицияни корхоналар таркибида

Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий инвестицияли корхоналариинг тармоқ таркиби (жамига нисбатан % ҳисобида)¹⁷⁵

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шундан:										
Саноат	50,1	53,5	55,9	59,2	58,5	56,6	53,8	48,8	50,4	46,7
Кишлоқ хўжалиги	1,6	1,8	2,3	2,5	2,6	2,4	2,3	2,2	2,1	1,9
Транспорт ва алоқа	4,9	4,4	4,2	4,3	4,2	4,4	4,2	4,4	5,0	3,8
Курилиш	4,3	3,8	3,7	3,5	4,0	4,4	4,8	5,5	4,4	5,7
Бошқалар	39,1	36,5	34,0	30,6	30,7	32,2	34,9	39,0	38,1	41,9

хизмат кўрсатиш, савдо ва ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқаришига ихтисосланган корхоналарнинг кўплиги туфайли, ушбу корхоналарнинг ташқи савдо қолдигида мунтазам салбий натижа кузатилмоқда. Жумладан, 2009 йилда ушбу корхоналарнинг экспорт-импорт операциялари балансининг салбий қолдиги 1,0 млрд. долларни ташкил этди. Бу ҳолат, аксарият хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг кўпроқ қисми ички бозорга йўналтирилганлиги билан изоҳланади (9.3.4-жадвал).

9.3.4-жадвал

Хорижий инвестицияли корхоналарнинг ташқи савдо фаолияти кўрсаткичлари, млрд. долл¹⁷⁶

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Ташқи савдо айланмаси	1,2	1,4	1,2	1,4	2,0	2,4	3,0	5,2	6,2	7,8
Экспорт	0,5	0,4	0,4	0,6	0,8	0,8	1,1	2,1	2,9	3,4
Импорт	0,7	1,4	0,8	0,8	1,2	1,6	1,9	3,1	3,3	4,4
Ташқи савдо қолдиги	-0,2	-1,0	-0,4	-0,2	-0,4	-0,8	-0,8	-1,0	-0,4	-1,0


¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹⁷⁶ Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. – Т.: «Nur poligraf» МЧЖ, 2009; Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. – Т., 2009; маълумотлари асосида ҳисобланган.

Хорижий инвестицияли корхоналарнинг ташқи савдо күрсаткычлари барқарор үсүшті тенденциясига зет. Ушбу корхоналар экспортты республика экспортининг умумий ҳажмида 2000 йилда уртача 13,8% дан 2009 йилда 28,8% гача орттан. Мазкур корхоналар томонидан 2009 йилда 3,4 млрд. доллар миқдорида экспорт, 4,4 млрд. доллар миқдорида импорт операциялари амалга оширилған. Ушбу рақамлар хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг көнтәйиши, улар томонидан амалга оширилаёттган маҳсулот ва хизматлар экспортты ҳажмининг ортаётгандыгыдан далолат бермоқда.

Хорижий инвестицияли корхоналарнинг инвестор-мамлакатлар бүйича таркибиде етакчи үринни Россия, Турция, АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Қозоғистон, Эрон, Швейцария каби мамлакатлар әгаллашган (9.3.1-расм). Жумладан, 2000 – 2007 йилларда Россияның улуси 17% дан 18% га, Корея Республикасынин улуси 5% дан 8% га, Хитойнинг улуси 3% дан 5% га қадар орттан.

Таҳлиллар күрсатишича, хорижий инвестицияли корхоналар экспортининг товар таркибиде ҳам жиадий үзгаришлар рүй берган (9.3.5-жадвал). Жумладан, хорижий инвестицияли корхоналар экспортининг товар таркибиде машина ва асбоб-ускуналар улуси 2000 йилда 16,0% ни ташкил этган бўлса, ушбу күрсаткич 2007 йилга келиб 40,0% га тенг бўлган. Шунингдек, таҳлил этилаётган даврда кимё маҳсулотларининг улуси 1,5% дан 2,5% гача, энергия ташувчилар улуси 3,7% дан 27,3% гача, қора ва рангли металлар улуси 0,3% дан 1,6% гача, хизматлар улуси 3,9% дан 4,4% гача орттан.



9.3.1-расм. Инвестор мамлакатлар бүйича хорижий инвестицияли корхоналарнинг тақсимланиши (жамиға нисбатан фоизда)¹⁷⁷

¹⁷⁷ Уша манба.

9.3.5-жадвал

Хорижий инвестицияли корхоналар экспортининг товар таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида¹⁷⁸

Йиллар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Пахта толаси	4,8	2,4	1,0	3,3	2,3	1,0	4,7	3,5
Озиқ-овқатлар	7,4	4,4	4,1	4,2	3,9	4,5	4,0	3,0
Кимё маҳсулотлари	1,5	2,6	2,1	2,3	2,6	4,2	1,5	2,5
Энергия ташувчилар	3,7	4,7	2,9	3,3	3,6	3,6	2,7	27,3
Қора ва рангли металлар	0,3	0,2	0,5	0,8	0,7	1,2	2,8	1,6
Машина ва ускуналар	16,0	21,1	16,5	19,4	28,4	43,3	51,9	40,0
Хизматлар	3,9	4,4	3,8	4,4	5,0	4,9	5,3	4,4
Бошқалар	62,4	60,2	69,1	62,3	53,5	37,3	27,1	17,7

Шу билан бирга, бу даврда пахта толаси (4,8% дан 3,5% гача), озиқ-овқатлар (7,4% дан 3,0% гача) ва бошқа товарларнинг (62,4% дан 17,7% гача) экспорт таркибидаги улуши қисқарган.

Таҳлил этилаётган даврда хорижий инвестицияли корхоналар импортининг товар таркибида ҳам жиддий жараёнлар содир бўлғанлигини кузатиш мумкин (9.3.6-жадвал). Жумладан, ушбу

9.3.6-жадвал

Хорижий инвестицияли корхоналар импортининг товар таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида¹⁷⁹

Йиллар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Пахта толаси	12,9	8,8	15,0	15,1	12,0	9,8	12,3	8,6
Озиқ овқатлар	20,5	13,3	13,2	12,4	13,9	12,8	14,1	13,5
Кимё маҳсулотлари	0,8	0,6	0,6	0,4	0,6	0,4	0,2	0,3
Энергия ташувчилар	5,1	5,9	4,4	5,4	6,0	8,9	6,4	8,7
Қора ва рангли ме-таллар	47,4	62,5	57,5	55,4	56,3	56,3	57,1	57,6
Машина ва ускуналар	1,1	1,0	1,1	2,8	4,5	4,9	3,5	3,8
Хизматлар	12,2	7,9	8,2	8,5	6,7	6,9	6,4	7,5

¹⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹⁷⁹ Ўша манба.

таркибда пахта толаси (12,9% дан 8,6% гача), озиқ-овқатлар (20,5% дан 13,5% гача), кимё маҳсулотлари (0,8% дан 0,3% гача) ва хизматлар (12,2% дан 7,5% гача) улуши қисқаргани ҳолда, энергия ташувчилар (5,1% дан 8,7% гача), қора ва рангили металллар (47,4% дан 57,6% гача) ҳамда машина ва ускуналар (1,1% дан 3,8% гача) улуши ортиб борган.

9.4. Ўзбекистонга жалб қилинаётган портфель инвестициялар ва уларга таъсир этувчи омиллар

Хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажмларини ошириш зарурияти миллий иқтисодиётнинг реал сектори субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардорилигини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни реструктуризациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Хорижий инвестициялар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг катализатори сифатида хизмат қиласи. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон иқтисодиётида тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар роли ошиб бормоқда.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, хўжалик субъектларининг инновацион тараққиётини молиялаштириш манбалари тузилмасида марказий ўринни қимматбаҳо қофозлар бозорининг дастаклари эгаллайди. Қимматбаҳо қофозлар воситасида инновацион молиялаштириш инвесторлар маблағларини муомаладаги қимматбаҳо қофозларга сарфланишини англатади ҳамда қимматбаҳо қофозлар бозорида очиқ ва эркин фаолияти билан характерланади. Хўжалик субъектларининг инновацион эҳтиёжларини молиялаштиришининг барча турларидан қимматбаҳо қофозлар воситасидаги инновацион молиялаштириш инвестицияларни сарфлаш обьектлари тавсифининг хусусиятлари ва инновацион жараён иштирокчилари ўргасидаги муносабатларнинг мураккаб механизми билан ажralиб туради. Инновацион жараёнларни қимматбаҳо қофозлар ёрдамида молиялаштиришининг қарама-қаршилиги ва мураккаблиги, инновацион дастурлар эмитентларининг турли характеристилиги ва йўналтирилганлиги, инвесторларнинг манфаатларини кенг миқёсдалигидандир. Уларнинг бир хиллари узоқ муддатли ва ишончли даромадлар олишга интилиб, тўғридан-тўғри инвестицияларга ургу беришади, бунинг учун эса улар ўзларини қизиқтирган корхоналарнинг камидаги 10% акцияларини сотиб олишлари шарт. Бошқа инвесторлар қарама-қарши ўлароқ портфель инвестицияларни афзал кўришади. Бунда

улар инвестицион ғаолиятни инвестиция портфелини турли эмитентларнинг қимматбаҳо қофозларидан ташкил этиш ҳисобига диверсификациялайдилар, шу билан бирга ўзларига тұғри келалиған рисқ даражасини пасайтирадилар ва даромадларнинг барқарор даражасига әришадилар. Портфель инвестицияларнинг маҳсус функцияси бўлиб қимматбаҳо қофозлар портфели эгасига ўз қўйилмаларини диверсификациялан имконини бериш орқали рискларни тўплаш ва тарқатиб юбориш, курс ва турли қимматбаҳо қофозлар тебранишларини бартараф этиш хизмат қиласди.

Портфель инвесторларнинг мақсаллари ва стратегияларининг таҳлилидан келиб чиқиб, уларни стратегик портфель ва спекулятив портфель инвесторларга ажратиш мумкин. Улар ўртасидаги асосий фарқ ушбу груп инвесторларининг мақсадга йўналтирилганлигидан келиб чиқади. Агар стратегик портфель инвесторлар корхоналарнинг кам даромад келтиришига қарамасдан узоқ муддатли истиқболдаги ривожланишга йўналтириб маблағларини жойлаштирасалар, спекулятив инвесторларнинг стратегиялари қимматбаҳо қофозлар бозорини ўзининг самарали ҳолатидан четлашиши натижасида келиб чиқадиган арбитраж имкониятларини ҳисобга олиш ва фаол (қисқа муддатли) фойдани олишга йўналтирилади. Яъни спекулятив инвесторлар улар томонидан сотиб олинган қимматбаҳо қофозларнинг биржа курсларининг ўсиши ёки пасайишидаги ўйин ҳисобига фойда олиш ва сотиб олинган, сотилган қимматбаҳо қофозларнинг қийматлари фарқи ҳисобига даромад олишга интиладилар. Бу категориядаги инвесторлар қимматбаҳо қофозларга узоқ муддатли эгалик қилиш ҳамда бўш ресурсларни битта эмитентнинг акция ва облигацияларига қўйишга қизиқмайдилар.

Стратегик-портфель инвесторлар ишлаб чиқаришни реструктурлаштириш ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ассортиментини янгилаш жараёнларида фаол қатнашадилар, спекулятив-портфель инвесторлар эса қимматбаҳо қофозларнинг талаб ва таклифи нисбати фарқидан келиб чиқадиган арбитраж битимларни афзал кўришади. Шу билан бирга стратегик портфель инвесторларига паст даражадаги рисқ тұғри келади, чунки улар эмитентларнинг инвестицион потенциалини синчиклаб ўрганишади ва яхши билишади ҳамда улар ғаолияти самарадорлигини ошириш имконига эгадирлар. Аммо, шу нарсани унутмаслик керакки, стратегик инвесторларнинг даромадлилик даражаси спекулятив инвесторларга нисбатан пастроқдир, чунки консерватив кайфиятдаги инвесторлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини кескин оширишни таъминлашга ёки ўзларининг қимматбаҳо қофозларининг инвестицион потенциалини кескин оширишга тайёр бўлмайдилар.

Инвестиция бозорининг фаол қатнашчиси сифатида институционал инвесторлар намоён бўлиб, улар бу фаолият билан профессионал асосда, инвестицион бизнесга нафақат узларининг бўши маблагларини, балки ўз таъсисчилари ёки мижозларининг маблагларини акциялар бўйича юқори дивидендерларни, улунили қимматбаҳо қоғозлар бўйича фоизларни ёки уларни қайта сотиш операцияларидан даромадлар олиш мақсадида жалб этишали.

Институционал инвесторлар қимматбаҳо қоғозлар портфелини уларнинг котировкаларининг фундаментал прогнозларига ва эмитентлари бизнесининг рақобатбардошлигини узоқ ва ўрта муддатли режада баҳолашга асосланиб шакллантиришади. Шундан сўнг ушбу портфелнинг даромадга эришиш ва риск даражасини пасайтириш мақсадида қимматбаҳо қоғозларни сотиш ёки харид қилиш бўйича операцияларни амалга ошириш орқали бошқаради.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, портфель инвестициялар бозорининг асосий иштирокчилари бўлиб институционал инвесторлар намоён бўлишади. Масалан, 1994 йилдан 2006 йилга қадар фақаттинга ривожланган мамлакатларнинг очиқ инвестиция жамғармаларининг активлари 4,5 трлн. доллардан 16,1 трлн. долларгача ошди. Жаҳонда пенсия захиралари (жамғармалари) активлари 2005 йилга келиб 11,1 трлн. доллардан ошиб кетди, бу эса жаҳон ЯИМнинг 24,8% ини ташкил этади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) мамлакатларида суурита компаниялари қимматбаҳо қоғозлари портфелларининг умумий ҳажми 2006 йилда 8978,8 млрд. долларга стди. Бунда молия бозорининг аксарият қисмини назорат қилувчи Америка институционал инвесторлари (75% тача) назорат қилишади. Масалан, пенсия жамғармалари, суурита компаниялари ва икки тарафлама жамғармалар мустақил равишда 10 трлн. доллардан ортиқ активларни бошқаради, пенсия жамғармалари жаҳоннинг энг йирик институционал инвестори статусига эга бўлишиди, АҚШда тахминан 28000 та инвестицион клублар мавжуд. 2007 йил февраль ойи ҳолатига кўра жамоа инвесторларининг ялпи жаҳон активлари 17 трлн. доллардан ошиб кетди: акция жамғармаларининг соғ активлари – 6 трлн. доллар, гибрид жамғармаларнинг – 656 млрд. доллар, солиқقا тортиладиган жамғармалар облигациялари – 1 трлн. доллар, муниципал жамғармалар облигациялари – 373 млрд. доллар, пул бозорининг солиқقا тортиладиган жамғармалари – 2 трлн. доллар, пул бозорининг солиқقا тортилмайдиган жамғармалари – 300 млрд. доллар, икки тарафлама жамғармалар сонининг ўзи 8000 тадан ошиб кетди.

Энг йирик халқаро институционал инвесторлар күпчилик ривожланаётган мамлакатлар эга бўлган суммалар ҳажмига тенг ёки ундан катта бўлган суммага этадирлар, бу уларга миллий иқтисодиётга жилдий таъсир кўрсагиншга ва ҳатто ўзгартириб юборишга имкон беради. Улар давлатлар ва жамиятларнинг инвестицияларга бўлган эҳтиёжларини қондиришига қодирдирилар.

IOSCO (унга ривожланаётган бозорга эга бўлган мамлакатларнинг 54% и аъзодир) маълумотлари бўйича аъзо мамлакатлар инвесторларининг ялни активлари 700 млрд. доллардан ошган ва унбу маблағлар 22 мингдан ортиқ жамгармаларга қўйилиб, улар 1262 та бошқарув компаниялари¹⁸⁰ томонидан бошқарилади. Бу катта маблағлар мамлакатда улкан миёсдаги инвестициялар оқимини «ўзлаштириш»га тайёр бўлмаганлиги сабабли инқизозга олиб келиши, шу билан бирга, жадал иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин.


XXI аср бошларига келиб Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асослари яратилмоқда, бозор инфратузилмаси институтлари фаолият юритилмоқда, солик тизими такомиллаштирилган, валюта сиёсати модернизациялашмоқда, Ўзбекистон қимматбаҳо қоғозлар бозорига хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнлари соддалаштирилган. Ўзбекистондаги барқарор макроиқтисодий вазият, иқтисодий ўсишни таъминловчи манзилли тадбирларни молиялаштиришга етарли маблағларнинг мавжудлиги республикага 2009 йил охирида келган Халқаро валюта жамгармаси миссияси томонидан юқори баҳоланди.

Иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлашувида жиддий ўзгаришларнинг мавжудлиги, биринчидан, бюджет тақчиллигининг мавжуд эмаслиги, давлатнинг қимматбаҳо қоғозлар ички бозорида йирик қарзларни олиш эҳтиёжини йўқотди. Юқори ликвидли ва даромадли давлатнинг ишонарли қарз воситалари бозорининг қисқариб бориши билан инвесторлар корпоратив қимматли қоғозлар бозорига эътибор беришга мажбур бўлдилар. Мамлакат компанияларида молия бозорини молиявий ресурсларни мобилизация қилиш механизми сифатида фойдаланишга имконият вужудга келди (9.4.1-расм).

2008 йил 1 январь ҳолатига кўра қимматбаҳо қоғозлар чиқариш бўйича Ягона давлат реестрига 4118,3 млрд.сум ҳажмдаги эмиссия билан 13 641та акцияларнинг чиқарилиши рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида ёзувлар киритилган. Таҳлиллар кўрсатишича, 2007 йил учун энг йирик эмитентлар бўлиб қўйидагилар намоён бўлишди: АЖ «Ўзнефтгазқазибчиқариш»

¹⁸⁰ Хмыз О.В. Международная финансовая интеграция коллективных инвесторов./Финансы, № 8, 2007. С. 55 – 59.

(98,2 млрд. сўм), АТБ «Ўзсаноатқуришишбанк» (иккита эмиссия, умумий суммаси 70,6 млрд. сўм), АТБ «Нахтабанк» (иккита эмиссия — 36,5 млрд.сўм), АТБ «Фаллабанк» (иккита эмиссия — 30,0 млрд. сўм), АТБ «Микрокредитбанк» и (22,2 млрд. сўм) ОАЖ «Чирчиқ трансформатор заводи» (учта эмиссия — 18,1 млрд. сум).



9.4.1-расм. «ТОШКЕНТ» РФБда қимматбаҳо қоғозлар айланмаси динамикасининг ўзгариши¹⁸¹

Корхоналарнинг инновацион ривожланиши эҳтиёжлари учун инвестицион ресурсларни мобилизация қилишининг йирик манбаларидан бири — қимматли қоғозлар бозори инструментлари ёрдамида жалб қилинаётган хорижий инвесторларнинг маблағлари ҳисобланади. Мамлакат ичida макроиқтисодий индикаторларнинг барқарор суръатларда ўсиб бориши, хусусийлантирилган акционер корхоналарнинг стратегик хорижий инвесторларда маблағ сарфлаш обьекти сифатидаги жозибадорлигини ошириди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестиция сифатида моддий ва номоддий бойликлар ҳамда унга эгалик қилиш ҳукуқи, шу жумладан, интеллектуал мулк ҳукуқи, хорижий инвесторлар томонидан тадбиркорлик ва бошқа фаолият обьектларига даромад олиш мақсадида, қонунчилик доирасида сарфланаётган маблағлардан олинган даромадлир. Реинвестиция сифатида хорижий инвесторлар томонидан тадбиркорлик ва бошқа фаолият обьектларига қайтадан қўйилаётган даромад Ўзбекистон Республикасида инвестициялашдан олинган ҳар қандай даромадни, шу

¹⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

жумладан, фойда, фоиз, дивиденл, роятти, лицензион ва комиссион мукофотлар, техник ёрдам ёки технологик хизмат учун тұловлар ва бошқа турдаги мукофотларни англатади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторларнинг күйидаги турлари мавжуд:

— хорижий давлатлар, хорижий давлатларнинг маъмурий ёки худудий органлари;

— давлатлар ўртасидаги шартномалар ёки келишувлар асосида ташкил этилган ёки халқаро жамоа ҳуқуқи субъектлари ҳисобланған халқаро ташкилотлар;

— хорижий давлатлар қонунчиллик актларига биноан ташкил топған ва фаолият юритаётган юридик шахслар, ўртоқликлар, ташкилотлар ёки ассоциациялар;

— хорижий давлат фуқаролари, фуқаролиги йўқ шахслар ва доимий равишда хорижда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган жисмоний шахслар.

Ўзбекистон Республикаси худудила хорижий инвестицияларни амалга оширишининг асосий шакллари:

— хўжалик жамиятлари ва ўртоқликлари, банклар, сугурта ташкилотлари ҳамда бошқа корхоналарнинг устав фонди ва бошқа мулкида улушли қатнашиши;

— тўлиқлигича хорижий инвесторларга тегишли бўлган хўжалик жамиятлари ва ўртоқликлари, банклар, сугурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни тузиш ҳамда ривожлантириш;

— Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган мол-мулк, акция ва бошқа қимматли қофозлар, шу жумладан, қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

— интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни, шу жумладан, авторлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, ишлаб чиқариш намуналари, ноу-хау ҳамда ишбилармонлик репутацияси (гудвилл)га қўйилмалар;

— концессияларни (шу жумладан, қидирув, қазиш, қазиб олиш учун, ёки табиий ресурслардан фойдаланиш учун концессияларни) сотиб олиш;

— савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси, ер участкаси билан бирга унда жойлашган турар жойга эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб олиш;

— ер (шу жумладан, ижара асосида ҳам) ва табиий ресурсларга эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш.

Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторини инвестицион ривожлантириш мақсадида қимматбаҳо қофозлар бозорига хорижий портфель инвестицияларнинг оқиб келишини фаоллаштириш жараёнига инфляциянинг пасайиши, барқарор иқтисодий ўсиш,

сийесий барқарорлик, ислоҳотларнин қетма-қетлиги ва сиамархилорлиги, давлат инвестиция дастурларининг жозибадорлиги омишлари ижобий таъсир кўрсатган. Бонга томондан эса, иқтисодий усии суръатларининг ошиб бориши хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятини фаоллаштириш жараёнини жадаллантиргди, бу ўз навбатида, мамлакатнинг миллий иқтисодиёти ривожланишининг ҳар бир босқичида инвестицион потенциални оширишнинг реал имкониятларини белгилаб берди.

2000 йилда қимматбаҳо қоғозлар биржасидаги битимлар умумий ҳажмида хорижий инвесторлар билан имзоланган битимларнинг улуши 19% ни, 2005 йилда эса бу улуш 74,4% ни ташкил этди. 1998 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда биржа битимларининг ҳажми 4,4 млн. доллардан иборат булди.

Ўзбекистон қимматбаҳо қоғозлар бозорида портфель инвестициялар ҳажмининг ўсиш динамикаси, унинг бирламчи ва иккиламчи сегментлари билан бирга 9.4.1-жадвалда акс этирилган. Бунда ҳисобнинг боини сифатида портфель инвесторларнинг 1999 йилда республиканинг ҳусусийлаштирилган корхоналарининг акцияларига (1,4 млн. долл.) қўйилган бирламчи инвестициялари қабул қилинган.

Хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётнинг реал сектори субъектларининг инновацион ривожланишидаги иштирокининг мураккаблигига қарамасдан, улар мамлакатнинг ҳусусийлаштирилган корхоналарининг капиталини мустаҳкамланӣ ва уларда юқори корпоратив маданиятни киритини жараёнини жадаллаштириш имконига эга бўлган асосий турӯҳ ҳисобланадилар. Шунингдек, жаҳон молиявий инқизорзи оқибатларини бартараф этиш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторига спекулятив эмас, балки узоқ муддатли инвестиция инструментларини жалб этишга талаб ошиб бормоқда. Талаб этилаётган инвестициялар стратегик инвесторларнинг тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялари орқали таъминланадилар.

Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори корхоналарининг инновацион ривожланиши эҳтиёжларига йўналтирилаётган тўғридан-тўғри ҳамда портфель инвестициялар миёсларининг ошиб бориши иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни келтириб чиқарувчи катализатор вазифасини бажаради. Инвестицияларнинг аввал тўлиқ фойдаланилмаган табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат потенциалининг хўжалик жараёнига жалб этилишини фаоллаштирувчи омил сифатидаги ўрни катта аҳамиятга эга. Хорижий капиталнинг миллий элементлар ва уларнинг ресурслари ҳаракати билан биргалашиш занжирли реакция каби умумий ижобий иқтисодий самарага олиб

келиши мумкин. Бунга сабаб янада прогрессив меҳнат воситалари, ходимлар малакасини ошириш ва хусусийлаштирилган Ўзбекистон корхоналарининг мавжул ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаштириш.

9.4. 1-жадвал

Портфель инвестицияларнинг Ўзбекистон акция бозорига жалб қилиниш динамикаси, млрд.сўм.¹⁸²

Курсаткичлар	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Портфель инвестициялар ҳажми	1,2	4,7	4,1	29,1	30,2	66,0	89,7
Портфель инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръатлари	0,8	3,9	0,9	7,1	1,0	2,2	1,4
Портфель инвесторлар бирламчи инвестицияларининг (ПИБИ) ўсиши, % (2000 йил=100%)	100	391	342	2417	2517	5500	7417
Акция бозорининг умумий ҳажми (АБХ)	17,1	26,1	41,7	74,7	115,1	142,5	330,8
Акциялар бирламчи бозорининг умумий ҳажми (АББХ)	6,2	12,2	16,3	53,9	62,1	88,7	112,6
ПИБИнинг АБҲдаги улуши, %	7,02	18,0	9,8	38,9	26,2	46,3	27,2
ПИБИнинг АББҲдаги улуши, %	19,4	38,5	25,2	53,9	48,6	74,4	79,8
ПИБИнинг акциялар иккиламчи бозорининг умумий ҳажмидаги (АИБХ) улуши, %	12,3	20,5	15,2	15,0	22,4	28,1	52,6
Портфель инвестициялар ҳажмининг АБҲдаги улуши, %	92,9	82,0	90,0	61,1	73,8	53,7	72,8
Портфель инвестициялар ҳажмининг АББҲдаги улуши, %	80,6	61,5	74,8	46,1	51,4	25,6	20,3

9.5. Давлат инвестиция дастурлари

Миллий иқтисодиёт амалиётида ўн тўрт йилдан буён корхоналарнинг инвестиция фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали фойдаланиш мақса-

¹⁸² Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк кўмитаси ҳузуридаги қимматбаҳо көгозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази маълумотлари асосида ҳисобланган.

дида Ўзбекистон Республикасининг Даілга инвестиция дастури амалга ошириб келинади (9.5.1-жадвал). Унбу дастур ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириши,

9.5. 1-жадвал

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция Дастурларининг асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари¹⁸³

Йиллар	Инвестиция Дастурларининг асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари
1996 – 1998 йй.	<ul style="list-style-type: none">– иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишининг устувор йўналишларини таъминлаш;– импорт ўринини қоплаш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича самараали чораларни амалга ошириш учун моддий ишлаб чиқариш базасини яратиш;– маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ташкил этиш;– қурилиш комплексида бозор ислоҳотларини чуқураштириш.
1999 – 2001 йй.	<ul style="list-style-type: none">– корхопаларниң инвеститорларни ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг миёсда жалб этиш;– макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш учун мустаҳкам моддий ишлаб чиқариш базасини яратиш;– миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувини фаоллаштириш.
2002 – 2004 йй.	<ul style="list-style-type: none">– ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги ишчи ўринларини яратиш учун хорижий инвестицияларни кенг миёсда жалб этиш;– тайёр маҳсулот ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришда локализация даражасини ошириш;– экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш;– Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор суръатларда ўсишига эришиш.
2005 – 2008 йй.	<ul style="list-style-type: none">– ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини таъминлаш;– кенг миёсли стратегик ижтимоий дастурларни амалга ошириш;– янги ишчи ўринларини яратиш;– хорижий инвестицияларни жалб этишини кенгайтириш.
2009 – 2010 йй.	<ul style="list-style-type: none">– иқтисодиётда чукур таркибий ислоҳотларни амалга ошириш;– ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш.

¹⁸³ Ўзбекистон Республикаси Даілга Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

иқтисодиётни модернизациялани дастурларини амалга ошириш ва барқарор иқтисодий усунини таъминлаш учун хизмат қиласди.

Инвестиция дастури – бу иқтисодиётга сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг устувор йўналишлари ҳамда улардан самарали фойдаланиши йўлларини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик қарорларининг йигиндисидир.

Давлат инвестиция дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ сиёсат ўзининг мақсади, дастаклари ва устувор йўналишларига эга. Ўзбекистонда 1996 йилдан бўён амалга оширилаётган инвестиция дастурларининг мақсади ва вазифалари аниқ.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурларининг таҳдиллари кўрсатишича, миллий иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши ортиб, ҳукумат кафолати остида жалб этилаётган инвестициялар улупининг қисқариб бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар ушбу инвестициялар ўртасидаги нисбат 2004 йилда 44,2%/55,8% бўлган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 81,6%/18,6% бўлиши кутилмоқда (9.5.1-расм).



9.5.1-расм. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида¹⁸⁴

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати нафақат капитал қўйилмалар ҳажмини кўпайтириш, балки такрор ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш, инвестицияларни нисбатан самарали ва рақобатбардош тармоқларга йўналтиришни кўзда тутади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

¹⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Маҳкамаси томонидан ҳар йили қабул қилиналигын ва амалга ошириладиган Давлат инвестиция дастурларида тармоқ устуворлиги мамлакатнинг хом ашё, ресурс салоҳияти билан борланганлиги, жаҳон хўжалигига миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш асосида интеграциялашини зарурлигига алоҳида эътибор қаратилади.

2010 йил учун мўлжалланган Давлат инвестиция дастурида ҳам иқтисодиётда чукӯр таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш лойиҳаларига устуворлик берилган.

2010 йилда умумий ҳажми 18,2 трлн. сўмга тенг капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши режалаштирилган. Шундан, 21% и марказлашган ва 79% и номарказлашган инвестициялардир. Марказлашган инвестицияларнинг 21,6% ини бюджет маблағлари, 17,4% ини бюджетдан ташқари маблағлар ташкил этади. Бундан ташқари, марказлашган инвестициялар таркибига Суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди (2,4%), Тикланиш ва тараққиёт фонди (35,9%) маблағлари ҳам киради.

Номарказлашган инвестициялар ҳажмида эса корхона маблағлари 54% ни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 27,0% ни, тижорат банкларининг маблағлари 10,6% ни, аҳоли маблағлари 8,4% ни ташкил этади.

Инвестиция дастурида фаолиятдаги ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш ва модернизациялаш, янгиларини барпо этиш бўйича 192 та йирик инвестицион лойиҳаларга алоҳида ўрин ажратилган. Ушбу лойиҳаларга 5,5 млрд. доллар сарфланиши, шундан 27,7% и корхоналарнинг ўз маблағлари, 16% и Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари, 45,1% и тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва 11,2% и бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган. Ушбу маблағларнинг 63,1% и янги қурилишга, 25,1% и объектларни қайта таъмирлаш ва модернизациялашга ва 11,8% и бошқа йўналишларга сарфланади.

Инвестиция дастурига кўра йирик лойиҳалар геология, ёқилги-энергетика, кимё, нефть ва кимё, металлургия соҳаларида амалга оширилади ва уларнинг ҳиссасига умумий режалаштирилган маблағларнинг 74,4% и тўғри келади. Амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларнинг 26 таси ёқилги энергетика секторига тўғри келади. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 2,28 млрд. долларга тенг, шундан 2,045 млрд. доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Жумладан, CNPC Хитой миллий нефть ва газ корпорацияси «Туркманистон – Хитой» газ

қувурининг навбатдаги иккинчи участкасини қуриш учун 883,6 млн. долларлик инвестиция киритади. «Үрта Осиё – Хитой» газ қувурининг узунлиги 530 км бўлиб, ўтказувчаник қуввати иилига 40 млрд. кубга тенг.

2010 йилда умумий миқдори 2,429 млрд. долларга тенг 62та лойиҳа бўйича тўғридан-гўгри хорижий инвестицияларни ўзлантириши режалаштирилган. Ушбу маблағларнинг 75,2% янги қурилишга, 12,3% и объектларни қайта таъмираш ва модернизациялашга, 12,5% и бошқа йўналишларга сарфланади. 2010 йилда ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 555,2 млн. долларлик 37 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу маблағларнинг асосий қисми янги қурилиш (37%), объектларни қайта таъмираш ва модернизациялаш (33%) ва бошқа (30%) йўналишларга сарфланади.

2010 йилда ижтимоий соҳага 71,3 млн. доллар, транспорт инфратузилмасини ривожлантириши учун эса 150,4 млн. долларга тенг капитал қўйилмалар амалга оширилиши режалаштирилган.

«Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонасини ривожлантириши катта миқдордаги хорижий инвестицияларни талаб этади. 2010 йилда ушбу ҳудудда қиймати 31,1 млн. доллар ва 48,7 млрд. сўмга тенг 12 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган¹⁸⁵.

Россия, Хитой, Малайзия, Корея, Польша, БАА, Испания, Германия, Австрия, АҚШ, Италия, Туркия, Ҳиндистон, Буюк Британия, Нидерландия, Венгрия каби мамлакатлар ушбу лойиҳалар бўйича инвесторлар ва кредиторлар ҳисобланишиади. Шунингдек, лойиҳаларни молиялаштирида ва хусусий секторни ривожлантиришда Хитой ривожланиши банки, Корея Эксимбанки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Немис банклари фаол қатнашиши кутилмоқда.

Умуман, 2010 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, янги ишчи ўринларининг яратилиши ва аҳоли даромадларининг ошишига олиб келади. Буларнинг барчаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига мустаҳкам замин яратади.

¹⁸⁵ Неделькина Н. Проекты будут осуществляться. /Биржа, №1515 (1098), 19.12.2009.

Асосий түшүнчалар

Аутсорсинг (инглизча «outsourcing» сүзидан олинган булып, «ташқы манба» деган мағынени айлапталады) – бир ташкилдот томонидан майянын бизнес-жараён ёки ишлаб чиқариши функциясыннан шибы соҳалагы ихтисослашган бошқа корхонага топнирилиши.

Инвестициялар – фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самара-га эриниң мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари, банкларнинг мақсадли оманатлари, акциялар, бошқа қимматбаҳо қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳукуқлар, интеллектуал бойликлар.

Асосий капиталга инвестициялар – асосий фондларни яратиш, такрор ишлаб чиқариш ва сотиб олишга сарфланган бир йўла харажатлар.

Асосий фондлар – бир неча такрор ишлаб чиқариш циклида қатнашиб, ўз қийматини тайёр маҳсулот қийматига астасекинлик билан ўтказиб борувчи ишлаб чиқариш воситалари.

Инвестицияларнинг технологик таркиби – бирон-бир обьектга сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг харажатлар таркиби ва уларнинг умумий смета қийматидаги улуши. Технологик таркиби капитал қўйилмаларнинг қанча қисми қурилиш-монтаж ишлари, машина ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш, лойиҳа-тадқиқот ишлари ва бошқа харажатларга йўналтирилганлигини англатади.

Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби – капитал қўйилмаларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш шакллари бўйича тақсимланиши ва улар ўртасидаги нисбат. Ушбу таркиб капитал қўйилмаларнинг қанча қисми янги қурилиш, амалдаги ишлаб чиқаришни таъмирлаш ва техник қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизациялашга йўналтирилганлигини ифода этади.

Инвестицияларнинг тармоқ таркиби – капитал қўйилмаларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши.

Инвестицияларнинг худудий таркиби – капитал қўйилмаларнинг мамлакат худудлари бўйича тақсимланиши ва улар ўртасидаги нисбат.

Реинвестиция – хорижий инвесторлар томонидан тадбиркорлик ва бошқа фаолият обьектларига қайтадан қўйилаётган даромад. Ўзбекистон Республикасида инвестициялашдан олинган ҳар қандай даромадни, шу жумладан, фойда, фоиз, дивиденд, роялти, лицензион ва комиссион мукофотлар, техник ёрдам ёки технологик хизмат учун тўловлар ва бошқа турдаги мукофотларни англатади.

Хорижий инвестицияли корхоналар — акциялари (улушлари, пайларининг) ёки устав жамгармасининг камидаги ўтиз фоизини хорижий инвестициялар ташкил этадиган корхоналар.

Инвестиция дастури — иқтисодиётга сарфланатган капитал қўйилмаларнинг устувор йўналишлари ва улардан самарали фойдаланишини белгилаб берувчи ижтимоий-иктисодий ва ҳўжалик қарорларининг йифиндиси.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиёта жалб этишнинг ҳолати ва таркиби қандай?
2. Республика худудларига хорижий инвестицияларни жалб қилинда қандай муаммолар мавжуд?
3. Иқтисодиётни модернизациялаш ва техникавий қайта куроллантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни қандай?
4. Хорижий инвестицияли корхоналарни очишнинг сабаблари нимадан иборат?
5. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятининг таркиби қандай ўзгармоқда?
6. Ўзбекистонга жалб қилинаётган тўғридан-тўғри ҳамда портфель инвестициялар нисбати қандай ва уларга таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?
7. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишларини санаб ўтинг?
8. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларининг ривожланиш босқичлари ва асосий йўналишларининг мазмунини нималардан иборат?
9. 2010 йилда Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган инвестиция дастурининг устувор йўналишларини аниқланг?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Расмий хужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Адолат», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторларнинг хукуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар бозорида инвесторларнинг хукуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида» Қонуни, 2001 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солини тўғрисида»ги Қонуни, 2003 йил.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни, 2008 йил.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги» Қонуни, 2009 йил.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги» Қонуни, 2009 йил.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни, 2009 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва фармонлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиши ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 31.05.1996 й. ПФ-1467-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 09.02.1998 й. ПФ-1924-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўгри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 11.04.2005 й. ПФ-3594-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиши соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 21.07.2005 й. ПФ-3631-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ислоҳ этиш чоралари тўғрисида»ги 27.09.2006 й.ги ПҚ-427-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларини капитализациялаш даражасини ошириш бўйича рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 16.12.2006 й.ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги – «Ўзинфоинвест»ни ташкил этиш тўғрисида»ги 06.02.2007 й. ПҚ-578-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 – 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 20.07.2007 й. ПҚ-672-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.07.2008 й. ПҚ-927-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.11.2008 й. ПФ-4053-сонли Фармони.

11. Узбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг ресал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш, уларнинг барқарор ишланини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 28.11.2008 й. ПФ-4058-сонли Қарори.

12. Узбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиши ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.07.2008 й. ПҚ-927-сонли Қарори.

13. Узбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушкини қўпайтишни рафбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 28.07.2009 й. ПҚ-1166-сонли Қарори.

14. Узбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 29.12.2008 й. ПҚ-1024 сонли қарори.

15. Узбекистон Республикаси Президентининг «2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 12.12.2007 й. ПҚ-744 сонли қарори.

16. Узбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Узбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида»ги 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сонли Қарори.

17. Распоряжение Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации инвестиционных соглашений, подписанных по итогам международной конференции «Свободная индустриально-экономическая зона в Навои: новые инвестиционные возможности для корейских партнеров» от 25.03.2009 г. № Р-3147.

18. Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги 28.10.2009 й. ПҚ-1213-сонли Қарори.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

1. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узбек Лизинг интернэшил АЖ» лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги 6-сонли Қарори, 05.01.1996 й.

2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-куватлашда Бизнес-фонднинг ташаббускорлиги тўғрисида»ги 240-сонли Қарори, 09.06.1996 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкейсагролизинг» Ўзбекистон – Америка қўшма лизинг компаниясини ташкил этиши тўғрисида»ги 111-сонли Қарори, 27.02.1997 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавализинг» акциядорлик лизинг компаниясини ташкил этиши тўғрисида»ги 556-сонли Қарори, 19.12.1997 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиши, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги 336-сонли Қарори, 02.07.1997 й.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 205-сонли Қарори, 02.05.2003 й.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 58-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 462-сонли Қарори, 23.10.2003 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 58-сонли Қарори, 09.02.2004 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни ҳисобга олишни тартибга солиш ва улар мониторингини олиб бориш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 59-сонли Қарори, 09.02.2004 й.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 199-сонли Қарори, 26.04.2004 й.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рафбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 74-сонли Қарори, 01.05.2006 й.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзмед-лизинг» очиқ акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги 236-сонли Қарори, 13.11.2007 й.

14. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компаниясини ташкил этиш тұғрисида»ги 266-сонли Қарори, 21.12.2007 й.

15. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги күч агрегатлари иннелаб чиқарадын «Дженерал моторс науэртрейн – Узбекистон» корхонаси қурилишини таъминлаш чора-тадбирлари тұғрисида»ги 279-сонли Қарори, 26.12.2008 й.

16. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апреддаги 120-сон Қарорига 2-илова «Навоий» әркін индустриал-иктисодий зonasи ҳудудида алоқида солиқ режимини таъминлаш тартиби тұғрисида Низом».

17. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий» әркін индустриал-иктисодий зonasи ҳудудида алоқида божхона режими ҳамда алоқида солиқ режимини таъминлаш тартиби тұғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 23.04.2009 й. 120-сонли Қарори.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апреддаги 105-сон қарорига 2-илова «Навоий» әркін индустриал-иктисодий зonasида жойлаштириш учун инвесторларни танлаш тартиби тұғрисида Низом».

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги 21-сон Қарорига 1-илова «Навоий» әркін индустриал-иктисодий зonasи тұғрисида Низом».

20. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по ускоренной реализации важнейших инвестиционных проектов и закупке технологического оборудования на 2009-2010 гг.» от 13.07.2009 г. № 197.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 мартдаги 61-сон Қарорига илова «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан инвестиция лойиҳаларини биргалиқда молиялаштириш учун тијорат банкларига кредит линияларини очиш тартиби тұғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 10.03.2009 й. 61-сонли Қарори.

22. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан инвестиация лойиҳаларини биргалиқда молиялаштириш учун тијорат банкларига кредит линияларини очиш тартиби тұғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 10.03.2009 й. 61-сонли Қарори.

23. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иктисодиётнинг реал сектори акциядорлик жамиятларининг молия-

вий барқарорлигини янада оширишни таъминланига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 17.12.2009 й. 316-сонли Қарори.

24. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию системы привлечения и эффективного использования средств международных финансовых институтов, зарубежных правительственные финансовых организаций и стран-доноров» от 12.08.2009 г. № 229.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилда Ўзбекистон Республикасига халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, донор мамлакатларнинг бегараз техник кўмагини (трантларини) жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 9 мартағи 40-сон Қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 3 августдаги 61, 2005-40, 60-сон қарори билан тасдиқланган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом».

27. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази бош директорининг «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 16.07.2009 й. 2009-40-сонли бўйруғи (ЎзР АВ 30.08.2009 й. 2000-сон билан рўйхатга олинган).

28. Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитасининг 2009 йил 28 январдаги 11, 64, 2009-6-сон қарори билан тасдиқланган «Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисида Низом» (ЎзР АВ 2009 йил 10 февралда 1901-сон билан рўйхатга олинган).

II. Махсус адабиётлар

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.

2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. -96 б

3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. -48 б

4. Каримов И.А. Демократик ҳукуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини куриш – фаровон ҳастимиз гаровидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. -64 б

5. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2008. -48 б
6. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. — Т.: «Ўзбекистон», 2008. -64 б.
7. Каримов И.А. Юқсак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. — 176 б.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: «Ўзбекистон», 2009.
9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришидир. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б
10. Абалкина А.А. Повышение эффективности функционирования многосторонних институтов развития. //Бизнес и банки, №33 (869) август 2007.
11. Абдуллаев Р., Асташев А. ЕБРР расширяет финансирование частного сектора в Узбекистане. //БВВ, №102 (1211). 24.12.2009.
12. АБР и Узбекистан готовиться к утверждению новых проектов. //БВВ, №21 (1234), 23.03.2010.
13. Абрамов В.Л. Мировая экономика. — М.: Дашков и К, 2005.
14. Алексеев А.В. Кризис как предчувствие. //ЭКО, №3, 2009.
15. Алексеев А.В., Кузнецова Н.Н. Современные инвестиционные приоритеты в российской промышленности. //ЭКО, №4, 2009.
16. Ананьев А. Противоречивость роли МВФ в современной мировой экономике. //Международная экономика, №5, 2008.
17. Асташев А. Отношения между Всемирным банком и Правительством Узбекистана достигли нового уровня. //БВВ, №104(1213), 13.12.2009.
18. Вахабов А.В. Модели развития финансово-промышленных групп в мировой экономике и возможности его использования в Узбекистане. / «Молия-саноат гурухларини ташкил этиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. — М., МГЭИ, 2008.
19. Вахабов А.В., Разикова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Мировая экономика. I часть. — Т.: «Университет», 2006.

20. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. I часть. — Т.: «Университет», 2006.
21. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. II часть. — Т.: «Университет», 2006.
22. Велиева И., Романовский Р., Самиев П. Каникулы в коме. //Эксперт, № 47, 2009.
23. Визит Резидента АБР в преддверии 43-га Ежегодного заседания Совета директоров банка.//Деловой партнер, №7(828), 18 – 24.02.2010.
24. Вилкова Н. Международный финансовый лизинг.// Экономика и жизнь, №20, 1996.
25. Власова М.А. Причины и пути преодоления инвестиционного кризиса в реальном секторе Российской экономики. // Финансы и кредит, №36 (204), 2005. С. 57 – 62.
26. Гельbras В. Цена экономических успехов Китая. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2007.
27. Глазьев С. О стратегии экономического развития России. // Вопросы экономики, №5, 2008.
28. Глазьев С. Финансовая пирамида рано или поздно терпит круш. / Экономика и жизнь. №35, август 2007.
29. Государственное герулирование рыночной экономики. — М.: Издательский дом «Путь России»; ЗАО «Издательский дом «Экономическая литература», 2002. — 590 с.
30. Григорьев Л. Инвестиционный процесс: накопленные проблемы и интересы. // Вопросы экономики, №4, 2009.
31. Давыдов А. Структурные изменения в американской экономике. //Мировая экономика и международные отношения, №11, 2009.
32. Давыдова Л., Ильминская С. Формирование и стратегия развития инвестиционного потенциала региона на основе оценки инвестиционных процессов. //Экономический анализ, №13, 2007.
33. Дворкович А. Элита плюс общество. // Ведомости, 21.10.2010.
34. Дементьев В. Стратегические ориентиры экономики. / Экономика и жизнь, №36, сентябрь 2007.
35. Дементьев В.Е. Ловушка технологических заимствований и условия ее преодоления в двухсекторной модели экономики. // Экономика и математические методы, №4, 2006.

36. Джураева К., Юсупов Ю. Проблемы формирования и использования сбережений и инвестиций. //Экономическое обозрение, №7, 1999.

37. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи оқибатларининг олдини олини ва республиканинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар. Барқарор иқтисодий ривожланишининг истиқболдаги устувор йўналишлари ва 2010 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари ҳамда долзарб масалалари //Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни раҳбарларининг минтақавий семинари материаллари. – Т.: 2010.

38. Завадский М. Спад на фоне роста. // Эксперт, №3224, 2009.

39. Зубарева Л. Анализ влияния инвестиционной политики на формирование структуры основного капитала. // Экономический анализ, №13, 2007.

40. Иvasенко А.Г. Мировая экономика: 100 экзаменационных ответов: учеб. Пособие / А.Г.Иvasенко, Я.И.Никонова. – Ростов н/Д: «Феникс», 2009. – 328 с.

41. Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт, №45, 2004.

42. Инновационный тип развития экономики: Учебник. /Под общ. ред. А.Н.Фоломьева. –М.: Изд-во РАГС, 2008. – 712 с.

43. Иноземцев В. Где мы находимся. // Ведомости, 11.01.2010.;

44. Иноземцев В. Локомотивы роста. // Ведомости, 20.04.2009.

45. Иноземцев В. Национальная особенность // Ведомости, 16.11.2009.

46. Иноземцев В., Титов В., Явлинский Г. Компас для реформ //Ведомости, 08.02.2010.

47. Иноземцев В.В. Пределы догоняющего развития. – М.: «Экономика», 2002.

48. Иноземцев В. Учиться у Китая // Ведомости, 19.12.2009.

49. Ищенко Е. О тенденциях инвестиционного процесса. // Экономист, №4, 2007.

50. Кадырова Г.М. Россия в мировом обмене капитала: анализ на основе международных сопоставлений. //Страховое дело, №9, 2009.

51. Каменев К.А. Особенности финансирования сделок слияний и поглощений в России. //ЭКО, №3, 2009.

52. Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашып шароитида инвестициялар фаолиятини молиялантиришнинг бозор механизмларини жорий этиши масалалари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2007, 240 бет.
53. Кредит Всемирного банка для улучшения водоснабжения Сырдаринской области //Банковские ведомости. №12-13 (723-724), 24.03.2010.
54. Кудаков А. Особенности формирования финансово-промышленных корпоративных структур и их влияние на экономику страны. //БВВ, №29 (1034), 10.04.2008. С. 11 – 12.
55. Кузиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006.
56. Кузык Б., Яковец Ю. Альтернативы структурной динамики. //Экономист, № 1, 2007. С. 3 – 14.
57. Курбанов Д. Социальная модернизация Китая. // Экономическое обозорение, №8(107), 2008.
58. Лабинская И. Китай: универсальная модель модернизации? // Мировая экономика и международные отношения, №7, 2009.
59. Ливенцев, Н. Я., Костюнина, Г. М. Международное движение капитала. – М.: «Экономистъ», 2004. – 254 с.
60. Ложникова А.В. «Инвестиционные механизмы в реальной экономике». – М.: МЗ-ПРЕСС, 2001.
61. Ломакин В.К. Мировая экономика. Практикум: учеб. Пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям/ В.К.Ломакин. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 223 с.
62. Ломакин В.К. Мировая экономика: учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.
63. Лучко М.Л. Международная конкурентоспособность государств-реципиентов на мировом рынке прямых иностранных инвестиций. // Вестник Московского университета. Серия 6. Экономика, №3, 2007.
64. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник/ под ред. А.Г.Грязновой и Н.Н.Думной. 5-е изл., перераб. И доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 688 с.
65. May B. Экономическая политика 2009 года: между кризисом и модернизацией. //Вопросы экономики, №2, 2010.
66. May B. Экономическая политика в 2005 году: определение приоритетов. //Вопросы экономики, №2, 2006.

67. May B., Кузнецова О. «Инвестиционная привлекательность регионов: причины различий и экономическая политика государства». Институт экономики переходного периода. – М. 2002.
68. Международные экономические отношения: учебник / под ред. Б.М. Смитиенко. – М.: ИНФРА-М, 2007.
69. Международные экономические отношения: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / под ред. В.Е. Рыбалкина. – М.: ЮНИТИ-ДАТА, 2008. – 591 с.
70. Международный финансовый рынок: Учеб. пособие / Под ред. д.э.н., проф. В.А.Слепова, д.э.н., проф. Е.А.Звоновой. – М.: Магистр, 2007. С.339.
71. Мельянцев В. Экономический рост Китая и Индии: динамика, пропорции и последствия. // МЭиМО. №9, 2007.
72. Менъю Н.Г. Макроэкономика. – М.: 1994.
73. Минин Б.В., Таранкова Л.Г. Деятельность «Группы 20» по преодолению мирового финансового кризиса. //Деньги и кредит, №5, 2009.
74. Мирзаев Ф.И. Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва унинг банклар бозоридаги рақобатга таъсири. / «Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – М.: МГЭИ, 2008.
75. Мировая экономика и международные экономические отношения: Ч 1. учебник / под ред. Р.И.Хасбулатова. – М.: Гардарики, 2006.
76. Мировая экономика и международные экономические отношения: Ч 2. учебник / под ред. Р.И.Хасбулатова. – М.: Гардарики, 2006.
77. Мировая экономика и международный бизнес: учебник. Коллектив авторов. /Под общ. ред. В.В.Полякова и Р.К.Щенина. 5-е изд. – М.: КНОРУС, 2008.
78. Мировая экономика и международный бизнес: учебник. Коллектив авторов. /Под общ. ред. В.В.Полякова и Р.К.Щенина. 5-е изд. – М.: КНОРУС, 2008. .
79. Мировая экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям / В.К.Ломакин. – М.: ЮНИТИ-ДАТА, 2007. – 671 с.
80. Мировая экономика: Учебник. / Под ред. проф. Ю.А.Шербанина – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. –318 с.

81. Модернизация национальной экономики Узбекистана: проблемы, приоритеты, пути решения. Институт экономики АН Республики Узбекистан: Научно-практическая конференция/ Сборник тезисов, – Т.: 2007.

82. Молия-саноат гурухларини ташкил этиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда корпоратив болқарувни такомиллаштириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – М.: МГЭИ, 2008.

83. Мурадова Х. Подходы к разработке среднесрочных планов в Узбекистане. // Экономист, №7, 2007.

84. Навой А.В. Об оценке потребности Российской экономики в иностранном капитале. / Бизнес и банки, №47 (883) декабрь 2007.

85. Настенко А.Д., Васино Т.В. Прогнозирование отраслевого и регионального развития. – М.: Гелиос АРВ, 2002.

86. Неделькина Н. Проекты будут осуществляться. /Биржа, №1515 (1098), 19.12.2009.

87. Нешитой А.С. Инвестиции: учебник. 7-е изд. –М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2008.

88. Ни Сяолинь. Расширять внутреннее потребление! // Китай, №9 (47), 2009.

89. Николаев М. Условия инвестиционного воспроизводства. // Экономист, №3, 2007.

90. Николаева И.П. Макроэкономика. – М.: ЮНИТИ, 2002.

91. Николаева И.П., «Мировая экономика» - 3-е издание, – М.: ЮНИТИ, 2005. – 324 с.

92. Новая стратегия Всемирного банка для Узбекистана. // Банковские ведомости, №28. 16.07.2008.

93. Новиков М.М. Необходимые объемы инвестиций и фондовый рынок как потенциальный источник финансирования будущего роста. // Международная экономика, №11, 2009.

94. Оболенского В.П. Роль внешнего фактора в экономическом развитии России. //МЭиМО. №5, 2008.

95. Овчаренко М. Америка сдулась /Ведомости, «242 (2512), 22.12.2009.

96. Островский А.В. Подготовиться к мировому кризису – китайский рецепт. //ЭКО, №5, 2005.

97. Петrikova Е. Амортизация основных средств: применение в России и трансформация в мировую систему учета. // Экономический анализ, №11, 2007.

98. Погасов И. Макроэкономический потенциал накопления. // Экономист, №8, 2009.

99. Полтерович В. Гипотеза об инновационной паузе и стратегия модернизации. // Вопросы экономики, №6, 2009. С. 19 – 23.
100. Проблемы и перспективы конкурентоспособности национальной экономики. Материалы республиканского научного семинара. – Т.: 2004.
101. Рудь Н. Механизмы государственной поддержки ПИИ в сферу высоких технологий. // Мировая экономика и международные отношения, №8, 2008.
102. Рустамов А. Принципы эволюционной модернизации переходных экономик. // Вопросы экономики, №7, 2009.
103. Рыбак О. Основные тенденции инвестиционной активности. // Экономист, №12, 2002.
104. Садыков А. «Основы регионального развития: теория, методология, практика», – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005.
105. Салимова Г. СИЭЗ «Навои»: Уникальность. Развитие. Беспрецедентность. /Биржа, 24.10.09.
106. Свистунова В.И. Экономическое состояние отраслей реального сектора – как фактор инвестиционной привлекательности. // Экономика Узбекистана, №8, 2005.
107. Сектор лизинговых услуг в Узбекистане: итоги 2007 года. // Экономическое обозрение, №4(103), 2008.
108. Селезнев А. «Условия активизации инвестиционного процесса» // Экономист, №4, 2006.
109. Сенчагов В. Способствует ли бюджет – 2010 модернизации российской экономики? // Вопросы экономики, №2, 2010.
110. Силин А. Рынок, инвестиции и качество экономики. // Экономист, 2001.
111. Смородинская Н. Организация СЭЗ в Российской Федерации. Анализ политico-правовой базы и возможных перспектив. Информационно-аналитические материалы ЦБ РФ, – М.: №3, 1996.
112. Совместные предприятия в практике международных и экономических отношений. – М., 1990.
113. Соколов В., Сарыгулов А. Современная Киргизия: многовекторность или безвекторность развития. // Вопросы экономики, №2, 2010.
114. Срапионов К. Слияния и приобретения (СиП): итоги 2009 года. // Биржа, №6 (1109), 16.01.2010.
115. Станбульская решения будут в центре внимания в будущем году. // БВВ, 13.10.2009. №80(1189).

116. Стать нацией, которая чего-то стоит. // Эксперт. №1 (28-12), 2009. С. 48.
117. Сухарев О.С. Макроэкономика инноваций: мифы и реальность Российского сектора. / Бизнес и банки, №23 (908), июнь 2008. С. 1 – 6.
118. Сухарев О.С. Структурная политика и система стратегического планирования. // Бизнес и банки, №34 (967) сентябрь 2009.
119. Сысоев А.В. Амортизационная политика как фактор инвестиционного развития экономики. // Проблемы прогнозирования, №1, 2006.
120. Тенденции развития мировой экономики и проблема адекватности суверенных рейтингов. // Банковское дело, №12, 2009.
121. Титов Д. Плюс капитализация всей страны. //Экономика и жизнь, №25, июнь 2008. с. 4 – 5.
122. Убайдуллаев С. «Экономические институты: возникновение и развитие», – Т.: «Истиқол», 2007.
123. Узбекистан – АБР: в рамках делового партнерства //Деловой партнер, №12 (833), 25-31.03.2010.
124. Урманова Н., Абдуназорова Н., Додиев Ф. ФПГ в Узбекистане: преимущества и перспективы. // Бозор, пул ва кредит, №5, 2007. С. 19 – 23.
125. Устойчивое развитие регионов в условиях модернизации экономики. /Научно-республиканская конференция. –Т.: ЦСЭИ, 2008.
126. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2009. 120 б.
127. Фозибеков Д.Ф., О.Ш.Собиров, А.Г.Мўминов, О.М.Кулжанов. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: «Фан ва технология», 2004.
128. Халевинская Е.Д. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник. – М.: «Экономистъ», 2003. – 303 с.
129. Хамицаева А. Состояние и перспективы промышленности Китая. //Экономист, №7, 2008.
130. Хмыз О.В. Глобальные тенденции 2006 г.: рост прямых иностранных инвестиций. //Финансы и кредит, №2(290), 2008.
131. Хмыз О.В. Международная финансовая интеграция коллективных инвесторов.//Финансы, №8, 2007.

132. Ходжаев Р. Узбекистан: возможности для привлечения иностранных инвестиций есть. //БВВ, №7 (733), 16.02.2008.
133. Холтаев Ж.Т. Инвестициялар иқтисодий ўсиининг асоси. – Т.: «Фан», 2007.
134. Цветков В. Подкрепить инновационное развитие промышленной политикой. //Экономист, №3, 2009.
135. Черников Г.П., Черникова Д.А. Мировой экономика. Учебник. – М.: «Дрофа», 2003. – 432 с.
136. Шаювалов А., Бутрин Д. «Инвестиции найдут прямой путь к 2009 году» /»Коммерсантъ» № 164(3740) от 11.09.2007.
137. Шапран В.С. Долларизация мировой экономики: анализ грядущих перемен. //Банковское дело, №3, 2009.
138. Шарипова А. Создание благоприятной среды для иностранных инвесторов. / Банковские ведомости, №42, 29.10.2009.
139. Шаюсупова Л.Р. Узбекистан Республикасида телекоммуникация соҳасининг ривожига хориж инвестицияларини жалб қилиш. Автореферат. – Т., 2001.
140. Швандар К.В. Прямые иностранные инвестиции в странах BRIC. //Банковское дело, №02, 2008. С. 46 – 48.
141. Швандар К.В. Прямые иностранные инвестиции в странах BRIC. //Банковское дело, №02, 2008. С. 46 – 48.
142. Шемакин А.Ю. Программное кредитование в международных банках развития. //Бизнес и банки, №13 (898), апрель 2008. с. 1 – 6.
143. Шкваря Л.В. Мировая экономика в схемах и таблицах. – М.: Эксмо, 2005. -352 с.
144. Экономика: учеб./А.И.Архипов (и др.); под.ред. А.И.Архипова, А.К.Большакова. – З-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006
145. Экономическое обозрение. №11, 2009.
146. Янь Инь. Рост экономики Китая в будущем году составит 8-9%.//Китай, №12(38), 2008.

III. Халқаро молия институтларининг ҳисоботлари, статистик тұпламалар

147. Доклад о мировом развитии 2004. Улучшение инвестиционного климата в интересах всех слоев населения. Всемирный банк. – М.: 2005.
148. Доклад о мировом развитии. 2005. Как сделать инвестиционный климат благоприятным для всех / Пер. с англ. – М.: 2005.

149. Доклад о мировых инвестициях 2005 год. Транснациональные корпорации и интернационализация НИОКР. Нью-Йорк и Женева, 2005.
150. Доклад о торговле и развитии, 2006 год. Глобальное пространство и национальная политика в целях развития. ООН Нью-Йорк и Женева, 2006.
151. Доклад о мировом развитии 2007. Развитие и новое поколение. Всемирный банк. – М.: 2007.
152. Доклад о мировых инвестициях 2007 год. Транснациональные корпорации, добывающая промышленность и развитие. Нью-Йорк и Женева, 2007.
153. АБР И Узбекистан. 10 лет сотрудничества во имя развития. 1996-2006.-Штаб-квартира АБР. – Манила, 2007.
154. Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане. По итогам 2008 года. Международная Финансовая Корпорация, Ассоциация лизингодателей Узбекистана, Рейтинговое Агентство Prime Rating. – Т.: 2009.
155. Международный валютный фонд. Годовой отчет 2009. Преодоление глобального кризиса. Вашингтон, 2010.
156. Leasing in Central Asia and Azerbaijan. IFC. 2007.
157. Asian Development Bank. Annual report, 2007.
158. UNCTAD. Word Investment Report. 2004: Trend and Determinants. New York and Geneva, 2004.
159. UNCTAD, World Investment Report 2007: Transnational Corporations, Extractive Industries and Development. New York and Geneva, 2007.
160. UNCTAD. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. New York and Geneva, 2009.
161. «The Economic Contribution of the Equipment Leasing Industry to the U.S. Economy» Global Insight.
162. Узбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. – Т.: «Nur poligraf» МЧЖ, 2009.
163. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. – Т.: 2009.
164. Промышленность Узбекистана 2009. Статистический сборник. – Т., 2009. -112 с.
165. Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2009. Статистический сборник. – Т., 2009.
166. Узбекистан в цифрах 2009. Статистический сборник. – Т., 2009. -179 с.

167. Основные фонды Узбекистана 2009. Статистический сборник. – Т., 2009. -98 с.

168. Строительство в Узбекистане 2009. Статистический сборник. – Т., 2009. -112 с.

IV. Интернет ресурслари

1. www.vedomosti.ru
2. www.unctad.org.
3. www.oecd.org.
4. www.ldb.org,
5. www.ebrd.org,
6. www.adb.org
7. www.imf.org
8. www.columbia.edu/cu/libraries/indiv/business/guides/fordinv.html
9. www.opic.gov
10. <http://www.adb.org/About/members.asp>
11. <http://www.adb.org/Documents/Translations/Russian/Factsheets/UZB-Fact-Sheet-RU.pdf>
12. www.leaseurope.org/uploads/Leaseurope_FactsFigures_2008.pdf

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3

I БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР: МОХИЯТИ, ШАКЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Хорижий инвестицияларнинг моҳияти, функциялари ва илмий концепциялари.....	7
1.2. Халқаро капитал миграцияси: сабаблари, омиллари ва кўрсаткичлари.....	15
1.3. Халқаро капитал миграциясининг шакллари ва уларнинг гурухланиши.....	18
1.4. Инвестиция нормаси ва унга таъсир этувчи омиллар.....	25

II БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

2.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг назарий асослари.....	36
2.2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аҳамияти.....	45
2.3. ТТХИнинг таркиби ва ривожланиш динамикаси.....	52
2.4. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда хорижий инвестициялар ўринининг ортиб бориши.....	59

III БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҲАРАКАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

3.1. Хорижий инвестицияларни тартибга солиш усуллари.....	72
3.2. Инвестициялар ҳаракатини тартибга солувчи халқаро молия институтлари.....	77
3.3. Инвестициялар ҳаракатини тартибга солувчи минтақавий молия институтлари.....	94
3.4. Хорижий инвестицияларни кафолатловчи ва тартибга солувчи маҳсус халқаро ташкилотлар.....	105
3.5. Узбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишининг хукуқий ва институционал асослари.....	108

IV БОБ. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ ҲАРАКАТИДА ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

4.1. Халқаро корпорацияларнинг вужудга келиш сабаблари ва функциялари. ТМКнинг таснифланиши.....	120
4.2. Ҳозирги замон ТМКнинг хусусиятлари. Трансмиллийлашув индекси.....	126
4.3. Трансмиллий банклар.....	135
4.4. Молия-саноат гуруҳлари (МСГ).....	139
4.5. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларининг вужудга келиш зарурити, ривожланиш омиллари ва шакллари.....	143

V БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

5.1. Инвестиция сиёсати ба омиллари.....	150
5.2. Инвестиция муҳитини аниқлашнинг жаҳон тажрибаси.....	153
5.3. Тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳитининг ўрни.....	157
5.4. Инвестицион рисклар ва уларнинг хусусиятлари.....	165
5.5. Ўзбекистонда инвестиция сиёсати.....	167
5.6. Ўзбекистондаги инвестиция муҳити.....	172

VI БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ЎРНИ

6.1. Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) тушунчаси, келиб чиқиши ва ташкил этишдаги ёндашувлар.....	180
6.2. ЭИЗнинг мақсади, вазифалари ва турлари.....	182
6.3. ЭИЗни ташкил этиш ва бошқаришнинг хориж тажрибаси....	188
6.4. Оффшор зоналарнинг географик таркиби ва гуруҳланиши....	195
6.5. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва ривожланиш истиқболлари.....	200

VII БОБ. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ

7.1. Лизинг бошқа турдаги хорижий инвестицияларнинг шакли сифатида.....	209
7.2. Халқаро лизинг муносабатларинг ривожланиши.....	223
7.3. Лизинг муносабатлари ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви.....	231
7.4. Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозори.....	233


VIII БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ


8.1. Иқтисодиётни модернизациялашнинг моҳияти ва ҳара-	242
катлантирувчи кучлари.....	
8.2. Иқтисодиётни модернизациялаш моделлари ва йўллари....	245
8.3. Иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясини ишлаб чи-	257
қиши йўналишлари.....	
8.4. Утиш мамлакатлари иқтисодиётини эволюцион модерни-	262
зациялаш принциплари.....	

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ўРНИ

9.1. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб	270
этишнинг ҳолати ва таркиби.....	
9.2. Иқтисодиётни модернизациялаш ва техникавий қайта ку-	281
роллантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни.....	
9.3. Хорижий инвестицияли корхоналар хорижий инвести-	284
цияларни жалб этиш шакли сифатида.....	
9.4. Ўзбекистонга жалб қилинаётган портфель инвестициялар	291
ва уларга таъсир этувчи омиллар.....	
9.5. Давлат инвестиция дастурлари.....	298
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	305

Қайдлар учун





А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакисев, Н.Г.Муминов

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Ўқув кўлланма

ТОШКЕНТ – 2010 – «Молия»

Муҳаррир – А. Зиядов
Техник муҳаррир – Ё. Иноғомов
Компьютерда саҳифаловчи: – Р. Шарипов, Д. Абдурахмонов

Босишга рухсат этилди 30.03.10 й. Бичими 60x84^{1/16},
«TimesUZ» ҳарфида терилди. Шартли б.т. 20,5. Нашр т. 19,47.
Адади 500. 54-сонли буюртма.

Оригинал-макет Банк-молия академиясининг нашриёт бўлимида
тайёрланди. Тошкент ш., №. Арипов, 16-уй.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
босмахонасида чоп этилди.



Вахабов Абдурахим Васикович – иктисад фанлари доктори, профессор. Тошкент Давлат Университетини 1975 йилда тугатган. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори, Ўзбекистон Миллий Университети профессори.

Иктисадий назария, макроиктисадиёт, молия, пул муомаласи ва кредит, жаҳон иктисадиёти ва халқаро иктисадий муносабатлар иктиносликлари бўйича таникли иктисадчи олим. А.В. Вахабов раҳбарлигига 14 та фан номзодлари тайёрланган. Республикаларни ва хориж матбуотида нашр этилган 170 дан ортик илмий монография, макола, дарслик ва ўкув қўлланмалари муаллифи. АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Хитой, Нидерландия, Бельгия, Дания, Люксембург, Австрия, Венгрия, Польша, Россия, Корея Республикаси, Сингапур ва Истроил давлатлари етакчи университетларида малака оширган.

Хажибакиев Шуҳрат Ҳужаёрович – 1997 йил Тошкент Давлат университети Иктисадиёт факультетини тугатган. Ўзбекистон Миллий университети “Жаҳон иктисадиёти ва халқаро иктисадий муносабатлар” кафедраси мудири вазифасини бажарувчи. Ш.Х. Хажибакиевнинг 15 та ўкув қўлланма ва илмий маколалари хориж ва Ўзбекистон матбуотида нашр этилган. Олим Москва Давлат университетида малака оширган. “Ўтиш иктисадиёти шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўйналишлари” мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.



Муминов Нозим Гаффарович – иктисад фанлари номзоди, доцент. 1991 йил Тошкент Давлат университетини тугаллаган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Ўкув марказида кафедра мудири лавозимида фаолият юритмоқда. Республика ва хорижда нашр этилган 40 дан ортик илмий макола ва ўкув қўлланмалари муаллифи. Ирландия, Туркия ва Словакия университетларида малака оширган. “Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иктисадиётда таркибий ўзгаришлар” мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

ISBN 978-9943-302-35-8

9 789943 302358